

О.М. ПАРДАЕВ, А.Я. АБДУЛЛАЕВ

**БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ
МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ
ВА РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИНИ
БАҲОЛАШ**

САМАРҚАНД

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

О.М. ПАРДАЕВ, А.Я. АБДУЛЛАЕВ

**БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

САМАРҚАНД 2023

УЎК: 336.71

П 21

КБК: 65.262.1

О.М. Пардаев, А.Я. Абдуллаев.

Банк фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиш истиқболларини баҳолаш. [Матн]: дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ. Наширети, 2023 – 344 бет.

Дарсликда Ўзбекистонда молиявий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва эволюциясига бағишланган масалалар кўриб чиқилади. У Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари талабларига мос келади.

Дарслик банк фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиш истиқболларини баҳолаш билан шуғулланадиган олий таълим муассасаларининг магистратура талабалари, доктарантлар, илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчилар, банк соҳаси мутахассислари учун мўлжалланган.

Такризчилар:

О. Муртазоев – ТДИУ, Самарқанд филиали директори, и.ф.д., профессор.

Бектемиров А., СамИСИ, «Инвестициялар ва инновациялар» кафедраси мудири, и.ф.д., профессор.

СамИСИ илмий кенгашининг 2023 йил 19 – июндаги (11 - сонли мажлис баёни) мажлисида кўриб чиқилди ва нашр этишига тавсия этилди.

ISBN: 978-9910-752-10-0

© Пардаев О.М., А.Я. Абдуллаев. СамИСИ, 2023.

©»STAP-SEL» МЧЖ. Наширети, 2023.

МУҚАДДИМА

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан банк фаолияти молиявий барқарорлигининг мустаҳкам таъминланишига боғлиқ. Дунё мамлакатлари миллий иқтисодиётида юзага келаётган инқирозлар, пандемия шароитида глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви таъсирида мамлакат банк фаолияти молиявий барқарорлигининг заифлашуви, банк активлари ва пасивларидаги номутаносибликлар, миллий иқтисодиётнинг рецессия ҳолатига тушиш тенденцияси, банк инқирозининг салмоғи сезиларли даражада кузатилмоқда. Бу каби тенденциялар Греция, Ирландия, Португалия, Испания, Кипр, Украина¹ каби мамлакатлар банк тизимида юзага келмоқда. Бу ҳолат мамлакатда банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, молия бозорида рақобатбардошликни кучайтириш, активларни узоқ муддатли барқарор инвестиция манбалари билан молиялаштириш, муддатли барқарор ресурслар базасини мустаҳкамлаш, банк фаолиятида юзага келадиган шок ҳолатларни барвақт баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Бугунги кунда банкларнинг молиявий барқарорлигини уларнинг рентабеллиги, капитал етарлилиги, ликвидлилик меъёри ва кредитлар бўйича шакллантирилаётган заҳиралар орқали таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бугунги куннинг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида «банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш, кредит портфели ва рискларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ошишига амал қилиши, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш» каби вазифалар белгилаб

¹ [https://ru.com.wikipedia.org/wiki/Европейский долговой кризис](https://ru.com.wikipedia.org/wiki/Европейский_долговой_кризис)

берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда жадал иқтисодий ислохотлар шароитида банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да «банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни стресс тест усули ёрдамида баҳолаш»² вазифалари фармоннинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб берилди. Бу вазифаларни бажаришда банк активларининг даромадлилигини ошириш, банкларнинг қийматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларини ривожлантириш, банклар фаолиятида рискларни баҳолаш ва уларнинг олдини олиш, муддати ўтган ва ҳисобдан чиқарилган кредитлар салмоғини камайтириш банк тизимини ривожлантириш борасидаги амалга оширилиши каби масалалар лозим бўлган тадбирлар кўзга ташланмоқда.

Аmmo ушбу мавзунинг долзарблиги бугунги кунда ҳам ўзининг ечимини топганича йўқ. Демак, банк фаолиятининг молиявий барқарорлиги - бу шунчаки, мавхум тушунча эмас. Унинг тўғри талқин этилиши ва прогноз қилинишига банкнинг келгусида ривожланиш истиқболини рағбатлантириш, ходимларнинг иш ҳақи учун сарфланадиган захира маблағлари манбаини шакллантириш ўзаро боғлиқ.

Молиявий барқарорликни режалаштириш ва таъминлашдан нафақат банклар, балки банк иштирокчилари, биринчи навбатда, банк акциядорлари, омонатчилар, мижозлар, ҳатто, давлат ҳам манфаатдор эканлигини назарда тутиш лозим. Улар учун банк фаолиятининг молиявий барқарорлиги ўзининг иқтисодий манфаатларига хизмат қилиши ҳамда банк фаровонлигини таъминлашнинг бирламчи гаровидир.

Молиявий барқарорликни таъминлаш банклар учун иқтисодий тикланиш, турғунлик ёки иқтисодий инқироз босқичларида ҳам

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони. – www.lex.uz.

муҳим аҳамиятга эга. Ривожланишнинг ҳар бир босқичида банклар олдида турли вазифалар, топшириқлар туради. Уларнинг ҳар бири алоҳида долзарбликка эга бўлса-да, аммо молиявий барқарорликни таъминлаш муаммосини ҳал қилиш кўп жиҳатдан уларнинг бозордаги иштиқболли фаолиятини белгилаб беради.

Банклар фаолиятида молиявий барқарорлик билан боғлиқ айрим кўрсаткичлар банк регуляторларининг талабига кўра бажарилиши мажбурий ёки улар банклар томонидан риоя қилиниши тавсия этиладиган иқтисодий меъёрлар сифатида тан олинishi бежиз эмас.

Шубҳасиз, молиявий-иқтисодий инқироз шароитида банк сектори ва алоҳида институтларнинг барқарорлигини таъминлаш муаммоси янада кескинлашади. Инқирозли ҳодисаларнинг кучайиши ЯИМ ўсишининг пасайишига, ишлаб чиқаришнинг сусайишига, аҳолининг пул даромадлари ва инвестициялар ўсиш суръатининг пасайишига олиб келади. Глобал иқтисодий инқироз жараёнлари бошланганидан буён Ўзбекистонда фойда ҳажмининг пасайиши ва молиявий-иқтисодий йўқотишларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Биргина 2021 йилнинг ўзида зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг улуши уларнинг умумий сонидаги улушига қараганда бир неча баробарга ошди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг товарларига бўлган эҳтиёжнинг пасайиши, ички ва ташқи бозордаги буюртмалар билан боғлиқ вазиятнинг ёмонлашуви, ишлаб чиқариш қувватларининг ортиқча юкланиши, инқирознинг кучайиши даврида инвестицион фаолликнинг пасайиши муқаррар равишда ташкилотларнинг молиявий аҳволининг ёмонлашуви, тўлов тизимидаги узилишларнинг кўпайишига, хусусий капиталга нисбатан қарз юкининг ошишига олиб келди. Ҳатто, тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотларининг фойдасининг камайишига сезиларли даражада таъсир этди.

2021 йилдаги глобал пандемия шароитида банк активларининг рентабеллиги ва хусусий капитал рентабеллиги аввалги йилларга нисбатан сезиларли даражада пасайди. Статистик маълумотларга

кўра, ўсиб бораётган инқироз даврида рискларнинг кўпайиши, жамғарма бозорида кўрилиши мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишлар учун шаклантирилган захираларнинг кўпайиши, фаолият кўрсатмайдиган активларнинг ўсиши молиявий барқарорликни таъминлашга жиддий салбий таъсир кўрсатди, бунда муаммоли тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари сонининг ортиш ҳолатлари юзага келди. Бундай шароитда банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг ишончилигига юқори даражада талаблар қўйилди. Афсуски, маълумотларга кўра, тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги баҳоланадиган кўрсаткичлар тизими ҳалигача тўлиқ ва мукамал эмас, улар нафақат банкларнинг молиявий барқарорлиги, балки уларнинг молиявий ҳолати тўғрисида асосланган хулосалар чиқаришга имкон бермайди. Бу ўринда хорижий мамлакатларнинг замонавий тажрибаларидан бу ўринда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Дарсликнинг мақсади банк фаолиятининг молиявий барқарорлиги бўйича мавжуд асосий тушунчаларни умумлаштириш асосида баҳолаш ва прогнозлашнинг асосий йўналишини белгилаш ҳамда мавжуд бўшлиқларни тўлдиришдан иборат.

Шу нарса аёнки, банклар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ҳали ҳам назарий ҳам услубий жиҳатдан тўлиғича ўрганилмаган. Ушбу мавзу бўйича бир қатор манбалар мавжуд бўлишига қарамай, унинг барча жиҳатлари ҳали тўлиқ ёритиб берилмаган, мавжуд изланишлар ҳам муаммонинг амалий томонларини тавсифлашга, банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишнинг усулларига ёндошилган назарий жиҳатлар эътиборимиздан четда қолмоқда. Иқтисодий адабиётларда тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш билан боғлиқ халқаро ва маҳаллий моделлар тўлиғича мукамал таҳлил қилинмаган.

Бу каби муаммолар мавжуд экан муаллифларнинг олдида мушкул вазифалар туради, бунда биринчи навбатда, банк фаолияти молиявий барқарорлигининг мазмунини мукамал очиб бериш,

баҳолаш ва башорат қилишга доир услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Кейинги босқичлардаги барча топшириқлар мазкур масаланинг қай даражада ҳал қилинишига бевосита боғлиқ. Гарчи таҳлил мавзусининг илмийлиги муҳим аҳамият касб этса-да, ушбу ҳолатда, масала муаммонинг луғавий эмаслигини таъкидлаш лозим. Биз эса, банк фаолияти молиявий барқарорлигининг мазмуни борасида дуч келадиган қарама-қарши фикрларни фарқлай олишимиз, унинг асосий хусусиятлари, унга таъсир қилувчи омилларни белгилаб олишимиз айниқса муҳимдир.

Маълумки, банклар ташқи муҳитда фаолият кўрсатади, турли хил хўжалик юритувчи субъектлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Улар банклар фаолиятига барқарор таъсир кўрсатади ва шу сабабли ҳам банк фаолиятининг молиявий ҳолатини бевосита ёки билвосита ўзгартириши мумкин бўлган соҳаларни ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қилади. Келгусида пул-кредит институтларининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни билиш банкнинг таҳлилий хизматларига, аниқ кўрсаткичларни ва ҳатто, уларнинг мезонларини аниқлашга имкон беради. Бу ҳолат тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотларининг молия соҳасида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни янада ишончли баҳолашга имкон беради.

Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, банк фаолияти молиявий барқарорлигининг банк тизимига ўзаро таъсири жуда муҳим. Ушбу соҳаларнинг ўзаро яқин боғлиқлигига қарамай, таҳлил қилиш улар ўртасидаги фарқларни очиб беришда асос сифатида хизмат қилади.

Мазкур дарсликни ёзишда муаллифлар илмий - услубий ёндашувларга ўзларининг алоҳида эътиборини қаратган. Амалга оширилган таҳлиллари ва тадқиқотлари натижасида улар биринчи навбатда банкфаолиятининг молиявий барқарорлигини баҳолашни шакллантириш тасодифий кўрсаткичлар ва талаблар тўплами орқали эмас, балки бир қатор зарурий унсурларни ўз ичига олган тизим нуқтаи - назардан келиб чиққан ҳолда иш олиб борганлар. Китобда банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини шакллантиришнинг моделлари, молиявий барқарорликни баҳолашда барқарорлик ва

мувозанат талабларини амалга ошириш усуллари, баҳолаш босқичлари, баҳолашда маълумотларнинг ишончилиги ўзаро бири бири билан боғлиқлиги ифодалаб берилган.

Дарсликда банк фаолияти молиявий барқарорлигининг хорижий ва маҳаллий моделлари, CAMELS рейтинг тизими, таваккалчиликка йўналтирилган RATE модели, банк амалиётида қўлланиладиган молиявий барқарорликнинг статистик моделлари ўз аксини топган. Таҳлилнинг яхлитлигига эришишда Марказий банк томонидан банк фаолиятининг молиявий ҳисоботларини баҳолашга доир ёндашувларни аниқлаш, уларнинг замонавий моделларини шакллантириш босқичлари, қўлланиладиган таҳлилий ва услубий воситаларни аниқлаш каби вазифалар ўта муҳим аҳамият касб этади.

Дарсликнинг асосий қисми банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва прогнозлаш соҳаларига бағишланади. Ўқувчи бу ерда банк фаолиятининг мазмунини ташкил этувчи ва унинг молиявий барқарорлигини белгилайдиган энг муҳим йўналишларни баҳолаш ва таҳлил қилиш масалалари билан танишиш имконига эга бўлади. Махсус боблар эса банк капитали, активлар, фойдалилик, рентабеллик, банк маҳсулотларининг рентабеллиги, банкнинг мижозлар билан муносабатлари ва банк фаолиятининг ликвидлилик даражасини баҳолашга бағишланади.

Дарслик ўзига хос монографик тадқиқот ҳисобланади, ундан магистратура учун дарслик сифатида фойдаланиш мумкин. Китоб нафақат талабалар учун, балки банклар фаолиятини баҳолаш ва банк рискларини тартибга солиш билан шуғулланадиган амалиётчилар учун ҳам жуда фойдали бўлади.

Дарслик Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Банк иши» кафедрасининг етакчи профессорлари томонидан ёзилган бўлиб, улар банк иши бўйича ўзларининг кўп сонли нашрлари (дарсликлари ва монографиялари) билан танилган.

I БОБ. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Банкнинг молиявий барқарорлиги ва унинг типлари

«Банкнинг молиявий барқарорлиги» фавқулодда кенг тарқалган, амалиётда кўп ишлатиладиган атамалардан бири ҳисобланади. Мазкур атамадан барча кредит ташкилотлари ўз фаолиятининг натижадорлигини билиш учун мунтазам равишда фойдаланиб келишади. Ушбу ҳолатда қўлланилувчи ўзига хос жиҳатлар тўплами кенглиги боис, банк соҳаси мутахассисларининг ўзлари ҳам баъзан, мазкур атаманинг ҳозирги талқини қанчалик тўғрилиги борасида шубҳага борадилар. Буни ўз навбатида мазкур атаманинг амалда бўлишини белгилаб берувчи ва у билан боғлиқ бўлган омил ёки кўрсаткичлар билан боғлайдилар. Айни пайтда таҳлил мавзуси нуқтаи назаридан бу турлича масалалар эканлигини таъкидлашимиз лозим. Ҳодисанинг сабабини очиб бериш, ҳодисани баҳолашга имкон берадиган кўрсаткичларни аниқлаш бир томонлама бўлса, унинг моҳиятини ифодалаш мутлақо бошқа томондир. Шубҳасиз, биргина ҳодисанинг моҳиятини аниқлаш орқалигина, кўрсаткичлар тўпламини ва молиявий натижани белгилаб берувчи омилларни аниқлашимиз мумкин.

Молиявий барқарорликнинг моҳиятини таҳлил қилиш бирламчи ва шу аснода мураккаб вазифа ҳисобланади. Қуйида биз айнан шу масалани таҳлил қилишга киришамиз ва ишни энг аввало, унинг луғавий жиҳатидан бошлаймиз.

Дастлаб, таҳлил предмети ўзида учта унсурни қамраб олганлигига эътиборни қаратамиз. Ушбу ҳолатда барқарорлик дастлабки унсур ҳисобланади. Бироқ, бу ўринда биргина барқарорликнинг ўзи етарли эмас, шу боис таҳлил доирасига иккинчи унсур - молиявий барқарорлик тушунчасини киритамиз. Мазкур тушунчанинг учинчи унсури банк ҳисобланади, зеро усиз таҳлил ўзининг аниқлигини йўқотади ва мавҳум бўлиб қолади. Шу боис, таҳлил предметининг моҳиятини тўлақонли очиб бериш учун,

юқорида тилга олиб ўтилган унсурларни ўзаро яхлитликда қараб чиқиш талаб қилинади³.

Шу тариқа, энциклопедик нашр ва маълумотномаларда барқарорлик тушунчаси қай тарзда талқин қилинишини кўриб чиқамиз. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида «барқарорлик ва ўзгарувчанлик - диалектик фалсафанинг жуфт тушунчалари. Барқарорлик нарса ва ҳодисаларга хос муайянликни ифодаласа, ўзгарувчанлик уларнинг маълум бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиш жараёни...» сифатида талқин қилинади⁴. О.Саттаров банк тизимининг барқарорлигига «Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаган ҳолда ривожланишгаинтилишдир»⁵ мазмунда таъриф берган.

Аксарият ҳолатларда барқарорлик муқимлик тушунчаси билан бир хил талқин қилинади. Жумладан, В.Н. Жавалов «барқарорлик» кўпгина ҳолатларда «муқимлик, мувозанат» маъносида келишини таъкидлайди. Барқарорлик ва муқимлик тушунчаларининг бир ўринда қўлланилишини бир қатор ғарб олимлари ва мутахассисларининг тадқиқотларида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, француз манбаларида барқарорлик - бу «муайян ҳодиса ёки жараённинг доимий тарзда бир хил ҳолатда такрорланиши» сифатида талқин қилинса⁶, инглиз олимлари томонидан мазкур тушунча «объектнинг муайян бир ўзгаришлардан сўнг ўзининг аввалги ҳолатига қайта олиши, мувозанатини йўқотмаслиги», немис манбаларида эса «объектнинг ўзгармас ҳолати» сифатида таърифланади⁷. Мазкур тушунчани мазмунан кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Юқорида тилга олиб ўтилган тушунчалар ўзаро

³ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016.

⁴ <http://www.ziyouz.com/> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.

⁵ Саттаров О. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтис. фанлари доктори илмий дараж. олиш учун тайёрл. дисс. автор. – Т., 2018.-42 б.

⁶ Meyers Grosses Universal Lexicon, 1981. Т. 13.

⁷ Важные вопросы финансовой устойчивости коммерческих банков рассматриваются в работах: Герасимова Е.Б. Феноменология анализа финансовой устойчивости кредитной организации. М. : Финансы и статистика, 2006; Иванов В.В. Анализ надежности банка, автореф. дис. на соискание ученой степени д-ра экон. наук. М.. Русская деловая литература, 1996; Ларионова И.В. Стабильность банковской системы в условиях переходной экономики. М., 2001; Панов Д.В. Финансовая стабильность банков в условиях глобализации. М. : Бухгалтерский учет, 2008; Тиханин В.Б. Мониторинг финансовой устойчивости коммерческого банка. Казань, 2002; Фетисов Г.Г. Устойчивость банковской системы и методология ее оценки. М.: Экономика, 2003 и др

якин бўлса-да, улар мазмунан бир-биридан фарқ қилади. Муқимлик амалда статик ҳолатга кўпроқ мос тушгани ҳолда, «барқарорлик» тушунчаси эса кўпроқ ҳаракат, ривожланишни акс эттиради. Биз ушбу ҳолатда, рус тадқиқотчиси Г.Г. Фетисовнинг фикрига қўшилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Унинг фикрича, муқимлик - у ёки бу жараён (ҳодиса)нинг доимий ҳолатини ифода этгани ҳолда, барқарорлик эса -ҳодиса ва жараёнларда ижобий ўзгаришларнинг юз бериши ва уларнинг тараққиёт томон ҳаракатланишини акс эттиради.

Барқарорлик - бу динамик ҳолат, у муқимлик тушунчасига қараганда кенгроқ тушунча саналади; муқимлик ва барқарорлик доимий равишда сабаб ва оқибат муносабатлари таъсири остида бўлади: барқарорлик оқибат, муқимлик эса уни келтириб чиқарувчи сабаб ҳисобланади; барқарорликка муқимлик асосида эришилади.

Фаолиятнинг турли жиҳатлари ифодаланар экан, «барқарорлик» ва «муқимлик» тушунчаларининг ҳар хил турли кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланиши бежиз эмас (ушбу кўрсаткичлар тўғрисида кейинроқ тўхталиб ўтамиз). Бироқ, бу тушунчалар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, «барқарорлик» объект (ҳодиса, жараён)нинг кенгайиш томон ҳаракатланиши (ривожланиши)ни акс эттирса, «муқимлик» эса доимийлик, мувозанатни сақлаш, аввалги ҳолатига қайтишни ифодалайди. Ушбу жиҳатлар амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этади. Банк фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида банк олдида нафақат аввалги эришилган даража (барқарорлик)ни сақлаб қолиш, балки ўз фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш (барқарор ривожланишни таъминлаш) борасида янада мураккаб вазифалар пайдо бўлади.

Муқимлик ва барқарорлик ўзаро рақобатдош тушунчалар саналмайди, улар ҳодисанинг фақат турли томонларини ифодалайди, унинг муҳим хусусиятлари сифатида намоён бўлади. Бунда муқимлик ва барқарорлик ўзаро рақобатдош тушунчалар саналмайди, аксинча улар ҳодисанинг фақат турли томонларини ифодалайди, унинг муҳимхусусиятлари сифатида намоён бўлади.

Ушбу ҳолатда, муқимлик каби барқарорлик ҳам жараённинг кечишини тавсифлашга хизмат қилсада, улар жараённинг ички хусусиятларини акс эттирмайди.

Барқарорлик тушунчасини таҳлил қилиш асносида, мазкур тушунча борасида баъзи бир дастлабки хулосаларни илгари суриш мумкин. Барқарорлик жараёни статик ҳолатда эмас, балки динамик ҳолатда тавсифлаш имконини беради. Барқарорлик нуқтаи назаридан ривожланиш ҳар доим ижобий ҳаракатдир, у тезлашиши ёки секинлашиши мумкин, лекин у ҳар доим яхшиланишни, тараққиётни ифодалайди. Барқарорлик - бу тараққиётнинг мураккаб тавсифи сифатида унинг тезлиги, тузилиши, вақт мобайнидаги ўзгариши, таркибий унсурларининг ўзаро алоқалари ва шу билан бир қаторда, тузилманинг ташқи муҳит билан таъсирини акс эттиради; Барқарорлик - бу ҳаракат, фаолият жараёнининг сифатидир. Айни чоғда, барқарорлик объект (масалан, банк)нинг сифатини эмас, балки унинг қандай фаолият кўрсатишининг инъикосидир; Барқарорлик фаолиятнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини тавсифлайди. Юқорида келтириб ўтилган хулосаларнинг барчаси, гарчи муҳим бўлса-да, барқарорликни банк фаолияти билан боғламас эканмиз, бизнинг банк фаолиятининг барқарорлиги борасидаги қарашларимиз мавҳумлигиича қолиб кетаверади. Шунини таъкидлашлозимки, кўриб чиқиладиган тушунча учта унсурдан иборат бўлиб, бу барқарорлик тушунчаси мазмунини кредит ташкилоти фаолияти билан боғлиқ ҳолда очиб беришга имкон беради.

Кредит ташкилотининг барқарорлиги. Маълумки, банк фаолияти айрибошлаш соҳасида амалга оширилади, бунда банк товарлар билан эмас, балки пуллар билан «савдо қилади», у тўпланган маблағларни хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига мувофиқ қайта тақсимлашни амалга оширади. Шу боис, банк барқарорлигини ишлаб чиқариш ва айирбошлаш соҳасида эмас, балки пул айланмаси, ишлаб чиқариш ва банк маҳсулотларини яратиш, банк хизматларини кўрсатиш соҳасида баҳолашимиз

мумкин.

Банк фаолиятининг барқарорлиги тўлов воситаларини муоамалага чиқариш (шу жумладан макро даражада - нақд пулни муоамалага чиқариш), хўжалик юритувчи субъектларнинг вақтинча бўш ресурсларини тўплаш, тўпланган ресурсларни нақд ва нақд пулсиз шаклда қайта тақсимлаш жараёнида намоён бўлади. Банк фаолиятининг барқарорлиги - бу пул соҳаси, пул муомаласи ва кредит, пул шаклида кўрсатиладиган бошқа турдаги банк хизматлари ривожланишининг барқарорлигидир.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаси, албатта, банк фаолиятининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади, лекин бунда фаолиятнинг ўзи эмас, балки унга таъсир қилувчи омиллар муҳим ўрин тутди. Агар ушбу омиллар жамият эҳтиёжларини қондирса, демак банк фаолиятида барқарорликка эришилган ҳисобланади.

Шуни унутмаслик керакки, банк тўлов айланмасини тартибга солувчи ижтимоий муассаса ҳисобланади; унинг фаолияти - бу шунчаки, банкнинг ўзига хос маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона сифатидаги фаолиятидан иборат эмас. Банкнинг барқарор фаолият кўрсатишидан нафақат жисмоний ва юридик шахслар, шу билан бир қаторда, бошқа банклар ва давлат ҳам манфаатдор. Банк фаолияти оммавий тавсифга эгаллиги билан ажралиб туради, унинг барқарорлиги жамият эҳтиёжларини барқарор қондиришга қай даражада мос келиши билан белгиланади. Фақат ўзлари учун, ўз фаолиятини кенгайтириш учун фаолият олиб борувчи банклар хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига жавоб бермайди ва пировардида ривожланишга бўлган лаёқатини йўқота бориб, беқарор иқтисодий тузилма сифатида яшовчанлик лаёқатидан бутунлай маҳрум бўлади.

Маълумки, банклар томонидан тўпланган ресурсларнинг асосий қисми уларнинг мулки ҳисобланмайди. Банк мижозларининг банк ҳисобварақларидаги маблағлар банкларга тегишли эмас, банклар ушбу маблағларни нафақат сақлашга, балки уни хўжалик юритувчи субъектларга қайтаришга ҳам мажбурдирлар. Ички ва ташқи муҳит билан боғлиқ рисклар шароитида банк фаолиятининг барқарор

ривожланишини таъминлаш мажбурияти янгича мазмун-моҳият касб этади. Буларнинг барчаси банкнинг ижтимоий институт сифатида барқарор ривожланиши - бу жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, банк фаолиятини ҳам миқдор ва ҳам сифат жиҳатдан такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бирга кечувчи банк фаолиятининг ривожланишидир, деган хулосага келиш имконини беради⁸.

Банк барқарорлиги типлари. Банк барқарорлигига бир нечта мезонлар бўйича баҳо берса бўлади. Уларнинг мазмунига кўра барқарорлик типларини ажратиш мумкин. Барқарорлик биринчи навбатда фаолиятнинг табиати билан ажралиб туради. Бундан келиб чиққан ҳолда, барқарорликнинг иқтисодий, сиёсий, ахлоқий типлари фарқланади.

Банкнинг иқтисодий барқарорлиги. Барқарорликнинг ушбу типи банкнинг иқтисодий институт сифатидаги табиатидан келиб чиқади. Хўжалик муомаласи асосида вужудга келгани ҳолда, банк бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан пул операцияларига ихтисослашганлиги, ишлаб чиқариш, ижтимоий товарлар муомаласи ва истеъмолига хизмат қилувчи махсус муассаса эканлиги билан алоҳида ажралиб турди. Банк фаолиятида ҳам нақд пул ҳамда векселлар, чеклар, облигациялар, сертификатлар ва бошқа ҳисоб- китоб ҳужжатлари кўринишидаги тўлов воситаларидан фойдаланилади. Банклар иқтисодий битимлар, ижтимоий меҳнат натижаларини ўзаро айрибошлашга хизмат кўрсатади. Пул маблағларидан фойдаланиш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш орқали, банклар бир пайтнинг ўзида жамиятда иқтисодий мувозанатни таъминлашга ва шу орқали ўз иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Иқтисодий муносабатларнинг натижаси ўлароқ, банклар иқтисодий воситалар ёрдамида иқтисодий муносабатларга хизмат қиладилар, шу боис уларнинг барқарорлиги табиий равишда иқтисодий тавсифга эга саналади.

⁸ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016.

Банкнинг сиёсий барқарорлиги. Иқтисодий институт ўлароқ, банк жамиятда шаклланувчи сиёсий алоқа ва жараёнларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Банклар ўзларининг операцион фаолиятига аралашидан қонун билан ҳимояланган ҳолда, ривожланишнинг муайян босқичларида жамият томонидан белгилаб берилувчи сиёсий кўрсатмаларга қатъий амал қилишади. Сиёсий барқарорлик иқтисодий барқарорлик билан бир ўринда банк фаолиятига тўғридан- тўғри таъсир кўрсатувчи ҳодисага айланиб бормокда. Банклар фаолият юритишнинг иқтисодий қонун-қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, ўз иқтисодий манфаатларига зид бўлган сиёсий босимга йўл қўя олмайдилар. Иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асосланмаган сиёсий буюртмани молиялаштириш орқали банклар иқтисодий институт сифатида фаолият юритиш асосини йўқотиши мумкин.

Банкнинг ахлоқий барқарорлиги. Банкнинг хўжалик юритувчи субъект сифатидаги фаолияти айти пайтда ўзининг ахлоқий жиҳатларига эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Унинг ахлоқий барқарорлиги банк кадриятлари ва уларга эришиш воситалари жамият амал қиладиган ахлоқий асослар, меъёр ва тамойилларга қай даражада мос келиши билан белгиланади. Банкнинг маънавий барқарорлиги қонун бузилишларига қарши курашиш, валюта фирибгарлигини истисно қилиш, экологик хавфли тармоқларни тарғиб қилишдан бош тортиш, ҳисоботнинг шаффофлиги, очиқлиги тамойилларига риоя қилишни талаб қилади. Жамиятнинг ахлоқий асосларини бузганлиги сабабли банк имиджига путур етказиш охири-оқибат кредит ташкилотининг иқтисодий барқарорлигига тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин.

Банк барқарорлигини унинг фаолият йўналишлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳам кўриб чиқиш мумкин.

Банк фаолияти йўналишларининг барқарорлиги. Банк фаолияти ўзига хос фаолият тури сифатида фавқулодда ранг-баранглиги билан ажралиб туриши барчага маълум. У нафақат банк фаолиятининг моҳиятини ташкил этувчи операцияларни (кредит, депозит, ҳисоб-китоб), балки қонунда назарда тутилган бошқа операциялар ва битимларни ҳам қамраб олади. Банк фаолияти амалиётида кўпинча

кредит портфелининг барқарорлиги, ресурс-ларнинг барқарорлиги, миждлар базасининг барқарорлиги ва бошқалар ҳақида сўз юритилиши бежиз эмас. Мавжуд ва вужудга келиши мумкин бўлган рискларни етарлича ҳисобга олмаслик шароитида, фаолиятнинг ҳар бир йўналиши айнан мазкур фаолият йўналиши бўйича эмас, балки кредит муассасининг бутун бир фаолиятида номуносибликларга олиб келиши ва иқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли банклардан нафақат умумий барқарорлик ҳолатини, балки ўз фаолиятининг алоҳида жиҳатларини ҳам кузатиб боришлари талаб қилинади.

Банкларнинг операцион барқарорлиги. Фаолият йўналишларининг барқарорлигидан ташқари, бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, муайян бир битим ва операцияларни амалга ошириш жараёнида юзага келувчи операцион барқарорлик ҳам фарқланади. Барқарор ривожланишга даъвогар банклар муқаррар равишда ўз фаолиятини кенгайтириш, банк технологияларини такомиллаштириш, банк маҳсулотлари ва хизматлари сифатини яхшилашни таъминлашлари лозим. Миждларнинг эҳтиёжларига ўз вақтида эътибор қаратмаслик ёки етарлича жавоб бермаслик кредитташкilotининг рақобатбардошлигини пасайтиради, активлар ва пассивларнинг ўсишини чеклаб қўяди. Актив ва пассив операцияларҳажми ва сифатини ошириш банкларнинг операцион барқарорлигини ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир.

Бироқ, муайян операцияларни амалга оширишда устуворликлар улар орасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келмаслиги муҳимдир. Масалан, кредит операцияларини ривожлантириш нуқтаи назаридан, бу ўзнавбатида банк нафақат кредитлаш учун маблағ тўплаш ва уларни қайта тақсимлаш бўйича операциялар ҳажми ўртасида мувозанатни шакллантириши, шун билан бир қаторда, уларнинг қайтариш шартларга ҳам мувофиқлигини таъминлаши лозимлигини билдиради. Банк фаолияти барқарорлиги ҳақида сўз юритар эканмиз, вақт бўйича банк барқарорлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Банкнинг вақт бўйича барқарорлиги. Барқарорлик ҳар доим узоқ муддатли тавсифга эгалиги билан ажралиб туради, шу боис вақт бўйича барқарорликни таснифлар эканмиз, бунда энг аввало, банкнинг *узоқ муддатли барқарорлигини* ажратиб кўрсатишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Муайян бир вақт оралиқларида барқарорлик пасайиши мумкин бўлсада, аммо барқарорлик борасидаги умумий вазият сақланиб қолади.

Қисқа муддатли барқарорлик - бу узоқ вақт мобайнида амал қилмайдиган, нореал, ўткинчи, тасаввурдаги барқарорлик ҳисобланади. Аксарият ҳолатларда қисқа муддатли, ўткинчи муваффақиятларнинг банклар томонидан жиддий қабул қилиниши, уларнинг «ширин ёлғон» қурбони бўлишларига олиб келади. Барқарорликни баҳолашда субъективизмга берилиш аслида банк фаолияти самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилувчи номутаносибликларни кечикиб бартараф этишга олиб келади.

Банк фаолиятида ходимлар муҳим аҳамият касб этшини ҳисобга олган ҳолда, кадрлар барқарорлиги ҳам фарқланади.

Банкнинг кадрлар барқарорлиги. Кўпинча банк ходимларининг таркиби бўйича банк фаолиятининг барқарор ривожланиши бўйича хулоса яшаш мумкин. Маълумки, яхши, барқарор банк - бу яхши кадрларга эга бўлган банкдир. Ушбу ўринда кўп нарса юқори менежмент, шу билан бир қаторда, замонавий билим ва зарур касбий маҳоратга эга бўлган мутахассислар жамоасига боғлиқдир. Одатда, барқарор банкда юқори малака ва тажрибага эга бўлган кадрлар фаолият кўрсатадилар. Аксинча, беқарор ривожланишни намойиш этувчи банк юқори малакали мутахассисларша катта эҳтиёж сезади; уларда кадрлар қўнимсизлиги юқорилиги билан ажралиб туради, фаолият кўрсаткичларининг тобора ёмонлашиб бориши шароитида малакали ходимлар одатда бундай банкдан «қочишади». Барқарор ривожланаётган банкда кадрлар малакасини оширишга катта эътибор қаратилади, аксинча, беқарор банкда касбий тайёргарлик ва ходимлармалакасини ошириш харажатлари паст бўлгани ҳолда, бу ўз навбатида, кадрлар салоҳиятини янада пасайишига, янги

истикболли ходимлар оқимининг қисқаришига олиб келади.

Банк фаолияти самарадорлигини таъминлашда ташкилий барқарорлик муҳим аҳамият касб этади.

Банкнинг ташкилий барқарорлиги. Барқарор ривожланиш нуқтаи назаридан банк бўлинмаларини ташкил қилиш тузилмаси, бошқарув аппарати ривожланиш мақсадлари, стратегиялари ва вазифаларига тўла мос келиши лозим. Барқарорликнинг бошқа турлари сингари, ташкилий барқарорлик ҳам бошқарув аппаратида ижобий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, фаолиятни кенгайтириш ва янгилаш имконини берувчи прогрессив чоратadbирларни амалга оширишни талаб қилади. Бошқарув аппарати тузилмаси муайян ват оралиғида банк олдида юзага келувчи вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тезкор мослашувчан бўлиши лозим. Ўз навбатида, тузилмадаги тез-тез асоссиз ўзгаришлар бўлимлар ўртасида таркиб топган алоқаларнинг издан чиқишига ва ўз навбатида кредит муассасасининг барқарор ривожланишининг секинлашишига олиб келади.

Бозорнинг янги маҳсулот ва технологияларга бўлган эҳтиёжларига етарлича жавоб бермаслик, шунга мос равишда янги маъмурий тузилмаларни шакллантиришга эътибор қаратмаслик, тузилмани янгилашда сусткашликка йўл қўйиш банк барқарорлигини таъминлашда салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Тижорат банкининг барқарорлик типларини иқтисодий барқарорлик, сиёсий барқарорлик, ахлоқий барқарорлик, молиявий барқарорлик, операцион барқарорлик, вақт бўйича барқарорлик кадрлар барқарорлиги, ташкилий барқарорлик, фаолият йўналишлари бўйича барқарорлик ташкил этади. Бу типларидан ташқари, иқтисодий адабиётларда мувозанатлашган барқарорлик ва беқарор мувозанат тавсифига эга бўлган барқарорлик, доимий ва ўзгарувчан, тез ривожланаётган, бир текисда ривожланаётган ва нотекис ривожланаётган барқарорлик, доимий ва тез-тез ўзгарувчан барқарорлик каби барқарорлик типлари ҳақида ҳам сўз юритилса-да,

барқарорликнинг бундай типларга ажратилиши кўпинча мунозарали ҳисобланади, бу эса ўз навбатида таҳлил соҳасини чуқуралаштиришни талаб қилади.

Шубҳасиз, тижорат банкининг молиявий барқарорлиги барқарорликнинг алоҳида типи ҳисобланади ва айнан шу сабабли, кейинги ўринларда биз молиявий барқарорлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1.2. Молиявий барқарорлик ва унинг асосий белгилари

Таъкидлаб ўтилганидек, «банкнинг молиявий барқарорлиги» тушунчаси учта унсурдан ташкил топади. Улардан иккитасини биз юқорида кўриб чиқдик. Биз учун нафақат барқарорликнинг моҳиятини аниқлаш, балки уни тадқиқот объекти — банк билан боғлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Эндиликда кўриб чиқиладиган тушунчанинг молиявий жиҳатларини атрофлича кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Молиявий барқарорликка хос бўлган жиҳатлар ва уни баҳолаш мумкин бўлган асосий кўрсаткичлар билан тўғри алоқадорликни белгилай олмаслик, молиявий барқарорликни талқин қилишдаги одатий хатолардан бири ҳисобланади. Кўпинча бундай кўрсаткичлар сирасига активлар сифати, капиталнинг етарлилиги ва фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини киритишади. Кўпинча молиявий барқарорлик ҳалокатли тебранишларга дош бериш, тегишли сифатдаги бир қатор банк хизматларини бажариш қобилияти сифатида тушунилади (масалан, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жамғариш, уларни тўловлилик, муддатлилик ва қайтариб беришлик шартлари бўйича қайта тақсимлаш, банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш).

Баъзан «молиявий барқарорлик» тушунчаси корхонанинг ўзгарувчан ички ва ташқи муҳитида ўз фаолиятини тўлиқ молиялаштира олиш лаёқатини ифода этувчи «ликвидлилик» тушунчаси билан бир ўринда кўрилади⁹.

⁹ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС,

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда давлатнинг функциялари ва вазифаларини бажариш мақсадида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий (молиявий) муносабатларга молия дейилади.

Молиявий муносабатларнинг фарқли белгиси ЯИМни қайта тақсимлаш жараёни олдиндан маълум мақсадларга мўлжалланган турли пул маблағлари жамғармаларини яратишдан иборатдир. Давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари даражасида тузиладиган пул маблағлари жамғармалари марказлаштирилган жамғармалар, хўжалик юритувчи субъектлар даражасида шакллантирилган пул жамғармалари марказлаштирилмаган пул жамғармалари дейилади.

Хўжалик субъектларининг турли фаолиятларидан олинган даромадлар ҳисобидан махсус пул маблағлари жамғармалари шакллантирилади. Уларни шакллантириш қатъий тартибга солиш тавсифига эгаки, бу нарса молиявий муносабатларнинг яна бир фарқланувчи тавсифли белгиларига эга эканлигини кўрсатади.

ЯИМни тақсимлашда аҳоли ҳам иштирок этиб, иш ҳақи, тадбиркорлик даромадлари, дивидендлар ва қайта тақсимлашнинг бошқа шакллари кўринишидаги ўз улушини олади. Бундан ташқари мажбурийлик тавсифига эга бўлган солиқлар ва бошқа тўловларни тўлаш орқали аҳоли марказлаштирилган пул маблағлари жамғармаини шакллантиришда иштирок этади. Аҳоли даромадлари ва харажатларини шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул муносабатларининг бу тизими ҳам молиявий муносабатларнинг алоҳида соҳасини ташкил этади. Шу тариқа, қуйидагилар молиянинг ўзига хос белгилари ҳисобланади: а) қийматнинг товар шаклидаги ҳаракатига боғлиқ бўлмасдан, аксинча, реал пулларнинг ҳаракатига боғлиқ бўлган, ҳуқуқий нормалар ёки бизнесни юритиш этикасига асосланган муносабатларнинг тақсимлаш тавсифига эгаллиги; б) пул маблағлари ҳаракатининг,

одатда, бир томонлама йўналишга эга эканлиги; в) марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларини шакллантириш.

Молия пул муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг ўрнива аҳамияти пул муносабатларининг иқтисодий муносабатлар тизимида қандай ўринтутишига боғлиқ. Бир вақтнинг ўзида молия пулдан ўзининг мазмуни ва бажарадиган функциялари бўйича фарқланади. Агар пул умумий эквивалент бўлиб, унинг ёрдамида яхлитлаб чиқарувчиларнинг меҳнат харажатлари ўлчанса, молия эса ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг иқтисодий дастаги, пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш куралидир. Пул даромадлари ва жамғармаларини шакллантириш йўли билан фақатгина давлат ва корхоналарнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш эмас, балки молиявий ресурсларнинг сарфланиши устидан назоратни ҳам амалга ошириш молиянинг нима учун мўлжалланганлигини белгилаб беради.

Умумий ҳолатда *тижорат ташкилотларининг молияси* - бу тижорат ташкилотларининг фаолиятини таъминлаш ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мақсадида молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тўпламидир.

Корхоналар молияси молиянинг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. Банкнинг корхона сифатида молиявий барқарорлиги бошқа хўжалик юритувчи ташкилотларининг молиявий жиҳатлари билан жуда кўп ўхшашликларга эга. Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда бўлгани каби, банкнинг молиявий барқарорлиги ҳам улар фаолиятининг сифат хусусиятларини, молиявий муносабатлар муҳитида ўз фаолиятини такрор ишлаб чиқаришни жамият эҳтиёжларига мувофиқ кенгайтириш қобилиятини ифодалайди. Бу ўз навбатида, ҳар бир банк ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлаш жараёнида ўзига тегишли бўлган молиявий ресурсларга эга

эканлигини кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида шаклланган барқарор ресурсларга эга бўлган банкни барқарор банк сифатида эътироф этиш кўп жиҳатдан ўринли ҳисобланади. Барқарор банкнинг молиявий ресурслари таркибига ўз капитали, ўз айланма маблағлари, фойда (такрор ишлаб чиқариш жараёнида даромад ва харажатлар натижаси), ҳар хил турдаги заҳиралар ва жамғармаларни киритишимиз мумкин.

Ўз молиявий фаолиятини ишлаб чиқариш ёки истеъмол соҳасида эмас, балки тақсимлаш соҳасида изчил амалга оширувчи банкни барқарор ҳисоблаш мумкин. Айнан ушбу соҳада барқарор ва беқарор молиявий фаолият амалга ошади, айнан шу соҳани таҳлил қилиш орқали (молия соҳасига таъллуқли молиявий муносабатларнинг бир қисми сифатида) муайян бир банкнинг барқарор ёки барқарор эмаслигини аниқлаштириш мумкин.

Албатта, бу ерда банк фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ва улар молиясининг хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши лозим. Маълумки, банклар асосан жалб қилинган капитали асосида фаолият кўрсатадилар. Тақсимлаш жараёнида таркиб топган ўз маблағлари унчалик ҳам катта улушни ташкил қилмайди.

Банклар ликвидлик марказлари эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Бу ўз навбатида, уларнинг ихтиёрида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, ўз мажбуриятларини қоплаш, шунингдек, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг талабини қондириш учун етарлича молиявий ресурслар бўлиши лозимлигини аниқлатади. Банк харажатларини амалга оширишнинг умумий манбалари таркибида жалб қилинган маблағлар бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қараганда анча катта улушни ташкил қилади.

Банк иқтисодий рисклилик даражаси етарлича катта бўлган корхона эканлигини ҳисобга олиш лозим. Банк ўз мижозларига хизмат кўрсатиш, турли хил пул операцияларини амалга ошириш асносида (биринчи навбатда кредитлаш ва ҳисоб-китобларни амалга

ошириш жараёнида) уларнинг рискларини ўз зиммасига олади. Бунинг натижаси ўлароқ, банкнинг рисклари икки баравар кўпаяди, чунончи у нафақат, ўз фаолияти билан боғлиқ хаталар, балки ўзи хизмат кўрсатаётган хўжалик операциялари бўйича рискларни ҳам зиммасига олади. Бу ўз навбатида, банкдан бошқа корхоналарга нисбатан кўшимча, (масалан, қайтарилмаган маблағларни қоплаш учун) анча катта заҳираларни яратишни талаб қилади.

Банк молиявий ресурсларининг ўзига хос хусусияти банкларнинг асосан пул операцияларини амалга ошириши билан ҳам боғлиқ. Мижозларнинг кўрсатмалари бўйича пул операцияларини амалга оширишда банк табиий равишда пул билан боғлиқ бўлган ўз маҳсулотини яратиши лозим. Бундай маҳсулотнинг ўзига хос «хом ашёси» сифатида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар хизмат қилади. Корхоналар ва фуқароларнинг маблағлари банк ҳисобварақлари, шунингдек, кассаларда сақланади. Бу банкнинг айланма маблағлари таркибига таъсир қилади, хусусан, пул ресурслари таркибида, шу жумладан нақд пулнинг юқори улушда бўлишига олиб келади. Айниқса, йирик банклар ўз капиталининг катта қисмини нақд пул шаклида ушлаб туришлари бежиз эмас, бу уларга ўз мижозларининг талабларига мувофиқ маблағларни дарҳол тўлаш имконини беради, бу макроиқтисодий вазиятнинг беқарорлиги ва тўловлардаги кескинлик даврида жуда муҳимдир. Мижозларнинг талабларини ўз вақтида қондириш банкнинг барқарор ривожланишини таъминловчи ишончли пул-кредит институти сифатидаги обрўсининг ошишига олиб келади.

Банк фаолиятининг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратиш муҳим. Банклар ўз маблағларига эга бўлса-да, аммо уларнинг барқарорлиги бу масаланинг фақат бир томони; масаланинг яна бир муҳим томони шундаки - бу бевосита иқтисодиётдаги пул оқими жараёни билан боғлиқ молиявий фаолият, пул айланмасига хизмат кўрсатиш (шу жумладан тақсимлаш жараёнида воситачилик қилиш, махсус воситалар - кредит, нақд ва нақд пулсиз тўловлар ва шу

кабилар ёрдамижа пул оқимларини мувозанатлаш) билан бевосита боғлиқ бўлган банк фаолияти, хусусан унинг молиявий фаолиятида акс этади.

Тижорат банкининг молиявий барқарорлиги - бу банкнинг ўзи ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг молиявий операцияларига хизмат кўрсатиш орқали, ўз маблағлариамикдорини кенгайтирилган тартибда кўпайтиришдан иборатдир. Нафақат уларнинг барқарорлиги, балки банкнинг молиявий барқарорлиги ҳам бошқа корхоналарга муваффақиятли равишдамолиявий хизматлар кўрсатиши ҳолатига боғлиқ. Бироқ, бу фақатгина мазкур фаолият банк фаолиятининг молиявий барқарорлигига эришиш шарти эканлигидан далолат беради. Шу боис, банкнинг молиявий барқарорлигини катта аҳамият касб этувчи банк актив ва пасивлари баланси билан эмас, балки фаолиятни амалга ошириш жараёнида унинг молиявий барқарорлиги қай даражада бўлиши билан таққослаш мақсадга мувофиқ саналади. Шу нарса маълумки, маҳаллий ва хорижий банк амалиётида банк молиявий барқарорлигининг энг кенг тарқалган талқини унинг иқтисодий барқарорлик билан уйғунлашувида намоён бўлади, чунончи банк иқтисодий муносабатлар соҳасида етакчи пул-кредит институти сифатида фаолият кўрсатади¹⁰.

Мазкур талқин молиявий барқарорликни ҳар томонлама баҳолашнинг асосий омилларини тўлиқ қамраб олишга имкон беради. Кредит ташкилотига бундай баҳо бериш Марказий банклар, рейтинг агентликлари ва ҳамкор банклар томонидан қўлланиладиган ёндашувнинг асоси бўлиши бежиз эмас.

Молиявий барқарорликнинг ушбу жиҳатига мазкур дарсликда батафсил тўхталиб ўтилади.

Молиявий барқарорликнинг барқарорликнинг бошқа турлари билан боғлиқлиги. Молиявий барқарорлик бошқа барқарорлик турлари билан яқиндан ўзаро алоқада бўлади. Барқарорлик турлари

¹⁰ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016

таркибида молиявий барқарорлик муҳим аҳамият касб этади. Банк фаолиятининг молиявий ҳолати энг аввало, банк фаолиятининг бошқа жиҳатлари ва умумий ҳолатда эса, унинг иқтисодий барқарорлигига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. *Банкнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги.* Ўз пул мажбуриятларининг бажарилишини таъминлай олмайдиган банк иқтисодий муҳим жараёнларни амалга ошириш, узлуксиз ўсишни қўллаб-қувватлаш борасида ўз вақтида молиявий ресурсларга эгалик қила олмайди, умумий ҳолатда иқтисодий ўсиш ва молиявий операцияларнинг тўлиқлик муаммоларини янада кучайтирган ҳолда, ўзининг иқтисодий мувозанатини йўқотади.

Бошқа бир томондан, молиявий барқарорлик ишлаб чиқариш ва муомала соҳасининг имкониятларига мос келмайдиган ўсишни тезлаштириши, жамият эҳтиёжларига мос келмайдиган даражада ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида, бугунги кунда банк ўзининг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини намоиш этгани ҳолда, келгусида муаммоли молия-кредит институтига айланиши табиий. Аммо, бундай вазият ўз-ўзиданпайдо бўлмайди, аксинча у нотўғри молиявий бошқарувнинг ўзига хос ифодаси ҳисобланади.

Банкнинг молиявий ва сиёсий барқарорлиги. Молиявий барқарорлик сиёсий барқарорлик билан фаол ўзаро таъсир қилади. Молиявий барқарор банк, шубҳасиз, сиёсий ҳокимиятларда катта ишончни уйғотади. Бундай банк зарур қўллаб-қувватлаш, қўшимча молиявий ресурсларни олиш, бюджет ташкилотлари ресурсларини сақлаш ва жойлаштиришга ваколатли бўлишда мавжуд банк капиталига қўшимча капитални тўғридан-тўғри киритиш борасида кўпроқ имкониятларга эга. Банклар кўпинча ҳукмрон партиялар ва сиёсий раҳбарларнинг иттифоқчиларига айланади. Бунда риск даражаси пасаймайди, аксинча бундай ўзига хос иттифоқчилик алоқалари кўпинча қисқа муддатли бўлади. Банк тамойилларига зид бўлган сиёсий манфаатларни сўзсиз қўллаб-қувватлаш молиявий барқарорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Банкнинг молиявий ва ахлоқий барқарорлиги. Молиявий барқарорлик ахлоқий барқарорлик учун катта аҳамиятга эга. Молиявий барқарор банк ўз обрўсини йўқотилишига олиб келувчи турли хил шубҳали ёки ноқонуний фаолиятларда иштирок этишни ўзига раво кўрмайди. Ўз навбатида, молиявий очиқлик, молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги, маънавий-ахлоқий жиҳатдан барқарор банк имиджи янги мижозлар оқими ва шу билан бир қаторда, кредит ташкилотининг молиявий имкониятларини янада кенгайтиради. Аксинча, «жиной» унсурлар ва шубҳали банк операцияларини амалга оширишга аралашиб қолган банклар ишончсизлик туфайли молия бозорларининг имкониятларидан тўлиғича фойдаланаолмайдилар, уларнинг молиявий барқарорлиги тобора заифлашиб бораверади.

Молиявий барқарорлик ва фаолият йўналишларининг барқарорлиги. Банкнинг молиявий барқарорлиги банк фаолияти йўналишларининг барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Молиявий барқарор банк бизнес нуқтаи назаридан ўзини муваффақиятли намоён қила олган анъанавий фаолият йўналишларини ривожлантиришга ҳам, маҳсулот ва хизматларнинг янги турларини босқичма-босқич ўзлаштиришга ҳам қодир.

Молиявий барқарор банк - бу албатта йирик банк бўлиши шарт эмас, ўз навбатида чекланган, аммо барқарор молиявий айланмага эга банк барча фаолият турлари билан шуғулланмасада, универсал пул-кредит институти ҳисобланади. Тугал пул-кредит муассасаси бўлиш- бу кредит муассасасининг шунчаки ўз олдига қўйилган мақсади эмас. Банкнинг барқарор ривожланишига унинг универсаллашуви фақат ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, бу рискларни диверсификацияқилиш билан бирга, молиявий ва бошқа кўплаб шартларга асосланади ва умуман олганда унинг фаолияти самарадорлигини таъминлайди. Кредит ташкилотининг ихтисослашуви ёки ихтисослашув билан биргаликда универсаллашувнинг ўзаро уйғунлашуви молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Банкнинг молиявий ва операция барқарорлиги. Молиявий барқарорликнинг пасайиши банкка янги фаолият турлари билан боғлиқ рискларни қабул қилишга имкон бермайди. Молиявий барқарорлик банкнинг операция фаолиятини ошириш, ўз капиталини қўллашнинг янги соҳаларини излаш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Молиявий барқарорлик асосида банк янги технологияларни жорий этиш, фаолиятни модернизация қилиш харажатларини кўпайтириши мумкин, бу эса молия бозорини қондиришда рақобатчиларни ортида қолдириш, янги сегментларни эгаллаш имконини беради. Шу билан бир қаторда, банк операцияларининг шундай тузилмасини шакллантириш муҳимки, банк маҳсулотлари ва хизматлари ассортиментининг тегишли янгиланиши ва сифатининг яхшиланиши, ўз навбатида, банкнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади.

Молиявий барқарорлик ва банкнинг вақт бўйича барқарорлиги. Барқарорлик турлари таркибида асосий ўринни эгаллаган молиявий барқарорлик банкка бозорда узоқ муддатли барқарор ишлашни таъминлашга имкон беради. Албатта, агар банк самарали ривожланиш учун тегишли чораларни кўрса, ўз стратегиясини моҳирона тузса, ўз фаолиятининг алоҳида тармоқларини ривожлантиришда номутаносибликларга йўл қўймаса, узоқ муддатли ривожланиши мумкин бўлади. Шу билан бирга, банкнинг узоқ муддатли фаолияти, унинг ҳаётий циклининг давомийлиги бозор иштирокчиларининг ишончини оширишга ва шунга мос равишда унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиганқўшимча омилга айланади. Банк эришган қисқа муддатли муваффақиятлар фақат ижобий тенденцияни кўрсатиши мумкин, аммо узоқ муддатли молиявий барқарорликни ифода этмайди.

Банкнинг молиявий ва кадрлар бўйича барқарорлиги. Банкнинг молиявий ва кадрлар бўйича барқарорлиги бевосита ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Молиявий барқарор банк турли хил моддий рағбатлантириш усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, қулай меҳнат шароитларини яратиш орқали кредит ташкилотининг

барқарор ўсишини таъминлашга қодир бўлган энг малакали мутахассисларни жалб қилишга қодир. Молиявий барқарорликни йўқотиш малакали кадрларнинг сезиларли чиқиб кетишига олиб келиши, банкнинг рақобатбардошлигини пасайтириши, унинг фаолияти натижасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Молиявий ва ташкилий барқарорлик ўртасидаги муносабатлар ҳам алоҳида ўрин тутаяди.

Банкнинг молиявий ва ташкилий барқарорлиги. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, банклар ўз фаолиятларининг барқарорлигини таъминлаш учун улар бозорнинг турли банк маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларига мунтазам равишда жавоб бера олишлари ва янги муҳитга мослаша олишлари лозим. Бунда бошқарув аппаратини ташкил қилишнинг турли усуллари муҳим рол ўйнайди. Ушбу ҳолатда маълум бўлим ва бошқарма ходимларининг сонини кенгайтириш ёки камайтириш, кредит ташкилотининг анъанавий фаолият соҳаларини кенгайтириш ёки қисқартириш, шунингдек, банк хизматлари турларини янгилаш ва уларнинг сифатини оширишда имкониятлар яратувчи янги таркибий бўлинмаларни шакллантириш ҳақида сўз юритиш мумкин. Бизнесни тўғри ташкил этиш шароитида буларнинг барчаси банкнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Молиявий барқарорлик, ўз навбатида, банкнинг операцион барқарорлигига таъсир қилади. Молиявий барқарор банк янада фаол муассаса сифатида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, ташкилий барқарорликни ривож- лантириш учун янги ғоялар ва лойиҳаларни яратади ва уларни ишга солади. Беқарор молиявий аҳвол, аксинча, нафақат бошқарув алоқаларини қайта қуришни секинлаштириши, балки кредит ташкилотининг барқарор ривожланишига қаратилган бошланган лойиҳаларни ҳам қисқартириши мумкин.

Барқарорлик турлари бир-бири билан зиддиятга бориши ҳам мумкин. Масалан, банк ўз фаолият кўламини кенгайтиришни кўзлаган ҳолда, муайян истикболли фаолият йўналишларидан

бириникенгайтиришни мақсад қилиб олган бўлса ва бу лойиҳа ҳеч бир шубҳасиз фойда келтириши аниқлигига қарамасдан, банк ўз молиявий барқарорлигини сақлаб қолиш, молиявий аҳволини янада оғирлаштирмаслик мақсадида янги маҳсулот турларини ўзлаштиришдан воз кечиши мумкин.

Молиявий барқарорликни таъминлаш вужудга келаётган зиддиятларни ҳал қилишнинг асосий омили ҳисобланади. Операцион, кадрлар ва бошқа турдаги барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги лойиҳалар ва улар билан боғлиқ истиқболларни қанчалик ўзига жалб қилмасин, мабодо улар молиявий барқарорлик манфаатларига зид келса, банк уларни амалга оширишдан тийилишга мажбур бўлади.

Шу билан бирга, барқарорлик турлари тизимида уларнинг ҳар бири ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Банк фаолиятининг қайсидир босқичида улардан бирини эътиборсиз қолдириш банкнинг ривожланишининг секинлашишига олиб келиши мумкин. Бироқ, банк ўзининг ҳаётийлигини сақлаб қолиш мақсадида ўз фаолиятининг муайян босқичларида баъзи муросага ҳам келиши мумкин, улар ўсиш суръатларини пасайтирса-да, аммо келажакда барқарор ривожланишга янада катта ижобий таъсир кўрсатади.

Банк молиявий барқарорлигининг белгилари. Аввало, атаманинг ўзига аниқлик киритиб олиш лозим. Молиявий барқарорлик белгиси предметнинг хусусиятини ифода этмайди, у тўғридан-тўғри банк билан эмас, балки унинг фаолияти билан боғлиқдир. Ушбу ҳолатда, молиявий барқарорлик белгилари - бу кредит ташкилоти фаолиятида барқарорликнинг мавжудлиги ёки бундай белгилар мавжуд эмаслиги борасида хулоса чиқаришга имкон берувчи муайян бир далиллардир.

Мазкур белгиларни банк фаолиятининг бир қатор йўналишларида кузатиш мумкин. Кўриб чиқилган умумий назарий қоидаларга асосланиб айтишимиз мумкинки, молиявий барқарорлик маълум вақт давомидаги банкнинг молиявий ҳолати (у мустаҳкам, барқарор бўлса ҳам) эмас, балки фаолиятни ривожлантириш жараёнидир. Молиявий барқарор банк - бу ўз фаолиятида ижобий

динамикани намоён этувчи банкдир. Бироқ, айтайлик молиявий инқироздан кейин яхши ўсиш кўрсаткичларини намоёиш этаётган банкни шунчаки, барқарор банк деб аташимиз ўринли эмас. Чунончи, иқтисодий инқироздан кейинги кўтарилиш даврида банк ижобий кўрсаткичларни намоён қилса-да, бу ҳолатни муқим барқарор жараён сифатида баҳолай олмаймиз.

Банкнинг молиявий барқарорлигига ушбу прогрессив динамик жараён узлуксиз бўлган тақдирдагина эришилади. Мабодо ижобий ривожланиш молиявий фаолиятни кенгайтиришда ўзини намоён қилсагина, биз ушбу ҳолатда, молиявий барқарорлик ҳақида гапиришимиз мумкин бўлади. Кўриб турганимиздек, молиявий барқарорлик белгилари банкнинг ўз молиясини ривожлантиришда намоён бўлади. Банк маҳсулотини сотишнинг ўсиши, молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан унинг муҳимлигига қарамай, кредит ташкилотининг молиясини кенгайтириш ва такрор ишлаб чиқариш билан бирга амалга ошиши лозим.

Банк молиясининг барқарорлиги нуқтаи назаридан унинг муҳим жиҳати уларнинг барча унсурлари - капитал ва молия, заҳиралар ва фойда, шу жумладан давлат харажатларини тежаш орқали мувозанатли ривожланишдир. Албатта, банк заҳираларининг ўсиши унинг барқарор ривожланиш имкониятлари кенгайтганидан далолат беради, аммо бу ушбу жараён кузатилаётган банкни барқарор деб аташ мумкин дегани эмас. Маълумки, заҳираларнинг кўпайиши инвестиция ҳажмининг қисқаришини, ишламайдиган активлар улушининг кўпайишини ва кейинчалик фойда ўсишининг бироз пасайишини англатиши мумкин, бу ўз-ўзидан тараққиётга тўсқинлик қилади. Қоидага кўра, банк заҳираларининг ўсиши инқироз даврида банкнинг тўловга лаёқатсизлик хавфининг ошиши даврида ҳам кузатилиши мумкин, бу эса пасайиш даврига ўтиш, иқтисодиётда ҳам, банк секторида ҳам ишбилармонлик фаоллигининг пасайишидандалолат бериши мумкин.

Банк молиявий барқарорлигининг белгиси сифатида нафақат унинг фаолиятининг миқдор жиҳатдан кенгайишини, балки унинг сифатини ошириш жараёни ҳам барқарорлик белгиси сифатида қараб чиқиш лозим. Қоидага кўра, молиявий барқарор банк

операциялар кўламини кенгайтириш бўйича ижобий тенденциянинг пасайиши шароитида, янги банк маҳсулотлари ва хизматлари улушини оширади. Молиявий барқарор банк ўз фаолияти кўлами ва сифатининг ижобий намоён бўлишининг комплекслилик жиҳати билан ажралиб туради. Молиявий барқарорликнинг муҳим белгиси ривожланишнинг узлуксизлигида кўринади. Ушбу ҳолатда ривожланиш тез ва секин, шиддатли ва ўртача, бир текис ва кескин бўлиши мумкин. Узлуксиз бир маромдаги ривожланишни энг мақбул ривожланиш сифатида баҳолаймиз.

Ривожланиш тезлиги молиявий барқарорликнинг муҳим хусусияти бўлса-да, жараённинг сезиларли тезлашиши ҳам алдамчи бўлиши мумкин. Тез ўсиш кўпинча операциялар кўлами ва ҳажмининг ошишини кўрсатади, аммо кейинчалик инқирозга айланади. Инқирозлар (шу жумладан молиявий муҳитда) энг катта кўтарилиш даврида содир бўлиши бежиз эмас. Номутаносибликларнинг ортиб бориши туфайли тараққиёт иллюзиясини яратувчи «шиширилган» активлар жамият билан алоқаларининг узилишига, барқарор ривожланишнинг йўқолишига ва ҳатто пул-кредит институтларининг банкротлигига олиб келади.

Молиявий барқарорликнинг белгиси - бу инвестиция портфелини диверсификация қилиш, турли хил иқтисодий рискларни камайтириш билан бирга амалга ошувчи банк фаолияти асосий йўналишларининг мувозанатли ривожланишидир. Маълумки, актив ва пасив операцияларнинг концентрацияси, ҳатто юқори фойда келтирадиганлари ҳам, охир-оқибат катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Тарихдан йирик кредит қоидалари ёки уларнинг умумий кредит қўйилмаларидаги улушини бузиш, банкнинг кредиторлардан бирига қарамлигининг ошиши банк ишлаб чиқаришининг ҳалокатли пасайишига, банкнинг инқирозли ҳолатларга олиб келганлиги борасида кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Банкнинг молиявий барқарорлиги фаолиятнинг алоҳида унсурлари доирасида ҳам мувозанатга эришилганда таъминланади.

Демак, банк кредит операцияларини ривожлантиришга эътибор қаратар экан, банк кредитлаш ва жалб қилинган ресурсларнинг муддатлари нисбатига етарлича эътибор қарата олмай қолиши мумкин. Ушбу белгилардан исталган бирини эътибордан четда қолдириш, банкни ривожлантириш барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Банкнинг молиявий барқарорлигига нафақат фаолиятнинг ижобий йўналишлари, балки ташқи муҳит билан муносабатларнинг алоҳида ривожланиши ҳисобига ҳам эришилади ва унинг барқарор ривожланишининг белгисига айланади. Бундай муносабатлар, масалан, ҳисоб-китоб муносабатлари тизимида вужудга келади.

Банкнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги мажбуриятларини қатъий бажариши унинг меъёрда фаолият кўрсатишининг белгисидир. Банкнинг тўловлар тарихида бюджет ва солиқ органлари олдида кечиктирилган тўловларнинг йўқлиги унинг барқарор ривожланишидан далолат бериши бежиз эмас албатта.

Молиявий жиҳатдан барқарор банк - бу ўзининг узоқ тарихи давомида ўз ривожланиш вазифаларини ҳал қилишни ҳам, ўз мижозларининг иқтисодий ва молиявий ўсиш жараёнини ҳам ўзаро манфаатли асосда таъминлай олган ва ижтимоий фойдали муассаса имиджини сақлаб қолган пул-кредит институтидир. Банкнинг ҳамкор сифатида, минтақа ривожига, йирик миллий иқтисодий ва ижтимоий дастурларни амалга оширишга ҳисса қўшадиган муассаса сифатидаги имиджи, шубҳасиз, унинг барқарор ривожланишга бўлган лаёқатини ифодалайди.

Молиявий барқарор банк - бу мамлакатни ривожлантириш мақсадларига содиқ банк, иш юритиш қоида ва меъёрларини, миллий урф-одатлар ва ахлоқий асосларни бузмайдиган (қонун доирасида ҳаракат қилувчи), шубҳали битимлар ва операциялар билан шуғулланмайдиган, ўз иқтисодий ва молиявий фаолиятида очиклик сиёсатини амалга оширувчи муассасадир.

Молиявий барқарорлик белгилари, юқорида айтиб ўтилганидек, нафақат унинг банк имиджи ва обрўси билан

боғлиқлиги, балки барқарор (ривожланаётган) ресурс базаси, ундан фойдаланиш самарадорлиги, активлар сифати, даромадлар барқарорлиги, ликвидлилик ва бошқарувнинг юқори даражасига эришишда ифодаланади. Биз кўриб чиққан белгилар нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга. Биз томонимиздан аниқланган хусусиятларнинг ҳар бири кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигининг тегишли кўрсаткичлари ёрдамида аниқроқ баҳоланади. Молиявий барқарорликнинг ушбу кўрсаткичларини дарсликнинг кейинги бобларида кўриб чиқамиз.

1.3. Молиявий барқарорликка таъсир этувчи омиллар

Анъанавий тарзда, молиявий барқарорликка таъсир қилувчи омиллар (сабаблар) икки тоифага бўлинади: ташқи ва ички. Ушбу икки тоифадаги омилларнинг ҳар бири иқтисодий адабиётларда етарлича батафсил тавсифланган, аммо улар фақат банк тизими ва умуман тижорат банкларининг барқарорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Омиллар рўйхати ва уларнинг молиявий барқарорликка таъсири тўлиқ очиб берилмаган, бу эса аниқ кўрсаткичлар ёрдамида барқарорликни баҳолашни қийинлаштиради.

Молиявий барқарорликнинг ташқи омиллари. Ташқи омиллар орасида: макроиқтисодий омиллар; банклар фаолиятини ривожлантириш борасидаги давлатнинг мақсадли кўрсаткичлари; талаб ва таклиф, тўлов қобилияти; пул бозорининг ривожланиш даражаси ва молиявий ресурсларни жалб қилиш имконияти; пул муомаласининг ҳолати; рақобат муҳитининг ривожланганлик даражаси; банк тизимининг ҳолати ва ҳамкор банклар иқтисодиёти; қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий таъминот; ташқи банк инфратузилмасининг ҳолати; банкларга бўлган ишонч алоҳида ўрин тутди.

Ушбу омилларнинг ҳар бири: 1) молиявий барқарорликка ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин; 2) уларнинг ҳар бири алоҳида, мустақил аҳамиятга эга, шунинг учун уларнинг ҳеч

бирини эътибордан четда қолдирмаслик лозимк; 3) бир вақтнинг ўзида кредит муассасасининг иқтисодиёти ва молиясини белгилаб берган ҳолда, кўпинча бошқа омиллар билан ўзаро алоқада «ишлайди» ; 4) банк иқтисодиётида ўз таъсирини намоён қилади; 5) доминант қийматэга бўлгани ҳолда, бир мунча кучли таъсир кўрсатиши мумкин; 6) таъсир объектига нисбатан тесқари ҳаракатда бўлиши мумкин¹¹.

Банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи макроиқтисодий омилларни биринчи навбатда мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси билан боғлаш лозим. Макроиқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги, шубҳасиз, банклар молиявий муҳитининг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Миллий хўжалик миқёсида макроиқтисодий барқарорликни ифодалаш мақсадида ЯИМнинг ўсиши, саноат ишлаб чиқариши, товар ва хизматлар айирбошлаш, инвестициялар ва аҳолининг реал даромадлари кўрсаткичлари каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Миллий иқтисодиёт ҳолатини давлат молиясининг ҳолати, давлат бюджети тақчиллиги ва ташқи қарз олиш даражаси бўйича баҳолаш мумкин. Иқтисодиёт тузилмаси, унинг маълум бир саноат ҳолатига боғлиқлиги катта аҳамиятга эга. Масалан, ўз миқозлари таркибида хомашёга ихтисослашган корхоналарга эга бўлган мамлакат банклари, тегишли хомашё бозорида (шу жумладан ташқи бозорда) қулай конъюнктура юзага келса, ўз миқозлари билан биргалликда кўшимча молиявий имтиёзлар олиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Иқтисодиёт ва унинг алоҳида сегментларининг мувозанатли ривожланиши банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий циклнинг тавсифи банкларнинг молиявий барқарорлиги учун катта аҳамиятга эга. Иқтисодий циклнинг ҳар босқичи банклар учун турли имконият ва имтиёзларни тақдим

¹¹ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016.

қилади.

Банклар молияси кенгайиши ва қисқариши мумкин, бу эса пайдобўлаётган рискларнинг табиати ва кучига алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Молиявий барқарорликни давлатнинг иқтисодий ривожланишнинг у ёки бу босқичида молиявий қийинчиликлар пайтида банкларга кўрсатаётган ёрдами ҳисобига мустаҳкамлаш мумкин. Албатта, банкларнинг солиққа тортиш тизими банкларнинг молиявий барқарорлигига катта таъсир кўрсатади.

Шубҳасиз, банклар, бошқа ҳар қандай тижорат ташкилотлари сингари, солиқларни тўлиқ тўлашлари керак, аммо уларнинг камситилиши, ортиқча солиқ босими ривожланиш борасидаги рағбатни сусайтириши мумкин. Банклар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг барқарорлигини таъминлашда уларни солиққа тортишнинг табақалаштирилган тизимини қўллаш манфаатли ҳисобланади.

Банкларнинг молиявий барқарорлиги уларнинг мақсадлари билан чамбарчас боғлиқдир. Кўпинча, бу йўналиш ҳукуматнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгилаб берилади. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунига кўра, мамлакатимизда банк фаолиятининг асосий мақсади – бу фойда олиш ҳисобланади. Ушбу мақсад қанчалик муҳим бўлмасин, у барибир банкларнинг асосий мақсадларини тўлиғича очиб бера олмайди. Банклар фаолиятида фойда олиш - бу ягона ва асосий мақсад эмас. Замонавий назария ва халқаро амалиётга кўра, энг муҳим қадриятлар технологик, маҳсулот ва ташкилий инновациялар асосида стратегик устунликни топиш, янги технологияларни излаб топиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, рискларни минималлаштириш, банк фаолиятининг барқарорлигига қаратилган. Банк қонунчилигининг чуқур ўзгариши асносида ушбу жиҳатлар муқаррар равишда модернизация қилинади.

Банкларнинг молиявий фаолияти кўп жиҳатдан талаб ва

таклифга, тўлов қобилиятига боғлиқ. Моддий ишлаб чиқариш кўлами, хўжалик юритувчи субъектлар даромадларининг кенгайиши натижасида банк маҳсулотларига талабнинг ошиши банкларга молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш ва молиявий ҳолатини барқарор ривожланишини таъминлаш учун янги имкониятлар яратади. Шу билан бирга, банк маҳсулотларини таклиф қилиш, масалан, реал сектор корхоналарини кредит билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш банк фаолиятининг кўламини кенгайтиради, банк маҳсулотларини самарали жойлаштириш билан уларнинг молиявий ресурсларини кўшимча равишда ошириш имкониятини беради.

Банкларнинг молиявий барқарорлигига пул ва молия бозорларининг ҳолати сезиларли даражада таъсир қилади. Маълумки, молиявий жиҳатдан барқарор банк ўз фаолият доирасини кенгайтиришни таъминлашда вақтинчалик тавсифга эга бўлган муайян бир қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Бу ўринда Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати муҳим рол ўйнайди. Қайта молиялаш тизими, фойз сиёсати орқали Марказий банк тижорат банклари айланмасидаги маблағлар оқимига ҳамда улар орқали товар ишлаб чиқарувчилар иқтисодиётига шунингдек, мазкур ресурсларнинг пул бозоридаги нархига ҳам таъсир кўрсатади.

Ушбу ҳолатда, банклараро кредитлар бозорида ресурсларни жалб қилиш ҳам муҳим ўрин тутаяди; у айти вақтда жуда кўл келади ва банкка бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги мажбуриятларини тўлиғича бажариш, ўз фаолиятининг узлуксизлигини таъминлашга имкон беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг етарлича тараққий этмаганлиги банк операциялари кўламларининг қисқаришига, аҳоли жамғармаларини банк соҳасига жалб қилишда катта муаммоларни келтириб чиқаради. Пул бозорида қарз олиш имконияти, жамғарма бозорида кўшимча воситалардан фойдаланиш, шубҳасиз, кредит ташкилотлари молиясининг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади

Пул муомаласининг ҳолати банкнинг молиявий барқарорлигига ҳам катта таъсир кўрсатади. Маълумки, банклар пул-кредит институтлари сифатида пул муомаласининг нисбатан ривожланган шарт-шароитларида вужудга келган. Пул муомаласининг ҳолати - бу кундалик ҳаётини муҳит бўлиб, уларсиз банклар мавжуд бўлолмайди ва ривожлана олмайди ва пуллар ўзининг барча функцияларини тўлиғича бажарган шароитда, улар ўзларини бир мунча қулай ҳис қиладилар. Пул муомаласининг бузилиши, маблағларнинг банкдан ташқари каналлар орқали ўтиши, «жомадонли нақд пул муомаласи», кредит ташкилотларининг воситачилик фаолиятини торайтирувчи бартер операциялари уларнинг молиявий барқарорликка эришишини қийинлаштиради. Пул белгиларининг қадрсизланиши, инфляция иқтисодиётнинг реал секторига салбий таъсир кўрсатади ва бу ҳолат банклар фаолиятида салбий акс этади. Шу билан бир қаторда, юқори инфляция шароитида банклар айрибошлаш операциялари орқали кўпроқ даромад олиш имконига эга бўладилар. Юқори инфляция шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига хизмат кўрсатишдан кўриладиган зарарнинг муайян бир қисмини қоплаш манбаи сифатида банк даромадлари таркибида айрибошлаш операциялари катта улушни ташкил этиши мумкин, бу эса банкларни ишлаб чиқариш соҳасидан кўра муомала соҳасига маблағларини йўналтиришга ундайди.

Банкларнинг молиявий барқарорлиги *рақобат муҳитига* ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Етарли даражада ривожланган рақобат муҳити банкларни рақобатдош банкларнинг ишини диққат билан кузатишга, фаолроқ ҳаракат қилишга, ўз фаолиятини кенгайтириш, хизматлар сифатини ошириш, янги маҳсулотларни таклиф қилиш ва банк маданиятини ошириш чораларини кўришга мажбур қилади. Паст рақобатбардошлик банк фаолияти кўламнинг қисқаришига, уларнинг молиявий барқарорлигининг заифлашишига ва ўз вақтида чоралар кўрилмаса фаолиятини бутунлай тўхтатишгача олиб келиши мумкин. Мамлакат тижорат банклари учун ҳозирги вақтда йирик молиявий манбалар ва замонавий технологияларга эга бўлган

ва миллий пул-кредит институтлари фаолият соҳасини жиддий равишда сиқиб чиқариши мумкин бўлган хорижий капиталга эга бўлган банкларнинг банк тизимида иштирок этишининг кенгайиши алоҳида хавф туғдириши мумкин.

Банк тизими ва унинг институтларининг ҳолати банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи яна бир муҳим омил ҳисобланади. Банк хизматларининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва уларнинг иқтисодиётга таъсир доирасининг торлиги, мазкур тизимда, айниқса ҳудудлар миқёсида заиф банкларнинг мавжудлиги ва бундай муассасалар фаолиятининг беқарорлиги уларнинг молиявий салоҳиятини сезиларли пасайтиради. Афсуски, миллий банк тизими ҳозирда заиф, шунинг учун банклар олдида молиявий жиҳатдан беқарор кредит ташкилотлари сонини камайтириш, инқирозгача бўлган даражага эришиш ва кейинчалик барқарор, прогрессив ривожланиш йўлига ўтиш вазифаси турибди. Бунинг учун, албатта, молиявий манбаларни кўпайтириш, банк фаолияти ва банклараро муносабатларни модернизация қилиш керак бўлади.

Қонунчилик ва банклар фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш банк молияси барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Банкни тартибга солувчи қонунлар унинг барча жиҳатларини тартибга солади. Бу ўйин қоидаларини тузатишга, банкларнинг фаолият соҳасини пул институтлари сифатида уларнинг моҳиятига мослаштиришга имкон беради. Меъёрий ҳужжатлар банк операцияларини амалга оширишнинг янада оқилона усулларини таъминлайди, иррационал харажатларнинг олдини олади ва банкдан уларнинг барқарор ривожланиши учун етарли чоралар кўришни талаб қилади. Афсуски, бугунги кунда мамлакатимиз банк қонунчилиги етарли даражада мукамал эмас, бу эса уларнинг бозордаги мавқеини заифлаштиради. Мутахассисларнинг фикрига кўра, мамлакатда депозит ва кредит операцияларини тўлақонли амалга оширишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва банк

фаолиятини юритишни янада мукаммал тартибга солувчи қоидаларни яратиш керак бўлади.

Молиявий барқарорликка таъсир қилувчи омиллар орасида *банк инфратузилмаси* сезиларли даражада ажралиб туради. Банк инфратузилмаси банкларнинг ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган муассасалар мажмуи сифатида мамлакатда мукаммал ахборот, услубий, кадрлар, илмий, технологик таъминот, аудит ва бошқаларни яратишни ўз ичига олади. Инфратузилмани ривожлантириш ишончилибазани яратиш, банк ишларини чуқурроқ асослаш ва профессионализм билан юритиш имконини беради. Ахборот таъминоти банкларнинг турли соҳалардаги фаолияти ривожланишиниянада аниқроқ башоратлаш имконини беради. Банк аудити мамлакат қонунчилиги ва эмитент банк ҳужжатлари талаблари доирасида молиявий фаолиятни йўлга қўйишга ёрдам беради.

Афсуски, мамлакатимизда яқин вақтгача банк инфратузилмасининг ўрни паст баҳолаб келинди, унинг ривожланишига етарлича эътибор берилмади, бу эса молиявий барқарорликка эришиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини сезиларли даражада пасайтирди. Мамлакатимизда банклар фаолиятини йўлга қўйиш амалиёти ва назарияси банк инфратузилмасига кўпроқ маблағ киритиш лозимлигини уқтиради.

Молиявий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили пул-кредит институтларига ишончни шакллантиришдир. Пул-кредит институтлари фаолиятида уларга бўлган ишонч асосий омил эканлигини қатъий ишонч билан таъкидлаш мумкин, мазкур омил банк фаолиятида етакчи ўрин тутди. Хўжалик юритувчи субъектлар ва банк ҳамжамиятининг ишончига сазовор бўлган банклар кредит бозоридан кредитларни осон ва қулай шартларда оладилар, жисмоний ва юридик шахсларнинг омонатларини муваффақиятли жалб қилади. Айнан ишонч йўқлиги туфайли кредитлар кўпинча қимматлашади, ликвидликка путур етади, бозорда ваҳима пайдо бўлади ва пул-кредит институтларининг молиявий барқарорлиги

пасаяди.

Ғарб адабиётида кўпинча мутахассислар замонавий молиявий инқироз ҳақида ёзар эканлар, улар ишонч инқирози ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишлари бежиз эмас. Афсуски, замонавий жамият ҳали банк секторига ишончнинг изчил назариясини ишлаб чиқмаган, воқеаларни тўғри баҳолашни, ишончнинг пасайиши инқироз ҳодисаларини келтириб чиқаришини тўлиғича англаб етмаган. Шу билан бир қаторда, замонавий жамият асоссиз йўқотишларга йўл қўймаслик учун ушбу омилга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Тилга олиб ўтилган ташқи омилларнинг барчаси ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди. Уларнинг таъсири ҳақиқий банк фаолияти самарадорлигини пасайтириши ёки ошириши мумкин. Самарали фаолият юритувчи банклар мураккаб иқтисодий вазиятда нафақат омон қолади, балки уларнинг молиявий аҳволи бундай даврларда янада мустаҳкамланиши ҳам мумкин.

Молиявий барқарорликнинг ички омиллари. Молиявий барқарорликка таъсир қилувчи ички омиллар аксарият ҳолларда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Иқтисодий адабиётларда ташқи омиллари каби ички омилларга ҳам катта эътибор қаратилади. Бироқ, уларнинг таснифи молиявий барқарорликни таъминлашга етарлича эътибор қаратилмасдан, сабабларнинг яхлит тарзда банк барқарорлигига таъсири нуқтаи назаридан қараб чиқилади. Хусусан, фаолиятни кенгайтириш ва модернизация қилиш, молиявий фаолиятни янада ривожлантириш ва модернизация қилишни ҳисобга олган ҳолда банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи қуйидаги ички омилларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- а) ривожланиш стратегияси ва устувор йўналишларни танлаш, молиявий эҳтиёжларни прогнозлаш; б) банкнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини кенгайтириш асосида фаолиятни амалга ошириш; в) молиявий ресурсларни сафарбар қилиш қобилияти; г) хавф-рискларга қарши курашиш; д) харажатларни тежаш; е) ички инфратузилма; ё) маркетинг ва бошқарув сифати; ж) замонавий банк технологияларини ривожлантириш, бозорнинг янги банк

маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи; 3) банк ишини ташкил қилиш.

Тижорат банкининг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи у ёки бу омил муайян бир шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ўзгача аҳамият касб этиши мумкин. Бироқ, шуниси аниқки, ўз молиявий барқарорлигини таъминлашга интилаётган банклар ушбу омилларнинг ҳар бирига катта эътибор беришлари шарт.

Банк учун ривожланиш стратегияси ва устувор йўналишларини танлаш, фаолиятнинг молиявий эҳтиёжларини протезлаш молиявий барқарорликка таъсир қилувчи муҳим ҳолат ҳисобланади. Бу кўпинчафақат назарий аҳамиятга эга бўлган омил сифатида қабул қилинади. Шунинг учун банклар ривожланишнинг моҳияти ва ўлчамларини белгилайдиган ҳужжатларни тайёрлашга расмий равишда ёндашадилар; ғоялар ва ривожланиш сценарийларини тўғри ишлаб чиқиш, фаолиятни янада кенгайтириш учун қўшимча молиявий ресурслар ва воситаларни излашга эътибор қаратмайдилар. Шу билан бирга, бундай прогнозларнинг йўқлиги ёки эскирган ёки хато усул ва ёндашувлардан фойдаланиш банк фаолиятидаги барча ютуқларни йўққа чиқариши мумкин.

Стратегик ҳужжатларни тайёрлаш - бу ўзига хос мураккаб таҳлилий жараён дир. Афсуски, етарлича кучли таҳлилий салоҳиятга эга бўлмаган банклар учун ривожланиш йўналишлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, шунчаки оқилона ривожланиш йўлини кўрсатиб берувчи, расмий ҳужжатни тайёрлашни ифода этади холос. Амалда, ушбу омилни баҳолашга бундай ёндашув молиявий барқарорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Аксинча, ривожланиш стратегиясини ва унинг устувор йўналишларини асослаш, банкларга келажакка эътибор қаратган ҳолда, жорий фаолиятларини янада оқилона ташкил қилиш имконини беради.

Молиявий барқарорликни ривожлантиришнинг яна бир муҳим омили кенгайтирилган асосда банк фаолиятининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини оширишдан иборат дир. Бу ўринда тўғридан-

тўғри молиявий барқарорликнинг шаклланишига хизмат қилувчи асослар яратилади. Бунга капиталнинг кўпайиши, унинг етарлилиги, таркибини такомиллаштириш, актив ва пассив операцияларни кенгайтирилган асосда ривожлантириш, уларнинг ҳажми ва сифати, диверсификация даражаси, банк фаолиятининг алоҳида соҳалари ўртасидаги мувозанатга эришиш кабилар киради.

Бежизга инвестиция ва кредит портфелининг кенгайтириш, депозитлар ҳажми, мижозлар сони ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхати кабилар банк фаолиятини ривожлантиришнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари билан боғланмайди. Молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан банк иши маблағларнинг айланиш тезлигини ошириш, уларнинг кўлами, сифати ва тузилиши бўйича мижозлар эҳтиёжини қондириш даражасини ошириш учун муҳимдир. Бу ўринда харажатлар таркиби, ROA ва ROE баҳолашларига алоҳида эътибор қаратилади. Банкнинг ижтимоий аҳамиятга молик пул-кредит институти сифатида молиявий барқарорлигини таъминлашда унинг ижтимоий фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ушбу омил талабларини ҳисобга олиш, молиявий барқарорликка эришишда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин.

Молиявий барқарорликка таъсир қилувчи омиллар орасида банкнинг *молиявий ресурсларни сафарбар қилиш қобилияти* алоҳида ажралиб туради. Ушбу ҳолатда, банк томонидан капитал базасини, ўз айланма маблағларини, фойда, даромад, захираларни кенгайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Фойдани олиш ва уни оқилона тақсимлаш банкдан самарасиз активлардан ўз вақтида воз кечишни ва уларнинг ишчи қисмини кенгайтиришни, ҳисоб - китоблар устидан назоратни кучайтиришни, шу жумладан дебиторлик қарзларини камайтиришни талаб қилади. Бу ўз навбатида банк учун унинг фаолиятининг такрор ишлаб чиқаришини кенгайтиришга йўналтирилган қўшимча ресурсларни тақдим қилиши мумкин. Банкнинг ликвидлилиги молиявий барқарорликни мустаҳкамлашнинг одатий манбаи ҳисобланади. Банкнинг

ликвидлилигини қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқариш ва муомала соҳасидаги узилишларнинг олдини олишда банкка имкон беради. Бунда, масалан, банкка катта йўқотишларсиз молиявий барқарорликни таъминлашга имкон берадиган, моддий ва молиявий ресурслар таркибининг юқори даражадаги ликвидлилигини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Банкнинг ликвидлилиги унинг бозордаги рейтингини оширади ва мавқеининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Мувозанатлашган жорий ликвидлилик билан бир қаторда, бўлғуси ликвидлилик молиявий барқарорликни таъминлашда айниқса муҳим ҳисобланади, у банкнинг узоқ муддатли истиқболида барқарор пул-кредит институти сифатида ўз фаолиятини давом эттиришига имкон беради.

Шубҳасиз, молиявий барқарорликка таъсир қилувчи муҳим омиллардан яна бири - бу рискларга қарши тура олиш ва уларни самарали бошқаришдир. Албатта, банклар рисклардан қочиб кутула олмайди, банк фаолиятининг барча жабҳаларида у ёки бу даражада рисклар вужудга келади. Катта таваккал қилган банк бир вақтнинг ўзида кўпроқ молиявий фойда олишга умид қилади. Рискли фаолият хавфсизлигини қўллаб-қувватлаш учун маълум бир «молиявий ёстикча»га эга бўлган молиявий барқарор банк бундай рискка дуч келиши мумкин. Шу билан бирга, маълумки, кредит ва у билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган рисклар нотўғри ҳисобланган тақдирда, банк катта молиявий йўқотишларга дучор бўлиши мумкин. Бу, айниқса, иқтисодий вазиятнинг сезиларли даражада ёмонлашиши ва тўловлардаги кескинлик шароитида тез-тез содир бўлади. Бу ҳолда банкнинг консерватив сиёсати хавфсизроқ ҳисоблансада, лекин у айти пайтда кам фойда келтиради.

Юқорида тилга олиб ўтилганидек, банклар ўз фаолиятларини амалга ошириш асносида, молиявий барқарорликни таъминлашга интилганлари ҳолда, муайян бир заҳираларни яратадилар, бу хил заҳиралар турли муваффақиятсиз молиявий операцияларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга хизмат қилади. Яратилган

заҳиралар ҳар доим кўрилган зарар ва йўқотишларнинг ўрнини тўлиқ қоплай олмаслиги аниқ. Шу сабабли, ўз молиявий барқарорлигини сақлашга интиланган банклар Марказий банк томонидан белгиланган меъёрларга риоя қиладилар. Шу нарса аниқки, банклар доимо таваккал қилиш ҳуқуқига эгадирлар (одатда банклар таваккалсиз фаолият кўрсата олмайдилар), лекин бу таваккалчилик даражаси банкинг ўз капиталидан катта бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда банк нафақат ўзининг молиявий барқарорлигини йўқотади, балки ўз мижозларининг ҳам молиявий барқарорлигини хавф остига қўяди.

Харажатларни тежаш банкнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ва бошқа омиллардан кам бўлмаган даражада муҳим бўлган омил ҳисобланади. Ҳар қандай корхона сингари, банк ҳам харажатларсиз мавжуд бўлолмайди, лекин у ўз харажатлари ва даромадларининг ўлчовини билиши лозим. Бу ерда бюджетлаштириш, шунингдек, харажатлар таркиби катта ёрдам беради. Фақат етарли даромад оладиган банк катта молиявий харажатларни ўзига раво кўриши ва у нафақат, ўзининг жорий фаолиятини, балки молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш борасида ҳам қайғуриши лозим.

Банкнинг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар орасида унинг *ички инфратузилмаси* муҳим ўрин тутди. Кредит ташкилотлари фаолиятини таъминлайдиган ташқи инфратузилма сингари, ички инфратузилма ҳам муваффақиятга эришишда катта имтиёз ва имкониятларни беради. Молиявий натижа кўп жиҳатдан унинг ахборот базаси қанчалик кенглигига, банк қоидаларини белгиловчи ички услубий ҳужжатлар қанчалик моҳирона ишлаб чиқилганига, ички назорат хизмати нечоғлик самарали ишлашига боғлиқ.

Банк ички инфратузилмаси ҳар бир унсурунинг аҳамиятли эканлигини инобатга олган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг молиявий барқарорлигини таъминлашда кадрлар таъминоти муҳим ўрин эгаллайди. Тижорат банкларини кадрлар

билан таъминлашда миқдорий жиҳатдан деярли муаммолар кўзга ташланмасада, лекин юқори малакали кадрлар салоҳиятига эришиш бугунги кунда барча тижорат банклари учун бирдек муҳим. Бу ўз навбатида, Ўзбекистон тижорат банклари хорижий кредит муасссалари билан солиштирганда, рақобатбардошлик даражаси пастлиги билан изоҳланади.

Молиявий барқарорликка эришишда *маркетинг ва бошқарув сифати* сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Маълумки, кўпинча маҳаллий тижорат банклари ўз фаолият натижаларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қиладилар, улар асоссиз тарзда шубҳали шубҳали битимлар, юқори рискли спекулятив операцияларни қўллаб-қувватлайдилар. Кучсиз бошқарув ва яхши йўлга қўйилмаган маркетинг кўпинча кредит ташкилотининг катта йўқотишларига сабаб бўлади. Рискларнинг кучайиши шароитида тажрибанинг етишмаслиги, прогнозлаш жараёнига етарлича эътибор бермаслик, қарорлардаги хатолар йўқотишларга, банкларнинг молиявий позицияларининг заифлашишига ва молиявий барқарорликнинг пасайишига олиб келади. Аксинча, молиявий барқарор кредит ташкилоти мувозанатли ривожланиш, юқори малакали кадрларни жалб қилиш, бошқарув самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган салбий ҳодисаларни зарарсизлантириш орқали иш сифатини оширишга қодир бўлади.

Банкнинг илғор банк технологияларини ривожлантириш, бозорнинг янги банк маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга мўлжал олиши молиявий барқарорликка кучли таъсир кўрсатади. Албатта, банклар анъанавий маҳсулотларни таклиф қилиш орқали фойда олишлари мумкин бўлса-да, лекин айти пайтда, улар рақобатчилардан ортда қолишлари ҳам мумкин. Мижозлар банк хизматлари ривожининг ҳозирги тенденцияларини ўз вақтида илғамаган ва бунга мослашмаган банклардан воз кечадилар, бу эса муқаррар равишда фаолиятнинг ривожланиш суръатларини пасайтиради ва шу билан бирга кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини заифлаштиради. Аксинча, молиявий барқарор банк

ўз маҳсулот ва хизматлари доирасини муттасил кенгайтириб боради ва модернизация қилади, шу билан бир қаторда, у мижозларнинг ўзгарувчан хоҳиш ва истакларига тезкор жавоб бериши ва мослашиши лозим.

Кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, *банк ишини ташкил этиши* ҳақида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Албатта, бугунги кунда банк ишини ташкиллаштириш жараёнлари ўзгаришга юз тутаётган бўлсада, у биз кутганчалик шиддатли кечаётгани йўқ. Банкнинг янги ташкилий тузилмасини яратиш мавжуд маъмурий бўлинмалар самарадорлигини малакали ташхислаш, қабул қилинган ривожланиш стратегиясига мувофиқ, дунёдаги янги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ишларини танқидий таҳлил қилишни талаб қилади. Бундай иш юритиш албатта ўзини оқлайди, у банк фаолиятини модернизация қилиш, шу жумладан молиявий барқарорликни таъминлашга янги туртки бериши мумкин. Келтириб ўтилган молиявий барқарорликка таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омиллар, албатта, синчковлик билан кўриб чиқишни талаб қилади. Бироқ, ушбу босқичда биз умумий тарзда, асосан назарий таҳлил билан чекландик, шу боис, тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича уларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичлари дарсликнинг кейинги бобларида батафсил ёритилади.

1.4. Банк тизимининг молиявий барқарорлиги билан кредит ташкилоти молиявий барқарорлигининг ўзаро алоқадорлиги

Молиявий барқарорликка таъсир қилувчи омил ва елгилардаги умумийлик ва ўзига хосликлар ир қарашда, кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва банк тизимининг молиявий барқарорлиги бир хил тушунчалар ҳисобланади, шунинг учун уларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда бир хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Чунончи, банк тизими - бу биринчи навбатда, банклар йиғиндиси дир, шу сабабли уларнинг барқарорлик кўрсаткичларини жамлаш ва ушбунатижани алоҳида

банклардан ташкил топган бутун банк тизимининг молиявий барқарорлигини акс эттиришда фойдаланиш кифоя қилади. Банк соҳаси мутахассислари кўпинча шундай йўл тутишади - улар банк тизимининг барқарорлиги ҳақида гапирар эканлар, барча банклар учун жамланма, умумий кўрсаткичлардан фойдаланадилар ва олинган натижани умумий банк тизимини тавсифлаш учун етарли ҳисоблайдилар.

Молиявий барқарорлик таназзули ва ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг муайян даражада ўхшашлиги бундай ёндашув учун асос бўлиб хизмат қилади. Амалга оширилган таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, банкларнинг молиявий барқарорлиги белгилари бўлиб, ўз молиявий фаолиятини кенгайтириш, янги банк маҳсулотлари ва хизматларини ривожлантириш, фаолиятнинг узлуксизлиги ва мувозанатини таъминлаш ва шукабилар ҳисобланади. Айтиш мумкинки, бу белгилар умумий банк тизими-нинг молиявий барқарорлигига хосдир. Албатта, бу тасодифий эмас, чунки биз икки субъект - банк ва банк тизими ўртасидаги фарқни эмас, балки уларнинг ривожланишини кўриб чиқар эканмиз, турли банкларда турлича намоён бўлувчи жиҳатларни таҳлил қилиш, бизга банклар фаолиятига оид кўпгина умумий жиҳатларни излаб топишга имкон беради¹².

Кўпгина ўхшашликлар алоҳида банкнинг ҳам, банк тизимининг ҳам молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ташқи омилларда ҳам намоён бўлади. Биз бу омиллар тўғрисида аввалги параграфларда тўхталиб ўтганлигимиз боис, ҳозир улар ҳақида улар тўхталмаймиз, аммо шуни таъкидлаш ўринлики, муайян бир омил ҳар хил банкларга турлича таъсир кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, у ёки бу омил умуман тизимга ва ҳар бир аниқ банкка нисбатан ўзини мутлақо бошқача намоён қилиши мумкин. Масалан, банк тизимига бўлганишонч муҳим саналсада, аммо у муайян бир банк фаолиятида сезиларли ўрин тутсада, лекин у ўзини тўлиқ намоён қилмайди. Шу

¹² Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016.

тариқа, умуман банк тизимига бўлган ишонч сусайиши мумкин бўлса-да, аммо бу маълум бир банкка нисбатан ўзини намоён қилмайди, у агар молиявий жиҳатдан барқарор банк тавсифини йўқотмаса, жамиятнинг мазкур банкка бўлган ишончи ортиб бораверади.

Молиявий барқарорликка таъсир қилувчи ички омилларни таҳлил қилиш асносида ҳам худди юқоридагида бўлгани каби вазиятга дуч келамиз. Тижорат банки ва банк тизимидаги ҳар бир омилнинг кўлами ва ўзига хослиги турлича бўлади. Бундан ташқари, алоҳида тижорат банки учун ташқи омил бўлган жиҳат (масалан, банктизимининг ҳолати ва банклар ўртасидаги муносабатлар) банк тизимига нисбатан унинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички сабаб сифатида майдонга чиқади.

Банк турлари ва уларнинг молиявий барқарорлик жиҳатлари. Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва банк тизими ўртасидаги боғлиқликни кўриб чиқар эканмиз, бунда яна бир муҳим хусусиятни унутмаслигимиз керак. Маълумки, банк тизимининг ўзида икки даража мавжуд: тижорат банклари товар ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжларини таъминлаш асосида микродаражада ишлайди; бутунбир иқтисодий тизим эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилган ҳолда, банк тизими макродаражада фаолият кўрсатади. Шунинг учун ҳам банк тизимининг, ҳам алоҳида кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари муайян даражада ўзаро мос тушади. Бироқ, улар тўлиғича бир хил бўлади, деган фикрдан йироқмиз. Шу сабабли, тижорат банклари фаолияти ва уларнинг молиявий барқарорлиги тўғрисидаги жамланма маълумотлардан фойдаланиб, уларни банк тизимининг барқарор ривожланиши билан эмас, балки кредит ташкилотлари мажмуаси сифатида банксекторининг барқарор ривожланиши билан боғласак, тўғрироқ бўлар эди.

Шуни унутмайликки, эмитент банк билан тижорат банки - бу ҳар хил турдаги банклардир. Масалан, эмитент банк банкка хос бўлган операцияларни амалга оширади, аммо тижорат банклари

нақд пул чиқариш бўйича операцияларни амалга оширмайди. Ушбу операциялар Марказий банкнинг монополияси ҳисобланади; операциялар фарқлар туфайли унинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар бирмунча бошқача, яъни кўпроқ, макроиқтисодий тавсифга эга бўлган ва биринчи навбатда пул муомаласи, тўлов тизими, ҳисоб-китоблар ва умуман пул айланмасини тартибга солиш каби омиллар билан боғлиқ. Банк секторининг молиявий барқарорлиги ҳолатини муаммоли банкларнинг умумий сонидаги улуши, муддати ўтган кредитлар улуши орқали баҳолаш мумкин. Марказий банкнинг молиявий барқарорлигини унинг фаолияти рентабеллиги ҳажмига қараб баҳолаш мумкин эмас, тижорат банкининг фойдаси эса унинг молиявий барқарорлигининг унсурларидан бири ҳисобланади.

Банк тизимининг барқарор ривожланиш кўрсаткичлари, шу жумладан унинг молиявий барқарорлигини икки турдаги банклар — эмитент ва тижорат банклари кўрсаткичларининг ўзига хос комбинацияси сифатида фараз қилишимиз мумкин.

Банк тизими унсурларининг бир қисми сифатида банкларнинг турлича эканлиги ва уларнинг иш услублари ҳам ҳар хил эканлиги боис, уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг интенсивлиги ҳам турлича бўлиши мумкин. Хусусан, америкалик мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра, молиявий барқарорликнинг пасайиши ва кейинчалик банк инқирозларининг пайдо бўлишининг сабаблари куйидагиларда намоён бўлади: активлар сифатининг пастлиги (98%), режалаштириш ва бошқаришнинг заифлиги (90%), инкассаторларни суиистеъмол қилиш (35%), ноқулай ташқи иқтисодий вазият (35%), ички аудит ва назоратнинг етарлича эмаслиги (25%), фирибгарлик, бухгалтерия маълумотларини сохталаштириш (11%), таъминланмаганхаражатлар (9%).

Молиявий барқарорликнинг пасайиши ва кейинчалик инқирозли вазиятларнинг пайдо бўлишида банк тизими даражасида мутлақо бошқача ҳолатлар кузатилиши мумкин. Бунда ишлаб чиқариш кўламининг пасайиши, инфляциянинг ўсиши, ишламайдиган активларнинг юқори улуши ва шу кабиларни оддий сабаблар сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва шу жумладан, бевосита банк тизимининг барқарорлиги Марказий банк сиёсатига боғлиқ. Қайта молиялаш тартибида, шу жумладан ҳисоб ставкасининг пасайиши шароитида қўшимча пул ресурсларини жалб қилиш орқали кредит ташкилоти ўз молиявий базасини кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Банкларнинг тўловга лаёқатсизлиги ҳолатида уларнинг зарарлари фуқароларнинг омонатларини кафолатлайдиган заҳира маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин ва натижада жисмоний шахсларнинг умуман банк тизимига бўлган ишончи сақланиб қолади ва шу сабабли молиявий барқарорлик унсурларини ошириш имконияти сақланиб қолади.

Молиявий барқарорликнинг пасайиш белгилари ва омиллари. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, банк тизими молиявий барқарорлигини заифлаштирадиган омиллар сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: молиявий ресурслари заиф бўлган банклар сонининг кўплиги; ҳақиқий ликвидликнинг белгиланган меъёр ва стандартларга мос келмаслиги; ривожланишдаги тез-тез кўзга ташланувчи пасайишлар; салбий жараёнларга қарши туриш учун зарур механизмларнинг етишмаслиги.

Кредит ташкилотлари билан банк тизимининг молиявий барқарорлиги бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ташқи муҳит билан белгиланади. Таҳлилларга кўра, кўпинча банк секторининг барқарорлик ҳолати макроиктисодий вазият билан боғлиқ. Молиявий барқарорликнинг айрим кўрсаткичларини ялпи ички маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳажми, умуман, иқтисодиётдаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлаш жуда фойдали. Банклар молиясини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида қимматли маълумотларни саноат капиталлашувининг пасайиши, аксарият йирик компанияларнинг пул оқими ҳисобига кредит фоизларини тўлаш қобилиятининг пасайиши ҳақидаги сигналлар орқали бериш мумкин.

Кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигининг мумкин

бўлган пасайиши ҳақидаги сигналлар нафақат ташқи соҳадан (ички ваташқи леверидж, турли хил бозорлар - пул бозори, жамғарма ва облигациялар бозорлари, товар, валюта, шунингдек, турли соҳалар - корпоратив, хусусий уй хўжаликлари, суғурта, кўчмас мулк) ва шу билан бир қаторда, тўғридан-тўғри банк тизимининг ўзидан ҳам келиб тушиши мумкин. Албатта, ўз табиатига кўра, бошқа омиллар ҳам мавжуд бўлади. Амалиёт шуни кўрсатадики, бу ўринда қуйидагилар огоҳлантириш сигналлари бўлиши мумкин: а) банк активлари даромадлилигининг пасайиши, йиллик рентабеллик даражасининг энг қуйи даражагача тушиб кетиши; б) банкни самарасиз бошқариш оқибатида кредит портфелининг кескин ўсиши; в) депозитларнинг фаол қисқариши ва депозит ставкаларининг кескин ошиши; г) умумий кредит портфелидаги умидсиз кредитлар улушининг белгиланган меъёр (5%)дан ошиши; д) банклараро бозорда кредит нархининг сезиларли даражада ошиши; е) кредитларнинг оқилона тузилмасининг бузилиши (шу жумладан бир йилдан ортиқ муддатли хорижий кредитлар катта ҳажмининг пайдо бўлиши); ё) хорижий инвестицияларнинг кескин ўсиши (камайиши) ёки уларни валюта рисклари юқори бўлган соҳаларга йўналтирилиши; ж) активлар нархининг уларнинг ҳақиқий қийматиганисбатан ошиб кетиши.

Алоҳида олинган пул-кредит институтлари барқарорлигининг ўзгаришини таҳлил қилишда мазкур омилларни атрофлича ҳисобга олиш талаб қилинади.

Муҳокама учун саволлар

1. «Кредит ташкилотининг молиявий барқарорлиги» тушунчаси мазмунини таҳлил қилишда қандай муҳим жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ?

2. Кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигининг «хусусиятлари» ва «белгиси» тушунчаларида фарқ мавжудми?

3. Кредит ташкилотининг барқарорлиги ва молиявий барқарорлиги белгиларини тушунишда фарқ борми?

4. Кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини пасайти-

радиган сабаблар тўплами банк тизимининг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи сабабларга тўғри келмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?

5. Тажрибангизга асосланиб, айтингчи, ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз даврида банк ва банк тизимининг молиявий барқарорлигининг пасайишининг қайси омиллари яққол тарздан намоён бўлади?

II БОБ. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

2.1. Банкнинг молиявий барқарорлигини тизим сифтида баҳолаш ва унинг элементлари

Банк фаолиятининг молиявий барқарорлиги умумлашган сифат тавсифи сифатида ўлчаш ва баҳоланишга мухтож. *Баҳолаш* - бу маълум бир даврга нисбатан ва (ёки) бошқа иқтисодий жиҳатдан бир хил банкларга нисбатан банкнинг ҳолатини ўрнатиш усулидир. Баҳолаш пировард мақсад эмас, у баҳолаш предмети учун маълум бир бошқарув қарорини қабул қилиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни акс эттиради.

Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг мураккаблигива ўзига хослиги шундаки, биринчидан, у тўғридан-тўғри бошқарув объекти бўлган банк фаолиятининг турли хил ўзаро боғлиқ жиҳатларига асосланади (капитал, активлар, фойда, ликвидлик, рисклар, банк бошқаруви); иккинчидан, уларнинг ҳолатига таъсир қилувчи сифат омилларини аниқлаштиришни кўзда тутаяди; учинчидан, у бир қатор субъектив омилларнинг таъсирида бўлади, чунончи бундай баҳолашларни амалга ошириш инсон омили билан боғлиқ.

Баҳолаш ўз мақсадини амалга ошириши ва ўз навбатида самарали бошқарув воситаси бўлиши учун у ишончли бўлиши лозим. Баҳолаш сифати ва унинг ишончлилиги биринчи навбатда унга йўлдош бўлган дастлабки назарий ва услубий асослар билан изоҳланади. Услубиёт дейилганда «назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш, шаклланиш тамойиллари ва усуллари тизими, шунингдек, ушбу тизим тўғрисидаги таълимотлар» тушунилади.

Кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини баҳолаш муаммосига нисбатан услубий асосни муайян бир аниқ концепцияни ҳисобга олган ҳолда, кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделини танлаш ва яратишнинг илмий усулларини белгилаб берувчи, уни

шакллантириш тамойиллари (дастлабки қоидалари) тизими сифатида талқин қилиш мумкин¹³.

Агар кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделини шакллантириш тамойиллари тизими уни яратиш, тузиш ва ташкил этиш борасидаги умумий ёндашувларни белгилаб берса, у ҳолда концепция баҳолашнинг мақсадли йўналишини ифодалайди.

Кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделини танлаш ва яратишнинг илмий усуллари сифатида қуйидагиларни тилга олиб ўтишимиз мумкин: а) нафақат кредит ташкилоти фаолиятининг мураккаб сифат тавси-фи сифатида унинг молиявий барқарорлиги мазмунини очиб беришга, балки молиявий барқарорликнинг алоҳида таркибий қисмлари, шунингдек, умуман банк секторининг молиявий барқарорлиги ўртасидаги ички алоқаларни аниқлашга имкон берувчи иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганиш усули; б) ушбу жараённинг асосий унсурлари, аналитик, услубий ва ташкилий жараёнларни муайян бир мантиқ ва бирликда кўриб чиқишга имкон берувчи баҳолаш жараёнини тизимли таҳлил қилиш усули; в) кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделини шакллантиришга умумий ёндашувларни, шунингдек таҳлилчининг ушбу моделни яратиш борасида танлаган концепциясига қараб, уларнинг ўзгаришини белгиловчи иқтисодий моделлаштириш усули.

Кредит ташкилоти молиявий барқарорлигининг илмий асослари тўғрисида 1-бобда тўхталиб ўтдик. Мазкур бобда биз баҳолаш жараёнининг ўзи ва уни моделлаштиришни тизимли таҳлил қилиш усулини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Баҳолашни тизим сифатида кўриб чиқишдан бошлаймиз. Молиявий барқарорликни баҳолаш бир қатор унсурларни ўз ичига олган мустақил тизимдир. Буларга қуйидагилар киради: баҳолаш субъекти ва объекти, меъёрий-ҳуқуқий база, баҳолашни амалга ошириш механизми, жамланма баҳолаш турлари ва уларнинг

¹³ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016.

дифференциацияси.

Баҳолаш субъекти - бу банкнинг молиявий барқарорлиги ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан манфаатдор бўлган маълум бир юридик шахсдир. Қуйидагилар баҳолаш субъекти бўлиши мумкин: қонун бўйича банк тизимининг молиявий барқарорлиги учун масъул бўлган назорат органи; инвесторлар ва банк мижозларига банкнинг молиявий барқарорлик рейтинглари тўғрисида маълумот берувчи рейтинг агентликлари; банкларнинг молиявий (бухгалтерия) ҳисоботларининг ишончилигини тасдиқловчи аудиторлик ташкилотлари; ўзаро корреспондентлик муносабатларини ўрнатган ёки банклараро кредитлаш лимитларини очган ҳамкор банклар; банк хизматларидан фойдаланишда молиявий барқарор ва рақобатбардош банкларни танлашдан манфаатдор бўлган мижозлар ва ниҳоят, молиявий барқарорликни бошқаришда тегишли ахборотлардан фойдаланувчи банкларнинг ўзи.

Баҳолашни амалга оширишда ҳар бир субъект ўз манфаатидан келиб чиқиб иш кўради. Ўз навбатида, ҳар бир субъект баҳолаш мақсади ва мавжуд маълумотларнинг кенглиги билан белгиланувчи, ўзининг баҳолаш услубиётини ишлаб чиқади.

Баҳолаш объекти банкнинг молиявий ҳолати ёки молиявий барқарорлиги сифатида аниқлаштирилиши мумкин. Баҳолаш орқали банкнинг жорий ва истикболдаги ҳолати тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлади.

Банкнинг молиявий ҳолати ресурсларни тўплаш ва жойлаштириш натижалари, шунингдек улардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди. Молиявий ҳолат банкнинг ўз маҳсулотларини яратиш ва сотиш бўйича фаолиятини тугал баҳолаш, ушбу жараёнларнинг молиявий таркибий қисмини ифода этади. Молиявий ҳолатни баҳолаш муайян бир санада ва мунтазам равишда амалга оширилади. Натижада динамикада миқдорий ва сифат ўзгаришларини аниқлаш, омилларни таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Банкнинг молиявий барқарорлиги банк фаолиятини сифат

жиҳатдан янада чуқурроқ тавсифлаш имконини беради. Бу умуман олганда, банк барқарорлигини баҳолашнинг ажралмас қисми, яъни унинг динамик ривожланиши ва самарали ишлаши қобилиятини акс эттиради. Молиявий барқарорлик банкнинг пул оқимларини самарали бошқариш ва молиявий мажбуриятларини бажариш қобилиятини ифодалайди.

Молиявий ҳолатдан фарқли ўлароқ, молиявий барқарорлик ташқи ва ички рискларга нисбатан молиявий мустаҳкамлик чегарасини акс эттирувчи динамик хусусиятдир. Молиявий барқарорлик банк молиявий фаолиятининг муҳим сифат хусусиятларини ўз ичига олади. Бу бир марталик ҳолатни эмас, балки молиявий оқимларнинг сифати ва молиявий натижаларни ифодалайди. Молиявий барқарорлик асосини ташкил қилувчи молиявий фаолият сифати қуйидаги шартларга риоя қилишни назарда тутади: банкнинг рискларга қарши туриш қобилиятини намойиш этувчи пул оқимлари ва молиявий натижаларнинг барқарорлиги; банкнинг динамик ривожланишини таъминловчи банк молия тизими унсурларининг ички мувозанати. Ушбу шартларга риоя қилиниши баҳолашнинг қуйида кўриб чиқиладиган ўзига хос махсус усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Ўрганилаётган объектнинг молиявий ҳолати ва молиявий барқарорлиги ўртасидаги сезиларли фарқ шундан иборатки, фақат зарурий маълумотларга эга бўлган субъект, молиявий барқарорликни баҳолай олади. Хусусан, бундай баҳолашни банкнинг ўзи, назорат органи, айрим ҳолларда - рейтинг агентлиги тўлиқ амалга ошириши мумкин. Бошқа барча субъектлар фақат расмий жорий ҳисоботдан фойдаланган ҳолда, молиявий ҳолатни баҳолашлари мумкин.

Масофавий баҳолаш орқали муҳим тенденцияларни белгилаб берувчи сифат белгиларини аниқлашга хизмат қилувчи омилли таҳлилини ўтказишнинг имкони йўқ. Бунинг учун пул оқимларининг шаклланиши ва молиявий натижа сифатини тавсифловчи кенг доирадаги ички маълумотлар талаб этилади.

Истиқболли баҳолаш одатда узоқ вақт давомида жорий молиявий натижаларни ўрганишга асосланган. Бу ўз навбатида банкнинг молиявий ҳолати ёки молиявий барқарорлигини баҳолашни тўлдиради.

Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг *меъёрий-ҳуқуқий базаси* турли баҳолаш субъектларига нисбатан фарқ қилади. Назорат қилувчи органга нисбатан бундай асослар, биринчидан, унинг функциялари ва ваколатларини белгилаб берувчи қонунчилик, иккинчидан, назорат органининг ўз меъёрий ҳужжатлар киради.

Хорижий рейтинг агентликлари, қоида тариқасида, банк билан тузилган шартнома асосида молиявий барқарорликни баҳолайдилар. Улар га барча керакли маълумотлар тақдим қилинади. Ҳар бир рейтинг агентлиги ўз баҳолаш услубиётини ишлаб чиқади ва шунга асосан ўз ишини амалга оширади.

Аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини амалдаги қонунчилик, миллий аудит стандартларига мувофиқ, банкнинг молиявий ҳолати билан боғлиқ бир қатор таҳлилий жараён ва воситалардан фойдаланган ҳолда, банклар билан шартномалар тузиш, аудит режаси ва дастурини банклар билан келишиш орқали текшириб кўрадилар.

Банклар ҳамкор банкларнинг молиявий ҳолатини ўзларининг регламент ва кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда баҳолайдилар. Ушбу ҳужжатлар банкларга тақдим қилинмайди. Бундай баҳолаш банк ички рискларини бошқариш тизими жараёнларига тегишли бўлади.

Банкнинг ўзи ҳам ички банк қоидалари ва услублари асосида ўз баҳолашларини амалга оширади. Банк мижозлари бундай баҳолашларни ўз ташаббуслари билан амалга оширадилар.

Баҳолаш механизми банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда бир ўринда қўлланилувчи воситалар, амалиётлар, ташкилий чора-тадбирлар мажмуи сифатида аниқлаштириш мумкин. Баҳолаш воситаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

баҳолаш бўйича кўрсатмалар, баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари тўплами, ишчи ва таҳлилий жадваллар, тушунтиришлар ва банкнинг молиявий барқарорлиги натижалари бўйича асосланган хулосалар.

Муайян воситаларнинг тўплами ва мазмуни баҳолаш субъектининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг мақсадли созиламаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар хил баҳолаш турларига нисбатан фарқ қилади.

Баҳолашни амалга ошириш тартиби алоҳида воситалардан фойдаланиш тартиби ва кетма-кетлигини очиб беради. Масалан, кўрсатма тавсифига эга бўлган воситаларига нисбатан қўлланилувчи амалиёт уларни ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятда фойдаланиш тартибини белгилайди; баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларига нисбатан эса, уларни танлаш, ҳисоблаш, таҳлил қилиш ва хулосаларни шакллантириш кабиларни акс эттиради.

Баҳолашда қўлланилувчи ташкилий чора-тадбирларга қуйидагилар киради: баҳолашни амалга оширувчи аниқ шахслар ёки шахслар гуруҳини аниқлаш; ушбу шахсларнинг текширилаётган банк билан муносабатларини аниқлаш; мабодо лозим бўлса, баҳолаш учун банк билан шартномалар тузиш; ахборот базасини шакллантириш; ишчи ва таҳлилий жадвалларни тузиш.

Хорижий ва маҳаллий тажрибанинг гувоҳлик беришича, *баҳолаш турлари ва улардан фойдаланиши* баҳолаш субъектларининг банкнинг молиявий барқарорлиги даражаси тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш муайян бир ёндашувни ифодалайди. Амалда бундай умумлашган тасаввур расмий ёки норасмий кўринишда ифодаланиши мумкин.

Умумлаштирилган баҳолашнинг расмийлаштирилган турлари-бу биринчи навбатда, банкка берилган рейтинг ва баллардир. Замонавий шароитда рейтинг ва баллар молиявий барқарорликнинг жамланма кўрсаткичини ҳисоблашнинг кўп компонентли алгоритмини ифодалайди. Ушбу ҳисоб-китобнинг ҳар бир компоненти банкнинг молиявий барқарорлик рейтингини акс эттирувчи ўртача тортилган қиймат сифатида ҳам белгиланади.

Жамланма баҳолаш жараёни рейтинг ва балларни ҳисоблашнинг маълум усулларида фойдаланишга асосланган бўлиб, улар банкни молиявий барқарорлик тоифаси (даражаси) кўра, аниқ таснифлашга имкон беради.

Одатда, рейтинглар ёки баллар бериш банкларни муайян бир гуруҳларга ажратишга имкон берувчи муҳим жиҳат ва белгиларни ўз ичига олувчи асосли ёндашувлар асосида амалга ошилади. Баҳолаш тури ва табақалаштириш даражаси баҳолаш субъектлари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Назорат органлари ва рейтинг агентликлари, қоида тариқасида, баҳолашнинг расмий турларидан фойдаланадилар. Аудиторлик ташкилотлари, ҳамкор банклар ва мижозлар эса, одатда норасмий баҳолашга таяниб иш кўрадилар. Баҳолашларнинг табақаланиш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин, бу ўз навбатида, банкларнинг рейтинглари, баллари ёки ўзига хос жиҳатларида акс этади.

Банклар учун назорат органлари томонидан берилган рейтинглар ва баллар ошкор қилинмайдиган маълумотлар ҳисобланади. У алоҳида банкларнинг молиявий барқарорлигини тартибга солиш ва умумий тарзда тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда фойдаланилади.

Рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинглар фақат банкнинг розилиги билан эълон қилиниши лозим. Аудиторлик ташкилотлари ўз хулосаларини банкнинг олий бошқарув органига ва мамлакатда аудиторлик фаолиятини тартибга солиш учун масъул бўлган идорага тақдим этадилар. Ҳамкор банклар ва мижозлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, баҳолашларни амалга оширадилар, лекин ҳеч қачон бу борадаги маълумотларни ошкор қилмайдилар.

2.2. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделлари

Энциклопедик луғатларда «модел» тушунчаси андоза, намуна, стандарт сифатида талқин қилинади. Кредит ташкилотининг

молиявий барқарорлигини баҳолаш муаммосига ёндашув нуқта назаридан моделлаштириш объектлари қуйидагилар бўлиши мумкин: а) баҳолаш усуллари ва уни ташкил этиш усуллари тўплами, яъни услубий, таҳлилий ва ташкилий воситалар тўплами ва тузилиши; б) амалда фаолият кўрсатувчи банкнинг бўлғуси кўрсаткичлари қийматларини аниқлаш усуллари; в) молиявий барқарор банкнинг мақбул кўрсаткичларини аниқлаш усуллари.

Ушбу дарсликда асосий эътибор кредит ташкилотининг сифат ҳолати тўғрисида энг ишончли маълумотларга эришишга имкон берувчи энг тўлиқ баҳолаш воситаларини шакллантиришга қаратилган.

Маълум даражада услубий, таҳлилий ва ташкилий воситаларнинг ривожланишини тавсифловчи башоратли моделлар устида ҳам тўхталиб ўтилади.

Самарали банкнинг мақбул кўрсаткичларини моделлаштириш масалалари мазкур дарслик доирасида кўриб чиқилмайди. Мазкур масала Г.Г. Фетисовнинг «Банк тизимининг барқарорлиги ва уни баҳолаш услубиёти» номли илмий монографиясида амалий жиҳатдан етарлича ёритиб берилган. Унда бундай моделни шакллантириш борасида баъзи услубий ёндашувлар келтирилган¹⁵.

Баҳолаш модели дейилганда, кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва танланган концепцияга мувофиқ, хулосалар чиқариш учун муайян бир намуна тавсифи тушунилади.

Кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини баҳолаш жараёнининг мазмунини ташкил этувчи воситалар ва амалиётлар тўпламини моделлаштиришга ўтиш кредит ташкилоти тўғрисидаги мазкур маълумотларнинг юқори даражада ишончилигини таъминлаш зарурати билан боғлиқ.

Баҳолашнинг ишончилигига объектив ва субъектив тавсифдаги бир қатор омиллар таъсир қилади. Бироқ, зарур услубий, таҳлилий ва ташкилий воситалар стандартини яратиш, шубҳасиз, баҳолаш сифатини яхшилади. Шунини таъкидлаш керакки, бундай эталонни яратиш биринчи навбатда миллий банк тизимини ривожлантириш ва

мустаҳкамлаш вазифаси юкланган назорат органларига тегишлидир. Ушбу функцияни амалга ошириш учун улар зарур маълумотларни, аналитик, технологик воситаларни яратадилар ва кадрлар салоҳиятини ривожлантирадилар. Ҳозирги вақтда назорат органлари томонидан ишлаб чиқилган кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш модели турлича бўлса-да, аммо улар муҳим жиҳатларда бир хил бўлиб, ушбу соҳада тўпланган бой халқаро тажрибани, шунингдек, банк назарияси ва амалиётининг ривожланишини акс эттиради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашни шакллантиришга умумий ёндашувларни акс эттирувчи типик моделни ва уларни яратишнинг турли усул ва воситаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи ўзгарувчан моделларни ажратиш мумкин.

Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг намунавий модели қуйидаги бирламчи шартлар асосида яратилиши мумкин: а) модел банк молиявий ҳолатининг иқтисодий моҳиятини акс эттириши лозим; б) мазкур модел банкни акс эттирувчи тизим барқарорлигининг асосий хусусиятларини акс эттириши шарт; в) модел баҳолаш жараёнини ташкил этишни тавсифлаши керак.

Банк молиявий ҳолатининг иқтисодий моҳиятини моделда акс эттириш банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш мезонларини танлаш орқали амалга оширилади. Тизим молиявий барқарорлигининг асосий хусусиятларини амалга ошириш банкнинг алоҳида кўрсаткичлари ва сифат хусусиятларини танлаш орқали; баҳолаш жараёнини ташкил этиш тавсифи эса, баҳолаш мазмунини ташкил этувчи босқичлар ва тартибларни ажратиб кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш борасида намунавий моделнинг қуйидаги блокларини ажратиш мумкин: а) баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари; б) баҳолаш жараёнида қўлланиладиган таҳлилий жараёнлар; в) алоҳида ташкил этувчилар

ва яхлит тарздаги молиявий барқарорликни баҳолаш усуллари; в) банкларни тартиблаш ва ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш; г) баҳолашнинг ишончлилиги (сифати)ни аниқлаш.

Юқорида тилга олиб ўтилган блоклар деярли барча турдаги моделларда учрасада, аммо улар танланган баҳолаш концепциясини ҳисобга олган ҳолда мазмунан ўзгаради.

Назорат қилувчи органлар томонидан банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашни шакллантиришда маҳаллий ва хорижий тажрибани ўрганиш қуйидаги концептуал моделларни аниқлашга имкон беради.

Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги моделлар фарқланади: а) молиявий барқарорликнинг таркибий қисмлари (ташқил этувчилари)ни комплекс баҳолаш; б) банкнинг молиявий барқарорлиги таъсир қиладиган рискларни ҳар томонлама баҳолаш.

Биринчи ҳолатда, банкнинг молиявий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатувчи банк фаолиятининг сифат жиҳатлари тўплами ўрганиш вабаҳолаш объекти сифатида майдонга чиқади.

Жаҳон банки томонидан банкнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган йўриқномада банкнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидагилар таҳлилнинг асосий йўналишлари сифатида тан олинади: даромадлилик даражаси, ликвидлик ҳолати, активлар сифати, капитал ва заҳираларнинг етарлилиги, банк бошқарувининг самарадорлиги. Назорат органлари ва рейтинг агентликларининг деярли барча усулларида юқорида тилга олиб ўтилган йўналишлар банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш мезонларини белгилаб беради. Фақатгина, ушбу мезонларни очиб берадиган кўрсаткичларг таркиби ва мазмуни фарқ қилади.

Бир қатор хорижий рейтинг агентликлари ушбу мезонларни макро омиллар, яъни мамлакат банк тизими фаолият кўрсатадиган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолаш

билан тўлдирадилар.

Бошқа концептуал ёндашув банкларга хос бўлган банк рискларини баҳолашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бундай ҳолатда, банкнинг юқорида айтиб ўтилган хусусиятлари ҳолатига таъсир қилувчи рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш амалга оширилади.

Турли рисклар даражаси ва бошқарув сифатини баҳолаш асосида банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Биринчи концептуал модел АҚШда банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда қўлланилувчи CAMELS тизимига киритилган. Унинг асосий тамойиллари турли мамлакатларнинг назорат органлари фаолиятида ҳам кенг қўлланилади.

Иккинчи концептуал модел Англия банки томонидан қўлланилувчи RATE тизимига хос. Бошқа моделларда банкларнинг молиявий барқарорлигига рискларнинг таъсири муҳимлигини ҳисобга олиб, бу хусусият мустақил унсур сифатида умумий тизимга киритилган.

Яқуний баҳони шакллантириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги моделлар ўзаро бир-биридан фарқланади: а) рейтинг тизими; б) эксперт тизими; в) аралаш тизим.

Рейтинг тизимида баҳолаш натижаси банкнинг молиявий барқарорлигига маълум рақамли қиймат бериш шаклида расмийлаштиради. Рейтинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, солиштирма коэффициент бўйича сифат даражаси табақалаштирилган ҳақиқий ва меъёрий қийматлар ҳисобга олинувчи, махсус услубиёт бўйича амалга оширилади. Рейтинг тизими аксарият ҳолатларда, рейтинг агентликлари ва баъзи назорат органлари томонидан кенг қўлланилади (масалан, АҚШ).

Одатда, *рейтинг тизими* омилли таҳлил ўтказишни кўзда тутмайди. Унинг асосини ҳақиқий қийматни меъёрий қиймат билан таққослаш ташкил қилади. Баъзи рейтинг тизимларида (масалан, CAMELS тизими, АҚШ) бир қатор кўрсаткичларнинг рейтинги бошқа кўрсаткичларнинг рейтинги билан боғлиқ бўлади.

Эксперт тизими норасмий тизимларга мансуб. Муайян бир рейтингни бериш таҳлилчи томонидан у ёки бу кўрсаткич ҳолатига таъсир қилувчи кўплаб омилларни ўрганиш асосида амалга оширилади. Эксперт баҳоси муҳим далиллар ва тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, таҳлилчи мулоҳазаларининг асосланганлигига таянади. Эксперт баҳолаш ҳам муайян бир услубиётга асосланган ҳолда амалга оширилади. Эксперт баҳолаш асосан назорат органлари томонидан қўлланилади (масалан, Англия банки томонидан қўлланилувчи RATE тизими).

Аралаш тизим юқорида кўрсатилган тизимларнинг унсурларидан ташкил топади. Бундай тизимга Марказий банк томонидан банкларни баҳолаш услубиётини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Ушбу тизимда, бир томондан, ҳар бир кўрсаткичга тўғри келувчи балларни ҳисоблаш орқали баҳолаш натижаларини расмийлаштириш кўзга ташланса; бошқа томондан эса, банкларнинг молиявий барқарорлигига путур етказиши мумкин бўлган омиллар (масалан, мамлакат қонунчилигига риоя қилмаслик) ҳисобга олинади. Бунинг натижасида, баҳолаш натижаси кўп жиҳатдан таҳлилчининг асосли мушоҳадасига боғлиқ бўлиб қолади.

Банкнинг молиявий барқарорлигини ўрганиш усулларидан келиб чиққан ҳолда, статистик ва таҳлилий моделлар фарқланади.

Банк барқарорлигини баҳолашнинг *статистик модели* - бу турли хил автоматлаштирилган маълумотлар базаларига кириш, шунингдек фаолият кўрсаткичлари ва рейтингларини ҳисоблаш, уларнинг динамикаси ва тузилишини кузатиш имконини берувчи махсус дастурий маҳсулотлар асосида ишлайдиган эконометрик тизимдир. Унда намунавий моделнинг барча санаб ўтилган блоклари мавжуд, аммо уларнинг таркиби дастурий маҳсулот талаблари таъсири остида ўзгартирилади.

Статистик модел дастурга киритилган кўплаб омилларни ҳисобга олган ҳолда, банкнинг молиявий барқарорлигини тезда баҳолаш имконини беради. Ушбу масофавий тавсифга эга бўлганлиги боис, олинган натижаларнинг ҳақиқий вазиятга қай

даражада мос келиши муаммоси мавжуддир.

Ушбу камчилик маълум даражада Белгия, Франция ва Италиянинг назорат органлари томонидан банкнинг кредит портфели ва қимматли қоғозлар портфели сифатини масофадан баҳолашга имкон берадиган кредит регистрлари, фирмаларнинг молиявий ҳолати рейтингларини шакллантириш орқали бартараф қилинган.

Статистик моделдан банкдаги муаммоларни эрта аниқлаш ва олдини олиш учун шунингдек, ўрта муддатли (2-3 йил) башорат қилинувчи баҳолашни амалга оширишда ҳам фойдаланилади. Иккинчи вазифа унинг айниқса долзарблигидир, чунончи у келгусидаги вазиятни башорат қилиш имконини беради. Статистик моделлар мавжуд вазиятни қисқа, ўрта ва узоқ муддатли башоратлар билан бойитган ҳолда, рейтинг агентликлари, шунингдек, айрим назорат органлари томонидан кенг қўлланилади.

Таҳлилий модел статистик ва таҳлилий бухгалтерия маълумотларини ўрганишга асослананади, яъни молиявий барқарорликни ўрганиш жараёнларига банкнинг ички ҳужжатларини таҳлил қилиш киритилади.

Ушбу модел назорат органлари томонидан асосий модел сифатида, шунингдек, баҳолаш ўтказиш мақсадида банклар билан шартнома тузган рейтинг агентликлари томонидан қўлланилади.

Шаффофлик даражасига кўра банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг очиқ ва ёпиқ моделларини ажратиш мумкин.

Очиқ моделлар ўз усулларини матбуотда нашр этишлари билан; ёпиқ моделлар эса бундай нашрларнинг мавжуд эмаслиги билан тавсифланади.

Очиқ моделлар назорат органлари томонидан қўлланилади, аммо улар олинган баҳолаш натижаларини эълон қилмайдилар.

Рейтинг агентликлари ҳам очиқ ва ҳам ёпиқ моделлардан фойдаланадилар. Уларнинг усуллари ва рейтинглари нашр эълон қилиниши ёки эълон қилинмаслиги ҳам мумкин.

Молиявий барқарорликни баҳолашнинг турли моделларининг мазмуни 3 ва 4-бобларда батафсил кўриб чиқилади.

2.3. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда муҳимлик ва мувозанатлик усуллари

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кредит ташкилотининг молиявий барқарорлиги тизимнинг ҳолат барқарорлиги ва унинг таркибий унсурларининг ички мувозанати каби хусусиятлари билан тавсифланади. Шунга кўра, молиявий барқарорликни баҳолашда тизимнинг белгиланган хусусиятлари ҳисобга олиниши керак.

Ушбу хусусиятларнинг ҳар бирининг мазмуни ва улардан банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда фойдаланиш усуллари кўриб чиқамиз.

Банк молиявий ҳолатининг барқарорлиги, биринчидан, банк фаолиятининг барқарорлиги, яъни актив ва пассив операцияларнинг меъёрдаги ўсиши, унинг тузилиши, мижозлар базаси ва молиявий натижалари ривожланишнинг барқарор тенденциясини аниқлаш, иккинчидан, фаолият давомида турли хил битим ва операцияларни амалга оширишда йўқотишлар хавфига дош бера олиш лаёқатини билдиради.

Бундай вазият барқарор сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳит; банкнинг яхши ташкиллаштирилган ривожланиш стратегияси; банк бошқарувининг юқори даражаси; ривожланган банк инфратузилмаси шароитида мумкин бўлади.

Молиявий ҳолатнинг барқарорлигини баҳолашнинг асосий усули банкнинг бир неча йиллар мобайнидаги (уч йилдан беш йилгача бўлган) ривожланиш динамикасини ўрганишдан иборатдир.

Ушбу давр ичида (йиллар, хусусан бир йил давомида) баъзи бир тебранишлар мумкин бўлсада, бироқ, қуйидагилар барқарорликнинг белги-лари ҳисобланади: банкнинг ривожланишга бўлган яққол тенденцияси; банк-нинг молиявий ҳолатини тавсифловчи алоҳида кўрсаткичлар йўналишларида кескин қарама-қарши тебранишларнинг йўқлиги.

Ҳар қандай кескин тебранишлар, ҳатто кўрсаткичлар

қийматининг ошиши йўналиши бўйича ҳам, бошқариб бўлмайдиган банк рисклари мавжудлигини ёки келажақда уларнинг пайдо бўлишини кўрсатадиган янги омилларнинг пайдо бўлишини англатади. Шу тариқа, алоҳида банк операциялари ёки умуман баланс валютасининг юқори ўсиш суръати жиддий таҳлилий ва бошқарув жараёнларини талаб қилади, чунончи уларсиз кўзланган молиявий самарага эришиб бўлмайди¹⁴.

Тизимнинг кўрсатиб ўтилган хусусияти билан яна бир муҳим жиҳат - тизимда мувозанатнинг мавжудлиги ва унинг алоҳида унсурларининг ривожланиши ҳисобланади. Банкнинг молиявий барқарорлиги учун тизимнинг ташкилий, кадрлар, иқтисодий, ахборот, технологик каби таркибий қисмларининг ички мувозанати муҳим аҳамиятга эга.

Ташкилий тузилманинг мувозанати унинг банк томонидан амалга ошириладиган операциялар ҳажми ва тузилишига мувофиқлигини англатади. Банкнинг молиявий барқарорлиги учун тизимнинг ташкилий мувозанатининг аҳамияти шундаки, бошқа барча шароитлар тенг бўлган шароитда, банк фаолиятига хос бўлган тегишли тартиб-қоидаларни амалга ошириш ва рискларни бошқариш учун зарур ташкилий шартлар мавжуд.

Тизимнинг ташкилий мувозанатини баҳолашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- мавжуд операцияларнинг етарли даражада ташкилий тузилма билан таъминланганлиги, яъни тегишли операцияларни амалга оширадиган ва уларни бошқарадиган бўлинмалар ва аниқ шахсларнинг мавжудлиги ўрганилади; ушбу бўлинмалар ва шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бирлаштирган лавозим тавсифларининг мавжудлиги; тегишли операцияларни амалга оширадиган бўлинмалар ва аниқ шахсларнинг мавжудлиги; тегишли операцияларни белгилайдиган ўқув-услубий ҳужжатларнинг мавжудлиги; тегишли операцияларни амалга оширадиган

¹⁴ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016.

операцияларни амалга ошириш ва уларни бошқариш қоидалари;

- умумий банк рискларини бошқариш тизимининг банкка таъсир қиладиган хавф-хатарларга қанчалик мос келиши ўрганилади.

Натижада, банкнинг барча функционал ва бошқарув бўлинмалари (шу жумладан юқори раҳбарият бўғини) фаолиятининг тузилиши, сони ва ҳуқ-қий асосларининг ҳал қилинаётган вазифалар кўлами ва мураккаблигига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганилади.

Тизимнинг кадрлар мувозанати банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун муҳимдир, чунки ходимларнинг миқдорий, таркибий ва сифат таркиби кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва алоҳида бўлимлар даражасида ҳам, умумий банк даражасида ҳам қабул қилинган бошқарув қарорларининг сифатини белгилайди.

Ходимларнинг мувозанатли тизимини баҳолаш усуллари қуйидагилардан иборат: функционал ва бошқарув бўлинмаларининг сони ва тузилиши, ходимлар ва менежерларнинг касбий даражаси, банк олдида турган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ходимлар малакасини ошириш тизими, банк дуч келадиган рискларнинг таркиби ва мураккаблигини ўрганиш.

Тизимнинг молиявий мувозанатида марказий ўринни банк фаолият-нинг муҳим жиҳатларининг ривожланиш динамикасидаги ички мувофиқликни белгилаб берувчи, иқтисодий мувозанат эгаллайди. Бундай муҳим жиҳатларга қуйидагилар киради: капитал, заҳиралар, депозитлар, кредитлар, молиявий натижалар.

Ушбу жиҳатларнинг ривожланиш тенденциялари органик равишда ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Хусусан, кредитларнинг ўсиши депозитлар, капитал ва заҳираларнинг кўпайиши, шунингдек молиявий натижаларнинг яхшиланиши билан бирга кечиши лозим. Ўзгаришлар тенденцияларининг йўналиши баҳолашда муҳим аҳамиятга эга, бунда ўзгаришлар суръати даражаси фарқ қилиши мумкин. Шу тариқа, кредитларнинг ўсиши шароитида заҳиралар ва

молиявий натижаларнинг ўсмаслиги банкнинг етарлича қоплаш манбаига эга бўлмаган рискга дучор бўлишини, шунингдек, кредит операцияларининг паст самарадорлигини англатади, бу эса ўз навбатида банк молиявий барқарорлигининг пасайишидан далолат беради.

Ахборот мувозанати ахборот базаси ҳажми ва тузилишининг операцияларни амалга ошириш ва банк рискларини бошқаришда банк эҳтиёжларига мувофиқлигини акс эттиради. Банк операциялари (шу жумладан балансдан ташқари операциялар) кенгайиб бориши асносида уларнинг тобора мураккаблашиб бораётган ахборот базаси ривожлантирилиши, янги блоклар билан тўлдирилиши ва тузилмаси такомиллаштирилиши лозим, бу эса янги вазифаларни ҳал қилишга имкон беради. Шу сабабли, банкда самарали ишлайдиган ахборот тизими, шу жумладан ахборот стратегияси, услубий восита ва дастаклар, уни махфийлик, яхлитлик, асосий маълумотларнинг мавжудлиги, ташқи муҳитга жавоб беришга мослашувчанлигини баҳолаш механизми яратилиши лозим.

Бугунги кунда банк мижозлари, ташқи муҳит ва операцион рискларни келтириб чиқарадиган ички банк жараёнлари тўғрисида маълумот тўплашга катта эътибор берилмоқда.

Технологик мувозанат ахборот технологияларининг (АТ) миқдор, тузилма ва сифат бўйича банк операциялари, банк рискларини бошқаришнинг замонавий талабларга мувофиқлигини белгилайди.

Бунда ахборот технологияларининг етарлилиги, устуворликлари ва ривожланиши, янги технологияларни синовдан ўтказиш ва жорий этиш тартиблари, кирувчи ахборот тизимининг самарадорлиги баҳоланади.

Мувозанатнинг ҳар хил турларини ўрганишда банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш мақсадида анкета сўровномалари тўлдириш, тест ўтказиш ва жойлардаги вазиятни ўрганиш кабилардан фойдаланиш мумкин.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳозирча услубий даражада

бўлса-да, ташкилотлар фаолиятининг мувозанатлилигини баҳолаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Ғарбда ўзаро боғлиқ, мувозанатли кўрсаткичлар тизими моделлари 1980-1990 йилларда пайдо бўлган. Гарвард Иқтисодиёт мактаби профессорлари Р. Каплан ва Д. Нортон томонидан таклиф қилинган мувозанатли кўрсаткичлар тизими бугунги кенг қўлланилувчи ва ўзига хос машҳур кўрсаткичлар тизими ҳисобланади. Ушбу тизим компания фаолиятининг молиявий ва молиявий бўлмаган, хусусан: миждозлар билан муносабатлар; ички бизнес жараёнлари, молиявий ташкил этувчилар, инновациялар, ривожланиш ва ўқитиш каби жиҳатларини бирлаштиради.

Ушбу тизимнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади: а) компаниянинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли ривожланиш мақсадлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга интилиш; б) миждозларнинг манфаатларини қондиришга алоҳида эътибор қаратиш, чунончи усиз стратегик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш мумкин бўлмайди; в) кўрсаткичлар аниқ рўйхатининг мавжуд эмаслиги; ривожланишнинг асосий йўналишлари доирасида стратегия мувозанатини таъминлаш ва аниқ мақсадларни белгилаб олиш. Албатта, бу тизим концептуал жиҳатдан қизиқарли ҳисобланади. Бироқ, уни, биринчи навбатда, юқорида келтирилган тизимнинг турли блокларини тавсифловчи аниқ кўрсаткичларни боғлаш йўналиши бўйича ўрганиш ва такомиллаштириш лозим; иккинчидан, бу банкнинг ўзига хос хусусиятларига нисбатан олганда, айниқса муҳим ҳисобланади.

Мувозанатлашган кўрсаткичларнинг кенг тизимини яратиш йўналишларидан бири, юқорида тавсифланган блоklar бўйича банк фаолиятидаги балансни ўрганиш ва баҳолашдан иборат.

2.4. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг асосий босқичлари

Молиявий барқарорликни баҳолаш моделининг ташкилий компоненти муҳим аҳамиятга эга, чунки у стандартлаштирилган ахборот базасини яратиш, фойдаланилувчи маълумотларни талқин

қилишнинг услубий воситалари ва таҳлилий жараёнлари тўпламини аниқлаштириш, баҳолаш жараёнининг аниқ тузилмасини белгилаш ёрдамида банкнинг реал ҳолатини баҳолашга қўйилувчи мослик талабларини амалга оширишга имкон беради.

Баҳолашни ўтказишнинг асосий босқичлари қуйидаги тегишли ҳужжатларда ўз аксини топади: а) банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида жамланма хулосани шакллантириш режаси ва дастури; б) ушбу жараён иштирокчиларининг рўйхати ва уларнинг вазифалари;

в) таҳлил ўтказиш борасидаги услубий ишланмалар ва унинг натижалари асосида хулосаларни шакллантириш; г) керакли ҳисоботлар рўйхати; ишчи ва жамланма жадваллар; таҳлилий ёзишмалар. Мазкур ҳужжатларнинг турлари ва мазмуни банкнинг молиявий барқарорлигини баҳоловчи субъектларнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилади¹⁵.

Баҳолаш жараён сифатида зарур ахборот базасини шакллантириш, таҳлил қилиш, банкнинг молиявий барқарорлиги даражаси тўғрисида муайян бир фикрни ифодалаш борасида изчилликда амалга оширилувчи ва ўзаро боғлиқ амаллар тўпламини ифода этади. Ушбу жараённи қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин: а) ахборотни йиғиш, текшириш ва тартиблаш; б) ишчи ва жамланма жадвалларини тўлдириш; в) алоҳида жадваллардаги ва ўзаро алоқадорликда бўлган маълумотларни таҳлил қилиш; г) молиявий барқарорликнинг алоҳида таркибий қисмлари ва яхлит тарзда банкнинг ҳолати тўғрисида хулоса ясаш.

Ушбу босқичларнинг барчасида амалларни бажариш тегишли усуллар, жадваллар, кўрсатмаларнинг мавжудлигини назарда тутати.

Биринчи босқич дастлабки босқич саналса-да, сифат, яъни баҳолашнинг мослигини таъминлашда фавқулодда муҳим ҳисобланади. Тўлиқ бўлмаган ёки ишончсиз маълумотлар банкнинг молиявий барқарорлик ҳолати, унинг ҳақиқий рискларга

¹⁵ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016

тортилганлиги борасидаги хулосаларга сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Одатда, баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган ахборот базасининг асосини расмий ҳисобот ташкил этади: бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, баланс иловалари; банк рискларини бошқаришни тавсифловчи махсус ҳисобот шакллари. Ушбу ҳисобот шакллари тегишли давлат муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ва жорий қилинади. Ўзбекистонда кредитташкилотларининг мажбурий ҳисобот шакллари Марказий банктомонидан белгиланади.

Банкнинг молиявий барқарорлигини ўрганиш учун расмий ҳисоботлар билан бир қаторда, назорат органларининг текширув материаллари, аудиторлик ҳисоботлари, рейтинг агентликлари материаллари, оммавий ахборот воситалари маълумотлари ва банкнинг ишчи материалларидан фойдаланилади.

Молия бозорининг айрим секторлари фаолиятини йўлга қўйиш, муайян битимларни амалга оширишда бир қатор кўрсаткичларнинг чегаравий қийматлари борасида назорат органларининг меъърий ҳужжатлари ёки қонунчилик асосида белгиланган чекловчи қоидаларни ҳам баҳолашда фойдаланилувчи ахборотлар сирасига киритиш мумкин.

Банк молиявий ҳисоботининг ишончлилигини текшириш турли йўллар билан амалга оширилади. Бундай йўлларнинг асосийси аудит ҳисобланади, унинг натижасида банк молиявий ҳисоботининг ишончлилигини тасдиқловчи аудиторлик хулосаси тузилади. Назорат қилувчи органлар, шунингдек, биринчи навбатда, алоҳида ҳисобот шаклларини тайёрлашнинг ишончлилиги, хусусан, банк рисклари даражасини танланма текшириш, иккинчидан, алоҳида кўрсаткичлар қийматининг бир-бирига мос эмаслигини аниқлаш, банк томонидан амалга оширилган операцияларнинг қонунийлигини тасдиқлаш борасида ҳисоботларни саралаш натижаларига асосланган ички маълумотлардан фойдаланадилар. Текширилган маълумотлар услубий кўрсатмалар асосида уни

таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари бўйича тартибланади.

Ахборотларни тартиблашда муҳим ва қўшимча маълумотларни ажратиб кўрсатиш муҳимдир. Ахборотнинг бундай фарқланиши кўп сонли ва турли тавсифга эга бўлган иқтисодий омилларнинг банкнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатиш даражаси билан боғлиқдир. Муҳим омилларни аниқлаштириш учун тегишли жараённи ҳар бир омил муайян бир ўринни эгалловчи сабаб-оқибат муносабатларининг мантиқий занжири шаклида тақдим этиш талаб қилинади. Мавжуд маълумотларни тартиблаш таҳлил мантиғи ва уларнинг бир-бири билан ўзаро алоқасини акс эттирувчи жадваллар ва кўрсаткичлар тизимини яратиш орқали амалга оширилади.

Иккинчи босқич ишчи ва жамланма жадвалларини тўлдиришдан иборат. Мазкур жараён ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: биринчидан, тегишли кўрсаткичларнинг мутлоқ қийматларини ҳисоботдан кўчириб ўтказиш; иккинчидан, таркибий кўрсаткичлар, молиявий коэффициентлар ва улар қийматининг ўзгариш тезлигини ҳисоблаш; учинчидан, қиёсий таҳлил қилиш учун меъёрий қийматларни ва ўхшаш банклардаги ҳақиқий маълумотларни акс эттириш; тўртинчидан, камида икки ёки уч йиллик тегишли кўрсаткичларнинг ўзгариш суръатларининг йўналишини кўрсатган ҳолда, динамикада акс эттириш (юқорига, пастга, бир хил даражада).

Банк молиявий барқарорлигининг алоҳида жиҳатларининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, жамланма жадвалларда ушбу муносабатларни акс эттирувчи кўрсаткичлар қайта-қайта тақдим этилиши мумкин.

Учинчи босқич тўлдирилган жадвалларни таҳлил қилишдан иборат. Ушбу босқич банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Айнан таҳлил натижалари хулосани шакллантириш, яъни банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашга имкон беради. Таҳлилий ишлар ўз ичига қуйидагиларни олади: а) молиявий ҳисоботларни талқин қилиш (моҳиятига етиш); б) тўғридан-тўғри таҳлилий амалларни бажариш.

Молиявий ҳисоботларни талқин қилишни, биринчидан, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш стандартларини, яъни тегишли иқтисодий жараёнларни тегишли ҳисобот шаклларида акс эттириш қоидаларини, иккинчидан, ушбу банкнинг ҳисоб сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини, учинчидан, мавжуд молиявий ҳисобот асосида банк молиявий барқарорлигининг умумий манзарасини тушуниб етиш жараёни сифатида аниқлаштириш мумкин.

Умумий манзара ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш учун таҳлилчи асосий молиявий ҳисобот маълумотлари динамикасини (активлар ҳажми, кредитлар, депозитлар, расмий захиралар, фойда) ўрганиш, шунингдек банкнинг юқори бошқарувини синаб кўриш асосида банк стратегияси билан танишишга мурожаат қилади.

Буларнинг барчаси банкнинг бозор стратегияси, унинг таваккалчиликка мойиллиги, фаолиятнинг молиявий кўрсаткичлари ва банк капиталининг ҳолатини билиш учун зарур бўлган банкни дастлабки ўрганишни ўзида ифода этади. Банк ҳолатини дастлабки баҳолашнинг мураккаблиги шундан иборатки, молиявий барқарорликнинг баъзи муҳим таркибий қисмлари (риск даражаси, капиталнинг етарлилиги) банкдаги рискларни баҳолаш тизимини тўлиқ таҳлил қилмасдан, бир хил талқин қилиш мумкин эмас. Банк фао-лиятининг ҳолати тўғрисида умумий дастлабки тасаввурларни шакллантириш асосий ва муҳим жиҳатни назардан четда қолдирмаслик, яъни молиявий барқарорликнинг алоҳида ташкил этувчиларини ўрганиш орқали эришиб бўлмаслигини кўрсатади.

Тўғридан-тўғри амалга оширилувчи таҳлилий амаллар қуйидагиларни ўз ичига олади: а) мазкур динамикага таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш билан бир қаторда, молиявий барқарорликнинг алоҳида таркибий қисмларини (капитал, активлар сифати, рентабеллик, ликвидлик, таваккалчилик, бошқарув сифати) тавсифловчи кўрсаткичлар қийматлари динамикасини таҳлил қилиш; б) омилли таҳлил билан бир қаторда, кўрсаткичларнинг маълум бир меъёрий қийматларга мувофиқлигини таҳлил қилиш; в) алоҳида кўрсаткичларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро боғлиқликда

ўзгариш тезлигини таҳлил қилиш; г) бир хил банкларга нисбатан алоҳида кўрсаткичлар ҳолатини таҳлил қилиш; е) рискларни бошқариш тизимининг сифати, шу жумладан уларни баҳолаш ва тартибга солишни таҳлил қилиш; ё) умуман банкни бошқариш тизими самарадорлигини таҳлил қилиш (банк стратегиясининг мавжудлиги ва мазмуни, банк ташкилий тузилмасининг мақбуллиги, ички назорат хизматининг сифати ва бошқалар).

Шунингдек, таҳлилий амаллар юқори рисклар билан боғлиқ бўлган алоҳида мижозларнинг молиявий ҳолати; балансдан ташқари алоҳида операцияларнинг риск даражаси; алоҳида портфелларнинг сифати (кредит, қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари ва шу кабилар)ни ўрганишни қамраб олади.

Таҳлилий амалларни бажариш натижасида бир хил банкларга нисбатан динамикани ва умуман олганда банк учун молиявий барқарорликнинг ҳар бир таркибий қисмининг ҳолатига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида батафсил тушунча шаклланади.

Дарсликнинг 3-бўлими банкнинг молиявий барқарорлигининг ҳар бир таркибий қисмини таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларининг батафсил тавсифига бағишланган.

Тўртинчи босқичда банкнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш бўйича асосий хулосалар молиявий барқарорликнинг алоҳида таркибий қисмлари ҳолатини баҳолаш ва умумий ҳолатда, банкни баҳолаш бўйича якуний хулосалар шаклида тузилади. Хулоса маълумотларида банкнинг хусусий ва жамланма молиявий барқарорлик рейтингларини асослаш ёки балл тизимига асосланган ҳолда, банкни молиявий барқарорликнинг муайян бир тоифасига киритиш тўғрисидаги қарорлар акс этиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, расмий кўринишдаги баҳолаш (рейтинг ёки баллар сони) таҳлилчининг асосланган хулосаси асосида баён қилиниши лозим.

Бу ўз навбатида, банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш рейтингни расмий равишда жорий этиш билан эмас, балки банкнинг

молиявий барқарорлиги сифатини расмий тарзда баҳолашнинг муҳим жиҳатларини белгилаб берувчи ҳолатларни очиб беришни билдиради. Рейтингнинг ўзига банкнинг маълум бир рейтингга мос келадиган молиявий барқарорлик сифатларининг тавсифи ҳамроҳ бўлиши лозим. Агар ушбу шартлар бажарилмаса, банкнинг молиявий барқарорлигига берилган расмий баҳо банкнинг ҳақиқий ҳолатига мос келмайдиган, шунчаки баҳо бўлиб қолади холос.

2.5. Банкнинг молиявий барқарорлигини жамлама баҳолаш

Жамлама (якуний) баҳо экспертнинг барча таҳлилий ва иқтисодий ишларининг натижасидир. У банкнинг молиявий барқарорлиги даражасини тавсифлаши лозим. Баҳолашни ўтказишда МҲХС мувофиқ, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилувчи тамойиллар, хусусан: мазмуннинг шаклдан устунлиги, эҳтиёткорлик ва муҳимлик тамойилларига амал қилинишилозим.

Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашга нисбатан мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойили асосий эътиборни миқдорий даражалар ва ҳатто белгиланган меъёрий қийматларга риояқилмасликка эмас, балки ушбу миқдорий қийматлар ортидаги жараёнларнинг мазмуни, мазкур жараён ва ҳодисаларни келтириб чиқарувчи омилларга қаратишни кўзда тутди. Хусусан, банкнинг рентабеллигини баҳолашда активларнинг рентабеллиги (ROA) ва капиталнинг рентабеллигини (ROE) тавсифловчи кўрсаткичлар даражаси эмас, балки олинган фойда манбаларининг сифати, уларнинг барқарорлиги, банк томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг самарадорлиги, яратилган заҳираларнинг етарлилиги муҳим ўрин эгаллайди.

Эҳтиёткорлик тамойили баҳолашни асоссиз равишда ошириб юбормаслик ёки пасайтириб юбормаслик мақсадида банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисидаги хулосаларни шакллантиришда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни ифода қилади. Масалан, банк томонидан юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар учун

яратилган захираларнинг етарлилиги; банкка маълум бўлган рисклар даражаси; банк рисклари, ахборот базалари ва шу кабиларни баҳолаш усулларидаги муайян хатоликларни атрофлича баҳолаш жуда мушкул.

Шу муносабат билан молиявий барқарорликни баҳолаш, биринчидан, омилларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг ўзаро боғлиқлигига, иккинчидан эса, ташқи ва ички салбий вазиятнинг вужудга келиши шароитида банк рисклари, яратилган захираларнинг етарлилиги ва банкнинг молиявий натижаларини баҳолашда сценарийли ёндашувдан фойдаланишга асосланиши керак. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда муҳимлик тамойили молиявий барқарорликнинг муҳим миқдорий ва сифат ўлчамларига эътибор қаратиш, шунингдек, ушбу ўлчамларнинг ҳолатида муайян бир стандартлардан сезиларли даражадаги миқдорий ва сифат оғишларини аниқлашни аниқлатади. Банк молиявий барқарорлигининг муҳим миқдорий ва сифат кўрсаткичларига шундай кўрсаткичлар ва уларнинг қиймат даражалари кирадики, уларга риоя қилиш молиявий барқарорлик даражаси тўғрисида етарли тасаввур ҳосил қилишга имкон беради¹⁶.

Бошқача қилиб айтганда, муҳимлик, биринчи навбатда, капитал ҳолати, активлар сифати, рентабеллик, ликвидлик, таваккалчилик, бошқарув сифатига таъсир қилувчи энг муҳим иқтисодий омилларни акс эттирувчи кўрсаткичлар (ёки уларнинг комбинацияси)ни тўғри танлаш; иккинчидан, тўлиқ шакллантирилмаган кўрсаткичлар бўйича маълум бир стандартларга мувофиқлик ёки шаклланган кўрсаткичларнинг динамикасида ижобий тенденциялар в муайян натижаларга эришиш орқали аниқланади.

Хусусан, капиталнинг етарлилиги, унинг сифати ва активлар сифати кўрсаткичлари ўз капиталини баҳолаш учун жуда муҳимдир. Капиталнинг етарлилик кўрсаткичининг белгиланган меъёрий қийматга мувофиқлиги, ушбу кўрсаткич даражасида ижобий тенденция мавжудлиги ва капиталнинг мутлоқ қиймати; ўз капитални ўзгаришининг мавжуд тенденцияларга мувофиқлиги ва активларнинг умумий рисклари ҳажми; асосий ва қўшимча капитал

¹⁶ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016

ўртасида белгиланган меъёрий нисбатларга риоя қилиш шакллантирилган кўрсаткичлар сифатида таснифланувчи мазкур кўрсаткичларнинг муҳим белгилари ҳисобланади.

Қуйидагилар юқорида тилга олиб ўтилган кўрсаткичлар ҳолатидаги сезиларли оғишлар ҳисобланади: а) капиталнинг етарлилик кўрсаткичининг белгиланган меъёрий қийматига у ҳатто аҳамиятсиз даражада бўлса ҳам, риоя қилмаслик; б) капиталнинг мутлоқ қиймати динамикасидаги салбий тенденция; г) капиталнинг мутлоқ миқдори ва активларнинг умумий рисклари динамикасидаги қарама-қарши тенденциялар. Банк бошқарувини ўз ичига олган молиявий барқарорликнинг расмийлаштирилмаган ташкил этувчилари учун унинг асосий омилларини тавсифловчи кўрсаткичлар муҳим кўрсаткичлар сифатида баҳоланади, бундай кўрсаткичлар сирасига қуйидагилар киради: фаолиятни ташкил этиш ва уни бошқариш; кадрлар ва кадрлар сиёсати, стратегик ва жорий режалаштириш, ички ва ташқи рискларни бошқариш, банк ички назорати ва аудити. Ушбу йўналишлар бўйича қуйидагилар сезиларли оғиш белгилари сифатида қаралади: а) ушбу жараёнларни тартибга солувчи банк ички стандартларининг мавжуд эмаслиги (масалан, ривожланиш стратегияси, кредит сиёсати, ички назорат хизматлари, рискларни баҳолаш ва бошқариш услубиёти); б) ўрнатилган стандартларга, худди улар мавжуд бўлмагандек, риоя қилмаслик.

Жамланма баҳолашни аниқлаш жараёни бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Молиявий барқарорликнинг ҳар бир ташкил этувчисининг сифатини баҳолаш (рейтинг ёки баллни аниқлаш) қуйидаги тартиб ва амаллар асосида амалга оширилади: а) молиявий барқарорликнинг ҳар бир ташкил этувчисини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тўпламининг ҳақиқий қийматларини белгиланган мезонлар қийматлари билан таққослаш (мабодо, улар мавжуд бўлса); б) динамика табиатини ўрганиш; в) мумкин бўлган оғишларни омилли таҳлил қилиш.

Рейтинг ёки балл тизимидан фойдаланишда тегишли рейтинг ёки балларни бериш хусусиятларининг аниқ тавсифи, яъни банкнинг молиявий барқарорлиги алоҳида ташкил этувчилари сифати мавжуддир. Айнан шу босқичда банк молиявий барқарорлигининг энг заиф жиҳатлари, яъни банкнинг юқори риск даражасига мойил бўлган молиявий ташкил этувчилари соҳалари аниқлаштирилади. Молиявий барқарорликнинг асосий ташкил этувчиларини умумий формулага кўшиш учун уларга муайян улуш коэффициентлари берилади.

Бундай улушли коэффициентларни жорий этиш зарурати банкнинг молиявий барқарорлиги борасида муайян омилларнинг у ёки бу даражадаги аҳамияти билан боғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистон банклари амалиётида банки капитал ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳи бўйича жамланма бални олишда, улушли коэффициентларни тавсифлашнинг қуйидаги ёндашувларидан фойдаланилади: энг юқори улуш (3) капиталнинг етарлилик кўрсаткичига (H_1) берилади; энг паст улуш (1) капитал сифатининг кўрсаткичи (асосий ва қўшимча капиталнинг нисбати)га берилади.

Банк молиявий барқарорлигини баҳолаш борасида фойдаланилувчи барча моделларда турли кўрсаткичларга улушли коэффициентларни бериш, йўл қўйилувчи субъективизм доирасидаги мунозарали ҳолатлардан бири ҳисобланади ва муттасил танқид қилиб келинади. Бироқ, жамланма баҳолашда турлича аҳамиятга эга кўрсаткичлардан фойдаланиш борасида табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишнинг бошқа усули ҳали топилганича йўқ.

Банкларнинг муайян таснифлаш гуруҳларига мансублигини яхлит кўринишда аниқлаш. Молиявий барқарорликнинг турли даражаларини тавсифловчи банклар гуруҳлари сони тегишли моделларнинг мақсадига қараб ўзгаради.

Рейтинг агентликлари, қоида тариқасида, банкларнинг батафсил таснифидан фойдаланадилар. Назорат органлари назорат тартибидаги чора-тадбирларни амалга оширишда тасниф гуруҳларининг асосий белгиларини яққол акс эттириш имконини

берувчи етарлича майдалаштирилмаган таснифлашдан фойдаланадилар. Бунда, назорат органларининг айрим моделларида (хусусан, банкларнинг молиявий барқарорлигини комплекс таҳлил қилиш моделида - CAMELS тизимида) асосий таснифлаш белгилари банк фаолиятининг муайян меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиш даражасини акс эттиради, бошқаларда (масалан, рискка йўналтирилган модел - RATE), асосий урғу белгиланган меъёр ва қоидалардан четга чиқишга қаратилади, бу эса, ўз навбатида, банкнинг рискга мойиллик даражасини тавсифлайди.

Муаммолилик даражасига кўра, банкларнинг таснифлаш хусусиятлари ва гуруҳларининг мазмуни дарсликнинг 3 ва 4 - бобларида батафсил муҳокама қилинади.

Сўнгги йилларда банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда башоратли таҳлилга катта эътибор қаратилмоқда — бу банкнинг келгуси молиявий барқарорлигини бошқаришнинг самарали воситаси сифатида қабул қилинувчи бошқарув қарорларининг ҳаққонийлигини ошириш, унинг асосида банкнинг молиявий барқарорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш имконини беради.

Банкнинг молиявий барқарорлигини прогнозли баҳолаш унинг ташкил қилувчиларидан бири сифатида умумий моделга киритилиши ёки махсус моделга ажратилиши мумкин.

Жаҳон банк амалиётида баҳолашни ўтказишда молиявий барқарорлик прогнозининг иккала вариантдан ҳам фойдаланилади. Хусусан, АҚШда назорат органлари башоратлашнинг қуйидаги махсус моделларидан фойдаланадилар: а) яқин икки йил давомида банкнинг молиявий барқарорлик рейтингининг пасайиш эҳтимоли; б) кредит ташкилотининг эҳтимолий банкротлиги.

Прогнозли баҳолаш камида икки йилда бир марта тегишли маълумотларни қайта ишлашнинг математик усулларида фойдаланиш асосида амалга оширилади.

2.6. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг ишончлигини белгиловчи омиллар

Банк молиявий барқарорлигини баҳолаш бўйича олинган натижаларнинг ўзига хос жиҳати унинг бир қатор риск ва таҳлилчининг субъектив қарашларига асосланганлиги ҳисобланади, бу ўз навбатида, ҳақиқий вазиятга мос бўлмаган, ишончсиз деб тавсифланувчи ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу билан бир қаторда, унинг муҳимлигини акс эттирувчи, баҳолаш сифати шундай бўлиши лозимки, унинг асосида фойдаланувчи иқтисодий жиҳатдан тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиши мумкин бўлсин.

Шу муносабат билан, нафақат банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш, балки у дуч келадиган рисклар даражасини аниқлаш, хатоликларнинг моддийлигини миқдорий нуқтаи назардан аниқлаш ҳам муҳимдир.

Олинган баҳолашнинг ишончилилик даражасини белгиловчи асосий омиллар сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- а) амалдаги ахборот базасининг тўлиқлиги ва ишончилиги;
- б) баҳолаш жараёнининг барча босқичларида қўлланилувчи амалларнинг тўлиқлиги ва сифати;
- в) баҳолаш жараёнида иштирок этаётган шахсларнинг касбий даражаси;
- г) таҳлилчининг баҳолаш субъекти ва учинчи шахслардан ҳоли тарзда асосланган хулосаларни шакллантириш борасидаги мустақиллик даражаси;
- д) ҳаққоний баҳо беришда баҳолашни ўтказувчи субъектнинг иродаси;
- е) баҳолаш жараёнида қўлланилувчи техник база¹⁷.

Демак, юқоридаги омиллар тўплами иқтисодий, услубий, ахборот, технологик, кадрлар, психологик, маънавий-ахлоқий рискларни акс эттиради.

Қуйида мазкур рискларнинг мазмуни ва уларни баҳолашнинг мумкин бўлган услубларини кўриб чиқамиз.

Баҳолашнинг ишончсизлик rischi сифатида, банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда фойдаланилувчи маълумотларнинг

¹⁷ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016

тўлиқлик ва ишончлилик даражаси, баҳолашни асослаш далиллари сифатининг бир томонини акс эттиради.

Ушбу омил қуйидаги йўналишларда баҳолашнинг ишончлилик даражасига таъсир қилади: а) ахборот базасининг муайян бир таркибига йўналтирилган услубий ва таҳлилий воситаларни шакллантириш; б) ахборот таркиби билан чекланган ёки ишончсиз маълумотларга нисбатан қўлланилувчи таҳлилий амалларни бажариш; в) молиявий ҳисоботларни талқин қилиш ва банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида асосли қарор қабул қилиш; г) сўнгги икки ёки уч йил давомида маълумотларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги шароитида башоратли таҳлилни ўтказиш.

Ушбу риск омилини баҳолаш таҳлилчи томонидан банк молиявий барқарорлигининг турли жиҳатларини баҳолашда ва унинг шакллантиришнинг турли босқичларида фойдаланилувчи маълумотларнинг хилма - хиллиги боис, бир мунча қийин кечади

Ушбу омилнинг риск даражасини аниқлаш учун банк операциялари ва банк молиявий барқарорлик рискларини бошқариш учун зарур маълумотларнинг таркиби ва мазмунини тартибга солувчи банк ички стандартлари бўлиши муҳимдир.

Ушбу стандартнинг сифати ва уни амалда қўллаш даражасини баҳолаш мазкур омилнинг риск даражаси борасида бир мунча тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Мазкур амалиёт операцион рискларни бошқариш тизими ташкил этилган банкларда амалга оширилади.

Баҳолаш жараёнининг барча босқичларида қўлланилувчи амалларнинг тўлиқлиги ва сифати, шунингдек, таҳлилчи томонидан банкнинг молиявий барқарорлиги даражаси тўғрисида қарор қабул қилиш борасида олинган далилларнинг етарлилигини тавсифлайди. Мазкур иш жараёнида қўлланилувчи амаллар ташкилий, назорат, таҳлилий ишларга бўлинади.

Ташкилий жараён ва амаллар баҳолашнинг дастлабки босқичи мазмунини ташкил этади, баҳолаш режаси ва дастурларини тузиш, ҳар хил турдаги жадвалларни ишлаб чиқиш ва баҳолашни амалга

оширишнинг кейинги босқичларини ўтказишнинг услубий ишланмаларини яратиш, бевосита жадвалларни тўлдириш асносида таҳлил натижалари ва тегишли хулосалар шакллантирилади.

Назорат амаллари молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларини тўлиқлик ва ишончлилика текшириб кўриш, шунингдек, уларнинг мавжудлиги ва сифатини баҳолашни аниқлаш борасида банк рискларини бошқариш тизимларини ўз ичига олади.

Таҳлилий амаллар банкнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш жараёнининг мазмунини акс эттиради. Уларнинг таркиби айрим ҳолатларда назорат органининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли ички банк ҳужжатлари билан белгиланади. Банкнинг молиявий барқарорлиги даражаси тўғрисида шаклланган қарашларнинг етарлича ишончли эмаслиги борасидаги риск омилини баҳолаш, биринчидан, тегишли амалларни ўтказиш борасида банкнинг ўз стандартлари сифатини; иккинчидан, ушбу стандартларга риоя қилиш даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

Баҳолашда иштирок этаётган шахсларнинг касбий даражаси банк, молиявий менежмент, шу жумладан банк фаолиятини таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги билим, кўникма ва тажрибаларни ўз ичига олади. Ушбу шахсларнинг асосий қисмини таҳлил қилиш, молиявий ҳисоботларни талқин қилиш ва умуман олганда манзарани яққол тасаввур қилиш кўникмасига эга бўлиши лозимбўлган таҳлилчилар ташкил қилади.

Айнан таҳлилчиларнинг касбий маҳорати сезиларли даражада тескари маълумотлар орасидан асосий хулосаларни аниқлашга имкон берувчи муҳим жиҳатларни ажратиб олиш имконини беради. Ушбу риск омилини баҳолаш айниқса мушкул ҳисобланади, чунки у нафақат расмийлаштирилган кўрсаткичлар (маълумот даражаси, тажриба), балки расмийлаштирилмаган кўрсаткичлар (таҳлилчининг алоҳида қобилиятлари)га ҳам етарлича эътибор қаратиши лозим.

Баҳолаш субъекти ва учинчи шахслардан мустақил равишда асосли хулоса шакллантирувчи таҳлилчининг мустақиллик даражаси баҳолашнинг ишончилигини таъминлашнинг энг муҳим

шартларидан биридир. Агар таҳлилчи бирор сабабга кўра, банкнинг молиявий барқарорлиги ҳақидаги хулосани бўрттириб юборса, бу омил ҳатто баҳолаш борасида касбий маҳорат даражасини ҳам йўққа чиқариши мумкин.

Бунга сабаб одатда, баҳолаш субъекти ёки учинчи шахсларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, баҳолашни ўтказишнинг буюртма тавсифига эга эканлиги ҳисобланади. Бу ўз навбатида, таҳлилчи баҳо беришда ўзининг касбий билимига эмас, балки моддийёки бошқа манфаатга таяниб иш кўришини англатади. Ушбу омилни баҳолаш фақатгина, бажарилган амалларнинг тўлиқлиги ва сифатини таҳлил қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Баҳолашни ўтказётган субъектнинг объектив баҳо бериш борасидаги иродаси баҳолаш субъектлари ўртасидаги ўзаро таъсирнинг жойи ва хусусиятига боғлиқ бўлган субъектив омиллардан бири саналади.

Агар баҳолаш назорат органи томонидан амалга оширилса, унинг иродаси тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ва у томонидан бажариладиган функцияларнинг тўлиқлиги билан белгиланади. Назорат органи банк тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишини таъминлаши шарт.

Шунинг учун баҳолашнинг асосий мақсади кредит ташкилотларида юзага келувчи муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш учун уларни ўз вақтида ва етарли даражада акс эттиришдан иборатдир. Қоида тариқасида, назорат органи давлат манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ва унинг барқарор ва самарали фаолият кўрсатувчи банк тизимини яратиш борасидаги хоҳиш - истагини ифода этади. Аммо ушбу ҳолатда, баъзи бир акциядорлар ёки бошқа манфаатдор томонлар айрим банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашни шакллантириш борасида босим ўтказишлари ҳам мумкин. Бироқ, бундай ҳолатлар амалиётда жуда кам учрайди, мамлакат назорат органининг мустақиллик даражасини шубҳа остига қўймайди.

Рейтинг агентликлари борасида тўхталадиган бўлсак, обрў ва

иш сифати амалиётда ўз тасдиғини топган ва халқаро миқёсда тан олинган рейтинг агентликлари баҳолашни ўтказишда бир мунча мустақил ҳисобланадилар.

Бошқа рейтинг агентликларининг у ёк бу даражада юқори мустақиллик даражасига эга бўлишлари, улар томонидан ўтказилаётган баҳолаш натижаларида ҳам бевосита акс этади.

Бирок, рейтинг хизматлари бозорида рақобат курашининг шиддатли тус олиши шароитида ғаразли иштирокчиларнинг обрўси уларнинг келгусидаги фаолият истиқболларига салбий таъсир кўрсатади ва уларни аста-секинлик билан бўлса-да, бу бозорни тарк этишга мажбур қилади.

Баҳолаш жараёнини тўлақонли ўтказишга хизмат қилувчи техник база, баҳолаш жараёнида замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишни акс эттирувчи муҳим омил ҳисобланади. Ушбу омил ахборот базасининг сифатини, қўлланиладиган амалларнинг тўлиқлиги ва мураккаблиги ва шу асосда хулосалар чиқаришда тегишли далилларнинг етарлилигини таъминлайди. Техник база банк ҳисоботларининг ишончлилигини текширишда, башоратли таҳлилни ўтказишда, тегишли таҳлилий амалларни бажариш жараёнида сценарийли ёндашувдан фойдаланишда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Банк фаолияти ва айниқса унинг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун зарур техник базани шакллантириш катта молиявий харажатларни талаб қилса-да, аммо мазкур харажатлар эришилган натижа, яъни юқори аниқликдаги баҳолаш билан қопланади, бу ўз навбатида юқори иқтисодий ва ижтмий самара - мамлакат банк тизимининг молиявий барқарорлиги; банк тизимига мижозлар, сармоядорлар ва умуман олганда жамиятнинг ишончи ортишини таъминлайди.

Муҳокама учун саволлар

1. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашни шакллантириш борасидаги услубий ёндашувнинг моҳияти нималарда намоён бўлади?

2. Баҳолаш жараёнини моделлаштириш ва стандартлаштириш жараёнлари бир-бири билан қандай боғлиқ?

3. Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашни шакллан-тиришга концептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш тенденциялари қандай?

4. Глобал иқтисодий инқироз банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделлари борасидаги концептуал ёндашувларга қайдаражада таъсир кўрсатади?

5. Банкнинг молиявий барқарорлиги борасида мақбул кўрсаткичларни қай тарзда тавсифлаш мумкин?

III БОБ. МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ БАҲОЛАШДА ХОРИЖИЙ МОДЕЛЛАР ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. CAMELS рейтинг тизимининг мазмуни

CAMELS рейтинг тизими кредит институтларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш мақсадида АҚШнинг учта идораси (Федерал заҳира тизими, Молия вазирлиги ва депозитларни суғурталаш Корпорацияси) томонидан фойдаланилувчи модел ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда уни барпо қилишнинг асосий тамойиллари кўплаб назорат органлари, шу жумладан Европа ва Россия тизимларида кенг қўлланилади.

CAMELS тизимининг анчадан буён амалда бўлиши ва унинг бошқа мамлакатлар томонидан қўлланилиб келинаётганлигини белгилаб берувчи муҳим устуворликлари орасида қуйидагилар яққолажралиб туради: а) баҳолаш жараёнининг аниқ тузилмаси, мазкуржараён асосий унсурларининг мантикийлиги ва яққол кўзга ташланиши; б) банк молиявий барқарорлигининг энг муҳим таркибий қисмлари: капитал, активлар, рентабеллик, ликвидлик, бошқарув, рискларга сезгирлик кабиларни тизимга киритиш; в) банк молиявий барқарорлиги ҳар бир ташкил этувчисининг ҳолати ва динамикасини белгиловчи сифат омилларини аниқлашга эътибор қаратиш; г) алоҳида ташкил этувчиларни ўзаро боғлиқликда ўрганиш ва баҳолаш; д) масофавий баҳолаш натижалари ва банкнинг ҳолатини жойида таҳлил қилиш ўртасидаги табиий боғлиқликни кўрсатувчи расмий ва норасмий баҳолашнинг ўзаро ҳамоҳанглиги; е) муҳим омиллар ва тенденцияларни аниқлаш борасида кенг маълумотлар базасидан (икки йилдан уч йилгача) фойдаланиш; ё) турдош банкларга нисбатан таркибий, омилли ва динамик, қиёсий таҳлилни ўтказиш асосида алоҳида кўрсаткичлар, алоҳида ташкил қилувчилар ва умумий молиявий барқарорлик ҳолатини баҳолашнинг турли усулларида комплекс фойдаланиш; ж) таснифлаш гуруҳлари, уларнинг асосий белгиларини баён қилиш, бу ўз навбатида, бешта мақбул гуруҳларни ажратиш олиш имконини

беради.

Дастлаб, банк молиявий барқарорлигини ташкил этувчиларнинг ҳар бирининг мазмунини, сўнгра умумий тарзда, банк молиявий барқарорлигини баҳолаш масалаларини кўриб чиқамиз.

3.2. CAMELS рейтинг тизими асосида хусусий капиталнинг етарлилигини баҳолаш

CAMELS тизимида капиталнинг етарлилигини баҳолаш жараёни тегишли кўрсаткичларни ҳисоблаш ва баҳолаш; активлар сифатини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда капиталнинг етарлилигини талқин қилишни ўз ичига олади.

Капиталнинг миқдорий ва сифат ўлчамлари асосий ва қўшимча кўрсаткичлар тизими билан ифодаланади. Асосий кўрсаткичларга ялпи капиталнинг етарлилик коэффиценти ва асосий капиталнинг етарлилик коэффиценти киради.

Банкнинг асосий капитали ўз ичига қуйидагиларни олади: оддий акциялар, шунингдек уларнинг курс қийматининг номинал қийматдан ошиши, муддатсиз имтиёзсиз акциялар; қонун ҳужжатларида назарда тутилган захиралар ва тақсимланмаган даромаднинг бир қисмини капитализация қилиш йўли билан яратилган захираларнинг бошқа турлари, акцияларни номинал қийматдан юқори нарҳда сотишдан олинган даромадлар; эълон қилинган тақсимланмаган фойданинг қолдиғи. Шу тарзда ҳисобланган асосий капиталнинг миқдори устав капиталини шакллантиришда иштирок этадиган номоддий активлар миқдори ва акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари миқдorigа камаяди.

Қўшимча капитал субординацияланган қарз, ўрта муддатли ва муддатсиз имтиёзли акциялар, келгусида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар учун турли хил захиралар ва бошқаларни ўз ичига олади. Умумий капиталга киритилган қўшимча капитал асосий капитал билан 1:1 нисбатда бўлиши лозим.

Капитал етарлилигининг асосий кўрсаткичларини келтириб

ўтамиз. Асосий капиталнинг етарлилик коэффициенти:

$$K_1 = A_k : A_r \times 100$$

бу ерда K_1 - асосий капиталнинг етарлилик коэффициенти; A_k – асосий капитал; A_r - рискка тортилган активлар

Умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти:

$$K_2 = A_u : A_r \times 100$$

бу ерда K_2 - умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти; A_u – асосий ва кўшимча капитал; A_r - рискка тортилган активлар

Кўшимча кўрсаткичларга, биринчи навбатда, асосий капиталнинг активлардаги улушини тавсифловчи леверидж кўрсаткичи киради. Леверидж коэффициенти асосий капиталнинг банк балансидаги активларнинг ўртача миқдorigа нисбати сифатида ҳисобланади. Леверидж нисбати барча банклар учун 3% қилиб белгиланган.

Асосий кўрсаткичларнинг ҳолатини белгилаб берувчи ва тўлдирувчи кўшимча кўрсаткичларга қуйидагилар киради: а) асосий капиталнинг етарлилик даражаси (асосий капиталнинг номоддий активларнинг активларнинг ўртача миқдorigа нисбати); б) рискли активларнинг нисбати; в) муҳим ва сифатсиз активлар ҳажми ва динамикаси.

Капиталнинг етарлилиги тўғрисида хулоса, биринчидан, асосий кўрсаткичлар коэффициентларининг ҳақиқий даражасини мамлакатда қабул қилинган мезон қийматлари билан таққослаш; иккинчидан, кўшимча кўрсаткичларнинг ҳақиқий даражалари динамикасини баҳолаш ва учинчидан, банк активлари сифатини баҳолаш асосида амалга оширилади.

Мазкур услубиётда нафақат миқдорий, балки сифат кўрсаткичлари, шунингдек, банкнинг молиявий барқарорлиги турли жиҳатларининг ўзаро боғлиқлигига йўналтирилганлиги аниқ ҳисобга олинади.

Тегишли кўрсаткичларда акс эттирилган сифат омиллари капиталнинг барқарор қисмининг (асосий) етарлилигини, рискли, муҳим ва сифатсиз активлар ҳажмининг динамикаси, шунингдек

бевосита активлар сифатини баҳолашни ифода этади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, капиталнинг етарлилигини жамланма баҳолаш молиявий барқарорликнинг иккинчи ташкил этувчиси - активлар сифатини баҳолаш орқали амалга оширилади.

Капитал етарлилигини баҳолашнинг беш баллик шкаласида *рейтинг*: юқори – 1, қониқарли – 2, билвосита – 3, критик – 4, қониқарсиз – 5; *асосий капиталнинг етарлилик коэффиценти* - 4%дан бир мунча ошади, 4%дан сезиларли даражада ошади, 4% атрофида, 4%дан бир мунча паст, 4 %дан сезиларли даражада паст; *умумий капиталнинг етарлилик коэффиценти* - 8%дан бир мунча ошади, 8%дан сезиларли даражада ошади, 8% атрофида, 8%дан бир мунча паст, 8%дан сезиларли даражада паст; *чекловлар* - активлар сифати 2 дан паст эмас; рискли активларнинг коэффиценти 11%дан юқори эмас, активлар сифати 3 (рискли ативлар чекланмаган), активлар сифати 4 (рискли ативлар чекланмаган), ссудалар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар бўйича захиралар бирламчи капиталдан юқори, зарарлар бирламчи капиталдан юқори деб белгланган. Буни келтириб ўтилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди, мазкур маълумотларда бевосита капиталнинг ўзи ва активлар сифатини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, капиталнинг етарлилигини баҳолаш борасида беш баллик шкала келтириб ўтилган.

3.3. CAMELS рейтинг тизими асосида активларсифатини баҳолаш

Банкнинг актив (шу жумладан балансдан ташқари) операциялари ва даромадлилигига ҳамроҳлик қилувчи кредит rischi банк активлари ва балансдан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилган операциялар сифатини таҳлил қилишда асосий мезон ҳисобланади. Активлар сифатини баҳолаш бир қатор асосий ва қўшимча кўрсаткичларни ҳисоблаш ва шарҳлашга асосланади.

Активлар умумий рискининг банк капиталига нисбати активлар сифа-тини тавсифловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. CAMELS тизими бўйича рискли активларнинг умумий рискини ҳисоблашда

барча активлар бешта гуруҳга бўлинади: яхши, алоҳида ҳисобга олинувчи, ностандарт, шубҳали, зарар келтирувчи активлар.

Яхши активлар - бу соф қиймат ёки юқори сифатли таъминот (гаров, кафолат) билан ҳимояланган активлардир.

Алоҳида ҳисобга олинувчи активлар ҳозирда ҳимояланган, аммо потенциал кучсиз томонларга эга бўлган активлардир, хусусан, улар банкнинг эҳтиёткорона ва оқилона сиёсатидан бироз оғиш билан жойлаштирилади. Ушбу тоифага, масалан, ходимнинг малакаси етарли эмаслиги сабабли кредит шартномасини тузиш пайтида юзага келган баъзи камчиликлар мавжуд бўлган ёки қарз олувчининг молиявий ҳолатида салбий тенденциялар мавжуд бўлган кредитлар киради.

Ностандарт активлар ёки *хавотир уйғотувчи активларга* жорий қиймат ва тақдим этилган гаров билан етарли даражада ҳимояланмаган активлар киради. Улар қарзни қайтариб тўламасликнинг етарлича катта эҳтимоллик даражаси билан ажралиб туради.

Шубҳали активлар - бу йўқотиш эҳтимоли юқори бўлган активлар, аммо муайян бир ҳолатлар боис, уларни ҳозирда зарар келтирувчи активлар сифатида таснифлаш мумкин эмас. Бундай ҳолатлар кўзда тутилган ҳолатлар, қўшимча таъминот ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бошқалар бўлиши мумкин.

Зарарли активлар - бу даромадлилик эҳтимоли шунчалик паст даражада бўлган активлар ҳисобланадики, уларни банк активлари деб ҳисоблаш ўринли эмас. Бунда охириги учта гуруҳ салбий рейтингга эга бўлган активлар сифатида таснифланади, улар учун қуйидаги риск коэффициентлари белгиланади - 20%, 50%, 100%.

Активлар сифатини баҳолаш - бу банкнинг асосий турдаги маҳсулотлари ва операциялари хавф даражасини якка тартибда баҳолашни ўз ичига олган ижодий жараёндр.

Активларни таҳлил қилишда кредит портфелини таҳлил қилиш айниқса эҳтиёткорлик билан амалга оширилади. Муайян ссуда рискига кўплаб омиллар таъсир қилади (кредитнинг мақсади,

ҳажми ва муддати, миждознинг кредитга лаёқатлилиги, кредитни таъминлаш усули ва сифати, қарз олувчининг соҳага мансублиги ва бошқалар), шу боис, ҳар бир ссуданинг таваккалчилик даражасини баҳолаш, уни юқоридаги гуруҳлардан бирига мансублигини аниқлаш орқали амалга оширилади. Худди шу тарзда, банкнинг қимматли қоғозлари, валюта қийматлари ва бошқа қўйилмалари билан операциялар таҳлил қилинади, баҳоланади ва таснифланади.

Умумий рисклар (U_r)нинг мутлоқ қиймати юқорида санаб ўтилган гуруҳлар бўйича риск даражасининг стандарт қийматларига салбий рейтингга эга бўлган активлар ҳажмининг ҳосиласи сифатида ҳисобланади:

$$U_r = 0,2 \times H_{na} + 0,5 \times H_{sha} + 1,0 \times H_{za}$$

бу ерда U_r – умумий рисклар; H_{sha} – шубҳали активлар ҳажми; H_{za} – зарар келтирадиган активлар ҳажми.

Активлар сифатининг асосий кўрсаткичи умумий активлар ва баланسدан ташқари моддалар учун таваккалчиликнинг мутлақ миқдори бўйича банкнинг асосий капитали ва кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларини қоплаш заҳираларига нисбати билан белгиланади:

$$U_r : (K_a + K_{qz}) \times 100$$

бу ерда U_r – умумий активлар rischi; K_a – асосий капитал; K_{qz} – кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларини қоплаш заҳиралари.

Активлар сифатини баҳолаш меъёрлар асосида рейтинг: юқори – 1 (активлар сифати 5%гача), қониқарли – 2 (5 – 15%гача), билвосита – 3 (15 – 30%гача), критик – 4 (30 – 50%гача), қониқарсиз – 5 (50%дан юқори) этиб белгиланган.

Бироқ, қўшимча кўрсаткичлар тўлиқ таҳлил қилингандан сўнг активларнинг сифатида тўғрисида якуний хулосага келинади:

1. Даромад келтирмайдиган активлар: Умумий активлар.
2. Активлар бўйича зарарларни қоплаш заҳиралари: Даромад келтирмайдиган активлар.
3. Ссудани қоплаш заҳира: Ссуда қарздорлиги бўйича қолдиқ.

4. Заҳиралар ҳисобидан чиқарилган маблағлар Даромад келтирадиган активлар.

5. Умумий риск динамикаси.

6. Юқори рискли активлар динамикаси.

7. Йирик кредитлар билан инсайдерларнинг салмоғи динамикаси.

8. Ҳаракатсиз активлар динамикаси.

Юқоридаги кўрсаткичлар рўйхатидан кўриниб турибдики, уларнинг баъзилари активларнинг риск даражасини батафсил баён қилишга имкон берса (йирик кредитлар ва инсайдерлар билан битимлар улуши; юқори рискли активлар динамикаси); бошқалари эса, даромад келтириш борасида активларнинг лаёқатсизлигини тавсифлайди (даромад келтирмайдиган активларнинг улуши; ҳаракатсиз активлар динамикаси); яна бир бошқа кўрсаткичлар тоифаси борки, улар активларнинг рискдан ҳимояланганлик даражасини баҳолайди (ссудани қоплаш заҳирасининг ссуда қолдиғига нисбати ва шу кабилар).

3.4. CAMELS рейтинг тизими асосида банкнинг фойдалилик даражасини баҳолаш

Банкнинг фойдалилик даражасини баҳолашда бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Асосий кўрсаткич сифатида фойдалилик коэффиценти хизмат қилади:

$$F_1 = S_F : A_{om} \times 100$$

бу ерда F_1 – фойдалилик коэффиценти; S_F - соф фойда (солиқлар тўлангандан сўнг қолган фойда); A_{om} – активларнинг ўртача миқдори.

Коэффициентнинг меъёрий даражаси активларнинг ҳажми бўйича фарқланадиган банклар гуруҳи учун белгиланади.

Барча банклар бешта гуруҳга бўлинади: активлар ҳажми 100 миллион доллардан кам; 100 дан 300 миллион долларгача; 300 дан 1000 миллион долларгача; 1 миллиарддан 5 миллиард долларгача ва активлари 5 миллиард доллардан ортиқ бўлган

банклар.

Ажратиб олинган гуруҳларнинг ҳар бири ва муайян бир гуруҳнинг ҳар бир банки учун рентабеллик коэффициентининг ўртача қиймати уч йиллик амалдаги маълумотлар даражасига қараб ҳисоб-китоб қилинади. Сўнгра, ҳар бир гуруҳ банклари учун номи тилга олиб ўтилган коэффициентнинг уч йиллик амалдаги ўртача қийматларининг камайиб борувчи қатори тузилади.

Энг юқори рейтингнинг фойдалилик нормативи (1) сони ушбу банклар гуруҳи коэффициентлари умумий сонининг 15% ни ташкил қилувчи, қатор бошидаги энг юқори коэффициентларининг ўртача қийматига тўғри келади.

50% миқдордаги навбатдаги коэффициентларнинг ўртача қиймати қониқарли рейтинг учун норматив даража ҳисобланади (2); 20% ўртача даража (3) ва 15% критик даража (4). Зарар кўриш шароитида қониқарсиз (5) рейтинги берилади.

Уч йил давомида коэффициентнинг дастлабки ҳақиқий қийматларидан фойдаланиш банкнинг рентабеллик кўрсаткичларига турғунлик ёки даромадларнинг ўсиши кабиларнинг қисқа муддатли таъсирини камайтиради. Фойдалилик мезонлари барқарорлашади ва циклик тебранишларнинг таъсирига камроқ мойил бўлади.

Банкнинг ҳақиқий фойдалилик даражасини меъёрий даража билан таққослаш банкнинг фойдалилик рейтингини олдиндан баҳолашасосида ётади.

Фойдалиликни яқуний баҳолаш учун банк даромадлари ва харажатлари таркиби қуйидаги йўналишлар бўйича динамикада таҳлил қилинади: а) банкнинг асосий даромадлари ва харажатлари (операцион харажатлар/операцион даромадлар) нисбатини тавсифловчи кўрсаткич ҳисоблаб чиқилади, у бир хил гуруҳ банкларининг худди шундай кўрсаткичлари билан таққосланади; б) даромад ва фоизсиз харажатлар (фоиз тўлаш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар/операцион даромадлар) нисбатини тавсифловчи кўрсаткич ҳисобланади, у бир турли гуруҳ банкларининг кўрсаткичлари билан таққослаш амалга оширилади; в) ссудалар

бўйича зарарлар даражаси ва тенденцияси кўриб чиқилади ва банклар гуруҳи бўйича ўртача даража билан таққосланади; г) яратилган захираларнинг ссудалар ҳажмига нисбатан етарлилиги кўриб чиқилади ва бир хил банклар гуруҳи учун ўртача қиймат билан таққосланади; д) даромадлар таркиби таҳлил қилинади ва солиқ самараси, жамғарма битимлари, доимий бўлмаган ва фавқулодда моддаларнинг фойдага таъсири аниқланади; е) банк капиталининг адекватлиги билан таққослаганда, даромадлар таркибида дивидендларнинг улуши таҳлил қилинади.

Банкнинг фойдалилик даражасини баҳолаш меъёрлар асосида рейтинг: юқори – 1 (активлардан самарали фойдаланиш коэффициенти 1%дан юқори; банк ссудалар бўйича зарарларни қоплаш учун етарлича захираларга эга; фойда қимматли қоғозлар билан операциялар ва фавқулодда даромадларга тўлиғича боғлиқ эмас), қониқарли – 2 (фойдалилик коэффициенти 0,75 дан 1%гача оралиқда бўлади, даромад барқарор ва ссуда бўйича қарзларни қоплаш учун захиралар етарли), билвосита – 3 (коэффициент 0,5дан 0,75% оралиғида бўлади; коэффициентнинг салбий тренди шаклланган, дивидендлар бўйича юқори ставка даражаси; ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираларининг етарлича эмаслиги), критик – 4 (активларнинг фойдалилиги 0,25 дан 0,5% оралиғида баҳоланади; даромадларнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган тебранишлари хос; коэффициент салбий трендга эга; ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираларнинг етарли эмаслиги; ўз капиталининг ўсиши учун фойда етарли эмас), қониқарсиз – 5 (соф зарар ёки фойданинг етарлича эмаслиги. Фойдалилик коэффициенти 0,25%дан кичик. Таркиб топган вазият банк яшовчанлигига хавф туғдиради) каби мезонлар орқали белгиланган.

Ўз навбатида, банк фойдалилигини баҳолаш рейтингини умумий ҳолатда фойдалилик даражаси, фойда олиш манбалари сифати, активлардан фойдаланиш самарадорлиги ва яратилган захираларнинг етарлилигини акс эттиради.

3.5. CAMELS рейтинг тизими асосида банкнинг ликвидлигини баҳолаш

Банкнинг ликвидлиги унинг молиявий барқарорлигининг ажралмас шarti ҳисобланади, чунончи у банкнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш қобилиятини акс эттиради.

Зеро, банкнинг ликвидлиги ресурсларни шакллантириш ва уларни жой-лаштириш соҳасидаги кўплаб омилларга боғлиқ бўлганлиги боис, АҚШ банклари учун ликвидлик кўрсаткичларининг стандарт тизими белгиланганмаган. Ликвидликни таҳлил қилиш ва баҳолашда асосий эътибор бошқарув тизимида, хусусан: ликвидликни қўллаб-қувватлаш манбаларининг банкнинг жорий ва келажакдаги эҳтиёжларига етарлилиги; активларни энг кам йўқотишлар билан тезда сотиш имконияти; депозитларнинг тузилиши ва динамикаси, ликвидликни назорат қилишга қаратилади. Айни чоғда, баъзи расмийлаштирилган кўрсаткичлар, хусусан, а) фоиз ставкаларининг ўзгаришига сезгир бўлган жамғармаларнинг ишончлилик даражаси; б) активларни тезда нақд пулга алмаштириш қобилияти; в) пул бозорларининг мавжудлиги; г) актив ва пасивларни бошқариш стратегиясининг самарадорлиги, ушбу соҳадаги бошқарув; д) эришилган кўрсаткичларнинг ички ликвидликка риоя қилиш сиёсатига мувофиқлиги; е) келгусида йирик битимлардан фойдаланиш, бундай битимлар мазмуни ва ҳолати ҳам баҳоланади.

Банкнинг ликвидлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш тамойиллари қуйидагилардан ташкил топади.

1. Мижозларнинг жалб қилинган маблағлари сифатига катта аҳамият берилади, чунки депозитларда барқарор қисмининг мавжудлиги банкнинг ликвидлигини оширади. Шу муносабат билан депозитларда барқарор ва ўзгарувчан қисм ажратилади. Барқарор депозитлар асосий ёки ўзак депозитлар деб аталади; бундай депозитлар банкдан чиқиб кетмайди. Асосий депозитлар талаб қилинадиган депозитлар орасида ҳам, муддатли ва жамғарма

ҳисобварақлари ва депозитлар орасида ҳам бўлиши мумкин. Шу билан бирга, амалиёт шуни кўрсатадики, депозитларнинг барқарор қисми талаб қилингунча депозитлар орасида юқори улушни ташкил қилади. Халқаро амалиётда умумий депозитлар таркибида асосий депозитларнинг улуши камида 75% бўлса, бу меъёрдаги ҳолат ҳисобланади.

2. Фоиз ставкаларининг ўзгаришига сезгир бўлган омонатларга муддатли ва омонат депозитлари киради. Муддатли ва жамғарма депозитлари динамикасини таҳлил қилиш вазифаси ўзгарувчан депозитлар улушининг сезиларли даражада кўпайишини олдини олишдан иборатдир.

3. Активларнинг тезда нақд пулга айланиш қобилияти кўрсаткич динамикаси билан баҳоланади: ликвидли активлар: жами активлар \times 100%. Бунда ликвид активлар фақат нақд пул қолдиқлари; йўлдаги ва валюта ҳисобварақлардаги пул маблағлари, Марказий банк ва бошқа банклардаги «ностро» ҳисобварақларидаги қолдиқларни ўз ичига олади. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, ликвидлик шунчалик юқори бўлса-да, лекин даромадлилик даражаси шунча паст бўлади. Шу боис, ликвидликни бошқариш соҳасидаги менежментнинг мақсади банк ликвидлиги ва унинг даромадлилиги ўртасидаги мақбулчегарани аниқлашдан иборатдир.

Ушбу кўрсаткич билан бир вақтда жорий активларнинг (тез соти-ладиган қимматли қоғозлар) активларнинг умумий миқдорига нисбати, қимматли қоғозлар портфелини баҳолаш даражаси, таъминланмаган қимматли қоғозлар улуши ҳисоблаб чиқилади ва динамикада таҳлил қилинади.

4. Тижорат банклари учун ташқи манбалардан фойдаланиш имкониятини баҳолашда ташқи манбалардан қарз маблағларини жалбқилиш кўрсаткичи динамикасини таҳлил қилишга асосланади:

$$T_m = S_{jq} : R_{jm} \times 100$$

бу ерда T_m - ташқи манбалардан фойдаланиш имконияти;
 S_{jq} -

Марказий банк ва бошқа тижорат банкларидан олинган ссудалар; R_{jm}

– жалб қилинган ресурслар

Ушбу кўрсаткични баҳолаш аниқ бир тўхтамга келиш имконини бермайди, ташқи қарзларнинг катта улуши банкнинг заифлиги ва паст ликвидлигини кўрсатади, жалб қилинган маблағлар улушининг пастлиги эса, банкка бўлган ишончсизликдан гувоҳлик беради, шунинг учун қуйидагилар қўшимча равишда таҳлил қилинади: тез-тез қарз маблағларига мурожаат қилиш; қарз олиш шартлари (гаров билан ёки гаровсиз); маблағларни жалб қилиш сабаблари; қарз олиш фоизлари.

Активлар ва пассивларни бошқариш стратегиясининг самарадорлигини баҳолаш, бир томондан, ссудалар ва депозитлар ўртасидаги нисбат динамикасини қараб чиқиш, бошқа бир томондан эса, банкларнинг жалб қилинган кредитларининг жалб қилинган ресурсларнинг умумий ҳажмидаги улушини ҳисобга олишга асосланади.

5. Банкнинг ликвидлик даражаси қанча юқори бўлса, бошқа банклардан қарз олиш даражаси шунчалик мўътадил бўлади ва бундан ташқари, депозитларнинг ўсиши (асосий) ва кредитлар ҳажми ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Бир вақтнинг ўзида депозитлар ва муддатлари бўйича ссудалар тузилмасини таҳлил қилиш таклиф этилади. Агар кредитни такрорий узайтириш натижасида депозит муддатларининг нисбатига риоя қилинмаса, банклар ликвидлик биланбоғлиқ муаммоларга дуч келиши мумкин. Юқорида тилга олиб ўтилган сабаблар туфайли, ликвидлик муаммосини пул бозорида қўшимча маблағларни сотиб олиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бироқ, ликвидликни бошқаришнинг ушбу усули фоиз ставкаси rischi билан боғлиқ. Ушбу риск чет эл валютаси билан ишлайдиган банк учун жиддий муаммога айланиши мумкин, чунончи бундай операциялар билан шуғулланувчи банклар айрибошлаш курси ва ўтказмалар борасида муайян бир рискларга мойил бўладилар.

Эришилган кўрсаткичларнинг ликвидликка риоя қилишнинг ички сиёсатига мувофиқлиги режалаштирилган ликвидлик

кўрсаткичларини ўрганиш ва уларни ўтган ва жорий даврларда бажарилиши асосида таҳлил қилинади. Бир вақтнинг ўзида, ликвидлик ҳолатини тезкор таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш имконини берувчи ҳисобот тизими ва маълумотлар базасига баҳо берилади.

6. Келгуси сана учун кредит шартномаларининг мазмуни, кўлами ва кутилаётган ишлатилиши банк жалб қиладиган депозитлар билан келгусидаги кредит шартномаларининг таъминланганлигини кўриб чиқиш (прогнози)ни назарда тутди.

7. CAMELS тизими томонидан ликвидлиликни рейтинг асосида баҳолашда банкнинг ликвидлилик кўрсаткичлари мезонларидан фойдаланилмайди; ликвидлиликни беш баллик баҳолаш тўлиғича уни бошқариш сифатини таҳлил қилишдан келиб чиқувчи хулосаларга асосланади. Қоидага кўра, ушбу хулосалар тегишли кўрсаткичларнинг ўзгариши тенденцияларини ўрганишга, ҳақиқий кўрсаткичларни бир хил банклар гуруҳи учун хос бўлган ўртача кўрсаткичлар билан таққослашга асосланади.

1-рейтинг (энг юқори) ликвид активларнинг етарли ҳажмидан юқори бўлиши ёки ташқи манбалардан осон фойдаланиш билан тавсифланувчи юқори ликвидлик даражасини англатади. Биринчи рейтинг бўйича шунингдек, ликвидлилик кўрсаткичлари бироз пастроқ бўлган, аммо банклараро ресурслардан эркин фойдаланиш имконияти мавжуд, ташқи бозорлардан маблағлар жалб қилиш даражаси ўртача бўлган ва барқарор депозит қолдиғининг ошиши ва банк ссудаларининг кўпайиши ўртасида тескари боғлиқлик бўлмаган банклар ҳам баҳоланади.

Бироқ, агар банк фоиз ставкаларининг ўзгаришига сезгир бўлган катта ҳажмдаги жалб қилинган ресурсларга эга бўлса ёки у депозитлар ва ссудаларнинг энг барқарор қисми ўртасидаги тескари боғлиқлик билан тавсифланса, яхши ликвидлик кўрсаткичларига қарамай, банк рейтинги ёмонлашиб бораверади.

2-рейтинг (қониқарли) ликвидлиги пасайган ва қарз маблағлари

кўпайган, ликвидлик кўрсаткичлари бир ҳил банклар гуруҳи учун ўртача даражадан юқори бўлган банкларга берилади.

3-рейтинг (ўртача) ликвид активлари мажбуриятларга бўлган талабни қоплаш ва қарз маблағларини кўпайтирмасдан миждозларнинг кредит эҳтиёжларини зарур даражада қондириш учун етарли бўлмаган; қарз маблағлари даражаси мақбул нисбатларга етган ваундан ошган банкларга берилади.

4-рейтинг (критик) ликвидлик кўрсаткичлари қабул қилинган меъёрлардан сезиларли даражада паст бўлган; ликвид маблағлар ҳажми аҳамиятсиз даражада бўлган банкларга берилади.

5-рейтинг (қониқарсиз) банкнинг ликвидлиги шу қадар пастки, бундай ҳолатда у келгусида операцияларни амалга ошира олмайди; банк томонидан ўз мажбуриятлари ва шартномаларини бажариш учун зудлик билан чоралар кўриш талаб қилинади (масалан, давлатнинг молиявий ёрдами).

3.6. CAMELS рейтинг тизими асосида банкменжментини баҳолаш

Менежмент молиявий барқарорликнинг бошқа таркибий қисмларидан кейин баҳоланади, чунончи банкни бошқариш сифати борасида банкнинг ликвидлиги ва рентабеллиги даражаси, унинг активлари ҳолати, капиталнинг етарлилиги асосида хулоса қилиш мумкин.

Шу сабабли ҳам менежментнинг дастлабки рейтинг баҳоси (беш балли тизим бўйича) банк ишончлилигининг бошқа барча таркибий қисмларининг ўртача тортилган рейтинг баҳосига мос келади.

Менежмент даражаси тўғрисида якуний хулоса чиқариш учун қуйидаги норасмий омиллар ҳисобга олинади: а) банк раҳбариятининг малакаси, етакчилик қобилияти ва маъмурий иш юритиш лаёқати, шу жумладан: банк раҳбарининг банкда ишлаш малакаси ва тажрибаси, ўрта ва кичик ходимларнинг банк иши малакаси ва тажрибаси, банк фаолиятини раҳбарият томонидан назорат қилиш сифати, кадрлар тайёрлашнинг талаб даражасида

йўлга қўйилганлиги, менежментни ривожлантириш даражаси; б) банкфаолияти қоидаларига риоя қилиш (банк фаолияти тўғрисидаги қонун ва йўриқномаларга амал қилиш); в) кредит ташкилоти томонидан қабул қилинган рискларни режа-лаштириш ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш қобилияти; г) банк ички сиёсатининг операциялар ва рисклар устидан назорат даражасига мувофиқлиги; д) аудиторлар ва назорат органларининг тавсияларига жавоб бериш; е) банк ҳамжамияти мақсадларининг бажарилишини таъминлашга тайёрлик; ё) бошқарув аъзолари томонидан бир ёки турли доиралар манфаатларини ифодалаш; бошқарув аъзолари томонидан йиғилишларга қатнашиш; бошқарув аъзоларининг турли масалаларни, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиши; қарор қабул қилиш жараёнида бир ёки бир нечта директорнинг устунлиги; бошқарув аъзоларининг мавжудлиги ва баҳоланиши; кредит, аудит, тафтиш комиссияларининг мавжудлиги ва фаолияти; ж) ички ва ташқи аудитнинг ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги, қонунлар ва меъёрий стандартларга мувофиқлигини таъминлашга мослиги.

Банк менежментини баҳолаш билан боғлиқ санаб ўтилган қўшимча саволларга жойида, яъни банкнинг ўзида аниқлик киритилади, шундан сўнг ушбу компонент бўйича якуний рейтинг белгиланади, бу ўз навбатида раҳбариятнинг ҳар қандай вазиятда ўз вазифаларини бажариш қобилиятини, унинг ваколатларини тасдиқлайди (ёки тасдиқламайди).

1 (энг юқори) рейтинг бошқарувнинг барча даражалари ҳар қандай вазиятда ўз вазифаларини самарали бажаради ва банк ўз вазифаларини бажариши чоғида юзага келиши мумкин бўлган мавжуд ёки кутилмаган муаммоларни муваффақиятли енгишга доимий тайёрлигини намоён этади. Банк фаолиятидаги барча муҳим рисклар кузатиб борилади ва самарали назорат қилинади.

2 (қониқарли) рейтинг майда муаммоларни ҳал қилиш борасидаги баъзи бир камчиликларга қарамай, раҳбарият ваколатлилигича қолади ва умумэътироф этилган банк амалиётига

риоя қилган ҳолда, банкни оқилона ва эҳтиёткорлик билан бошқаришга лаёқатли эканликларини англатади. Асосан, муҳим рисклар бир вақтнинг ўзида аниқланади ва назорат қилинади. Умуманолганда, маъмурият ўз вазифаларига тўлиқ жавоб беради ва кўриб чиқиладиган вазиятда қониқарли хатти-ҳаракатларни намоиш этади.

3 рейтинг (ўртача) шуни англатадики, банк раҳбарияти маълум даражада ваколат етишмаслиги туфайли кўриб чиқиладиган вазиятда вазифаларни бажаришда қийналади. Банк раҳбарияти оддий ва ёки ўртача қийинчиликдаги муаммоларни ҳал этишга қодир бўлса-да, аммо унинг билим ва тажрибаси мазкур типдаги банк доирасида вужудга келиши мумкин бўлган кенг кўламли муаммоларни ҳал этишга имкон бермайди. Бундай бошқарув ҳозирда анча ишончли бўлиши мумкин, аммо банк фаолиятининг салбий хусусиятлари ижобий хусусиятларидан устун туради ва маъмуриятнинг ушбу шароитда вазиятни тўғирлашга қобилияти етарли эмас. Банк томонидан қабул қилинган муаммолар ва рисклар етарли даражада баҳоланмаслиги ва назорат қилинмаслиги мумкин.

4 (критик) рейтинг бошқарувнинг умумий ҳолатда улар томонидан бажарилувчи мажбуриятлар тавсифига мос эмаслигини кўрсатувчи ўзига хос индикатор ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда, бундай маъмуриятга эга бўлган банклар аралаш рейтинг билан баҳоланиши мумкин, бу ўз навбатида, банк раҳбарияти ўзи мустақил тарзда ҳалқ қилиш имконига эга бўлмаган капиталнинг критик даражаси, активлар сифати, даромад ёки ликвидлик ёхуд уларнинг ёмонлашиши боис, ташкилотнинг заифлигини кўрсатади.

Муаммолар ва сезиларли даражада катта бўлган рисклар тегишли тартибда аниқланмайди ва назорат қилинмаслиги, банк раҳбарияти томонидан банкнинг барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида тезкор чора-тадбир-лар кўрилишини талаб қилади.

5 (қониқарсиз) рейтинг банк раҳбариятининг мутлақо лаёқатсизлиги шароитида берилади. Банк фаолиятида қонунчилик ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида жиддий қонун бузилиш

ва меъёрдан четга чиқиш ҳолатлари кузатилади. Катта риск ва муаммолар ўз вақтида аниқланмайди ва назорат қилинмайди. Ушбу ҳолатда, раҳбарият кучайтирилиши ёки тўлиғича алмаштирилиши лозим.

3.7. CAMELS рейтинг тизими асосида рискка бўлган сезгирликни баҳолаш

1997 йил 1 январдан бошлаб CAMEL тизимига янги унсур - бозор рискларига сезгирлик унсури киритилди, бунинг натижасида мазкур тизим CAMELS деб атала бошланди.

Тизим (S) нинг янги унсури бозор рискларининг банкнинг фойдалилик ва капиталига таъсирини баҳолаш учун мўлжалланган; у бозор рисклари (фоиз, валюта, қимматли қоғозларни сотишда нарх рисклари ва бошқалар) даражасини ва шунингдек, уларни бошқариш тизимини баҳолашни ўз ичига олади. Рейтинг баҳолаш шунингдек, бошқа унсурларга беш балли шкала бўйича бал беришга асосланади.

1-рейтинг бозор rischi кредит ташкилоти томонидан яхши назорат қилинадиган ва банкнинг фойдалилиги ёки капитал базасига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли минимал бўлган вазиятни акс эттиради. Бошқарув амалиёти жуда самарали ҳисобланади; фойда даражаси ва капитал миқдори бозор рискдан сезиларли даражада ҳимояни таъмин этади.

2-рейтинг бозор rischi кредит ташкилоти томонидан қониқарли тарзда назорат қилинади, бироқ бозор рискнинг капитал ва фойдалилик даражасига салбий таъсир кўрсатиши борасида муайян бир эҳтимол мавжуд. Бошқарув амалиёти қониқарли йўлга қўйилган; фойда ва капитал даражаси бозор рискларидан ҳимоя қилинишини таъминлайди.

3-рейтинг бозор riskини назорат қилиш етарли эмас ва уни такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади, риск фойда даражаси ва капиталга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқарув амалиётига тузатишлар киритилиши керак; мавжуд фойда ва капитал бозор рискларидан ҳимоя қилиш учун етарли бўлмаслиги ҳам мумкин.

4-рейтинг банкнинг бозор rischi устидан назорати етарли

бўлмаган, риск банкнинг фойдаси ва капиталига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли юқори бўлган ҳолатни акс эттиради. Менежментборасида жиддий нуқсонлар мавжуд; капитал ва фойда даражаси бозор рискларидан зарурий ҳимояни таъминламайди.

5-рейтинг бозор рисклари даражаси устидан назоратнинг қониқарсиз ҳолатини акс эттиради; уларни бошқариш амалиёти банк кўлами ва ихтисослашувига мос келмайди.

Яқуний босқичда барча расмийлаштирилган таркибий қисмларнинг аниқ баҳолари ва шунингдек, бошқа маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, банкнинг молиявий барқарорлигига жамланма баҳо берилади.

Ушбу ҳолатда, банкнинг жамланма баҳоланиши-бу хусусий ҳисоб-китобларнинг шунчаки, оддий арифметик ўртачаси эмаслигини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Жамланма рейтингни чиқаришда баъзи таркибий қисмларга бошқаларга нисбатан кўпроқ улуш берилиши ҳам мумкин.

Олинган рейтингдан келиб чиққан ҳолда, банкларни таснифлаш гуруҳларининг қуйидаги жиҳатлари фарқланади:

1 жамланма рейтинг (энг юқори: 1 дан 1,4 гача) - банк бутунлай соғлом, ташқи зарбаларга чидамли, бошқарув тизимини ўзгартирмаслик мумкин, назорат органларининг аралашувига ҳожат йўқ;

2 жамланма рейтинг (қониқарли: 1,5 дан 2,4 гача) - банк амалда соғлом, мавжуд камчиликлар аҳамиятсиз даражада, рискларни бошқариш амалиёти қониқарли, назорат органлари энг заиф бўлган соҳаларга аралашishi мумкин;

3 жамланма рейтинг (ўртача: 2,5 дан 3,4 гача) - банкда муайян муаммолар мавжуд, у ташқи муҳитдаги салбий ўзгаришларга қарши ҳимоясиз, камчиликларни бартараф этиш ва назорат органларининг аралашуви учун самарали чоралар кўриш зарур;

4 жамланма рейтинг (критик: 3,5 дан 4,4 гача) - банкда жиддий муаммолар мавжуд, банкротлик эҳтимоли юқори, вазият банк раҳбарияти ва менежерлар томонидан назорат қилинмайди,

камчиликларни бартараф этиш бўйича комплекс режани амалга ошириш учун тегишли органларнинг назорати ва мониторинги талаб қилинади;

5 жамланма рейтинг (қониқарсиз: 4,5 дан 5,0 гача) - яқин келажакда банкротлик эҳтимоли юқори, банк зарар билан фаолият кўради, бошқарув иши қониқарсиз, акциядорларнинг шошилинич қўллаб-қувватлаши зарур, чунончи уларнинг қўллаб-қувватлашисиз банк тез орада ўз фаолиятини тугатиши ёки қайта ташкил қилинишимумкин.

3.8. Рискка йўналтирилган RATE тизими

Банк молиявий барқарорлик моделининг яна бир тури - бу 1997 йилдан бери Англия банки томонидан қўлланилиб келинаётган RATE тизими ҳисобланади. Ушбу моделнинг ўзига хос хусусияти банк фаолияти билан боғлиқ рисклар ва тегишли шарт-шароитларда назорат ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолашга қаратилган.

Мазкур моделнинг мақсади банкнинг молиявий барқарорлигини унинг рискларга мойиллигини аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек, бундай рискларга қарши туриш қобилияти, яъни унинг молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Тузилмавий жиҳатдан ушбу модел учта ўзаро боғлиқ блокни ўз ичига олади: рискни баҳолаш (Risk Assessment); назорат воситалари (Tools); назорат воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш (Evaluation).

Рискни баҳолаш ушбу моделнинг асосий блоки ҳисобланади, чунончи унинг ҳолати бошқа ташкил этувчиларни баҳолашга таъсир қилади.

Мазкур блокларнинг мазмунини кўриб чиқамиз.

Рискни баҳолаш. Рискларни баҳолаш тўққизта асосий йўналишда амалга оширилади: капитал, активлар сифати, бозор rischi, даромадлилик, ликвидлик, бизнес, ички назорат, ташкилий тузилма, бошқарув.

Рискларни баҳолашнинг ушбу соҳалари, бир томондан, тўғридан-тўғри банк рискларининг юзага келиш соҳаси; бошқа

томондан, банкнинг уларни бошқариш қобилияти билан белгиланади. Рисклар доираси анъанавий тарзда: капитал, активлар сифати, бозор хавфи, даромадлилик, ликвидлик билан аниқланади. Ушбу моделнинг афзаллиги таҳлил доирасига қўшимча йўналиш – бизнесни таҳлил қилишни киритишдан иборатдир.

Банкнинг рискларни бошқариш борасидаги лаёқати учта йўналишда баҳоланади: ички назорат; ташкилий тузилма; бошқарув.

Ушбу соҳалардаги таҳлиллар банк ҳисоботлари, асосий молиявий коэффициентларнинг тенденциялари, стратегик режалар ва Англия банкининг ихтиёрида мавжуд бўлган бошқа маълумотларни, шунингдек назорат текшируви материалларини ўрганишга асосланган.

Рискни баҳолаш жараёни бир неча босқичларни ўз ичига олади:

- 1) тегишли рискларнинг пайдо бўлиши ва бошқарилиши биланбоғлиқ асосий бўлинмаларни аниқлаш;
- 2) банк фаолиятига таъсир қиладиган рисклар тўғрисида дастлабки маълумотларни олиш;
- 3) рисклар профилини бирламчи аҳлил қилиш;
- 4) жойига чиқиб ўрганиш;
- 5) рисклар профилини якуний таҳлилдан ўтказиш.

Биринчи қадам банкнинг асосий бўлинмалари ва тегишли рискнинг ҳолати ва бошқаруви тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлган ходимлар рўйхатини шакллантиришдан иборатдир. Ушбу қадам банкни текшириш жараёнида навбатдаги ишларни ташкил қилиш учун зарур. Бу жиҳат, айниқса, банк гуруҳи учун рискларни баҳолаш учун долзарбдир, бу ерда рискларни бошқариш тузилмаси унинг ҳуқуқий ташкилий тузилмасидан фарқ қилиши мумкин.

Иккинчи қадам - бу назорат органи ихтиёрида мавжуд бўлган маълумотларга қўшимча сифатида бизнес режа, бюджет, бошқарув ҳисоби, стратегик режалаштириш борасида банкларнинг ўзидан тўғридан-тўғри маълумотларни олиш.

Учинчи қадам — мавжуд ва қўшимча олинган маълумотлар асосида банк мойил бўлган рисклар профили ва даражаси, шу

жумладан назорат тизимидаги узилишлар тўғрисида дастлабки қарашларни шакллантириш, шу билан бир қаторда, текшириш жараёнида ўрганилиши лозим бўлган масалалар доирасини аниқлаштириш.

Тўртинчи қадам — жойига чиқиб ўрганиш — назорат органи томонидан реал вазиятни тушуниб етиш даражасини ошириш мақсадида ўтказилади. Жойига чиқиб ўрганиш тегишли масалаларни аниқлаштириш мақсадида юқори раҳбарият, шунингдек ёрдамчи ва назорат хизматларининг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказишни кўзда тутди.

Бешинчи қадам — назорат органи банк мойил бўлган рисклар даражаси, лицензияланувчи банкларга қўйилувчи минимал мезонларга банкнинг жавоб бера олиши борасида якуний хулосага келади.

Бунинг учун якуний баҳолаш ўтказилади. У ўз навбатида, RATE платформасида компьютер ҳисоб-китоблари асосида икки босқичда амалга оширилади: 1) амалда қўлланилувчи назорат амаллари ва воситаларининг мослиги, кредит институтининг молиявий барқарорлиги тўғрисида хулосалар яшаш, ташкилотнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш; 2) ҳар битта омилга сонли рейтинг бериш ва Англия банки мутахассисларининг фикрини инобатга олган ҳолда, ўртача арифметик асосида ҳисобланган жамланма рейтингни чиқариш.

Сонли рейтинг тизими қўлланилувчи назорат воситалари тўплами, текширувчи орган томонидан назорат қилиш ва баҳолашнинг зарурияти, қабул қилинувчи рисклар даражаси бўйича банкларни таққослаш мақсадида Англия банки томонидан фойдаланилувчи кредит ташкилотлари фаолиятини баҳолашнинг мутлоқ ички воситаси ҳисобланади.

Жамланма рейтингни ҳисобга олган ҳолда, банкнинг рискларга мойиллиги ва уларни назорат қилиш усуллари нисбатини тавсифловчи риск матрицаси тузилади.

А квадрат рискларнинг паст даражаси ва уларни банк

томонидан юқори даражада назорат қилиш билан тавсифланади. Бундай банк одатий тартибда назорат органлари томонидан назорат қилинади; бизнес ташкил-лаштиришда кўзда тутилган ўзгаришларнинг мавжуд эмаслиги шароитида назорат даври (янги хизматлар кўрсатиш, кам ўрганилган бозор тармоқларида фаолиятни кенгайтириш ва шу кабилар) 18-24 ойни ташкил қилади.

В квадрат у рискларни назорат қилиш даражаси юқори бўлган банкни тавсифлайди, аммо банк маълум сабабларга кўра турли рискларга юқори даражада мойил бўлади. Назорат органлари томонидан бошқарувнинг жорий сифатини назорат қилиш ва ҳатто юқори рисклар ҳам банк раҳбарияти томонидан ўз вақтида баҳоланиши ва мос равишда назорат қилинишига ишонч ҳосил қилиш учун ҳам муайян даражада эътибор талаб қилинади. Назорат даври 12-18 ойни ташкил қилади.

С квадрат рискларнинг юқори даражаси ва улар устидан назоратнинг паст даражаси билан тавсифланувчи банк мақомига мос келади. Бундай кредит ташкилоти вазиятни ўнглаш борасида зудлик билан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши лозим. Назорат органлари томонидан доимий ва жиддий эътибор талаб қилинади. Назорат дастури яхши ишлаб чиқилган бўлиши, асосий эътибор менежмент сифатини ва раҳбариятнинг банк олдида турган муаммоларни энг қисқа вақт ичида ва максимал самарадорлик билан ҳал қилиш қобилиятини оширишга қаратилиши лозим. Бундай банклар учун назорат даври энг қисқа бўлиб, одатда 6 ойдан бир йилгача бўлган муддатни ташкил қилади.

Д квадрат риск даражаси паст ва шу билан бирга улар устидан назорат даражаси суст бўлган банкни тавсифлайди. Бундай вазиятда банк томонидан қабул қилинган рисклар устидан самарали ва сифатли назоратни таъминлаш учун шошилишч тузатувчи чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Назорат органларининг дастури бошқарув, ички назорат сифатини оширишга қаратилган бўлади ва назорат муддати банкдаги муайян вазиятга қараб тахминан бир йилни ташкил қилади.

РАТенинг биринчи босқичида амалга оширилган баҳолаш назорат органларининг баҳолашнинг иккинчи ва учинчи босқичларидаги иш фаолиятини белгилаб беради¹⁸. *Назорат воситалари*. Ушбу босқич назорат функцияларини самарали амалга ошириш, шунингдек, назорат даврида уларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида ҳар бир кредит ташкилотига хос назорат воситалари, дастурлари ва ёндашувларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Бундай воситалар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: ички назорат ҳолати тўғрисидаги ҳисоботлар, Англия банкининг пул муомаласи департаменти ва кредит департаменти вакиллари томонидан ўтказилган банк текширувлари, бошқа мамлакатларнинг назорат органлари вакиллари билан ўзаро муносабатлар (Англиядан ташқарида филиаллар мавжуд бўлса), банкнинг юқори раҳбарияти, кредит муассасаси фаолиятининг белгиланган назорат стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун банкнинг масъул бўлими бошлиғи билан учрашувлар. Назорат даврида Англия банки мутахассислари назорат доирасида қабул қилинган чора-тадбирлар ва амалларнинг самарадорлиги устидан назорат олиб борадилар.

Назорат воситаларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш босқичида Англия банки мутахассислари томонидан бутун назорат даври мобайнида банк фаолияти, кредит муассасаси фаолиятида бу вақт давомида юз берган ўзгаришлар тўғрисида хулоса тайёрланади. Амалда ушбу босқич бир назорат даврини яқунланиши ва навбатдаги назорат даврининг бошланиши ҳисобланади.

Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг турли моделларининг қиёсийтаҳлили ушбу моделларнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини очиқ беради:

. таҳлил ва баҳолашнинг таркибий қисмлари қаторига, биринчидан, кредит ташкилотлари фаолияти таъсир қиладиган банк рисклари, иккинчидан, банк рискларини бошқариш сифатини киритиш (АҚШ ва Англия банклари амалиёти);

¹⁸ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016

. кредит ташкилотининг жорий молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг келгуси башоратлари билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш (АҚШ банклари амалиёти); назорат органларининг муаммоли банкларга нисбатан фаолия- тини таҳлил қилиш билан кредит ташкилотининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг ўзаро уйғунлиги (Англия банклари амалиёти).

3.9. Статистик моделлар асосида банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш

Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг статистик моделлари назорат органлари томонидан юқори рискга мойил банклардаги муаммоларни эрта аниқлаш мақсадида фаол қўлланилади. Ҳозирги вақтда бундай моделлар АҚШ Федерал захира тизими ва Франция банк комиссияси томонидан қўлланилади.

1980 йилларнинг ўрталарида АҚШ Федерал захира тизими банкларнинг молиявий барқарорлигини мониторинг қилиш имконини берувчи моделни ишлаб чиқишга қўл урди. Ушбу модел FIMS (Financial Institutions Monitoring Systems) деб номланди. Кейинчалик ушбу модель асосида эконометрик прогнозлаш усулларидан фойдаланган ҳолда янада мураккаб статистик модел (FIRMS) яратилди. FIRMS модели CAMELS рейтингининг қийматлари ва муайян бир прогнозлаш даври мобайнида банкнинг банкротлик (дефолт) эҳтимолини башорат қилишга имкон беради.

Ушбу моделни яратиш жараёнида статистик тадқиқотлар ўтказилади, бунинг натижасида CAMELS рейтинги ва банкротлик эҳтимолини башорат қилиш учун статистик аҳамиятга эга кўрсаткичлар аниқланади, ушбу жиҳатлар ва молиявий коэффициентлар тўплами ўртасидаги ретроспектив (тарихий тенденцияларга асосланган) муносабатлар ойдинлаштирилади.

Прогноз қилиш моделининг ўлчамларини аниқлашда учта муҳим қарор қабул қилинади: 1) башорат қилинган ўзгарувчини аниқлаштириш; 2) башорат қилинувчи ўзгарувчини истикболлини белгилашда ишлатилувчи изоҳловчи ўзгарувчиларнинг талқини;

3) башоратлаш даврининг узоқлиги (башоратлаш қайси истиқболли даврга амалга оширилади).

Прогноз қилинган ўзгарувчи сифат кўрсаткичи ҳисобланади, ушбу ҳолатда у бир пайтнинг ўзида CAMELS рейтингининг қиймати ва банкротлик эҳтимолини ҳам акс эттиради.

Мазкур тизимни ишлаб чиқувчилар нафақат банкнинг ҳуқуқий жиҳатдан банкротлик ёки тўловга қобилиятни йўқотиш ҳолати, балки кредит ташкилотининг ўз маблағлари (хусуий капитали) етарлилигига қўйилган талабнинг энг қуйи даражадан ҳам пасайиб кетишини тушунадилар.

Умумий ҳолатда, *FIRMS* модели қуйидагича ифодаланади:

$$R_b = \alpha_0 + \alpha_1 X_{1it-1} + \alpha_2 X_{2it-1} + \dots + \alpha_k X_{kit-1} + \varepsilon_{i,t}$$

бу ерда $R_b - t$ давр учун i банкнинг CAMELS рейтинги ёки банкнинг дефолт бўлиш эҳтимоли; $x_{1it-1}, x_{2it-1}, \dots, x_{kit-1} - (t - 1)$ давр учун i банкнинг фаолиятини акс эттирадиган асословчи ўзгарувчилар; $\alpha_0, \alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_k$ - асословчи ўзгарувчилар учун коэффициентларни баҳолаш; $\varepsilon_{i,t}$ - хатоликлар.

CAMELS бўйича банкнинг рейтинги прогнози ёки банкнинг дефолт бўлиш эҳтимоли қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$R_{bit-1} = \alpha_0 + \alpha_1 X_{1it} + \alpha_2 X_{2it} + \dots + \alpha_k X_{kit}$$

яъни, CAMELS бўйича банкнинг рейтинги ёки t давр учун кузатилган банкротлик эҳтимолини тавсифловчи ўзгарувчи $(t - 1)$ давр давомида кузатиладиган асословчи ўзгарувчилар вектори функцияси сифатида моделлаштирилади. Юқоридаги тенглама асосида аниқланган $\alpha_0, \alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_k$ кўрсаткичларнинг қийматлари $(t + 1)$ давр учун CAMELS рейтингининг қийматини прогноз қилиш мақсадида t даврда кузатиладиган асословчи ўзгарувчиларнинг қийматлари биланбир ўринда фойдаланилади.

FIRMS модели *FIRMS rating* ва *FIRMS risk rank* кўринишдаги иккита эконометрик моделга таянган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга оширади¹⁹.

FIRMS rating ўзида CAMELS рейтинги асосида банкнинг

¹⁹ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016

молиявий ҳолатини прогноз қилиш, яъни у мабодо ҳисобот санасига аниқланиши лозим бўлса, у CAMELS рейтингининг прогнозини ифода этади. Чунончи, банк фаолиятининг кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ вақт мобайнида ўзгарганлиги боис, FIRMS rating моделининг тенгламалари ҳар чоракда қайта кўриб чиқилади.

Бундай қайта ҳисоблаш натижаси охириги икки чорак учун ҳисоботлар асосида аниқланган молиявий кўрсаткичлар ва охириги текшириш натижалари бўйича аниқланган рейтинглар ўртасида энг яқин муносабатлар ўрнатилади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, фаолият кўрсаткичлари билан рейтингни баҳолаш ўртасидаги даврий боғлиқликни баҳолаш учун сўнгги икки чоракдаги маълумотлардан фойдаланиш рейтинг баҳолашнинг юқори даражада аниқлигини беради.

FIRMS rick rank кейинги икки йил ичида банкнинг тўловга лаёқатсиз (банкрот бўлиш) эҳтимолини баҳолаш, яъни капиталнинг етарлилик коэффициенти меъёрий даражадан паст қийматларга эга бўлишини кўрсатади.

FIRMS risk rank (баҳолаш параметри) модели прогноз қилувчи модел сифатида даромад келтирмайдиган активларнинг қоплаш коэффициенти (non-performing asset coverage ratio - NPACR) деб қабул қилинган, бу ўз моҳиятига кўра, банкнинг тўлов қобилиятини акс эттирувчи сифат кўрсаткичи ва бизнес кўлами бўйича маблағларнинг етарлилигини тавсифловчи коэффициентлардан бири ҳисобланади. Даромад келтирмайдиган активларнинг қоплаш коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q_{dk} = (K_u + Z_{uq} + A_{dk}) : A_u$$

бу ерда Q_{dk} - даромад келтирмайдиган активларнинг қоплаш коэффициенти; K_u – капитал; Z_{uq} - эҳтимолий зарарларни қоплаш захиралари; A_{dk} – даромад келтирмайдиган активлар; A_u – активлар.

FIRMS rating моделида бўлгани каби, *FIRMS risk rank* моделининг тенгламалари ҳам ҳар чоракда қайта кўриб чиқилади. Бироқ, *FIRMS risk rank* моделининг тенгламаси банкнинг сўнгги икки йилдаги чораклик саналардаги фаолиятини тавсифловчи

молиявий кўрсаткичлар, шунингдек, банкларни жорий даврда «банкротлик эҳтимоли мавжуд» ва «ўз фаолиятини давом эттиришга қодир» каби таснифлаш борасидаги маълумотлар ёрдамида ишлаб чиқилади.

Бундай амалиёт *FIRMS risk rank* тенгламаларини ҳисоб-китоб қилишда қараб чиқиладиган даврдаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва ўз навбатида мазкур ўзгаришларни банкнинг ҳаётийлик циклини узоқ муддатли башоратлашда эътиборга олиш имконини беради. *FIRMS rating* ва *FIRMS risk rank* моделларининг иккаласи ҳам банкнинг молиявий барқарорлигини акс эттирувчи ўзгарувчиларга асосланади. *FIRMS rating* қиймати 1 дан 5 гача бўлган CAMELS рейтингига асосланса, *FIRMS risk rank* фақатгина иккита қийматга асосланади: 0

- банкротликка учраш эҳтимоли мавжуд банклар; ва 1 - ўз фаолиятини давом эттириш имконига эга бўлган банклар.

FIRMS rating рейтингини аниқлашда оддий регрессия (ordinal - level logistic regression), *FIRMS risk rank* рейтингини аниқлашда эса - бинар регрессия (binary logistic regressions) фойдаланилади.

Ушбу тизимни ишлаб чиқиш жараёнида Федерал Заҳира Тизими мутахассислари томонидан, уларнинг фикрича, CAMELS рейтингини баҳолаш ва банкротлик эҳтимолини аниқлашда энг муҳим бўлган қарийб 30 га яқин ўзгарувчилар танлаб олинган. Шу билан бир қаторда, ҳудуддаги иқтисодий вазиятни тавсифловчи қўшимча ўзгарувчилар ҳам синовдан ўтказилган.

FIRMS rating модели учун CAMELS рейтингининг умумий қийматлари ва ушбу рейтингнинг «менежмент» компонентининг қийматларини (олдинги давр маълумотларига асосида) асословчи ўзгарувчилар сифатида синовдан ўтказилган. CAMELS рейтингининг олдинги қийматларини асословчи ўзгарувчилар сифатида киритиш қабул қилинган, чунки таҳлиллар шуни кўрсатдики, CAMELS рейтинги бўйича аввалги текшириш санасидан, кейинги текширишгача CAMELS рейтинги бўйича рейтинг ўзгарган банклар улуши учдан бирни ташкил қилади.

CAMELS рейтингининг «менежмент» компоненти *FIRMS rating* моделига бошқариш сифатини баҳолашга имкон берувчи ўзгарувчиларни киритиш мақсадида танлаб олинган.

CAMELS рейтингидан ташқари барча асословчи ўзгарувчилар, унинг «менежмент» компоненти ва ҳудуддаги иқтисодий вазиятни тавсифловчи ўзгарувчилар банкнинг ҳисоботлари асосида ҳисоб-китоб қилинади. Бундан ташқари, банкнинг молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич бўлган ҳар бир асословчи ўзгарувчи учун моделга кўрсаткичнинг жорий даврдаги қиймати ва бир йил олдинги қиймати ўртасидаги фарқнинг бир йил олдинги активларнинг умумий ҳажмига нисбати сифатида аниқланадиган, охириги тўрт чоракдаги содир бўлган ўзгаришлар бўйича маълумотлар киритилади.

Кўриб чиқилган ўзгарувчиларнинг бутун тўпламидан CAMELS рейтингини аниқлашда энг яхши натижаларни берадиган ўзгарувчилар танлаб олинади. Ўзгарувчиларни танлаш ўзгарувчиларнинг бутун бир тўпламининг ўзига хос жиҳатлари ва бунда боғлиқ ўзгарувчи билан тўғридан-тўғри боғлиқликка эга бўлмаган ўзгарувчиларни кетма-кет чиқариб ташлаш билан тушунтирилувчи, ўзгарувчиларни танлашнинг босқичма-босқич баҳолаш усули билан амалга оширилади.

Ўзгарувчиларни танлашнинг шунга ўхшаш тартиби *FIRMS risk rank* модели учун ҳам амалга оширилади. Бутун бир ўзгарувчилар орасидан келгусида дефолт эҳтимолини бошқаларга нисбатан яққол ифодалаш имконини берувчи ўзгарувчилар танлаб олинган. Бошқача қилиб айтганда, ўзгарувчиларни танлаш уларнинг статистик аҳамиятлилиги жиҳатидан амалга оширилади, яъни бунда дефолт эҳтимоли, CAMELS рейтинги қийматлари ва асословчи ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик кўриб чиқилувчи барча даврларда энг юқори бўлган ўзгарувчилар - *R2* қиймат танлаб олинади.

Юқоридагилар асосида CAMELS рейтинги ва асословчи ўзгарувчилар ўртасидаги даврий боғлиқликни юқори даражада

тавсифловчи 11 та ўзгарувчи танланб олинган. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради, яъни активлар сифатини тавсифловчи тўртта ўзгарувчи: 3 кундан 89 кунгача муддати ўтган ссудалар ва активлар нисбати, муддати 90 кундан ортиқ кечиккан ссудалар ва активлар нисбати, фоизларни ҳисоблаш тўхтатилган ссудалар ва активлар нисбати, банк мулк ҳуқуқидан маҳрум бўлган кўчмас мулк ва активлар қиймати нисбати. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири CAMELS рейтинги билан ижобий боғлиқликка эга, яъни ушбу кўрсаткичлар қийматининг ошиши мазкур рейтинг қийматининг ёмонлашувини кўрсатади; CAMELS рейтинги қиймати билан салбий муносабатда бўлган учта ўзгарувчи, хусусан ушбу кўрсаткичлар қийматининг ошиши мазкур рейтинг қийматининг яхшиланишини кўрсатади ва қуйидагиларни тавсифлайди: капитал ва активларнинг нисбати, соф фойда ва қимматли қоғозлардан соф даромад фарқининг активларга нисбати, инвестицион қимматли қоғозлар ва активларнинг нисбати; CAMELS рейтинги билан ижобий боғлиқликда бўлган тўртта ўзгарувчи: активларнинг ялпи ўсиши, UBSS умумий рейтинги (composite percentile rankings), ўтган давр учун банкнинг CAMELS рейтинги қиймати, ўтган давр учун CAMELS рейтингининг «менежмент» компоненти қиймати.

Банкнинг ҳисобот маълумотлари ва дефолт эҳтимоли ўртасидаги муносабатларни ўрнатувчи асословчи ўзгарувчилар сифатида тўққизта статистик жиҳатдан ўзаро боғлиқ ўзгарувчилар танланган, яъни активлар сифати билан боғлиқ тўртта ўзгарувчи:

- қайтариш муддати 389 кундан ошиб кетган ссудалар ва активлар нисбати;
- қайтариш муддати 90 кундан ошиб кетган ссудалар ва активлар нисбати, фоиз ҳисоблаш тўхтатилган ссудалар ва активлар нисбати;
- банк мулк ҳуқуқидан маҳрум бўлган кўчмас мулк ва активлар қийматининг нисбати.

Мазкур кўрсаткичларнинг юқори қиймати дефолтнинг юқори эҳтимоли билан боғлиқ ҳисобланади, бунда дефолт эҳтимоли билан

салбий муносабатда бўлган тўртта кўрсаткич уларнинг юқори қиймати дефолтнинг паст эҳтимоли билан боғлиқ, булар: капитал ва активларнинг нисбати, соф фойда ва қимматли қоғозлардан соф даромад ўртасидаги фарқнинг активларга нисбати, ссудалар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захираларнинг активларга нисбати, инвестицион қимматли қоғозлар ва активларнинг нисбати.

Сўнги кўрсаткич - 100 минг АҚШ доллари ва ундан катта қийматга эга бўлган депозит сертификатларининг активларга нисбати, бу банкротлик эҳтимоли билан ижобий боғлиқликка эга, яъни мазкур кўрсаткичнинг юқори қиймати энг юқори даражадаги банкротлик эҳтимоли билан тенгланади.

Федерал заҳира тизими мутахассисларининг фикрича, мазкур кўрсаткичнинг киритилиши, дефолт борасида молиявий адабиётларда келтириб ўтилган сабабларга тўла мос келади, бу ўз навбатида, бундай ўзгарувчан мажбуриятларни ресурс сифатида ишлатадиган банклар бошқа кредит ташкилотларига нисбатан юқори хавф кўрсаткичларига эга эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, мабодо, банкнинг молиявий ҳолати ёмонлашган тақдирда, бундай маблағлар тезда қайтариб олинади, ушбу ҳолат банкда ликвиддрилиқ билан боғлиқ жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

FIRMS рейтинг модели ёрдамида олинган башоратларнинг ишончилигини баҳолаш мақсадида тизим тажрибада синаб кўрилган. *FIRMS* рейтинг моделини синаб кўриш учун банкнинг аввалги t даври учун олти ойлик ҳисобот асосида аниқланган асословчи ўзгарувчилардан фойдаланилган ҳолда, $(t + 1)$ давр учун *CAMELS* прогноз рейтинги (ўтган ҳисобот даври + 6 ой) ҳисоблаб чиқилади.

Олинган натижа худди шу санада текшириш маълумотлари асосида аниқланган *CAMELS* рейтингнинг ҳаққоний кўрсаткичлари билан, шунингдек, *FIRMS* моделини *UBSS* модели билан алмаштириш мўлжалланганлиги боис, башорат қилинувчи рейтинг *UBSS* услугиёти бўйича ишлаб чиқилган рейтинг билан

таққосланади.

Мазкур тадқиқотларнинг мақсади моделдан фойдаланган ҳолда олинган CAMELS нинг башорат қилинадиган рейтинги бир хил саналарда уларинг амалдаги қийматларига қай даражада мос келишини аниқлашдан иборат. Тадқиқотлар бир нечта ҳисобот саналари давомида ўтказилади.

Баҳолаш натижаларига кўра, модел ёрдамида ҳисобланган CAMELS рейтингининг башорат қилинган қийматлари 74,6% ҳолатда рейтингнинг ҳақиқий қийматларига мос келган бўлса, UBSS эса фақат 50% ҳолатда тўғри башорат берган. Бундан ташқари, 1985-1986йиллар давомида банкротликка учраган ва синов жараёнларига жалб қилинган 262 та банкнинг 97,7% га *FIRMS rating* модели 5; 27,9% га 4ва фақатгина 1,9% га 3 рейтинг тақдим қилган, банкротликка учраган банкларга 1 ва 2 рейтинг баллари берилмаган.

Тизимнинг ишончлилигини баҳолашнинг муҳим унсури - бу унинг CAMELS бўйича қониқарсиз рейтингга (3 - 5) эга бўлган банкларни аниқлаштири олиш қобилиятини текшириб кўришдан иборат. Шунинг ёдда тутиш керакки, банкларни таснифлашда масофавий мониторинг тизимлари томонидан икки турдаги хатоликларга йўл қўйилиши мумкин: 1) тизим аслида қониқарсиз CAMELS рейтингига эга бўлган банкларни ҳеч қандай муаммога эга эмас деб таснифлайди; 2) тизим қониқарли CAMELS рейтингига эга банкларни қониқарсиз рейтингга эга банклар сифатида таснифлайди.

Биринчи турдаги хато юқори қийматга эгаллиги билан ажралиб туради, чунки назорат органлари томонидан тезкор чоралар кўрилиши асносида банкротликнинг олдини олиш мумкин бўлса-да, банкларнинг банкротлик ҳолатлари кузатилиши мумкин. Иккинчи турдаги хато бир мунча паст қийматга эга, бироқ қўшимча текшириш ҳаракатларини амалга ошириш ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келади.

Шу тариқа, *FIRMS rating* модели синовга киритилган муаммоли банклар ва амалда CAMELS бўйича 3, 4, 5 рейтингга эга бўлган банкларнинг 17 фоизини (CAMELS бўйича 1 ёки 2 рейтинг)

барқарорбанклар тоифасига (биринчи турдаги хато) ва қониқарли рейтингга эга бўлган (1 ёки 2) банкларнинг 7,4 фоизини қониқарсиз рейтинг (3).

- 5) эга бўлган банклар сирасига киритади (иккинчи турдаги хато). Бундай тизимларни ишлаб чиқишда тизим яратувчилари олдида танлов масаласи, яъни хатоларнинг қайси бирини камайтиришга устуворлик бериш вазифаси туради.

Биринчи турдаги хато мазкур модел юқори қийматга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уни камайтириш мақсадида қониқарсиз рейтингга эга банклардан қониқарли рейтингга эга банкларни ажратувчи чегаравий қиймат 2,5 дан 2,3 гача пасайтирилган. Бунинг натижасида, гарчи иккинчи турдаги хатолар сони ортсада, қониқарсиз рейтингга эга бўлган банклар сифатида таснифланувчи банклар сони кўпаяди.

Моделни синовдан ўтказишнинг яна бир муҳим босқичи ҳисобот санасида барқарор бўлган, яъни CAMELS бўйича 1, 2 рейтингга эга бўлган ва кейинчалик молиявий аҳволи сезиларли даражада ёмонлашадиган банкларнинг фоизини аниқлаштиришдан иборатдир.

FIRMS rating моделини синовдан ўтказиш натижаларининг кўрсатишича, мазкур модел молиявий ҳолатининг ёмонлашиши эҳтимолдан йироқ бўлган банкларга нотўғри ёндашган, бунинг натижасида CAMELS рейтинги ҳам қониқарсиз қийматга эга бўлган.

UBSS тизимини синовдан ўтказиш қуйидаги натижаларни берган: мос равишда 56% ва 11%, яъни UBSS биринчи турдаги хатолик бўйича паст қийматга эга. Бироқ, биринчи турдаги хатоликни камайтириш учун тизимни яратувчилар қониқарли рейтингга эга банклардан қониқарсиз рейтингга эга банкларни ажратувчи рейтингнинг чегара қийматини пасайтиришган. Шунга ўхшаш амаллар *FIRMS risk rank* моделини синовдан ўтказиш жараёнида ҳам қўлланилган. Синовдан ўтказиш жараёнида баҳолаш кўрсаткичи - фаолият кўрсатмайдиган активларни қоплаш коэффициенти NPACR 1986 йилдан 2000 йилгача ораликни ўзи

ичига олган бешта икки йиллик даврлар бўйича башорат қилинган, бунда 1984-1988 йиллар ҳисоботи асосида олинган асословчи ўзгарувчилардан фойдаланилган.

Баҳолаш жараёнида жами 48306 та кузатувлар амалга оширилган. Олинган натижалар, яъни тизим томонидан дефолт эҳтимоли юқори деб танланган банклар рўйхати 1985-1986 йилларда дефолтга учраган банклар рўйхати билан солиштирилган.

1988, 1989, 1990 йилларнинг якуни бўйича қўшимча текшириш сифатида, CAMELS тизими банкротлик эҳтимоли юқори бўлган банклар қай даражада аниқлаб бера олишини баҳолаш мақсадида банклар CAMELS рейтинги бўйича тартибга солинган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, *FIRMS rating* модели юқори аниқликдаги натижаларни беради. Хусусан, *FIRMS rating* модели синов жараёнига жалб қилинган ва 1985-1986 йиллардан амалда дефолтга учраган банклар умумий сонининг 20 фоизини ўз фаолиятини давом эттиришга қодир банклар сифатида таснифлаган бўлса, бу кўрсаткич UBSS ва CAMELS тизимларида эса мос равишда 28% ва 32% ни ташкил этган.

Банкротлик эҳтимоли юқори бўлган банкларни аниқлаш борасида CAMELS рейтингининг етарлича камтарона натижалари, катта эҳтимол билан рейтинг текширувлар оралиғидаги саналарда ҳисобот маълумотлари бўйича аниқланиши билан боғлиқ, бинобарин текширувлар эса ҳар икки йилда бир марта ўтказилади.

Франция банк комиссияси томонидан қўлланилувчи SAABA тизими (French Banking Commissions Support System for Banking Analysis - банк таҳлилинини қўллаб-қувватловчи тизим) яна бир статистик моделга мисол бўла олади. SAAB тизими риск даражасини автоматик тарзда аниқлаш учун хизмат қилади.

Модел шундай дастурлаштирилганки, у банкнинг келгусидаги тўлов қобилиятини баҳолаш имконини беради. Аввалги моделларда бўлгани каби, мазкур моделда ҳам банкнинг ўз капитали даражаси тўлов қобилияти мезони ҳисобланади. Агар ҳисоб-китобларга кўра, банкнинг хусусий капитали 8% дан юқори бўлса, у ҳолда банк

келгуси уч йилда тўловга лаёқатли ҳисобланади.

Ушбу тизим турли ташкилотларга тегишли бўлган 25 хил маълумотлар базасидан фойдаланади: Банк комиссияси - пруденциал ҳисоботлар, жамланма ҳисоботлар, кўчмас мулк бозорининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, мамлакат ва саноат рисклари бўйича ҳисоб-китоблар, текшириш маълумотлари, бошқарув ҳолати тўғрисидаги ахборотлар, Франция банки - банк миждозлари ҳисобланадиган фирмалар ва саноат гуруҳларининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, банклар томонидан тақдим этилган кредитларни рўйхатдан ўтказувчи агентликлар ва шу кабилар.

Рискларни таҳлил қилиш бир неча даражаларда амалга оширилади: 1) якка тартибдаги таҳлил (даромадлилик, активлар сифати, қабул қилиннувчи рисклар, капитал, менежмент, ички назоратнинг ҳолати); 2) акциядорларнинг ҳолати ва уларнинг сиёсатини ҳисобга олган ҳолда таҳлилни амалга ошириш; 3) банк гуруҳининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш.

Тизимда молиявий ҳолатни умумий баҳолашнинг бешта даражаси мавжуд, яъни иккита ташвишли баҳолаш даражаси:

«изоҳларсиз заиф» - ушбу тоифага кирувчи банклар тўлов қобилиятининг паст рейтингига эга ва шу билан бирга акциядорлар кўмагидан умид йўқ; «акциядорларнинг сифати боис заиф» - ушбу тоифадаги банклар тўлов қобилиятининг қониқарли рейтингига эга, аммо акциядорларнинг ҳолати ва уларнинг сиёсати қониқарсиз деб ҳисобланади; «меъёр даражасида» тоифасидаги учта баҳолаш даражаси: «акциядорларнинг қўллаб-қувватлашини инобатга олган ҳолда, меъёр даражасида»; «заҳираларни яратиш сиёсатини ҳисобга олган ҳолда, меъёр даражасида»; «ҳеч бир изоҳларсиз, меъёр даражасида».

Банкнинг истиқболларини баҳолаш мақсадида умумий баҳолашга менежмент ва ички назорат, ликвидлиликни бошқариш даражаси ва бозор таваккалчиликларини баҳолаш кўшилади.

Муҳокама учун саволлар

1. CAMELS и RATE тизимлари қай даражада банкнинг молиявий барқарорлигини ишончли баҳолашга имкон беради?

2. CAMELS и RATE тизимлари ўртасидаги фарқлар нималарда намоён бўлади?

3. Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг замонавий воситалари орқали банк инқирозлари пайдо бўлишининг олдини олиш мумкинми?

4. Банк амалиётида статистик моделларни ишлаб чиқиш истиқболларива шартлари қандай?

IV БОБ. МАРКАЗИЙ БАНК УСЛУБИЯТИ АСОСИДА БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

4.1. Марказий банкнинг замонавий моделлари асосида банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш

Назорат органи сифатида Марказий банк томонидан фойдаланилувчи кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг замона-вий модели хорижий тажрибани ўрганиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, бундай баҳолашни ўтказиш амалиёти жараёнида муайян кўникмаларга эга бўлиш асносида аста-секин қарор топди.

1995 йилгача Марказий банк тижорат банклари фаолиятини баҳолашда асосан: активларнинг умумий миқдори, тўланган устав капитали, банкнинг фойдаси ва хусусий капитали каби миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланиб келган. Банкларни баҳолашга бундай ёндашув биринчи навбатда XX асрнинг 90-йилларида бошланган банк тизимининг иккинчи даражасини шакллантириш талабларига жавоб берар эди. Шунини таъкидлаш лозимки, биргина, 1994 йил декабр ойида ЯИМнинг 16-17 фоизи Марказий банк орқали қайта тақсимланган. Шу сабабли, ушбу йилларда Марказий банк тижорат банклари сони, уларнинг активлари ва устав капиталининг миқдорий ўсишига эътибор қаратган. Банклар фаолиятининг сифат жиҳатлари, уларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш ҳақида сўз юритилмаган.

Биринчи марта Марказий банкнинг тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш борасида тизимлаштирилган услубиёти 1995 йил октябр ойида, олдиндан огоҳлантириш тизими доирасида муаммоли банкларни аниқлаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнида вужудга келди. Мазкур услубиётга кўра, банклар тўртта асосий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда тартибга солинган: капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, даромадлилик ва ликвидлик. Ушбу услубиёт CAMELS рейтинг тизимида белгиланган тамойиллардан фойдаланишга асослангани ҳолда,

Ўзбекистон дастлабки иқтисодиётининг эҳтиёжларига жавоб берар эди.

Марказий банкнинг 1995 йилдаги фаолияти натижаларига кўра: капиталнинг етарлилиги активларнинг сифати, даромадлилик ва ликвидлилик мезонлари бўйича муаммоли банкларни аниқлаш борасидаги ишлар 1996 йилда давом эттирилди. Тўпланган тажрибанинг кўрсатишича, ҳар битта мезон доирасида бир нечта кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларни умумлаштириш асосида банкларнинг молиявий ҳолати тўғрисида хулоса чиқариш мумкин бўлади»²⁰.

1996 йил бошига келиб, банкларнинг муаммолилик даражасини аниқлашнинг янги услубиёти қабул қилинди, у илгари мавжуд бўлган услубиётни муайян даражада давом эттиргани ҳолда, баҳоланиши лозим бўлган кўрсаткичлар гуруҳини бир мунча кенгайтди. Хусусан, капиталнинг етарлилиги, молиявий натижаларни баҳолаш билан бир қаторда, мажбурий захираларнинг шаклланиши, миқдорларнинг тўланмаган ҳужжатларининг мавжудлиги, ссудалар бўйича муддати ўтган қарздорлик даражасини баҳолаш тавсия этилади. Мажбурий захира лаш талабларини ўз вақтида шакллантириш ва унинг тўлиқлигини баҳолаш орқали банкларда реалрисklarнинг мавжудлиги ва улардан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи мазкур кўрсаткичларга урғу берилиши 1995 йилдаги инқироздан кейин Марказий банкнинг молиявий барқарорлигини тезкор тиклаш зарурати билан боғлиқ бўлгани ҳолда, бир мунча кейинроқ вужудга келадиган, рискка йўналтирилган назоратнинг илк унсурларининг пайдо бўлаётганлигидан далолат берар эди.

Ўша йилларда ушбу унсурлар яхлит ва ҳар томонлама қамровга эга бўлмагани ҳолда, банкларнинг айрим муаммоларининг намоён бўлишини баҳолаш билан чекланар эди.

Бироқ, ушбу услубиётда Марказий банкнинг тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашга диор ёндашувларни

²⁰ Дубинин С.К. Итоги деятельности и задачи Банка России // Деньги и кредит, 1996, №1

такомиллаштиришни акс эттирувчи бир қатор янгиликлар ўз ифодасини топган эди. Буларга қуйидагилар киради: а) банк мулкдорлари ва бошқарувидаги кескин ўзгаришлар, шу билан бир қаторда, ижобий аудиторлик хулосаси мавжуд эмаслиги каби жараёнларни баҳолаш мезонлари таркибига киритиш; б) баҳолашнинг услубий воситалари - таҳлил қилинаётган кўрсаткичларнинг динамик қаторини кенгайтириш; в) молиявий ҳолатнинг айрим жиҳатларини баҳолаш жараёнида кўрсаткичларнинг меъёрий қийматларидан фойдаланиш.

Таҳлил натижаларига кўра, банкларни икки тоифага ажратиш тавсия этилди, яъни молиявий барқарор (қуйи гуруҳларга ажратмаган ҳолда) банклар ва муаммоли банклар (учта гуруҳга ажратган ҳолда).

Марказий банкнинг 1996 йилдаги йиллик ҳисоботида банкларни муаммоли даражаси бўйича таснифлаш тўғрисида берилган жамланма маълумотлар бир мунча қизиқарли.

1997 йилнинг 1 январь ҳолатига, мавжуд 2601 та банклардан: 852 таси молиявий барқарор (умумий банклар сонининг 32,8%, мазкур банклар активининг солиштирма улуши 35,3% ни ташкил этади); бундан ташқари, ДТ Халк банкининг активлари 24,8% ни ташкил этган%; муаммоли банклар сони 1052 та (40,4%) ни ташкил этгани ҳолда, уларнинг активлари улуши 29,5% га тенг бўлган; шу жумладан, муаммоли банклар гуруҳлари бўйича:

гуруҳ - 249 ёки 9,6%; активларнинг улуши - 5,5%,

гуруҳ - 279 ёки 10,7%, активларнинг улуши - 10,6%, III гуруҳ - 524 ёки 20,1%; активларнинг улуши - 13,4%.

Бундан ташқари, тўлиқ ҳисоботларни тақдим этмаган 124 та ёки 4,8%; лицензияси қайтариб олинган 570 та ёки 21,9%; 2 та банк ёки 0,1% рўйхатдан ўтган, аммо лицензияланмаган банклар мавжуд эди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Марказий банк тижорат банклар орасида муаммоли банкларнинг улуши 40 фоизга яқин эканлигини аниқлади ва улар фаолиятини санациялаш борасида яқка тартибда алоҳида ишлар олиб борилди. Банкларнинг

молиявий барқарорлигини баҳолаш усуллари қарортопишига доир дастлабки босқичларининг яна бир ўзига хос хусусиятини таъкидлаб ўтиш лозим. Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган усуллар тавсиявий тавсифга эга бўлганлиги боис, Марказий банкнинг аксарият ҳудудий бошқармалари банклар муаммосини аниқлашда ўз ёндашувларини ишлаб чиқа бошлади, бу ўз навбатида Марказий банкнинг эҳтиёжларига жавоб берувчи энг мақбул моделни яратишга имкон берди.

1997 йилда Марказий банк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг янги тартибини жорий этди. Ушбу ҳужжат Марказий банк томонидан банкларнинг молиявий ҳолатини мунтазам баҳолашни назарда тутувчи биринчи меъёрий ҳужжат эди. Ушбу услубиётнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат, яъни барча банклар икки тоифага ажратилган: молиявий жиҳатдан барқарор банклар ва муаммоли банклар. Ҳар бир тоифа иккитадан гуруҳга ажратилган. Молиявий барқарор банклар молиявий қийинчиликка дуч келган белгилари бўлмаган ва муайян камчиликлари бўлган банкларга ажратилган.

Муаммоли банклар тоифасида жиддий молиявий қийинчиликларга дуч келган банклар ва оғир молиявий аҳволда бўлган банклар фарқланди.

Ҳужжатда Марказий банк томонидан белгиланган мезонларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида битта гуруҳнинг тавсифи келтирилади. Жамланма баҳолаш расмий ва норасмий кўрсаткичларнинг кенг доирасини ўрганиш асосида экспертли усул ёрдамида амалга оширилган.

Муаммолилик даражасига кўра, банкларни таснифлаш мезонлари сифатида қуйидагилардан фойдаланилган: а) амалдаги қонунчилиги ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, хусусан, пруденциал стандартлар (Марказий банкнинг 1-сонли Йўриқномасида кўрсатилган иқтисодий меъёрлар; барча турдаги захираларни яратишга қўйиладиган талаблар; Марказий банк томонидан тартибга солинадиган муайян операцияларни амалга

оширишга қўйиладиган талаблар)га риоя қилиш; б) банкнинг вакиллик ҳисобварағидан мижозларга тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши; в) банкнинг хусусий маблағлари мутлоқ қиймати динамикаси; г) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати; д) кредиторлар билан мижозларнинг банк ёки унинг филиаллари фаолияти борасидаги шикоятлари; е) банк иштирокчилари ва раҳбариятининг мавқеи ёки таркибидаги ноқулай ўзгаришлар, хусусан, келиб чиқиши шубҳали бўлган капитални банкнинг айланмасига жалб қилиш.

Марказий банкнинг 1997 йилда жорий этилган банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш борасидаги ёндашувининг қисқача тавсифи, Ўзбекистонда банкларда юзага келадиган рискларни аниқлашга қаратилган банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва унинг асосида банкларнинг муаммолилик даражасини аниқлашнинг стандартлаштирилган тизимида айрим унсурларининг пайдо бўлишидан дарак берувчи айрим жиҳатлар юзага келишидан дарак беради.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳолатини баҳолаш эвазига операцион рискларни баҳолашга ҳаракат қилинди.

Марказий банк биринчи марта шакллантирилган капиталнинг сифати ва таъсисчиларнинг молиявий ҳолатига эътибор қарата бошлади. Мулкдорлар таркибини баҳолаш борасида зарур воситалар ва дастаклар ҳали тўлиқ яратилмаган бўлсада, келиб чиқиши шубҳалибўлган капитални аниқлашга уриниш эътиборга лойиқ.

Умумий ҳолатда 1997 йилда Марказий банк томонидан қабул қилинган услубиётни ижобий баҳолаш билан бир қаторда, банкларда молиявий барқарорликнинг барча жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил қилишнинг суствлиги (хусусан, молиявий натижалар динамикасининг таҳлил қилинмаслиги); банк фаолиятининг сифат жиҳатларига етарлича эътибор бермаслик; ички бошқарув ва назорат сифатини баҳолаш усуллариининг етишмаслиги каби асосий камчиликлар сақланиб қолди.

Банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашни ташкил этиш

борасидаги юқорида тилга олинган ва бошқа камчиликларни инобатга олиш натижасида муаммоли банкларнинг сони сезиларли даражада қисқарди. Хусусан, 1998 йил 1 январь ҳолатига кўра, муаммоли банкларнинг улуши (II тоифадаги банклар) 21,6%, уларнинг активлари улуши 6,2% ни ташкил этди. Бу фақат кичик ва ўрта банклар ўртасида муаммоларни аниқлаштиришдан далолат беради. Ўша даврда амалда бўлган услубиётга кўра, йирик ва аксарият ўрта банклар молиявий барқарор банклар сирасига киритилган.

Баҳолашга ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади, яъни Марказий банкнинг таҳлилий фаолиятини ойлик ҳисоботларни ўрганишга асосланган тизимли жараёнга айлантириш банк секторидаги муаммоларни ва шу билан бирга, муаммоли банкларни тезкор аниқлаш имконини берди; кредит ташкилотларининг молиявий ҳолатини расмийлаштирилган баҳолашдан мазмунли баҳолашга ўтишга уриниш, биринчи навбатда, ижобий ва салбий тенденцияларни аниқлашда ахборотларни батафсил ўрганган ҳолда, маълумотларнинг кенг доирасига эътибор қаратиладиган тавсияларда, иккинчидан, ижобий ва салбий тенденцияларни аниқлашда таҳлил қилинаётган банкларнинг муаммолилик даражаси борасида ўз қрашларини шакллантиришда ҳудудий бошқармаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш; асосий банк рискларини аниқлаш ва баҳолашда уларнинг бошқариш тизими, ички назоратни ташкил этиш ҳолатига эътиборни кучайтиришга уриниш.

Бироқ, банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашга норасмий ёндашув тизимини шакллантиришга уринишлар ҳар доим ҳам шаклланган мезонларнинг ноаниқлиги, тавсия этилган кўплаб масалаларни таҳлил қилиш услубиётининг йўқлиги боис кутилган натижаларни бермаган. Хусусан, ушбу услубиётдан фойдаланишнинг дастлабки йилларида рискларни бошқариш, ички назорат тизимлари сифатини баҳолаш воситалари мавжуд эмас эди. Шунингдек, банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи

омиллар мажмуини ҳар томонлама таҳлил қилиш бўйича тавсияларнинг мавжуд эмаслигини дастлабки услубиётнинг камчиликлари сирасига киритишимиз мумкин. Хорижий мамлакатларнинг банк амалиётида банк активлари сифати ва даромадлилигини таҳлил қилиш бўйича тегишли тавсиялар мавжуд эмаслигини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Айни пайтда, Марказий банкка ўз вақтида ҳисобот тақдим қилиш, Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси талабларини ўз вақтида бажариш, шунингдек, фаолиятдаги камчиликларни бартараф этиш бўйича қабул қилинган мажбуриятлар каби ташкилий жиҳатларга эътибор қаратила бошланди. Ўз навбатида, банкларнинг кетма-кетлигини аниқлаш борасидаги ёндашув ҳам, ноаниқлиги билан ажралиб турар эди. Масалан, II гуруҳнинг I тоифали банкларини тавсифлашда қуйидагича таъриф берилган: ушбу гуруҳга молиявий ҳолати I тоифали деб таснифланган кредит ташкилотлари мезонларига жавоб берадиган, аммо фаолиятидаги айрим камчиликлар туфайли I гуруҳ сифатида таснифланамайдиган кредит ташкилотлари киради.

Услубий кўллаб-қувватлашнинг кўрсатиб ўтилган камчиликлари шубҳасиз, Марказий банк ҳудудий муассасалари томонидан кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш натижалари бўйича шаклланган касбий хулосалар сифатида ўз аксини топган.

Баҳолашнинг услубий воситаларини янада такомиллаштириш мақсадида халқаро илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда банкнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш дастурий тўплами ишлаб чиқилди, хусусан, CAMELS тизимининг таркибий қисмлари таҳлил соҳасига киритилди. Ушбу мажмуа 2000 йил октябр ойида, яъни Марказий банкнинг Кўрсатмасидан қарийб ярим йилдан сўнг қабул қилинган. У муаммоли банкларни аниқлаштириш борасида жиддий иқтисодий ва услубий базанинг яратилишига хизмат қилди.

Мазкур ҳужжатнинг афзалликлари қуйидагиларда кўринади:
а) Марказий банк таҳлилчиларини банклардаги муаммоларни улар

пайдо бўлишининг дастлабки босқичларида аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тезкор чораларни кўришга йўналтирган ҳолда, таҳлилий ишларни амалга ошириш борасидаги вазифаларини аниқлаштириш; б) таҳлил жараёнида фойдаланиладиган маълумотларнинг ишончилиги ва аниқлигини таҳлил қилиш; банклар ривожланишидаги салбий тенденция-ларни аниқлаш, бир йиллик молиявий ҳолатни прогноз қилиш натижаларини таҳлил қилиш каби янги муҳим жиҳатларни таҳлилий ишлар доирасига киритиш; в) таҳлилнинг асосий йўналишлари ва ушбу жараёнда ишлатиладиган кўрсаткичлар, шунингдек уларни баҳолаш усулларини аниқлаштириш.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжат Марказий банк томонидан банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш борасидаги тавсияларида ўзининг мантикий яқинини топа олмади. Бу шунчаки, ишчи таҳлилий ҳужжат сифатида қолиб кетди.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш ва уни баҳолаш бўйича тавсияларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашдаги дастлабки қадам 2004 йил январь ойида муммо сифатида кўтариб чиқилди.

Юқорида айтиб ўтилган таҳлилий комплекс таркибига асосланган ушбу ҳужжат ўзида Марказий банк томонидан банкларнинг молиявий барқарорлигини ҳар томонлама баҳолашнинг ажралмас моделини шакллантиришни тавсифловчи бир қатор янгиликлар билан ажралиб туради.

Қуйидагилар мазкур моделнинг асосий унсурлари ҳисобланади: а) банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш; б) тўрт балли шкала асосида ҳар бир кўрсаткичнинг меъёрий қийматларини белгилаш; в) ҳар бир мезон бўйича умумлаштирувчи баллни аниқлашнинг расмийлаштирилган тартибини ва барча мезонлар бўйича банкнинг жамланма баҳосини жорий этиш; г) баҳолаш натижалари асосида асосли хулосани шакллантириш.

Марказий банкнинг мазкур моделнинг алоҳида аҳамияти

шундаки, банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашга хизмат қилувчи унда келтирилган мезонлар ва кўрсаткичлар чуқурроқтаҳлил қилиш имконини беради. Биринчидан, ушбу блок хорижий ва тўпланган маҳаллий тажрибага эътибор қаратган ҳолда, баҳолаш объекти ва фойдаланиладиган кўрсаткичларнинг доирасини сезиларли даражада кенгайтиради. Баҳолаш объекти сифатида хусусий капитал, активлар сифати, даромадлилик, ликвидлик, бошқарув сифати танланади. Иккинчидан, ушбу блок яхши тузилишга эга бўлиб, унда баҳолашнинг ҳар бир объекти (мезони) маълум кўрсаткичлар тўпламига мувофиқ келади, уларни ҳисоблаш алгоритми ва баҳолаш услубиёти келтириб ўтилади. Расмийлаштирилган кўрсаткичларнинг аксариятини баҳолашнинг иқтисодий мазмуни ва услуби кейинги бўлимларда муҳокама қилинади, чунончи улар Марказий банк томонидан кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда замонавий тизимнинг асосини ташкил этади.

2004 йилдан бошлаб, илк маротаба Марказий банк барча банкларни бошқаришда унинг сифатни таҳлил қила бошлади, бу борадаги хорижий ва маҳаллий тажрибалар шуни кўрсатадики, бу жараёнлар банкларнинг молиявий барқарорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

Агар расмийлаштирилган кўрсаткичлар муайян даражада банк фаолиятида юзага келадиган рискларни аниқлашга қодир бўлса, унда бошқарув сифати банкнинг кейинги фаолиятини салбий оқибатлардан ҳимоя қилиб, уларни тартибга солиш қобилиятини баҳолашга имкон беради. Бошқариш сифати мулкчилик тузилмасининг шаффофлик кўрсаткичи, рискларни бошқариш тизимини ташкил этиш ва ички назорат хизматлари каби таркибий қисмлар билан баҳоланди.

Ушбу таркибий қисмларнинг ҳолати ҳар бир банкда сўров ўтказиш, шунингдек алоҳида банкларни текшириш орқали ўрганилади, бу эса банк бошқаруви соҳасидаги ҳақиқий вазиятни ва унинг рискларини баҳолашга имкон беради. Баҳолаш тўрт балли

тизим бўйича амалга оширилади.

Муаммоли банкларни ўз вақтида аниқлаш борасида 2004 йилда жорий этилган кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделининг ижобий жиҳатларини қайл этган ҳолда, унинг ўзига хос камчиликлари мавжудлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Ҳуқуқий жиҳатдан, ушбу модел муайян бирбанкни депозитларни суғурталаш тизимига киритиш борасида қарор қабул қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. 2002 йил 5 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» Қонуни қабул қилингандан сўнг, Марказий банк ушбу тизимда иштирок этиши мумкин бўлган, яъни зарур талабларга жавоб берадиган банклар доирасини аниқлаш бўйича фаол ҳаракатларни амалга ошира бошлади.

Ушбу тизимга қўшилган банклар Марказий банкнинг кўрсатмаси асосида муаммолилик даражасига қараб табақаланишда давом этди. Амалда, Марказий банк таҳлилчилари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари ва банкларнинг молиявий ҳолатини жорий баҳолашга ёндашувни бирлаштиришга ҳаракат қилишларига қарамай, баъзи ҳолларда номутаносибликлар юзага кела бошлади. Масалан, Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси томонидан Марказий банкнинг Кўрсатмасига биноан молиявий барқарор деб таснифланган банк депозитларини суғурталаш тизимига кириш учун зарурий талабларга жавоб бермайдиган банк сифатида эътироф этилиши мумкин.

Қуйидаги омиллар мазкур номутаносибликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган: а) банкнинг омонатларни суғурталаш тизимига кириши тўғрисида қарор қабул қилишда алоҳида эътибор қартилган банкдаги бошқариш тизимининг ҳолатини баҳолаш, шу жумладан рискларни бошқариш ва ички назоратни ташкил этиш; б) Марказий банкнинг Йўриқномасида банкларнинг муаммолилик даражасига кўра таснифлаш мезонларининг мавжуд эмаслиги, мазкур ҳужжатнинг биргина банкнинг депозитларини суғурталаш

тизимига қабул қилиш ёки қабул қилмасликка йўналтирилганлиги.

Амалдаги ҳужжат ўрнига Марказий банкнинг «Банкларнинг иқтисодий ҳолатини баҳолаш тўғрисида»ги Кўрсатмаси жорий этилганидан сўнг, мазкур номутаносибликлар бартараф этилди, бу банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделининг мавжуд унсурларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларнинг сезиларли даражада ривожланишига ҳисса қўшди. Шу тариқа, хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос модели шакллантирилди. Унинг асосий қоидалари қуйидагиларда ўзифодасини топган.

Биринчидан, ушбу модел Марказий банк томонидан назорат функцияларини бажаришда фойдаланилади. Бу унинг муҳим хусусиятларини белгилайди: стандартлаштирилган табиат; баҳолаш жараёнида Марказий банк ихтиёрида мавжуд бўлган барча ахборот базасидан фойдаланишга йўналтириш; банклар ва Марказий банк учун баҳолашнинг муҳимлиги ва ушбу модел асосида банкларни муаммолилик даражаси бўйича таснифлаш ва уларга нисбатан назорат чораларини қўллаш (имтиёзлар ва санкциялар жорий этиш); банкларнинг муаммолилик даражаси бўйича кетма-кетлигини очиқ матбуотда эълон қилинишига чекловлар ўрнатиш.

Иккинчидан, ушбу модель ўзининг мақсадли йўналиши бўйича таваккалчиликка йўналтирилган, яъни банк тизими ва муаммоли банклардаги муаммоларни тезкор аниқлашга қаратилган ва уни шакллантириш услубиётига кўра, аналитик, яъни банкнинг иқтисодий ҳолатига кўра, беш гуруҳдан бирига бириктириш орқали ҳар томонлама баҳолашга имкон беради. Банкнинг баҳолаш услубиёти унга таъсир қилиши мумкин бўлган риск омилларидан кўра, банкларнинг молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишга асосланган

Учинчидан, ушбу модель расмий тусга эга бўлиб, унда муайян мезонлар, кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш алгоритмлари, тўрт балли рейтинг шкаласига нисбатан тартибга солиш шартлари, беш

гурухдан бирига тегишли банкларнинг хусусиятлари тавсифи келтирилган. Шу билан бир қаторда, у асосли хулоасани шакллантириш борасида таҳлилчини 12 ой олдин капитални баҳолаш ва даромадлиликнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисобга олишга йўналтиради, яъни расмий баҳолаш нафақат жорий, балки истиқболли вазиятга ҳам тегишли бўлади.

У ёки бу вазият юзага келганда таҳлилчининг мумкин бўлган қадамлари бўйича тавсияларнинг тўлиқ тавсифи турли йўллар билан баҳоланиши мумкин. Бир томондан, бундай тафсилотлар баҳолаш тизимининг янада шаффофлигини оширади, банклар ва Марказий банк учун муҳим аҳамият касб этади, назорат органининг ҳуқуқий ҳимоясини оширади. Иккинчи томондан, бундай тафсилот баҳолаш борасида норасмий ёндашув имкониятларини чеклайди, тез ўзгарувчан муҳитда (ички ва ташқи) баҳолашнинг объективлигини пасайтиришимумкин. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, ушбу моделдан тафсилотлар тавсифи билан бирга фойдаланиш таҳлилчидан юқори малака ва ҳалолликни талаб қилади.

Ҳудудий муассасанинг назорат бўлими ходими нафақат тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий - ҳуқуқий базани, балки банкдаги бухгалтерия тизимини ҳам яхши билиши, банк томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг иқтисодий мазмунини тушуниши, банк рискларини бошқариш усулларини билиши, шунингдек, келажакни баҳолашга имкон берадиган аналитик қобилият, сезгига эга бўлиши лозим. Молиявий барқарорликни баҳолашнинг сўнгги ва аввалги модели ўртасидаги фарқ фақат баъзи тафсилотларгагина тегишли. Ушбу тафсилотлар қуйидаги қоидаларга тегишли.

2008 йилги моделда таҳлилга киритилган кўрсаткичлар доираси бироз кенгайтирилди ва такомиллаштирилди. Хусусан, банк бошқаруви сифатини таҳлил қилиш услубиёти сезиларли даражада қайта ишланди. Ушбу блокка рискларни бошқариш тизими, ички назорат ҳолатини ва стратегик рискларни бошқаришни баҳолаш киритилди. Сўнгги йўналиш (стратегик рискларни бошқаришни

баҳолаш) биринчи маротаба таҳлил қилиш ва баҳолаш таркибига қўшилди. Ушбу йўналиш банкнинг ривожланиш стратегиясининг мавжудлиги ва мазмунини ўрганишни ўз ичига олади. Кўпгина хорижий экспертларнинг фикрига кўра, банк рисклари асосан банкнинг ривожланиш стратегияси асосий қоидаларининг йўқлиги ёки етарлича бажарилмаслиги туфайли юзага келади.

Банкнинг ликвидлилигини баҳолаш кўрсаткичларига баъзи тузатишлар киритилди. Масалан, умумий ликвидлик кўрсаткичини таҳлил қилиш учун тавсия этилган кўрсаткичлардан чиқариб ташланди ва тегишли мажбуриятни бажармаслик фактининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини тавсифловчи мажбурий заҳираларнинг ўртача кўрсаткичи киритилди. Ҳар бир кўрсаткични ҳисоблаш билан боғлиқ ҳолда, ушбу жараёни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий база келтириб ўтилади. Моделга молиявий барқарорликни тавсифловчи ҳар бир кўрсаткични балли ёки улушли баҳолашга бағишланган бўлим ва жамланма бални аниқлаш услубиёти киритилган. Бунинг учун ҳар бир кўрсаткичнинг қийматлари (тўрт балли шкалага нисбатан) ва уларнинг қисқача баҳолашни шакллантиришда зарур бўлган вазн қийматлари учун аниқ стандартлар берилган.

Ушбу услубиёт якуний баҳолашни аниқлашда хусусий капиталнинг ҳолати, рентабелликнинг прогноз қилинган қийматларини ҳисобга олади.

Моделда банкни иқтисодий ҳолати бўйича бешта гуруҳдан бирига бириктириш борасидаги талабларнинг тавсифи келтирилади. Аввалги амалда бўлган моделда иккита тоифага бўлинган тўртта гуруҳ мавжуд эди: молиявий барқарор ва муаммоли банклар. Ҳозирги вақтда банкларнинг икки тоифасини ажратиш кўзда тутилмаган.

Банкларни амалда таснифлашнинг батафсил тавсифи, ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос белгилари кейинги бўлимларда батафсил муҳокама қилинади.

Банкнинг ягона ижрочи органи томонидан банкни муайян

тасниф гуруҳига киритиш ва унинг фаолиятидаги камчиликлар тўғрисида Марказий банк, банклар кенгаши (кузатув кенгаши) ва банкнинг коллегиял ижро этувчи органи аъзоларига маълумот етказиш борасида қоидалар ва тавсиялар киритилди. Умуман олганда, ушбу маълумотлар ундан фойдаланувчиларнинг чекланган маълумотлари ҳисобланади ва учинчи шахсларга ошкор қилинмайди. Шу тариқа, Марказий банк томонидан банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг замонавий модели шаклланишининг учта йирик босқичини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

I босқич - 1995 йилгача бўлган давр. Ушбу даврда банклар фаолиятини миқдорий баҳолаш амалга оширилган бўлса-да, банклар муаммолилик даражасига кўра тартибланмаган.

босқич - 1995 йил октябрдан 2000 йил февралгача бўлган давр. Марказий банк муаммоли банкларни аниқлай бошлади, бунинг учун қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш; хусусий капиталнинг ҳолати, ликвидлилиги, мажбурий заҳираларни ўз вақтида шакллантириш, бошқа пруденциал стандартларга амал қилиш каби расмий ва норасмий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни йўлга қўйди.

Дастлаб, бундай ишлар чораклик ҳисоботлар, кейинроқ эса ойлик ҳисоботлар асосида амалга оширила бошлади. Баҳолаш расмий тавсифга эга бўлмагани ҳолда, таҳлилчининг субъектив қарашлари устунлик қилар, баҳолаш жараёнида рискларни аниқлашга эътибор қаратила бошлаган бўлса-да, банк рискларининг ташқиқўринишларини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутар эди.

босқич - 2000 йил март ойидан то ҳозирги кунгача. Марказий банк аста-секин молиявий барқарорликни баҳолашнинг муайян услубиёт бўйича амалга оширилувчи банкларнинг молиявий барқарорлигининг турли таркибий қисмларини ҳар томонлама таҳлилқилишга асосланган замонавий моделни шакллантира борди; тегишли кўрсаткичларнинг тартибга солиш даражалари ишлаб чиқилди; жамланма рейтингни аниқлаш услубиёти яратилди; даслаб

тўртта, кейинроқ эса бешта банкни таснифлаш гуруҳлари баён қилинди.

Ушбу босқичларни ажратиб кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда, молиявий барқарор банкларни баҳолашнинг замонавий моделини шакллантиришда қуйидаги тенденциялар кузатилмоқда: а) Марказий банкнинг шаклланиши ва тузилишини тавсифловчи банклар фаолиятининг ҳажм кўрсаткичларини баҳолашдан банклар фаолиятининг миқдорий ва сифат жиҳатларини баҳолашнинг комбинациясига ўтиш; б) банкларни муаммолар даражаси бўйича таснифлашдан, уларнинг пруденциал меъёрларга мувофиқлиги асосида, аналитик модель асосида банкларнинг молиявий барқарорлигининг асосий таркибий қисмларини мазмунли баҳолашга ўтиш; в) таҳлилчиларнинг меъерий, таҳлилий, услубий, ахборот воситалари ва кадр салоҳиятини ривожлантириш; г) рискка йўналтирилган модель унсурларини унга прогнозлаш компонентини киритган ҳолда ривожлантириш.

Агар умумий тарзда молиявий барқарорликни баҳолашнинг замонавий моделини тавсифлайдиган бўлсак, у ҳолда 1-бўлимда келтирилган таснифга кўра, у молиявий барқарорликни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва таваккалчиликка йўналтирилган, рейтинг ва аналитик, жорий ва истиқболли ҳолатни баҳолаш моделларининг унсурларини ўзида мужассамлаштирган аралаш тавсифга эгаллиги билан ажралиб туради. Бундай боғлиқликларнинг мавжудлиги, бир томондан, унинг сифатини, бошқа бир томондан эса уни амалга оширишнинг мураккаблигини белгилайди. Ушбу ҳолат унинг самара-дорлигини тўлиқ таъминлашга имкон бермайди, бу ҳолатни банк инқирозининг сўнгги воқеалари ҳам кўрсатиб берди.

Тилга олиб ўтилган жиҳатлар замонавий моделни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга муҳтожлигидан далолат беради.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Марказий банк томонидан банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделини шакллантириш жараёни банкларнинг ўзида таҳлилий

ишларнинг даражаси ва сифатини оширишга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Марказий банкнинг ортиб бораётган талабларини таъминлаш учун ҳар бир банк ўзининг иқтисодий дастакларини ўзи ишлаб чиқишлари талаб қилинади.

4.2. Иқтисодий, таҳлилий ва услубий воситалар асосида банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш

Марказий банкнинг тижорат банкларини бешта гуруҳга ажратиш имконини берувчи банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг замонавий амалиёти қуйидаги дастлабки қоидаларга асосланади.

Банкнинг ҳолатини тушуниш ва баҳолаш учун унга таъсир қилувчи муҳим омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим. Баҳолаш мезонларини белгиловчи бундай омилларга қуйидагилар киради: хусусий капиталининг ҳолати, активлар сифати, даромадлилик, ликвидлилик ва бошқариш сифати. Банк тизимини ривожлантириш бўйича тўпланган халқаро ва маҳаллий тажриба мазкур омилларнинг муҳимлигини тасдиқлайди.

Баҳолаш жараёнида замонавий таҳлилий ва услубий воситалар; компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда кенг тузилмага эга бўлган ахборот базаси; Марказий банкнинг назорат бўлими ходимларининг малакасини ошириш каби жараёнлардан бир ўринда фойдаланилади.

Таҳлилий фаолият билан биргаликда амалга оширилувчи турли жараён ва амалларни стандартлаштириш таҳлилчининг ижодий ҳаракатларини истисно этмайди, бу эса баҳолаш натижаларининг ишончлилигини оширишга имкон беради.

Қарорлар қабул қилишда субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш борасида қўлланиладиган услубий воситалар хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Унинг таркибида тузилмавий кўрсаткичлар ва коэффицентлар, тегишли кўрсаткичлар қийматининг меъёрий даражалари, таҳлил қилинаётган кўрсаткичларнинг динамик қаторлари, бир хил банклар гуруҳи бўйича қиёсий маълумотлар, омилларни таҳлил қилиш, воқеаларни

баҳолашга сценарийли ёндашувлардан кенг фойдаланилади.

Банкни муваффақиятли иқтисодий таҳлил қилиш ва баҳолаш кўп жиҳатдан таҳлилчининг ташқи муҳит ҳолати, қонунчилик базаси, банклар фаолиятини тартибга солувчи қоидалар ва банкларда бухгалтерия ҳисобини қанчалик яхши билишига боғлиқ. Буларнинг барчаси фаолият юритадиган банк реалликни кўп жиҳатдан тегишли қарорлар қабул қилинишини белгилаб беради.

4.3. Банк баланси ва унинг таркибини баҳолаш

Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш бўйича таҳлилий ишларнинг дастлабки босқичи бир қатор йўналишлар бўйича баланс таркибини ўрганишни ўз ичига олади.

Банкнинг молиявий барқарорлигининг алоҳида таркибий қисмларининг ҳолатини тўғри талқин қилиш учун таҳлилчи умумий ҳолатда вазиятни тасаввур қила олиши лозим. Баланс банк фаолияти, операция натижалари ва бошқарув тизими тўғрисида асосий маълумот манбаи ҳисобланади. Ҳар қандай таҳлилий иш тадқиқот йўналишини белгилаб берувчи вазифаларни шакллантириш билан бирга кечиши лозим.

Банк баланси таркибини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: а) таҳлил қилинаётган банк турини аниқлаш; б) банкнинг актив ва пассивлари таркибининг хусусиятларини аниқлаш; в) банк дуч келиши мумкин бўлган рисклар турини аниқлаш; г) банк фаолияти ривожланишининг барқарорлиги ва мутаносиблигини баҳолаш; д) банк амал қилувчи стратегия турини тавсифлаш.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, биринчидан, банк томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига бўлган ишончни ошириш, иккинчидан, баланснинг кенгайтирилган шаклидан фойдаланиш, учинчидан, ҳар чоракда камида икки йил давомида маълумотларни ўрганиш зарурлигини ва тўртинчидан, муайян мақсадларга эришиш борасида балансда мавжуд маълумотларни ишчи жадваллар кўринишида тақдим этиш

зарурлигини англатади.

Биринчи мақсад қилинган мўлжални амалга оширган ҳолда, яъни ўрганилаётган банкни идентификациялашни амалга оширишда банк турларини таснифлаш мезонларини ажратиб кўрсатиш зарур.

Бундай мезонларга қуйидагилар киради: а) банкларни йирик, ўрта ёки кичик банклар гуруҳига ажратишга имкон берувчи банкнинг миқдорий кўрсаткичлари; б) банкларнинг универсал ёки ихтисослашган банкларга мансублигини белгилаб берувчи банкнинг ихтисослашуви; в) мулкчилик шаклидан келиб чиққан ҳолда, банкнинг давлат, акциядорлик, кооператив ва хусусий банклардан бирига мансублиги; г) банк фойдаси ва зарарини тавсифловчи молиявий натижалар.

Тилга олиб ўтилган идентификациялаш умумий ҳолатда банкларнинг фаолият доираси ва кўламини, асосий мулкдорлар таркибини, банк бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ва натижаларини белгилайдиган махсус тури сифатида тақдим этиш имконини беради. Ушбу йўналишларда таҳлил ўтказиш учун муайян воситалар ва амаллардан фойдаланилади.

Афсуски, на Ўзбекситоннинг банк фаолиятини тартибга соладиган қонунчилиги, на Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида ҳар бир банк турининг хусусиятларини аниқлаш имконини берувчи жиҳатлар ёритилмаган. Марказий банк томонидан нашр этиладиган банк статистикаси бюллетенида улар олган лицензияларнинг тури ва сонидан келиб чиққан ҳолда, кредит ташкилотларининг сони ва таркибий динамикаси, банкларнинг филиаллари ва ваколатхоналари сони, рўйхатдан ўтган устав капитали миқдори бўйича банкларнинг тузилиши ва бошқа баъзи миқдорий кўрсаткичлар келтириб ўтилган.

Банкларни турлари бўйича таснифлаш борасида статистик маълумотлар мавжуд эмас. Шу мақсадда кредит ташкилотларини рўйхатдан ўтган устав капиталининг ҳажми бўйича гуруҳлаш тўғрисидаги эълон қилинадиган маълумотлардан фойдаланишнинг имкони йўқ. Ушбу маълумотларда мазкур мезон бўйича банклар

гуруҳининг таърифи мавжуд бўлса-да, йирик, ўрта ва кичик банкларнинг ўлчамлари келтирилмаган.

Амалда, баъзан банкларнинг уставига тегишли бўлмаган, хусусий капитал ҳажми бўйича турларга ажаратиш амалга оширилади. Бундай турга ажратишнинг бошланғич нуқтаси мавжуд банкларнинг минимал капиталига бўлган талабидир. Масалан, Марказий банкнинг Йўриқномасига мувофиқ, хусусий капиталнинг етарлилигини баҳолаш учун унинг ҳажмининг 5 миллион еврога тенг миқдор билан белгиланадиган чегара қиймати ўрнатилди. Хусусий капитал 5 миллион евро эквивалентидан кам бўлган кредит ташкилотларини ўрта банклар гуруҳига киритиш мумкин эмас деб фараз қилиш мумкин. Бироқ, йирик ва ўрта банклар доирасини фақат субъектив тарзда Ўзбекистоннинг энг йирик банкларининг капитали билан таққослаш орқали аниқлаш мумкин.

Бундан ҳам мушкулли яна бир вазифа - бу банкнинг расмий ўрнатилган белгиларининг мавжуд эмаслиги боис, уни ихтисослиги бўйича ажартишдан иборат. Мавжуд ҳисобот, хусусан, баланс ҳам бу саволга аниқ жавоб беришга имкон бермайди. Кўпинча, банк балансининг активлари тузилмасида 2 ёки 3 турдаги қўйилмалар бўлиши мумкин, масалан: 72% - кредитлар; 15% - қимматли қоғозлар йўналтирилган инвестициялар; 10% - пул маблағлари (касса, вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар); 3% - бошқалар. Гарчи банкфаолиятининг асосий йўналиши ссуда бизнеси ҳисобланса-да, ушбу активларнинг таркиби банкнинг ихтисослашганлигини кўрсатмайди.

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар қандай банкда ссудалар катта улушни эгаллайди. Уларнинг иқтисодиётнинг маълум бир тармоғига (масалан, қишлоқ хўжалигига) ёки маълум турдаги мижозларга (аҳолига ипотека кредити бериш) ва бошқаларга мансублигини тушуниш муҳимдир.

Ихтисослашган банкларнинг мансублигини аниқлаштиришда, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: а) банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Қонунда ихтисослашган банк тушунчасини

акс эттириш; б) ихтисослашган банкнинг ўзига хос белги ва жиҳатларини банк уставида ва у олаётган лицензияда акс эттириш.

Ҳозирги вақтда ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда ихтисослашган банклар деярли йўқ ва бир хил турдаги активларнинг икки ёки учтасининг мавжудлиги баланс таркиби ва универсал банк имкониятининг суст ривожланишидан далолат беради.

Молиявий натижалар бўйича банк фаолиятига оидинлик критик қийинчилик туғдирмайди. Кейинги икки йилда банкнинг баланси пассивида тегишли молиявий натижанинг мавжудлиги банкни муайян бир турга мансублигини аниқлаш имконини беради. Банк балансини таҳлил қилишнинг яна бир йўналиши унинг активлари ва пассивлари таркибини ўрганишдир.

Таҳлил қилиш учун ишлатиладиган ва баланс асосида тузилган ишчи жадвалларда қуйидагилар акс этиши лозим: а) кенгайтирилган иқтисодий гуруҳлар бўйича активлар ва пассивлар таркиби; б) кенгайтирилган гуруҳлар бўйича активлар ва пассивлар тузилмаси; в) фойдаланилувчи валюталар кесимида активлар ва пассивларнинг тузилмаси; г) балансдан ташқари моддаларнинг тузилмаси.

Банкнинг активлари ва пассивлари таркибини таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлаш имконини беради: а) банкинг ресурс базаси ва у бевосита яратаётган маҳсулотларнинг ўзига хос хусусиятлари; фаолият соҳалари; банк фаолият кўрсатадиган бозорлар; б) банк фаолият соҳаларининг молиявий натижалар ва активларнинг ликвидлиги билан ўзаро боғлиқлиги; в) қўшимча эътибор талаб қилувчи активлар ва пассивлар таркибининг ўзига хос хусусиятлари.

Таҳлилнинг ушбу жиҳати ўрганилаётган банк фаолиятининг иқтисодий мазмунини тавсифлайди. Банкнинг активлари ва мажбуриятларини шакллантиришдаги муҳим жараёнлар; уларнинг ривожланиш тенденциялари; янги маҳсулотларнинг пайдо бўлиши; анъанавий жалб қилиш турларидан ёки жойлаштириш турларидан четга чиқиш тўғрисидаги тасаввурга эга бўлишга имкон берувчи

таркибий таҳлил унинг давоми ҳисобланади.

Ушбу таҳлилнинг тасдиқловчи тавсифга эга бўлиши кейинги ўрганишнинг йўналишини белгилаб беради. Бундан ташқари, бу банк мойил бўлган риск турлари, айниқса рискка ўта мойил бўлган фаолият соҳаларини аниқлаш имконини беради.

Банкларнинг молиявий барқарорлигининг муҳим жиҳати сифатида мутаносиб ривожланиш барқарорлигини баҳолаш икки йил давомида банк фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичлари (активлар, хусусий капитал, депозитлар, кредитлар, молиявий натижалар)нинг ўзгариш сурътлари; мазкур ўзгариш суръатларининг муайян кўрсаткичлар доирасига мос келишини ўрганишни кўзда тутди.

Шу таҳлит, агар активлар ёки фаолиятнинг бошқа кўрсаткичлари суръатлари, масалан, ўрганиш даври ичида (бир йил, чорак) фойда сезиларли даражада ўзгарса, унда банкнинг молиявий ҳолатининг беқарорлиги борасида хулоса қилишимиз мумкин, бу эса, ўз навбатида унинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларни аниқлаштиришни талаб қилади. Муайян кўрсаткичнинг ўзгариш тезлигининг кескин ошиши ёки пасайиши ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Агар банк фаолиятининг бир жиҳати унинг тавсифининг бошқасига нисбатан ўсиш суръатларида катта илгарилаш ёки ортда қолса (масалан, кредитларнинг ўсиши депозитлар ёки фойданинг ўсишидан юқори бўлса), бунинг асосий сабабларини таҳлил қилган ҳолда, банкнинг ривожланишида номутаносибликлар мавжуд, деган хулосага келиш мумкин. Умумий баланс таҳлилининг юқоридаги барча жиҳатлари банк томонидан қўлланиладиган стратегияни олдиндан тавсифлашга имкон беради. Бу ривожланиш ёки чеклаш, активлар ёки пассивлар, рискли ёки мўътадил ва ниҳоят, самарали ёки самарасиз стратегия бўлиши мумкин. Сўнгги жиҳатлар эришилган молиявий натижалар билан тасдиқланади.

4.4. Банкнинг хусусий капитали, унинг сифати ва етарлилигини баҳолаш

Марказий банкининг услубиётида кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини баҳолаш хусусий капитал ҳолатини баҳолашдан бошланади. Молиявий барқарорликнинг ушбу компоненти банкнинг барқарор ишлаши ва у дуч келадиган турли рискларни бартараф қилишнинг муҳим омили ҳисобланади. Хусусий капитал ҳолатини баҳолаш икки мезон: капиталнинг етарлилиги ва унинг сифати бўйича амалга оширилади.

Капитални баҳолаш тизими бир қатор унсурларни ўз ичига олади: ҳар бир мезон учун кўрсаткичларни танлаш, уларни маълум бир услубиёт бўйича ҳисоблаш, тўрт балли шкала бўйича олинган қийматларни баҳолаш, иккита мезон асосида якуний баҳолаш, хусусий капитал ҳолати борасидаги қарашларга мувофиқликни кўрибчиқиш, башорат кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Кўриб турганимиздек, бу ерда расмий ёндашув ёки таҳлилий ва тузатувчи амаллар ўзаро бирлаштирилган, бу ўз навбатида хусусий капиталнинг ҳолати тўғрисида ишончли тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини баҳолашда замонавий моделнинг афзаллиги, хусусан, хусусий капитални баҳолашда унинг сифат омилларини ҳисобга олишда намоён бўлади.

Хусусий капитални баҳолаш учун иккала мезон — капиталнинг етарлилиги ва унинг сифати - сифат хусусиятларини ифодалайди.

Белгиланган мезонларга муайян кўрсаткичлар мос келади. Капиталнинг етарлилигини баҳолашда Марказий банкининг

Йўриқномасида назарда тутилган мажбурий кўрсаткичлар сифатида капиталнинг етарлилик кўрсаткичи (H_1) ҳамда капиталнинг умумий етарлилик кўрсаткичидан фойдаланилади. Мажбурий (H_1) кўрсаткичнинг меъёрини ҳисоблаш услубиёти Марказий банкнинг тегишли ҳужжатларида келтириб ўтилган.

Умуман олганда KK_1 кўрсаткичи кредит ташкилоти томонидан қабул қилинган баланс ҳамда балансдан ташқари операциялар

бўйича рискларни қоплаш учун кредит ташкилотининг хусусий капитали етарлилигининг мутлоқ суммасини тавсифлайди.

Ушбу гуруҳнинг иккинчи кўрсаткичи - капиталнинг умумий етарлилик кўрсаткичи KK_2 рискка мойил баланс активлари ҳажмига нисбатан капитал мутлоқ суммасининг етарлилигини тавсифлайди ва у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$KK_2 = K : (A - A_{\text{риск0}}) \times 100,$$

бу ерда K - хусусий капитал; A - муайян услубиёт бўйича ҳисобланган банк активлари; $A_{\text{риск0}}$ – рискнинг ноль коэффицентига тенг активларнинг умумий миқдори.

Хусусий капитал сифатининг иккинчи мезони асосий ва қўшимча капиталнинг нисбатини тавсифловчи KK_3 кўрсаткичи билан ифодаланади. Мазкур кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$KK_3 = K_{\text{қўш}} : K_{\text{ас}} \times 100,$$

бу ерда $K_{\text{қўш}}$ – қўшимча капитал; $K_{\text{ас}}$ – Марказий банкнинг услубиёти бўйича ҳисобланган асосий капитал.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири учун тўрт балли шкала бўйичанорматив қийматлар белгиланган (4.1-жадвал).

4.1-жадвал

Банкнинг хусусий капитали кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Улуш коэффициенти	Қиймати, %			
		I балл	II балл	III балл	IV балл
KK_1	3	$\geq 14^*$	<14 ва ≥ 12	<12 ва $\geq 11,1$	$<11,1$
		$\geq 13^{**}$	<13 ва ≥ 11	<11 ва $\geq 10,1$	$<10,1$
KK_2	2	≥ 10	<10 ва ≥ 8	<8 ва ≥ 6	<6
KK_3	1	≥ 30	>30 ва ≤ 60	>60 ва ≤ 90	>90

*5 млн. евро эквивалентидан кам ўз капиталига эга бўлган банклар;

**5 млн. евро ва ундан ошиқ эквивалентда ўз капиталига эга бўлган банклар;

Муайян банкнинг хусусий капитали ҳолатини балли баҳолаш

тегишли кўрсаткичларнинг ҳақиқий қийматини меъёрий қийматлар орқали қиёслаш усули билан амалга оширилади. Ушбу мезон бўйича жамланма чораклик баҳолаш ушбу жадвалда келтирилган улуш коэффициентларининг ойлик маълумотлари бўйича ҳисобланган ўртача миқдор кўрсаткичлари асосида амалга оширилади.

Умуман олганда, жамланма баҳолаш натижаси 1 балга тенг бўлса, у ҳолда хусусий капиталнинг ҳолати яхши; 2 балга тенг бўлса, қониқарли; 3 балга тенг бўлса, шубҳали, 4 балга тенг бўлса, қониқарсиз эканлигини кўрсатади. Расмий кўринишда натижанинг муайян бир баллга тенг бўлиши мазкур жараёнларни яқунламайди.

Баҳолаш билан бирга олиб борилган текширувлар бошқа маълумотларнинг таҳлилий натижаларига муайян тегишли тузатишларни киритиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатлар аниқланганда, баҳолашларга тузатиш киритилиши мумкин: а) инвесторлар томонидан тегишли бўлмаган активлар ҳисобига устав капиталининг шакллантирилиши; б) зарур шартларга жавоб бермайдиган субординацияланган кредит орқали қўшимча капитални шакллантириш; в) эҳтимолий йўқотишлар учун заҳираларнинг шакллантирилмаганлиги; г) Марказий банк томонидан белгиланган рухсат этилган максимал миқдордан акциядорларга (инсайдерларга) нисбатан қабул қилинган кредит рискининг ошиб кетиши ҳисоботларда мазкур маълумотларнинг бузиб кўрсатилиши.

Барча аниқланган далиллар ҳисобланган кўрсаткичларнинг ҳолатига таъсир қилади, бу эса уларнинг қийматларига тузатиш киритишда ақс этади.

Марказий банк томонидан кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш жараёни олдинги икки йилдаги маълумотлар асосида 12 ойлик кўрсаткичнинг прогноз қийматларини ҳисоблашни ўз ичига олади. Ҳисоблашда маълум бир услубиёт бўйича ўтган давр маълумотларига кўра аниқланган жорий ҳолат ва тегишли кўрсаткич қийматининг ўртача ўсиши ҳисобга олинади.

Агар кўрсаткичларнинг ҳақиқий ҳисобланган прогноз қийматлари 2 баллдан юқори бўлса, Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси юзага келган номувофиқликни тўлиқ таҳлил қилиши ва жамланма баолашни 1 баллга етказиш борасида тузатишлар киритиши лозим. Шунини таъкидлаш керакки, таҳлилий жараёнлар нафақат баҳолаш жараёни билан бирга кечади, балки улар кредит ташкилотларининг молиявий ҳолатида юзага келадиган муаммолар васалбий тенденцияларнинг сабабларини аниқлаш асносида мазкур жараёни тўлиқ ниҳоясига етказади.

Хусусий капиталнинг ҳолати бўйича паст жамланма балл олган банклар ҳам индивидуал кўрсаткичлари ёмонлашган банклар ҳам таҳлил қилинади. Таҳлилий ишлар қоида тариқасида қуйидаги йўналишларда олиб борилади: а) хусусий капиталнинг етарлилик кўрсаткичлари ҳолати ва уларнинг тенденцияларини ўрганиш; б) капитал таркибини ўрганиш; в) шакллантирилган заҳираларнинг етарлилигини ўрганиш.

Хусусий капиталнинг етарлилик кўрсаткичлари ҳолатини таҳлил қилишга қуйидагилар киради: а) ҳақиқий қийматларни белгиланган меъёрий қийматлар билан таққослаш; б) суръат ва махраждаги ўзгаришлар натижасида вужудга келган оғишларнинг таъсирини аниқлаш; в) суръат ва махраж қийматларининг ўзгаришигатаъсир қилувчи омилларни аниқлаш.

Келтириб ўтилган таҳлил биринчи навбатда мажбурий норматив Н1 нинг ҳолатини баҳолаш билан боғлиқ.

Ушбу кўрсаткичнинг ҳолати, биринчидан, мувофиқлик учун мажбурий ҳисобланган натижанинг белгиланган даражадан (10-11%) паст даражага тушиши; иккинчидан, хусусий капитал ҳажмининг пасайиши; учинчидан, баланс ва балансдан ташқари операциялар рискининг ошиши асносида улар сифатининг ҳақиқий пасайиши туфайли салбий баҳоланади. Бунга, бир томондан, банк бизнесининг ривожланиши, Марказий банк томонидан II - V риск гуруҳлари сифатида таснифланган активлар сифатида рискли активларнинг кўпайиши; муддати ўтган ва узайтирилган

кредитларнинг ўсиши сабаб бўлиши мумкин. Ушбу омиллар бўйича гуруҳларнинг ҳар бири турлича баҳоланади: амалдаги активлар сифатининг пасайиши салбий баҳоланади, улар ссудалар бўйича муддати ўтган ва муддати узайтирилган қарздорликда яққол намоён бўлади.

Кредит ташкилотлари умумий рискларининг ўсиш сабабларини аниқлашда баланс ва балансдан ташқари рисклар мавжудлиги билан боғлиқ бўлган кредит ва бошқа турдаги портфеллар таркибида ўзгаришлар таҳлили ўтказилади.

Сўнгги банк инқироzi балансдан ташқари рисклар динамикасини ўрганиш, уларнинг ҳажми ва тузилишини тартибга солиш зарурлигини кўрсатди. Ушбу ҳолатларнинг барчасида хусусий капиталнинг етарлилик кўрсаткичларидаги салбий тенденцияларни келтириб чиқараётган омилларни тўлиқ таҳлил қилиш зарур. Хусусан, хусусий капитал ҳажмининг пасайиши фаолиятнинг молиявий натижаларининг ёмонлашуви, яъни олинаётган фойданинг пасайиши (зарарнинг вужудга келиши) ёки иммобилизация омилларининг кўпайиши (дебиторлик қарзлари муддатининг ўсиши, капитал қўйилмалари борасида кўзда тутилмаган харажатларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиқиши мумкин. Бунда мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишлар учун шакллантирилган заҳираларнинг тўғрилигига алоҳида эътибор қаратилади.

Баланс ва балансдан ташқари операциялар рискининг ошиши ҳар доим ҳам активлар сифатининг ҳақиқий ёмонлашувини аниқлашмайди, гарчи расман шундай талқин қилинса ҳам. Мазкур рисклар даражасининг ошишига турли сабаблар таъсир кўрсатиши мумкин.

Хусусий капитал сифатини таҳлил қилиш уни ташкил этувчи манбаларнинг таркибини ўрганиш, асосий ва қўшимча капиталнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш орқали амалга оширилади. Бу, айниқса, банк бизнеси (активлар ҳажми) ўсиб бораётган бўлса ёки асосий капиталга нисбатан қўшимча капитал сезиларли даражада

устунлик қилаётган ҳолатда жуда муҳимдир. Бунда таҳлилчи мавжуд вазиятни ва прогноз ҳолатини тушуниши ва кредит ташкилотларининг эътиборини юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга зудлик билан қаратмоғи лозим бўлади.

Капитал таркиби ва унинг динамикасини таҳлил қилиш Марказий банкнинг «Банкнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш» дастурий таъминот мажмуида белгиланган услубиётга мувофиқ амалга оширилади. Ундаги асосий хулосалардан кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда назорат бўлими ходимлари фойдаланади.

4.5. Банк активларининг сифатини баҳолаш

Хусусий капиталнинг етарлилигини баҳолаш уларнинг сифат белгиларидан бири бўлган активларнинг рискга мойиллик даражаси ўрганилмагунча ва баҳоланмагунча тугалланган деб ҳисобланмайди.

Халқаро амалиётда кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг зарурий шарти унинг турли таркибий қисмларини баҳолаш натижалари ўртасидаги уларнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи органик боғланишдир. Бунга активлар сифати рейтинги капиталнинг етарлилигини баҳолашнинг шаклланишига бевосита таъсир қилувчи CAMELS модели яққол мисол бўлади.

Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделида бу каби боғлиқлик кўзга ташланмайди. Молиявий барқарорликнинг ҳар бир ташкил этувчиси бир-биридан алоҳида баҳоланади.

Марказий банк моделининг яна бир ўзига хос хусусияти - активларни баҳолашда мақсаднинг ноаниқ белгиланишидир. Хорижий амалиётда у сифатни баҳолашга қаратилган бўлиб, унинг мезонлари активларнинг таваккалчилиги, рентабеллиги ва ликвидлилиги ҳисобланади. Банкларда молиявий барқарорликнинг асосини банк фаолиятининг сифат кўрсаткичлари ташкил этади. Марказий банкнинг модели банкларнинг иқтисодий ҳолатини

баҳолаш модели сифатида қаралади. Мазмун жиҳатидан банк активларини Марказий банк моделига мувофиқ баҳолаш уларнинг таваккалчилик даражасини аниқлашга қаратилганлигидадир²¹.

Активларни баҳолаш учун танланган асосий кўрсаткичларни қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилиши мумкин: а) яхлит тарзда активларни йўқотиш rischi кўрсаткичи; б) ссуда сифати кўрсаткичлари; в) ссуда концентрацияси rischi кўрсаткичлари; г) кредитлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар борасида захиралар миқдори кўрсаткичи.

Марказий банкнинг услубиётида R_y эҳтимолий йўқотишлар rischi кўрсаткичи иккинчи ўринга қўйилгани ва унга 2 оғирлик коэффициенти (энг юқори улуш - 3) берилганига қарамай, муҳимлик даражасини бир мунча паст баҳолайди. Ушбу кўрсаткич барча активларнинг риск даражасини ифодаловчи, янада умумлашган тавсифга эга эканлиги билан боғлиқ. CAMELS модели билан таққослаганда шуни таъкидлаш керакки, унда активларнинг сифатини баҳолаш барча активларнинг риск даражасини акс эттирувчи умумлаштирувчи кўрсаткичдан бошланади. Унинг формуласини ёдга оламиз:

$$R_{ua} : K_x \times 100,$$

бу ерда R_{ua} - активларнинг умумий rischi; K - банкнинг хусусий капитали.

Марказий банк муайян банк активларининг рискка мойиллик даражасини баҳолаш учун мақбул ечим топган. Марказий банк томонидан тавсия қилинган мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишлар rischi кўрсаткичи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$S_{ry} = (A_{20} - (A_{yz} + Z_{ay} + B_{xb})) : K \times 100,$$

бу ерда A_{20} - Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ активлар бўйича мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишларга доир захиралар миқдори 20% дан ортиқ миқдорда шакллантирилиши лозим; A_{yz} - активлар бўйича мумкин бўлган

²¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни коплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й. 27/7 – сонли). – Тошкент, 2021

эҳтимолий йўқотишларга доир захиралар; Z_{ay} - активлар бўйича мумкин бўлган йўқотишларга доир тахминий захиралар; V_{xb} - муддатли битимлар бўйича мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишларга доир захираларни камайтиришда қабул қилинган хеджирлаш операцияларни ижобий қайта баҳолаш; K - банкнинг хусусий капитали.

Юқоридаги формулага асосланган ушбу кўрсаткичнинг иқтисодий мазмунини қуйидагича талқин қилиш мумкин: а) суръати -мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар 20% дан ортиқ бўлиши керак бўлгани ҳолда, захиралар билан қопланмаган активлар ҳажмини акс эттиради; б) маҳражи - бу хусусий капитални ташкил этади.

Бинобарин, иқтисодий мазмунига кўра йўқотишлар rischi кўрсаткичи CAMELS моделида қўлланиладиган активлар сифати кўрсаткичи билан деярли бир хил. Иккала ҳолатда ҳам турли усуллар орқали банкнинг умумий rischi ва капиталнинг нисбати аниқланади.

Йўқотишлар riskини ҳисоблаш борасида қўлланиладиган юқоридаги формуланинг суръати ўз моҳиятига кўра, захиралар билан қопланмаган, яъни банкнинг хусусий капитали орқали қоплаш манбаига эга бўлган активларнинг умумий riskини ифода этади.

Алоҳида аниқланган умумий riskни эмас, балки юқори даражада riskка мойил активлар ҳажмини (хусусан, III—V гуруҳлар) улар учун шакллантирилган захираларни ҳисобдан чиқариш асносида ҳисобга олиш, умумий riskни аниқлашнинг ўзига хос усули ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткичларнинг (CAMEL моделидаги активлар сифати кўрсаткичи ва Марказий банк моделидаги йўқотишлар rischi кўрсаткичи) таққосланиши борасида уларни баҳолаш учун ишлатиладиган мезон даражалари ҳам гувоҳлик беради (4.2-жадвал).

Активлар сифати кўрсаткичларининг қиёсий мезон қийматлари

Рейтинг балл	CAMELS модели	Марказий банк модели
I	< 5	≤ 4
II	≥ 5 ва < 15	> 4 ва ≤ 8
III	≥ 15 ва < 30	> 8 ва ≤ 15
IV	≥ 30 ва < 50	> 15
V	≥ 50	-

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, CAMELS модели бешта гуруҳга эга ва активлар сифати кўрсаткичи даражасига нисбатан талаблар нисбатан қатъий эмас.

Марказий банк учун қатъий ёндашувлар банклар капиталлашуви даражасининг паст даражалиги билан изоҳланади.

S_{ss} ва S_{mu} кўрсаткичларни ҳисоблаш

Кўрсаткич	Суръат	Маҳраж
Ссудалар сифати	Марказий банкнинг Низомига мувофиқ, аниқланадиган умидсиз ссудалар	Ссуда ва унга тенглаштирилган қарздорлик
Муддати ўтган ссудаларулуши	30 календарь кунидан ошиқ муддати ўтган ссудалар	Ссуда ва унга тенглаштирилган қарздорлик

Марказий банк моделидаги активларни баҳолаш кўрсаткичларининг иккинчи гуруҳи банклар учун анъанавий инвестиция соҳаси - кредитлаш соҳасининг рисклилиқ даражасини тавсифловчи иккита кўрсаткични қамраб олади. Ушбу кўрсаткичлар ссудалар сифати – S_{ss} ва муддати ўтган ссудалар - S_{mu} нинг улушини акс эттиради.

Кредит портфелининг таваккалчилигини тавсифловчи иккала кўрсаткич ҳам таркибий кўрсаткичлардир. Улар кредитлар ва унга

тенглаштирилган қарзларнинг умумий ҳажмидаги ҳақиқатан рискли бўлган ссудалар ва энг рискли қўйилмалар (умидсиз ва 30 кундан ортиқ кечиктирилган) улушини акс эттиради.

Активларни баҳолаш кўрсаткичларининг учинчи гуруҳи кредит рискларининг концентрацияси рискинни баҳолаш билан боғлиқ. У S_{kr} йирик кредит рискларининг концентрацияси рискинни тавсифловчи учта кўрсаткич, акциядорларнинг кредит рисклари S_{ar} ва инсайдерларнинг кредит рисклари S_{ir} ни ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткичлар мажбурий иқтисодий меъёрлар қаторига кирилади ва Марказий банкнинг Йўриқномасида кўрсатилган услубиёт асосида кўриб чиқилади. Иқтисодий нуқтаи назардан, улар кредит ва унга тенглаштирилган қарзларнинг мужассамлашуви омилларини акс эттирган ҳолда, кредит портфели таваккалчилигини баҳолашнинг давоми ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблашда бир-бири билан боғлиқ бўлган шахслар ва банкка берилган кредитларни аниқлаш алоҳида ўрин тутади.

Кўрсаткичларнинг охириги гуруҳи ссуда ва унга тенглаштирилган қарзлар бўйича йўқотишлар учун захиралар миқдорини тавсифловчи битта кўрсаткич ПА4 орқали ифодаланади. У қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$S_{zy} = (Z_{yh} - Z_{ya}) : K \times 100,$$

бу ерда Z_{yh} - кредитлар бўйича мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишларга доир ҳисобланган захиралар миқдори; Z_{ya} - кредитлар бўйича мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишларга доир амалдаги шакллантирилган захиралар миқдори

Юқоридаги формуладан кўриниб турибдики, хусусий капиталга нисбатан кўрилиши мумкин бўлган ссудалар бўйича йўқотишлар учун етарлича шакллантирилмаган захиралар баҳоланади. Тўрт балли тизим бўйича ушбу кўрсаткичларнинг мумкин бўлган қийматлари қуйидагича кўринишда бўлади: 1 балл - $< 10\%$; 2 балл - > 10 , бироқ $< 15\%$; 3 балл - > 15 , бироқ $< 25\%$; 4 балл - $> 25\%$.

Хусусий капитални баҳолаш каби активларни баҳолаш ҳам ҳисоб-китобларга киритилган ҳар бир кўрсаткичнинг баллари ва

вазн баҳосини ҳисобга оладиган жамланма кўрсаткичини ҳисоблаш билан яқунланади. Олинган балларни текширувлар давомида мумкин бўлган йўқотишлар учун етарлича шакллантирилмаган захиралар миқдори, шунингдек ҳисоботларда ишончсиз акс эттирилган кредит рискларининг концентрацияси миқдори бўйича мувофиқлаштириш мумкин. Ҳозирги вақтда активларнинг ҳолатини прогноз қилиш кўзда тутилмаган. Натижада, тузатиш киритилган баллга қараб активларни баҳолаш қуйидагича тавсифланади: 1 балл - яхши; 2 балл - қониқарли; 3 балл - шубҳали; 4 балл - қониқарсиз.

Активларнинг ҳолатини баҳолаш билан боғлиқ таҳлилий ишлар, қоида тариқасида, баҳолашнинг юқорида келтириб ўтилган барча жиҳатларини қамраб олади. Асосий эътибор активларга хос бўлган рискларни баҳолаш ва тартибга солишда активларни бошқариш тизимини таҳлил қилишга қаратилади. Шу боис, қуйидаги жараёнлар таҳлил қилинади: а) барча активлар ва кредит портфелининг алоҳида диверсификация қилинганлиги; б) активларнинг ҳолатини тавсифловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ҳолати; в) Марказий банкнинг мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишлари бўйича захираларни шакллантириш талабларининг бажарилиши; г) кредит сиёсати қоидаларининг мавжудлиги, табиати ва амалга оширилиши.

Кўрсатиб ўтилган соҳалар бўйича таҳлил ишларини амалга ошириш услубиёти Марказий банкнинг дастурий таъминоти мажмуида келтириб ўтилган.

Умуман активлар ва кредит портфелини диверсификация қилиш даражасини таҳлил қилишда қуйидаги жараёнларни амалга ошириш лозим: а) активларнинг иқтисодий мазмуни (ссудалар, инвестициялар, савдо портфели, пул маблағлари); валюта турлари; риск даражаси; даромадлилик бўйича тақсимлаш; б) кредит портфелини: жойлаштириш турлари бўйича (ссудалар, векселлар, факторинг ва бошқалар); муддатига кўра воситалар бўйича (овердрафт, кредит линияси, мақсадли ссудалар); тармоққа мансублигига кўра (саноат, қурилиш, савдо, транспорт, қишлоқ хўжалиги,

кичик бизнес); риск гуруҳлари бўйича тақсимлашни тавсифловчи таркибий кўрсаткичлар тизими ҳисоб-китоб қилинади.

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш динамик кўринишда акс эттирилади, бу ҳоалт активлар таркиби ва кредит портфелининг ривожланишидаги асосий тенденцияларни аниқлашга имкон беради.

Активлар ва кредит портфелини диверсификация қилиш даражасини бир хил банклар билан қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, агар у мавжуд бўлса, уларни лимитлар билан таққослаш орқали тавсифлашимиз мумкин. Бироқ, лимитларнинг мавжудлиги ва уларнинг турлари фақат текшириш пайтида аниқланиши мумкин. Хусусан, лимитлар (кредит қўйилмаларининг умумий миқдorigа нисбатан фоиз кўринишида) йирик кредитлар ҳажми; банк билан боғлиқ шахслар; кредитларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши; ноанъанавий бизнес соҳаларининг кредитлаш ҳажми; шунингдек, янги миждозларни тартибга солиши мумкин. Актив операцияларни бошқаришни тавсифловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳолатини таҳлил қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади: а) активлар ва уларнинг асосий таркибий қисмлари (кредитлар, инвестициялар, савдо портфели, пул маблағлари) ҳажмининг ўсишини (пасайишини), шу билан бир қаторда, ушбу жараёнларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш; б) самарадорлик (рентабеллик), ликвидлилик ва таваккалчилик кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳолда, активлар ҳажми ва улар таркибидаги ўзгаришларни ўрганиш; в) тегишли кўрсаткичлардаги ўзгаришларда акс эттирилган муҳим жараёнларни тушуниш учун банкнинг баҳолаш тизимида киритилган кўрсаткичлар ҳолатига таъсир қилувчи омилларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш.

Банкнинг Марказий банкнинг мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишлар учун захираларни шакллантиришга доир талабларига риоя қилишини бевосита банкнинг ўзида тегишли активлар (кредитлар)ни таснифлашнинг амалдаги қоидалари, кредит жараёнларини ташкил этиш, ссудалар муддатини узайтириш ва муддати ўтган ссудалар ҳисобварағига ўтказиш тартибини ўрганиш

орқали таҳлил қилиш мумкин.

Банкнинг кредит сиёсатининг моҳияти, асосий мақсади ва тамойилларининг тўлақонли амалга оширилиши бевосита банкни назорат текшируви даврида расмийлаштирилган белгилар асосида бажарилади: кредит қўйилмалари ҳажмининг динамикаси ва унинг таркиби, ссуда операциялари ва ссуда бизнесининг рентабеллиги, кредит портфелининг рискка мойиллиги, ссуда бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун захираларнинг амалдаги ҳажмининг унинг ҳисобкитоб ҳажмига мувофиқлиги каб кўрсаткичлар асосида амалга оширилади.

4.6. Банкнинг даромадлилигини баҳолаш

Ўз моҳиятига кўра, ушбу жараёнларни баҳолаш нафақат даромадлилик, балки харажатлар даражаси ва банкнинг фойдасини баҳолашни ўз ичига оладиган кенг қамровли жараёнлар ҳисобланади. Шу сабабли, банк фаолиятининг самарадорлиги ва унинг рискларини бошқариш тизимининг инъикоси сифатида фойдалиликни баҳолаш ва таҳлил қилиш ҳам ўрганиш доирасига киритилади.

Банкнинг фойдалилиги, фойда манбалари тўғрисидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган асосий ҳужжат фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади.

Марказий банк фойдаланадиган банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг замонавий модели фойдалиликнинг турли жиҳатларини тавсифловчи бешта кўрсаткични ўз ичига олади. Бунда улар учта жиҳат билан бир-биридан фарқланади: умумий ҳолатда банкнинг фойдалилигини баҳолаш (иккита кўрсаткич), харажатлар тузилмасини баҳолаш (битта кўрсаткич) ва ссуда операцияларининг фойдалилиги (иккита кўрсаткич).

Кўрсаткичларнинг биринчи гуруҳи банк активларининг фойдалилигини (банкнинг ихтиёридаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини) ва хусусий капиталнинг фойдалилигини баҳолашга имкон беради.

Активларнинг фойдалилик кўрсаткичи A_{fk} қуйидаги формула асосида ҳисоб-китоб қилинади:

$$A_{fk} = (M_n - SD_{marta}) : A_{urt} \times 100,$$

бу ерда M_n - молиявий натижалар; SD_{marta} - бир марталик банк операцияларидан олинган соф даромад (бир марталик банк операцияларидан олинган даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқ); A_{urt} - банк активларининг ўртача миқдори.

Ушбу кўрсаткич тўғридан-тўғри банк фаолиятидан олинган молиявий натижани тавсифлайди. Бир марталик операциялар бўйича даромадлар ва харажатлар тизимли тавсифга эга эмас. Бир марталик операциялар бўйича соф даромад таркибига қуйидагилар киради: жарималар, пеня, неустойка (пул маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш операциялари бўйича тўланган ва олинган маблағлар ўртасидаги фарқ); мулкни сотишдан олинган соф даромад; суд жараёнлари бўйича харажатлар ва бошқалар.

Капиталнинг фойдалилик кўрсаткичи K_{fk} қуйидаги формула бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$K_{fk} = (M_n - SD_{marta} - S_{hs}) : K_{urt} \times 100,$$

бу ерда S_{hs} – ҳисобланган солиқлар; K_{urt} - хусусий капиталнинг ўртача миқдори.

Фойдалилик кўрсаткичининг иккаласи ҳам халқаро амалиётда банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш жараёнида кенг қўлланилади.

Марказий банк стандартларига кўра, ушбу молиявий коэффициентларнинг қуйидаги меъёрий қийматлари тўрт балли шкала орқали белгиланади (4.4-жадвал).

4.4-жадвал

Банкнинг фойдалилик кўрсаткичларини балли ва улушли баҳолаш

Кўрсаткич	Улушли коэффициент	Қиймати , %			
		1 балл	2 балл	3 балл	4 балл
A_{fk}	3	$\geq 1,4$	$< 1,4$ ва $\geq 0,7$	$< 0,7$ ва ≥ 0	< 0
K_{fk}	3	≥ 4	< 4 ва ≥ 1	< 1 ва ≥ 0	< 0

Кўриниб турибдики, иккала кўрсаткич ҳам энг юқори улуш коэффциентига (3) эга, бу уларнинг банкнинг фойдалилик даражасини баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Баҳолашнинг иккинчи жиҳати – бу харажатлар таркибини баҳолашдир. Бунинг учун маъмурий - бошқарув харажатларининг соф даромадлардаги улушини тавсифловчи битта кўрсаткич (BX_{du}) қўлланилади. Мазкур кўрсаткич қуйидаги формула бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$BX_{du} = BX_{mb} : SD_{bs} \times 100,$$

бу ерда BX_{mb} - маъмурий-бошқарув харажатлари; SD_{bs} - банкнинг софдаромадлари (фоизли ва фоизсиз даромадлар).

Марказий банк томонидан энг юқори балл (1) бериш учун ушбу кўрсаткичнинг минимал қиймати 60% ёки ундан кам; максимал (4 балл) бериш учун эса - 100% дан ортиқ миқдорни ташки қилади.

Маъмурий - бошқарув харажатлари уларнинг самарадорлиги ва банк эришган оптимал натижалар (соф даромад миқдори)да ҳам ўз тасдиғини топиши лозим.

Банк рентабеллигини баҳолашнинг учинчи жиҳати анъанавий банк бизнеси - ссуда операциялари фойдалилигини баҳолашдир. Ушбу мақсад учун иккита кўрсаткичдан фойдаланилади: соф фоизли маржа кўрсаткичи FM_{sm} ва кредит операцияларининг соф спред кўрсаткичи KS_{sk} . Улар қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади:

$$FM_{sm} = FD_{sf} : A_{um} \times 100,$$

бу ерда FD_{sf} - соф фоизли даромадлари; A_{cp} - активларнинг ўртачамиқдори.

$$KS_{sk} = SS_{fd} : SS_{um} \times 100 - SS_{fx} : FM_{um} \times 100,$$

бу ерда SS_{fd} - ссудалар бўйича фоизли даромадлар; SS_{um} - ссудаларнинг ўртача миқдори; SS_{fx} - ссудалар бўйича фоизли харажатлари; FM_{um} - фоиз тўловларини келтириб чиқарувчи мажбуриятларнинг ўртача миқдори.

Иккала кўрсаткич ҳам бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Агар биринчиси ссудаларни жойлаштириш самарадорлигини (ссуда

операцияларининг фойдалилигини) кўрсатса, иккинчиси кредит операциялари ставкалари ўртасида амалда таркиб топган нисбатни кўрсатади. Соф спред кўрсаткичининг пасайиши соф фоизли даромадлар ҳажмини ва унга мос бўлган соф фоизли маржа даражасини пасайтирадиган омиллардан биридир.

Марказий банк мазкур кўрсаткичлар бўйича балли ва улушли баҳолаш қийматларини белгилаб берган.

4.5-жадвал

Ссуда операцияларини балли ва улушли баҳолаш

Кўрсаткич	Улушли коэффициент	Қиймат и, %			
		1 балл	2 балл	3 балл	4 балл
FM_{sm}	2	≥ 5	<5 ва ≥ 3	<3 ва ≥ 1	<1
KS_{sk}	1	≥ 12	<12 ва ≥ 8	<8 ва ≥ 4	<4

Ушбу кўрсаткичларнинг улушли коэффициентлари умумий тарзда банкнинг фойдалилик кўрсаткичларидан бир мунча паст. Ссуда операциялари фойдалилик даражасининг меъерий даражалари FM_{sm} умумий ҳолатда банкнинг фойдалилик даражасига қараганда юқори қийматда белгиланади.

Ушбу ҳолатнинг сабабларидан бири банкнинг маъмурий-бошқарув харажатларини ҳисобга олган ҳолда банкнинг умумий молиявий натижаларини ҳисоблашда ва мазкур омилни ҳисобга олмаган ҳолда соф фоизли даромадни ҳисоблашда қўлланиладиган услубий ёндашувлардаги фарқлар ҳисобланади.

Олдинги ҳолатларда бўлгани каби, ҳар бир фойдалилик кўрсаткичига берилган баллар ва уларнинг улушли коэффициентлари асосида маълум бир банкнинг фойдалилиги тавсифловчи жамланма баллари ҳисобланади: яхши - 1 балл; қониқарли - 2 балл; шубҳали - 3 балл; қониқарсиз - 4 балл.

Келтириб ўтилган жамланма баҳолашга: мумкин бўлган йўқотишлар учун захираларни қўшимча шакллантириш харажатлари миқдори бўйича; ҳисоботда ишончсиз акс этирилган даромадлар ва харажатлар қиймати бўйича тегишли тузатишлар

киритиш мумкин. Бундан ташқари, хусусий капитални баҳолашда бўлгани каби, фойдалиликни баҳолашда тегишли кўрсаткичларнинг прогноз қийматлари олдинги икки йил маълумотлари асосида 12 ойлик учун ҳисобланади.

Агар ҳақиқий ва прогноз маълумотлари ўртасидаги тафовутлар аниқланса, ҳудудий муассасалар ушбу оғишларга сабаб бўлган омилларни ўрганишлари ва керак бўлганда банк фойдалисининг жамланма баҳолашларига тузатишлар киритиш шарт бўлади. Банкнинг фойдалилигини баҳолаш банкдаги ҳақиқий вазиятни аниқлашга қаратилган жиддий таҳлилий ишларни амалга оширишни талаб қилади. Банкнинг фойдалилиги унга таъсир қилувчи омилларнинг ҳолати билан белгиланганлиги учун қуйидагилар таҳлил қилинади: а) динамикада банк даромадларининг ҳажми ва таркиби; б) динамикада банк харажатларининг ҳажми ва таркиби; в) банкнинг ва унинг операциялари даромадлилиги; г) банк фойдасининг манбалари; д) банкнинг ва унинг операциялари фойдалилиги; е) мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишлар бўйича захираларни шакллантириш амалиётига нисбатан банк ишининг самарадорлиги.

Марказий банкнинг дастурий-таҳлилий комплекси унда келтирилган жадваллар асосида тегишли маълумотларни тузиш, зарур таҳлилий амалларни бажаришга имкон беради. Банк даромадларининг ҳажми ва таркибини таҳлил қилиш даромадлар ҳажми динамикасини ва уни белгиловчи омилларни (кредит қўйилмалар ва фоиз ставкалари ҳажмининг ўзгариши); банк даромадларини ташкил этувчи бизнеснинг асосий турлари; банк даромадларининг барқарор ва беқарор даромадлари нисбати; тасодифий, бир марталик даромадларнинг умумий даражасига таъсирини аниқлашда амалга оширилади. Ушбу таҳлил жараёнида банк бизнесининг ривожланиши; барқарор даромад манбаларининг устунлиги; даромадлар таркибини диверсификация қилиш даражасига ишонч ҳосил қилиш муҳимдир.

Банкнинг харажатлари ҳажми ва таркибини таҳлил қилиш

харажатлар ҳажмининг динамикасини ва тегишли ўзгаришларга таъсир қилувчи омилларни; харажатлар ўсиш суръатларининг банк даромадларининг ўсиш суръатларига мослиги ёки орқада қолиши; ҳар хил турдаги харажатлар (операцион фаолият, маъмурий ва бошқарув, захираларни шакллантириш харажатлари) нисбати; харажатлар таркиби кўрсаткичининг ҳолати ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаштиришни кўзда тутди. Харажатлар ҳажми ва таркибини таҳлил қилиш уларнинг банк фойдаси ва фойдалилик даражасига таъсири билан боғлиқ бўлиши керак.

Банк ва унинг операциялари даромадлилиги таҳлили ушбу банк томонидан амалга оширилган операцияларнинг иқтисодий жиҳатдан мақбуллигини аниқлашга имкон беради, бунинг учун тегишли кўрсаткичлар бир хил турдаги банкларнинг кўрсаткичлари билан таққосланади. Бундай таҳлил маълум бир бизнесни ривожлантириш истиқболларини тушунишга, банк даромадлилигининг унинг фойдалилик даражасига таъсирини баҳолашга ёрдам беради.

Ўтказилган таҳлилни ҳисобга олган ҳолда фойда таҳлили фойда, фойданинг шаклланиши ва олинган фойданинг барқарорлик даражасини аниқлашга хос бўлган асосий омиллар ва тенденцияларни аниқлашга ёрдам беради.

Таҳлилнинг якуний босқичи фойдалилик кўрсаткичлари ҳолатини динамикада ва бир хил турдаги банклар билан таққослаш асносида ўрганишни кўзда тутди. Активлар ва хусусий капитал фойдалилик даражаси, шунингдек кредит операциялари фойдалилигининг ўсиши ижобий баҳоланади, бу ўз навбатида самарали банк сиёсати, банк фаолият йўналишларини тўғри танланганлиги, банк рискларини малакали бошқаришдан далолат беради. Охирги ҳолат фойдалиликни таҳлил қилиш натижаларини мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишлар учун захираларни шакллантиришнинг тўлиқлигини таҳлил қилиш билан боғлаш орқали ўз тасдиғини топиши лозимлигини кўрсатади.

4.6. Банкнинг ликвидлигини баҳолаш

Ликвидликни баҳолаш банк молиявий барқарорлигининг ушбу мураккаб таркибий қисмини: баланс ликвидлиги ҳолати; жалб қилинган ресурсларнинг сифати; банкдан ташқари ссудаларнинг тегишли ссудалар билан таъминланганлиги; мажбурий захираларни шакллантириш бўйича кредиторлар ва омонатчилар, шунингдек Марказий банки томонидан қўйилган талабларнинг бажарилиши; ўз вексел мажбуриятлари ва йирик кредиторлар (омонатчилар) борасидариск даражаси нуқтаи назаридан тавсифловчи кўп сонли кўрсаткичлар гуруҳидан фойдаланишга асосланади²².

Ушбу кўрсаткичлар гуруҳларини танлаш банкнинг ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва таҳлилчининг эътиборини активлар ва пассивларнинг муддатлари ва миқдорлари бўйича мосликдаражасига қаратиш; жалб қилинган банк маблағларининг сифати; банкдан ташқари ссудаларни беришнинг иқтисодий чегараларига риоя қилиш, шунингдек мажбурий захираларни шакллантириш тартибига риоя қилиш кабилардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Банк балансининг ликвидлигига - баланс активлари ва пассивларининг муайян муддатдаги суммаларининг мувофиқлигини тавсифловчи а) лаҳзалик ликвидлик; в) жорий ликвидлик каби кўрсаткичлар киради.

Актив ва пассивларнинг зарурий мувозанатини нафақат умумий тарзда, балки муддатлар бўйича ҳам таъминлаш, маълумки, банк ликвидлигининг асосини ташкил этувчи банк мажбуриятларини ўз вақтида бажаришининг муҳим шартидир. Аслида, бундай мувозанат ҳар қандай даврда ўз ўрнига эга бўлиши лозим, аммо мутлоқ мувозанат бўлмаслиги сабабли (бу активлар ва пассивларни шакллантиришнинг ҳақиқий жараёни билан изоҳланади), баланснинг ликвидлиги йириклаштирилган даврлар бўйича баҳоланади.

²² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й. 27/6 – сонли). – Тошкент, 2021

Ўзбекистон банк амалиётида, юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, бундай баҳолаш қисқа муддатли даврга (бир йил) нисбатан амалга оширилади. Балансинг қисқа муддатли ликвидлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар қуйидагилар: а) лаҳзали ликвидлилик кўрсаткичи (LL_{lk}); в) жорий ликвидлилик кўрсаткичи (JL_{jk}). Уларни ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилади.

$$LL_{lk} = JL_{ma} : MM_{to} \times 100,$$

бу ерда JL_{ma} — юқори ликвидли активлар, яъни кейинги календар кун ичида ёки дарҳол олинishi лозим бўлган молиявий активлар; MM_{to} — талаб қилиб олингунга қадар мажбуриятлар.

$$JL_{jk} = LA_{ma} : MM_{to} \times 100\%,$$

бу ерда LA_{ma} — ликвид активлар, яъни банк томонидан олинishi керак бўлган ва (ёки) кейинги 30 календар кун ичида талаб қилинишимумкин бўлган молиявий активлар; MM_{to} — талаб қилиб олингунча ва кейинги 30 кун ичида бажарилиши лозим бўлган мажбуриятлар.

Шундай қилиб, мазкур кўрсаткичлар гуруҳи банкнинг жорий ликвидлилигини аниқлаш борасида Марказий банкнинг 2709-5 - сонли йўриқномасида назарда тутилган иккита мажбурий меъёрни ўз ичига олади.

Агар дастлабки иккита кўрсаткич 30 кунгача бўлган давр билан боғлиқ ликвидлик рискин баҳолашга имкон берса, учинчи кўрсаткичэса, ликвид активлар (кейинги 30 кун ичида тўланиши лозим бўлган) ва бир йилгача бўлган мажбуриятлар нисбатини кўрсатади.

Марказий банк томонидан белгиланган, уларнинг ҳар бирида, шунингдек, бир-бирига нисбатан ифодаланган меъёрлар қизиқиш уйғотади.

**Қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичларини балли ва
улушли баҳолаш**

Кўрсаткич	Улушли коэффициент	Қиймати %			
		1 балл	2 балл	3 балл	4 балл
LL_{lk}	2	≥ 30	<30 ва ≥ 20	<20 ва ≥ 10	<10
JL_{jk}	3	≥ 17	<17 ва ≥ 16	<16 ва ≥ 15	<15

Жадвалда келтирилган маълумотларни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин. Мажбурий кўрсаткичлар тоифасига киритилувчи LL_{lk} ва JL_{jk} кўрсаткичларининг қийматлари Марказий банкнинг 2709-5-И - сонли Кўрсатмаси²⁵да чегравий қийматлар даражасида бўлиши таъминланади. Хусусан, H_2 меъёр (LL_{lk} кўрсаткич) учун рухсат берилган минимал қиймат - 20% га тенг. Шу тариқа, услубиётга кўра, H_2 (JL_{jk})нинг ҳақиқий қиймати 20% дан паст бўлса, ликвидлилик ҳолати қониқарсиз деб баҳоланади.

Умумий суръатга эга бўлган (LL_{lk}) кўрсаткичининг меъёрий қийматларини қиёслаш, биринчидан, ушбу кўрсаткичнинг махражи таркиби боис ундаги оқилона оғишни; иккинчидан, тўрт балли шкала бўйича (LL_{lk}) индикаторига нисбатан мумкин бўлган ўзгаришлар диапозони сезиларли даражада эмаслигини кўрсатади.

Ушбу кўрсаткичларнинг улуш коэффициентлари ҳар хил, бу кўрсаткични мажбурий меъёрларга боғлаш билан боғлиқ. Банкнинг ликвидлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичларнинг гуруҳ жалб қилинган ресурслар сифатини ликвидлилик билан таваккалчилик нуқтаи назаридан тавсифлайди.

Ушбу гуруҳга жалб қилинган маблағлар таркиби (JM_{tk}), банклараро бозорга боғлиқлиги (VB_{lb}), хусусий вексел мажбуриятлари rischi (VR_{mr}) ва йирик кредитор ва омонатчилар rischi ПЛ10 каби кўрсаткичлар киради. Жалб қилинган маблағлар таркиби кўрсаткичи (JM_{tk}) жалб қилинган маблағларнинг умумий ҳажмидаги талаб қилиб олингунча мажбуриятларнинг улушини тавсифлайди:

$$JM_{tk} = MM_{to} : JM_{jq} \times 100,$$

бу ерда MM_{to} — талаб қилиб олингунча мажбуриятлар; JM_{jq} — жалб қилинган маблағлар.

Банклараро кредит бозорига боғлиқлик кўрсаткичи (BB_{kb}) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$BB_{lk} = (OK_{bk} - BK_{bk}) : JM_{jq} \times 100,$$

бу ерда OK_{bk} - олинган банклараро кредитлар; BK_{bk} - берилган банклараро кредитлар.

Хусусий векселлар бўйича мажбуриятларнинг риск кўрсаткичи - VR_{mr} банк томонидан чиқарилган векселлар ва хусусий капиталнинг нисбатини акс эттиради:

$$VR_{mr} = MV_{mch} : K \times 100,$$

бу ерда MV_{mch} - банк томонидан муомалага чиқарилган векселлар; K - хусусий капитал.

Йирик кредиторлар ва омонатчилар rischi – KR_{or} кўрсаткичи банкнинг кредиторлар ва омонатчилар олдидаги мажбуриятлари миқдорининг фоиз нисбатини тавсифлайди, уларнинг банкнинг ўхшаш мажбуриятлари умумий ҳажмидаги улуши банкнинг ликвид активларига нисбатан 10% ва ундан кўпни ташкил қилади:

$$KR_{or} = KM_{om} : LA_{la} \times 100,$$

бу ерда KM_{om} - йирик кредитор ва омонатчиларнинг мажбуриятлари суммаси, LA_{la} – ликвидли активлар, яъни молиявий активлар бўлиб, улар банк томонидан олинган маблағлар бўлиши лозим ёки 30 календар кунлар ичида талаб қилиб олинган бўлиши мумкин.

4.7 - жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу гуруҳнинг барча кўрсаткичлари максимал бўлмаган, бир хил оғирлик коэффициентига

(2) эга. JM_{tk} ва VR_{mr} кўрсаткичларининг чеклов қийматлари бир мунча қизиқ. Масалан, талаб қилиб олингунча мажбуриятларнинг улуши (жалб қилинган маблағларнинг энг арзон тури) барча жалб қилинган маблағларнинг 25 - 50% оралиғида бўлиши тавсия этилади.

Ушбу кўрсаткичларнинг меъёрий қийматлари 4.7-жадвалда келтирилган.

**Жалб қилинган ресурслар сифатини балли ва улушли
баҳолаш**

Кўрсаткич	Улушли коэффициен т	Қийма ти, %			
		1 балл	2 балл	3 балл	4 балл
JM_{tk}	2	≤ 25	>25 ва ≤ 40	>40 ва ≤ 50	>50
BB_{lk}	2	≤ 8	>8 ва ≤ 18	>18 ва ≤ 27	>27
VR_{mr}	2	≤ 45	>45 ва ≤ 75	>75 ва ≤ 90	>90
KR_{or}	2	≤ 80	>80 ва ≤ 180	> 180 ва ≤ 270	>270

Жадвалдан кўришиб турибдики, ушбу гуруҳнинг барча кўрсаткичлари максимал бўлмаган, бир хил оғирлик коэффициентиға

(2) эға. JM_{tk} ва VR_{mr} кўрсаткичларининг чеклов қийматлари бир мунча қизиқ. Масалан, талаб қилиб олингунча мажбуриятларнинг улуши (жалб қилинган маблағларнинг энг арзон тури) барча жалб қилинган маблағларнинг 25 - 50% оралиғида бўлиши тавсия этилади.

Бирок, ушбу кўрсаткични ҳисоблаш ва баҳолашда талаб қилинадиган маблағларнинг барқарор қисми ҳисобға олинмайди, бу эса банкларни ушбу ресурслар сифатини оширишға ундамайди. Шу билан бирға, ўз вексел мажбуриятлари рисқи ағар уларнинг капиталғанисбати 45 дан 90% гача бўлса, энг мақбул ҳисобланади.

Банк ликвидлигини баҳолаш кўрсаткичларининг учинчи гуруҳиға нобанк ссудалари, яъни нокредит ташкилотлари сифатидаги мижозларға такдим қилинган ссудалар ҳолатини акс эттирувчи (SS_{sh}) кўрсаткичи киради. Ушбу кўрсаткич нокредит ташкилотларига ссуда қарздорлик суммаси билан уларнинг ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи ўртасидаги боғлиқликни белгилайди.

Мазкур кўрсаткич қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$SS_{sh} = MS_{nb} : (MM_{nb} + QM_{mch}) \times 100,$$

бу ерда MS_{nb} - нобанк ташкилотлари ҳисобланадиган

мижозларга берилган ссудалар; MM_{nb} - нобанк ташкилотлари ҳисобланадиган мижозларнинг маблағлари; QM_{mch} - банк томонидан муомалага чиқарилган қарз мажбуриятлари.

Ушбу коэффициентнинг улушли коэффициенти 1 га тенг, у энг юқори даражада белгиланган. Мазкур кўрсаткични балли баҳолаш 4.8-жадвалда келтирилган.

4.8-жадвал

Баннинг ликвидлигини балли баҳолаш

1 балл	2 балл	3 балл	4 балл
≤ 85	> 85 ва ≤ 120	> 120 ва ≤ 140	> 140

Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики, Марказий банк мижозларнинг банкда жамланган маблағлари ҳисобига бериладиган ссудаларнинг таъминланганлигини (85%) рағбатлантиради ва бошқа манбалардан (хусусий капитал, банклараро кредитлар) ссудалар берилишини рағбатлантирмайди.

Банкнинг ликвидлигини баҳолаш кўрсаткичларининг тўртинчи гуруҳига Марказий банкнинг мажбурий захираларни шакллантириш бўйича талаблар бажарилишини тавсифловчи иккита кўрсаткич киради, улардан бири - кредиторлар билан омонатчилар олдидаги талабларни бажариш ҳисобланади.

Марказий банк томонидан белгиланган муайян қоидалар асосида мажбурий захираларни шакллантириш банк тизими, зарур ҳолатларда алоҳида банкларнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган.

Марказий банкнинг захираларни шакллантириш бўйича талабларининг бажарилишини баҳолаш учун қуйидаги иккита кўрсаткичдан фойдаланилади: мажбурий захираларнинг ўртача кўрсаткичи (MZ_{um}) ва мажбурий захиралар (MZ_{az}). MZ_{um} кўрсаткичи банкда ўртача мажбурий захиралар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслик ҳолати йўқлиги (мавжудлиги)ни тавсифлайди, MZ_{az} кўрсаткичи захира талабларини бажариш бўйича мажбуриятларни бажармаслик сифатида кўрилади ва у календар кунида ҳисобланади.

TV_{ko} - кредиторлар олдидаги талабларни бажармаслик кўрсаткичи банкда талаблар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини

баҳолашучун мўлжалланган кўрсаткич бўлиб, у календар кунида ҳисобланади.

MZ_{um} кўрсаткичини баҳолаш бўйича қуйидаги қоида қўлланилади: агар ўртача мажбуриятлар бажарилмаслик ҳолати мавжуд бўлса, унга 4 балл берилади.

Мажбурий заҳираларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида бажарилиши тўғрисидаги қоидаларни 1-2 кун давомида бузса - 2 балл; 3-7 кун давомида бузса - 3 балл ва муттасил бузиб келганлик учун 4 балл берилади.

TB_{ko} кўрсаткичини баҳолашда ҳам юқоридаги тамойилдан фойдаланилади: 1 кун ичида 1 марта кредиторлар олдидаги мажбуриятларни бажармаганда - 2 балл; 2 ёки 3 кун ичида 1 марта шарт бузилганда - 3 балл; 3 кундан кўп бўлган муддатда шарт бузилса - 4 балл берилади. Ушбу кўрсаткичлар учун белгиланган улушли коэффицентлар қуйидагича: MZ_{um} – 2 балл; MZ_{az} – 2 балл; TB_{ko} - балл.

Ҳар бир кўрсаткични тўрт балли шкала бўйича баҳолагандан сўнг, тегишли улушли коэффицентларни ҳисобга олган ҳолда жамланма баллар берилади. Якуний балл 1 га тенг бўлса ликвидлилик ҳолати яхши; 2 балл — қониқарли; 3 балл — шубҳали, 4 балл — қониқарсиз эканлигини кўрсатади.

Банкнинг ликвидлилик таҳлили активлар, пасивлар ва балансдан ташқари операцияларидаги салбий тенденциялар, яъни банк томонидан миждозлар билан назорат органлари олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажарилмаслик шартини акс эттирувчи ликвидлилик рискин келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларни ўз вақтида аниқлашга йўналтирилган.

Битта банкнинг тўловларни амалга оширилмаслиги бўйича инқирозга юз тутиши бошқа банкларга таъсир қилиши ва банк тизимида тўлов инқирозларини келтириб чиқариши, омонатчилар ва кредиторларнинг унга бўлган ишончини пасайтириши мумкин.

Банкнинг ликвидлилик таҳлили қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади: а) банк учун энг муҳим тўлов мажбуриятларини

аниқлаш ва уларнинг диверсификациясини аниқлаш учун жалб қилинган маблағлар таркиби динамикасини таҳлил қилиш; б) жалб қилинган маблағлар сифатини уларнинг муддати ва барқарорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш; в) банкнинг ишончсиз манбаи бўлган нобанк ссудаларига боғлиқлигини таҳлил қилиш; г) банкнинг йирик кредиторлар ва омонатчилар, шунингдек банк ликвидлиги учун юқори риск туғдирувчи норезидентларга боғлиқлигини таҳлил қилиш; д) Марказий томонидан 27/6 - сонли Йўриқнома²³да ликвидликни баҳолаш учун тақдим этилган банк талаблари ва мажбуриятларнинг муддати ва миқдорига кўра мувозанати даражасини акс эттирувчи мажбурий стандартларнинг ҳолатини таҳлил қилиш; е) ликвидликни бошқариш тизимининг самарадорлигини ўрганиш учун банкнинг тегишли муддатлари бўйича ликвидлик ҳолатини таҳлил қилиш; ё) банкнинг турли мажбуриятларини тўлаш учун мўлжалланган юқори ликвидли маблағларнинг мавжуд захирасини акс эттирувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи ҳолатини таҳлил қилиш; ж) чет эл валюталари кесимида ликвидлик ҳолатини таҳлил қилиш.

Банкнинг ликвидлик соҳасида аниқланган ҳар қандай муаммо тегишли чоралар кўришни тақозо қилади.

4.7. Банк бошқаруви сифатини баҳолаш

Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг хорижий моделлари таҳлили шуни кўрсатдики, бошқаришсифатини баҳолаш унинг ажралмас унсури ҳисобланади. Бошқарув сифатини баҳолаш ҳам назорат органлари, ҳам рейтинг агентликлари учун бирдек қизиқиш уйғотади. Бир қатор моделларда молиявий барқарорликни ўрганиш ва баҳолаш жараёнлари бошқарув сифатини баҳолашдан бошланади.

Дунёда банкларнинг инқирозга юз тутишининг сабабларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бошқарув сифати бундай ҳолатларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

²³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Гижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й. 27/6 – сонли). – Тошкент, 2021

Ўзбекистонда Марказий банкнинг бошқарув сифатини баҳолаш услубиёти шаклланишнинг дастлабки босқичида баҳолаш доирасига урта жиҳат киритилади: рискларни бошқариш тизими, ички назорат ва стратегик рискларни бошқариш.

Бошқарувни баҳолашнинг бу жиҳатлари банкни бошқаришнинг мураккаб тизими билан уйғунлашган. Банкнинг ташкилий тузилишини рискларни бошқариш ва режалаштириш, шу жумладан, стратегик режалаштиришни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган омил сифатида баҳолаш; банк рискларини баҳолаш, мониторинг қилиш ва тартибга солиш билан бирга кечадиган таҳлилий ишларнинг самарадорлигини баҳолаш; банк ичидаги назоратни ташкил этишни баҳолаш; банк рискларини баҳолаш; бошқарув органлари ва унинг турли қўмиталарининг банклардаги турли жараёнларни бошқаришдаги ўрни ва шу кабилар. Бироқ, Марказий банкнинг замонавий услубиётида ушбу блок чекланган масалалар доираси билан ифодаланади. Бизнесни режалаштириш, рискларни бошқаришнинг жамланма тизимини ташкил этиш, менежерларнинг профессионалиги ва кадрлар сиёсати каби муҳим масалаларни баҳолаш доирасидан четда қолган.

Юқорида тилга олиб ўтилган камчиликлар ушбу блокнинг таркибий қисмларини баҳолаш методологиясининг мазмунини таҳлил қилишда ўз ифодасини топади.

Рискларни бошқариш тизими – (R_{bt}) сўровномада келтирилган саккизта саволга жавобни баҳолаш асосида амалга оширилади. Саволларга жавоблар тўрт балли шкала бўйича баҳоланади: 1 - «ҳа» (доимий, ҳар доим, тўлиқ); 2 - «асосан» (одатда етарлича тўлиқ); 3 - «қисман» (қисман «ҳа», баъзи ҳолларда); 4 - «йўқ» (ҳеч қачон, ҳеч бир ҳолатда).

Ҳар бир савол учун олинган балларни ва ушбу саволнинг улуш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, якуний баҳо чиқарилади: 1 балл - яхши; 2 балл - қониқарли; 3 балл - шубҳали; 4 балл - қониқарсиз.

Анкета банк томонидан тўлдирилади ва кейинчалик

текширувлар пайтида унинг ишончлилиги текширилади. Ушбу услубиёт муайян камчиликлари бўлишига қарамай, банкларнинг ўзи ва назорат органларининг эътиборини рискларни бошқариш тизимини ташкил этишга қаратишга имкон беради.

Аввало, банкнинг ўзи рискларни бошқаришнинг самарали тизимига эга бўлишдан манфаатдор бўлиши керак. Шунинг учун банктаъсисчилари ҳозирча расмий тусга эга бўлган баҳоланинг ҳаққоний тусга эга бўлишига кўп жиҳатдан жавобгардир. Рискларни бошқариш тизимини баҳолаш услубиётининг камчиликлари муайян даражада бошқарув сифатини баҳоланинг иккинчи компоненти - рискларни бошқариш ҳолатини кузатиш учун мўлжалланган (R_{bh}) ички назорат тизимини баҳолаш билан қопланиши лозим. Бошқарув сифатининг ушбу компонентини баҳолаш тизими юқорида тавсифланганидек бир хил тусга эга. Баҳолаш саволлари ҳам умумий тарзда тузилган, чунки уларга жавоблар ҳақиқий манзарани очиб бераолмайди.

Юқорида келтириб ўтилган саволлар, уларнинг умумий тавсифга эга эканлигини ҳисобга олмаган ҳолда, чекланган табиатга эгаллиги билан ажралиб туради: асосий эътибор жинойтчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши назоратни ташкил этишга қаратилади. Шу билан бирга, банкда рискларнинг бошқариш тизимини ташкил этиш, банкнинг ички назорат хизмати томонидан унинг самарадорлигини баҳолашга етарлича эътибор берилмайди.

Бошқарув сифатини баҳоланинг учинчи компоненти - BS_{sb} стратегик рискларни бошқаришни баҳолаш ҳисобланади. Банкда ривожланиш стратегиясининг мавжудлигини тавсифловчи ушбу баҳолаш йўналишини танлаш Марказий банкнинг бошқарув сифатини баҳолашга ёндашувларни такомиллаштириш борасида эришилган ўзига хос ютуқларидан бири ҳисобланади.

Бироқ, мазмунан ва услубиёт нуқтаи назаридан, стратегик рискларни бошқариш тизимини баҳолаш илгари кўриб чиқилган компонентлар билан деярли бир хил камчиликларга эга.

Марказий банкнинг услубиёти бошқарув сифатининг барча таркибий қисмлари учун умумлаштирувчи баллни аниқлашни назарда тутди. R_{bt} ва R_{bh} кўрсаткичларига 1 балл ва BS_{sb} кўрсаткичига камида 2 балл берилса, бошқарув сифати яхши деб тан олинади (1 балл); R_{bt} ва R_{bh} кўрсаткичларига 2 балл ва BS_{sb} кўрсаткичига камида 3 балл берилса - бошқарув сифати қониқарли (2 балл); R_{bt} ва R_{bh} кўрсаткичларига 3 балл ва BS_{sb} кўрсаткичига 4 балл берилса - бошқарув сифат шубҳали (3 балл); R_{bt} ва R_{bh} кўрсаткичларига 3 ёки 4 балл берилса - бошқарув сифати қониқарсиз (4 балл) деб тан олинади.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг норасмий йўналишлар тоифаси банкнинг мулкчилик тузилмасининг шаффофлигини баҳолаш билан якунланади.

У учта йўналишда амалга оширилади: 1) банк акцияларига (улушларига) эгалик қилувчи шахслар (шахслар гуруҳлари) тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишнинг тўлиқлиги мезонига кўра; 2) банкнинг бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорларга бевосита ёки билвосита сезиларли таъсир кўрсатадиган шахслар (шахслар гуруҳлари) тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлиги мезони, ундан ҳеч бўлмаганда Россия Банкининг фойдалана олиши; 3) оффшор зоналар резидентларининг банк бошқарувига таъсирининг аҳамияти мезони. Ушбу учала йўналиш ҳам махсус услубиёт асосида уч балли шкала бўйича баҳоланади, сўнгра якуний баллар чиқарилади.

Агар мулкчилик тузилмасининг шаффофлигининг барча кўрсаткичлари 1 баллга тенг бўлса - 1 балл; агар ушбу кўрсаткичлар камида 2 балл олган бўлса - 2 балл; агар мулкчилик тузилмасининг шаффофлиги кўрсаткичларидан камида биттаси 3 балл олган бўлса -3 балл берилади.

4.8. Банкларни таснифлаш гуруҳлари

Банкларни уларнинг муаммолилиқ даражасига кўра таснифлаш банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш якуний блокнинг

мазмунини ташкил қилади. Замонавий Марказий банк моделида бу блок олдинги вариантга нисбатан сезиларли даражада янгиланган, уни CAMELS моделининг ўхшаш блоки билан таққослаш мумкин.

Банкларни таснифлашда Марказий банк банкларни молиявий барқарор ва муаммоли тоифага ажратишдан воз кечди. Тўрт таснифлаш гуруҳи ўрнига бешта таснифлаш гуруҳидан фойдаланила бошланди. Банкларнинг маълум бир гуруҳга мансублиги молиявий барқарорликнинг ҳар бир таркибий қисми учун расмийлаштирилган якуний баҳолаш орқали изоҳланади.

Марказий банк моделидаги банкларнинг таснифлаш гуруҳлари ўртасидаги фарқ уларнинг омонатчилар билан кредиторларнинг улар томонидан тақдим этилган маблағларни сақлаш ва ўз вақтида қайтариш борасидаги қонуний манфаатларини таъминлашда турлича имкониятларга эгаллиги билан ифодаланади.

Хорижий моделларда банкларнинг молиявий барқарорлик даражаси бўйича ажратиш мезони кенгроқ талқин қилинади. Бу омонатчилар ва кредиторларнинг қонуний манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда, ташқи муҳитдаги салбий ўзгаришлардан қатъи назар, банкларнинг бозорда барқарор ишлаш қобилиятини тавсифлайди.

Ушбу ёндашувнинг фарқи шундаки, у иқтисодий ривожланишнинг зарурий шарти сифатида барқарор банк тизимини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, банкларни таснифлашда назорат органлари тегишли гуруҳлардаги банклар билан муносабатларнинг хусусиятини белгилайди.

Марказий банк моделида таснифлаш гуруҳлари қуйидагича таснифланади.

1-гуруҳга фаолиятида мавжуд қийинчиликлар аниқланмаган банклар таркибига капитал, активлар, рентабеллик, ликвидлилик ва бошқарув сифати яхши деб баҳоланган ва мулкчилик таркиби шаффоф ёки етарлича шаффоф деб тан олинган банклар киради.

2-гуруҳга ҳозирда қийинчиликлар кўзга ташланмаётган банклар киради, аммо уларнинг фаолиятида камчиликлар аниқланган, агар

улар бартараф этилмаса, кейинги 12 ой ичида муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради, бундай банклар сирасига қуйидагилар киради: капитал, активлар, даромадлилик, ликвидлилик ёки бошқарув сифати «қониқарли» деб баҳоланган, мулкчилик тузилмаси етарлича шаффоф ёки шаффоф деб тан олинган банклар; мажбурий меъёрлардан камида биттасига (Н₁ меъёр бундан мустасно) умумий ҳолатда ҳисобот чорагининг камида бир ой давомида олтиёки ундан ортиқ иш куни давомида риоя қилинмайдиган банклар.

3-гурухга ўз фаолиятида камчиликларга эга бўлган банклар киради, мазкур камчиликлар бартараф этилмас экан, у кейинги 12 ой ичида омонатчилар билан кредиторларнинг қонуний манфаатларига таҳдид соладиган вазиятга олиб келиши мумкин, бундай банклар сирасига қуйидагилар киради: капитали, активлари, даромадлилик ва ликвидлилик даражаси шубҳали баҳоланган банклар; мулкчилик тузилмаси шаффоф эмас деб баҳоланган банклар; бошқарув сифати шубҳали деб тан олинган банклар; мажбурий меъёрлардан камида биттасига охириги олти ой давомида тўрт ой ёки ундан ортиқ ой давомида ҳар ойда жами олти ёки ундан ортиқ иш кунларида амал қилмайдиган банклар (Н₁ стандарти бундан мустасно); банк лицензиясида назарда тутилган айрим банк операцияларини амалга оширишга чекловлар ёки таъқиқлар ёки филиалларни очишга таъқиқ мавжуд бўлган банклар.

4-гурухга ўз фаолиятидаги қонун бузарликлар ўз омонатчилари билан кредиторларнинг манфаатларига реал таҳдид соладиган банклар киради ва ушбу қонун бузарликларни бартараф этиш банкнинг бошқарув органлари ва акциядорлари томонидан чоратадбирларни амалга оширишни кўзда тутди, бундай банклар сирасига қуйидагилар киради: капитал, активлар, даромадлилик ёки ликвидлилик даражаси «қониқарсиз» баҳоланган банклар; бошқарув сифати «қониқарсиз» баҳоланган банклар; Н₁ меъёрига ҳисобот чорагининг камида бир ойи давомида беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда риоя қилмайдиган банклар.

5-*гуруҳга* банкнинг бошқарув органлари ва акциядорлари томонидан чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ушбу банкларнинг банк хизматлари бозоридаги фаолияти тўхтатишига олиб келадиган банклар киради, мазкур банклар фаолиятида қуйидаги жиҳатлар яққол кўзга ташланади: тўловга лаёқатсизликнинг (банкротлик) олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун етарлича асосларнинг мавжудлиги; банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияни бекор қилишнинг етарлича асосларга эгаллиги. Банкларнинг банкротлигининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда назорат органи ҳисобланадиган Марказий банкнинг ўрни етарлича аниқлаштирилмаган.

Баъзи хорижий моделларда (RATЕ модели) охириги блок нафақат турли хил назорат чораларининг тавсифини, балки уларнинг самарадорлигини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Муҳокама учун саволлар

1. Марказий банкнинг замонавий моделидаги банкка хавф солаётган банкротликни ўз вақтида аниқлаш қобилиятини қандай баҳолайсиз?

2. Тижорат банклари молиявий барқарорлигининг таркибий қисмларидан қайси бири алоҳида ташвиш уйғотади?

3. Марказий банкнинг молиявий барқарорликни баҳолашнинг замонавий моделида мувозанат ва барқарор ривожланиш тамойилларини амалга ошириш имконияти кўзга ташланадими?

4. Марказий банкнинг замонавий модели банк фаолиятига хос бўлган рискларни етарли даражада баҳолай оладими?

5. Банкларни таснифлашда Марказий банк банкларни молиявий барқарор ва муаммоли тоифага ажратишдан воз кечадими?

6. Банк рискларни баҳолаш жараёни қандай босқичларни ўз ичига олади?

7. RATЕ модели турли хил назорат чораларининг тавсифини ва уларнинг самарадорлигини баҳолашни амалга ошириши мумкинми?

VI БОБ. БАНК КАПИТАЛНИНГ ЕТАРЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ

5.1. Банк капиталининг таркибий тузилиши

Тижорат банки молиявий барқарорлиги мезонларидан бири бу ўз капиталининг миқдори ҳисобланади. Ушбу мезон, бир томондан, тижорат банкини ривожлантириш ва унинг фаолиятини кенгайтириш учун рағбатлантирувчи унсур сифатида хизмат қилса, иккинчи томондан, аҳолининг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Бу айниқса муҳим ҳисобланади, чунончи мамлакатимиз банк сектори ривожланишининг ҳозирги босқичида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни кенгайтиришга қаратилган фаолиятни фаоллаштириш талаб қилинади, бу эса ўз навбатида тегишли молиявий ресурсларни тўплашни тақозо этади.

«Банк капитали» ва «банкнинг хусусий капитали» тушунчалари ўртасидаги фарқланишларни аниқ кўрсатиб бериш банк иши назариясининг муҳим масалаларидан бири саналади.

Замонавий банк амалиётида тижорат банки фаолиятини таҳлил қилишда, биринчи навбатда, банкнинг ўз капитали таҳлили амалга оширилади, банк томонидан иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидан жалб қилинган маблағлар алоҳида кўриб чиқилади ва банк капиталининг бир қисми сифатида эмас, балки жалб қилинган маблағлар сифатида таҳлил қилинади. Бундан ташқари, ўз капиталини таҳлил қилишда асосий эътибор ўз капиталининг етарлилиги борасида белгиланган меъёрларнинг Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигига қаратилади. Тижорат банклари капиталининг етарлилиги борасида мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ва мутахассислари томонидан атрофлича тадқиқотлар олиб борилиши билан бир қаторда, мазкур назарий ишланмалар иқтисодий таҳлил усулларида амалда ўз ифодасини топган.

Бироқ, юқорида тилга олиб ўтилган ёндашув билан бир қаторда, замонавий молия назариясининг ажралмас ва энг муҳим қисми

бўлган капитал таҳлилининг яна бир йўналиши мавжуд. Ушбу йўналиш ташкилотнинг капитал таркибини, унинг шаклланиш манбаларини назарий ўрганиш ва ўз ва қарз капиталининг мақбул нисбатини излаш билан боғлиқ.

Замонавий молияда капитал таркибини таҳлил қилиш усуллари етарлича янги йўналиш бўлганлиги боис, бу усуллар мамлакатимиз мутахассисларига етарлича таниш эмас. Сўнгги йилларда капитал таркибини таҳлил қилишнинг замонавий назарияси қоидалари баён қилинган бир нечта ишлар дунёга келди. Шу билан бирга, капитал таркиби инвестиция дастурларини молиялаштиришнинг мақбул усулини аниқлаш, инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш, акциялар нархларини прогноз қилиш, ташкилотнинг капитал нархини баҳолаш ва ҳоказоларда қўлланиладиган энг муҳим тушунча ҳисобланади.

Банклар томонидан қўшимча қиймат манбаи сифатида ўз фаолияти учун фойдаланилувчи маблағлар банк капитали ҳисобланади ва шаклланиш усулига кўра, у одатда ўз капитали ва қарз капиталига бўлинади. Шу боис, биз қуйида «банк капитали» ва «ўз капитали» тушунчаларини батафсил кўриб чиқамиз.

Банк капитали - бу банклар турли манбалардан жалб қилувчи ва банк операцияларини амалга ошириш учун фойдаланувчи, шу тариқа банкнинг кредит ресурсларини шакллантирувчи пул капитали ҳисобланади.

Дастлаб ҳар қандай тижорат ташкилоти, шу жумладан банк ташкилотчилари ва таъсисчилари томонидан мустақил юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтишнинг зарурий шарти сифатида шакллантирилувчи капитал унинг таъсисчиларининг хусусий капитали сифатида вужудга келади. Олинган фойда муваффақиятли фаолият натижаси ўлароқ, капитал ўсиши манбаи сифатида хизмат қилади. Мулк сифатида ўз капитали олинган фойдани ўзлаштириш ва уни тасарруф этиш учун шароит яратади, яъни бошланғич дастлабки капитал ва у келтирган фойда мазкур субъектнинг таъсисчиларига тегишли бўлиб, уларнинг мулки ҳисобланади.

Капиталнинг ўзига хос муҳим жиҳатлари тўлиқ ва мазмунан батафсил баён қилинган бўлсада, бироқ, капиталнинг унинг шаклланиш манбалари билан ўзаро боғлиқлиги, шунингдек капиталнинг тузилиши, унинг мақбуллиги ва вақт ўтиши билан ўзгариши муаммоси етарлича ўрганилмаган. Бугунги кунда ташкилот мулкдорлари ва менежерлари ташкилот фаолияти, шу жумладан банклар фаолиятини амалга оширишнинг барча манбаларини ўрганишга эмас, балки жалб қилинган маблағларни шакллантириш манбалари ва унинг капитал таркибини мақсадли шакллантириш зарурлигини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Шу билан бирга, капитални кўриб чиқишда ташкилотнинг жалб қилинган ва қарзга олинган маблағлар манбалари, шунингдек, ўз ва қарз капиталининг диалектик бирлигидан келиб чиқиб иш кўриш талаб қилинади.

Қуйида юқорида келтириб ўтилган категорияларнинг ўзаро боғлиқлигини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг капитал тузилмасини ўрганиш билан боғлиқ тушунчалар мажмуини кўриб чиқамиз.

Дастлаб «тузилма» тушунчасининг мазмунига аниқлик киритамиз. Амалиётчи иқтисодчилар одатда ташкилот капиталига нисбатан капитал тузилмасини хусусий капитал билан қарз капиталининг нисбати сифатида тушунадилар. Назаримизда капитал тузилмасининг классик таърифи бир мунча тор ҳисобланади. Дж.К. Ван Хорн фикрича, «капитал тузилмаси» - бу фирма томонидан молиялаштиришда фойдаланилувчи қимматли қоғозлар нисбати²⁴ ҳисобланса, Ф. Ли Ченг ва Дж.И. Финнерти капитал тузилмасини «қимматли қоғозлар тўплами» сифатида талқин қиладилар²⁵. Бизнинг фикримизча, ушбу тасдиқлар фақатгина назарияда қўлланилувчи содалаштирилган ташкилот модели учун тўғри келади. Амалда, аксарият иқтисодчилар капитал тузилмасини компаниянинг хўжалик фаолияти жараёнида фойдаланувчи, ўз

²⁴ Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами. М., Финансы и статистика, 2001.

²⁵ Ченг Ф.Ли, Финнерти Дж.И. Финансы корпораций: теория, методы и практика: пер. с.анг. М.: ИНФРА-М,2000

ва қарз маблағларининг нисбати сифатида тушунадилар. Капитал таркибини С.Росс, Р.Вестерфилд ва Б.Джордан «қарзнинг акционерлик капиталига нисбати» сифатида тушунтиришса²⁶; Б.Грем ва Д.Л.Додд «акционерлик мулки ва компаниянинг бутун капитали ўртасидаги нисбат» ҳақида ёздиладар²⁷, И.А.Бланк капитал тузилмасини «активларни молиялаштиришда корхона ўз хўжалик фаолияти давомида фойдаланувчи барча ўз ва қарз маблағлари шакллариининг нисбати»²⁸ сифатида аниқлаштирадидлар.

Агар капитални узоқ муддатли пассивлар сифатида қарайдиган бўлсак, бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган қарашларнинг ҳеч бирини бир овоздан қабул қилиб бўлмайди. Бу борада хўжалик юритувчи субъектлар капитали тузилмасини «фақат узоқ муддатли молиялаштириш манбаларининг нисбати» сифатида тушунтирувчи Т.В. Теплова томонидан берилган таъриф бир мунча мақбул ҳисобланади²⁹.

Банк амалиётида капитал таркиби фақат ўз капиталига нисбатан кўриб чиқилади. Банк баланси пассивини яхлит банк капитали сифатида эмас, балки тижорат банки ресурсларининг иккита мустақил, бир-бирига боғлиқ бўлмаган таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш қоида сифатида қабул қилинган, ҳозирги рақобатнинг кучайиши, харажатларнинг ошиши, маржанинг қисқариши ва шунга мос тарзда банклар фойдасининг пасайиши шароитида бу бир мунча нотўғридек кўринади.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда ва уни тавсифловчи кўрсаткичларни танлашда, шубҳасиз банк капиталининг тузилмаси ва уни шакллантириш манбалари муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, тижорат банклари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олсак, улар жалб қилинган маблағларсиз амалда фаолият кўрсата олмайди. Шу боис, банк фаолиятини молиялаштириш манбаларининг тузилмаси, банк

²⁶ Росс С., Вестерфелд Р., Джордан Б. Основы корпоративных финансов. М.: Лаборат. базовых знаний, 2000

²⁷ Коттл С., Мюррей Р.Ф., Блок Ф.Е. «Анализ ценных бумаг» Грема и Додда М.: Олимп-Бизнес, 2000

²⁸ Бланк И.А. Управление формированием капитала, Киев: Ника-Центр, 2000

²⁹ Теплова Т.И. Финансовый менеджмент: управление капиталом и инвестициями. М.: Из-во. ГУ-ВШЭ, 2000

капиталини ўз ва қарз маблағларига ажратишни кўриб чиқамиз ва бундай бўлиниш мезони сифатида мулкчилик муносабатларидан келиб чиқиб иш кўрамиз.

Таъкидлаш жоизки, капитални ўз ва қарз капиталига ажратиш борасида юқорида келтириб ўтилган ёндашув ягона эмас. Иқтисодчилар орасида капитал тузилмаси ва унинг таснифлаш борасида яқдил фикр ва қаршлар мавжуд эмас. Масалан, В.В. Шеремет, В.Г. Воронин, С.И. Абрамов ва шу каби баъзи иқтисодчи олимлар компания капиталини таснифлай туриб, уни шаклланишининг ташқи ва ички, бюджет, бюджетдан ташқари ва бошқа манбаларини ажратиб кўрсатадилар, ўз навбатида бу ҳам ўз капитали ва ҳам қарз капиталига нисбатан адолатли ҳисобланади³⁰. Аммо бизнинг фикримизча, капитални шакллантириш манбаларини уни ўз ва қарз капиталига бўлиш мезони сифатида ишлатиш адолатли ҳисобланмайди, чунки бундай мезон уни шакллантириш манбаларига хизмат қилмайди, аксинча ташкилот пассивларининг мулк ҳуқуқи бўйича мансублигини аниқлаштиришда қўл келади.

Молиявий менежмент назарияси ва амалиётида капитал таркиби асосан иқтисодиётнинг номолиявий сектор компаниялари капиталига нисбатан кўриб чиқилади. Капитал тузилмасининг компания қийматига таъсири бунда асосий муаммо ҳисобланади. Капитал тузилмасининг замонавий назарияси Ф. Модильяни ва М.Миллернинг корпоратив молия соҳасидаги энг машҳур «Капитални жалб қилиш харажатлари, корпоратив молия ва инвестициялаш назарияси» асарининг чоп этилишидан бошланади, мазкур назария Модильяни ва Миллер назарияси сифатида оммалашган.

Агар Модильяни ва Миллер моделининг банк амалиётига татбиқ этилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада ушбу модел муаллифлари аниқ жавоб бермайдилар. Миллернинг фикрича, банклар томонидан таклиф қилинган қимматли қоғозлар (у бунга

³⁰ Загайнова Ю.И. Исследование понятия структуры капитал хозяйствующих субъектов // Сибирская финансовая школа. 2006, №2

депозитларни киритади), бир томондан, уларни М&М моделининг «юрисдикциясидан» чиқариб ташлашга имкон берувчи хусусиятларга эга эмас³¹. Бошқа томондан, фақат банк қимматли қоғозларига хос бўлган ўзига хос хусусияти: муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни ҳимоя қилувчи ҳукумат кафолатларининг мавжудлигини ёдга олиш ўринли ҳисобланади.

Банк депозитлари ва бошқа мажбуриятлар бўйича ҳукумат кафолатлари корпоратив қимматли қоғозларга тааллуқли эмас, бу эса ушбу манбадан жалб қилинган капитал қийматиغا таъсир қилади. Оддий акциялар бир мунча қиммат манба ҳисобланади, шунинг учун банклар харажатларни камайтириб, қарз ўрнини босувчи воситалардан фойдаланишга интиладилар. Банк капиталининг қиймати икки омил билан белгиланади: 1988 йилда ишлаб чиқилган рискни ҳисобга олган ҳолда ўз капиталига талаблар борасидаги Базель кўмитаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» Қонуни мавжуд. Ушбу қонун 2002 йил 5 майдан кучга кирган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги омонатлари ҳимояланишини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари белгилаб берилган³².

Базель шартномаси кредит, бозор ва операцион рискларга асосланган капитал миқдорига қонуний талабларни белгилашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Базель шартномаси ва депозитларни суғурталаш тўғрисидаги қонун банкларни ўз капиталини оширишга мажбур қилсада, аммо уларнинг усуллари бир-биридан фарқ қилади. Биринчи даражали ташкил этувчилар ҳисобига ўз капиталини ошириш қиммат усул бўлганлиги учун банклар регулятор томонидан талаб қилинадиган капитални жалб қилишнинг арзонроқ усуллари ни излашни афзал кўришади. Шу билан бирга,

³¹ М&М - Модильяни ва Миллер моделининг қисқартмаси (1958)

³² <https://lex.uz/docs/42074>

банкнинг молиявийбарқарорлиги кўп жиҳатдан ўз ва жалб қилинган капитал ўртасидаги нисбатга, яъни молиявий леверажга боғлиқлигини ёдда тутиш лозим. *Банк капитали* - бу биринчи навбатда, қуйидагиларни ўз ичига олувчи акционерлик (хусусий) капитали ҳисобланади: оддий ва имтиёзли акциялар (кумулятив бўлмаган, муддатсиз акциялар); эмиссия даромади; захира капитали (жамғарилган фойда); тақсимланмаган фойда.

Банк капиталининг жалб қилинган манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ички бозорлардаги депозитлар; ташқи бозорлардаги депозитлар; депозитсиз мажбуриятлар; субординацияланган мажбуриятлар - камида беш йил муддатга қайтариладиган асосда жалб қилинган пул маблағлари, бунга қуйидагилар киради: узоқ муддатли банк кредитлари; давлат кредитлари; ўз қарз қимматли қоғозлари-облигациялар; юридик шахсларнинг депозитлари.

Жадвалда кўрсатилган банк баланси пассивининг тузилмаси шуни кўрсатадики, шаклланиш манбаларининг табиати бўйича тижорат банклари пассивининг жами миқдорини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга банкларнинг устав жамғармаи шаклида шакллантирилган турли жамғармалар кўринишидаги ўз маблағлари, қўшимча акциялар чиқариш билан олинган даромадлар, соф фойдадан ажратмалар ажратиш йўли билан қонун ҳужжатларида яратилган захира жамғармаи ва банк ихтиёрида қоладиган тақсимланмаган фойда киради.

Иккинчиси — энг катта гуруҳ - жалб қилинган манбалардан ташкил топади. Ушбу гуруҳ кредит ташкилотларининг лоро ҳисобварақлари, олинган банклараро кредитлар (депозитлар), Марказий банк ва банк миждозларининг қолдиқлари кўринишидаги маблағлари ҳисобидан шаклланади.

Мажбуриятларнинг учинчи гуруҳи - бу асосий воситалар ва номоддий активлар ва банкнинг бошқа мажбуриятлари бўйича мумкин бўлган йўқотишлар ва ҳисобланган амортизация захиралари кўринишидаги банкларнинг ўз маблағларининг жамини ташкил

қилади. Банкнинг ўз маблағларига иқтисодий жиҳатдан банкнинг маълум бир давр учун кечиктирилган харажатларини ифодаловчи турли хил кредиторлик қарзлари, ҳисобланган фоизлар ва чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоиз мажбуриятлари (купонлар) киради.

Бинобарин, пассивларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳи тижорат банкининг реал ресурслари ҳисобланади, у актив операцияларни молиялаш-тириш учун фойдаланади ва шу тариқа унинг банк капиталини ташкил қилади.

Пассивларнинг учинчи гуруҳида кўзда тутилган мумкин бўлган кредит йўқотишлари учун заҳиралар кредит риски амалга оширилмаган тақдирда, капитал ўсишининг потенциал манбаи ҳисобланади.

Тижорат банкининг молиявий барқарорлигини баҳолашда капиталнинг ҳажми ва тузилмаси катта аҳамиятга эга. Ўз капитали таркибида I (асосий) ва II (қўшимча) даражадаги капитал ўртасидаги нисбатга алоҳида аҳамият берилади.

Шу тариқа, банк капитали ва ўз капиталининг тузилиши шубҳасиз, тижорат банкининг молиявий барқарорлиги учун ҳам, унинг қийматини баҳолаш учун ҳам муҳимдир.

5.2. Капиталнинг етарлилигини баҳолаш индикаторларива тамойллари

Ҳозирги вақтда банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда капиталнинг етарлилиги кўрсаткичларига катта урғу берилади.

Банк муассасасининг молиявий барқарорлиги мезонларига капиталнинг етарлилигини киритиш мақсадга мувофиқлиги қуйидагилар билан белгиланади. Биринчидан, капиталнинг етарлилиги икки томонлама жараён капитални шакллантириш ва активларни бошқариш самарадорлигининг ифодасидир ва шу нуқтаи назардан у фаолиятнинг ушбу жиҳатлари сифатининг жамланган ифодаси бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, капиталнинг етарлилиги «умумий»тавсифга эга саналади. Бу кўрсаткич банк фаолияти стандартига тааллуқлидир, чунончи тартибга солувчи

орган - Марказий банк томонидан назорат қилинади ва банкнинг яшовчанлигидан далолат беради. Учинчидан, капиталнинг етарлилиги - бу банк рискларидан ҳимояланганлик даражасини кўрсатади, у қанчалик юқори бўлса, банк рискларга шунча кам мойил бўлади, ўз навбатида бошқа шароитларни ҳисобга олмаганда, у шунчалик барқарор бўлади.

Капиталнинг етарлилиги тижорат банки учун юқори рискли операцияларни ўтказишни чеклаши лозим. Бундан ташқари, «активларни бошқариш сифати» мезонидан фойдаланган ҳолда, тижорат банки фаолиятига таъсир қилувчи ички рискларнинг табиатини аниқлаштириш, менежерларни маълумот билан таъминлаш мумкин бўлади, бундай маълумотларнинг тўпланиши ва умумлаштирилиши аввалги тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, активлар гуруҳи учун рискларнинг потенциал даражасига мос тарзда захираларни шакллантиришга ёндашувларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Етарлича капитал банкнинг бозор, сиёсий ва шу каби ҳар қандай зарбаларга қарамай, тўлов қобилиятини сақлаб қолиш ва операцияларни давом эттириш имконини берувчи ўзига хос

«ёстикча» ни ташкил қилади. Макроиктисодий ёки бошқа бизнес шароитлари ёмонлашган тақдирда капитали етарли бўлмаган банкнинг банкротлик хавфи беқиёс даражада юқори бўлади. Етарлича капитал банкнинг бозор, сиёсий ва шу каби ҳар қандай зарбаларга қарамай, тўлов қобилиятини сақлаб қолиш ва операцияларни давом эттириш имконини берувчи ўзига хос «ёстикча» ни ташкил қилади. Макроиктисодий ёки бошқа бизнес шароитлари ёмонлашган тақдирда капитали етарли бўлмаган банкнинг банкротлик хавфи беқиёс даражада юқори бўлади.

Капиталнинг етарлилигини мутлоқ ёки нисбий кўрсаткичлар асосида баҳолаш мумкин³³. Капитал миқдори мутлоқ маънода банкнинг инқироз даврида барқарорликни сақлаб қолиш қобилиятини кўрсатади, яъни кредит ташкилотининг ўз тўлов

³³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й., 27/5 – сонли). – Тошкент, 2021

қобилиятига жиддий зарар етказмаган ҳолда зарар кўришини тавсифлайди. Шу билан бир қаторда, капитал банкнинг умумий самарадорлиги, акциядорлар ва мижозларнинг унга бўлган ишонч даражасини ва бошқарув сифатини акс эттиради. Марказий банкнинг иқтисодий меъёрларни бажариш бўйича талабларига мувофиқ, капитал тўловга лаёқатсизлик рискинни чекловчи ҳисобланади ва капиталнинг етарлилик меъёри банкнинг кредит, операцион ва бозор рискларини қоплаш учун зарур бўлган ўз маблағлари (капитали) нинг минимал миқдорига талабларни белгилайди.

Банк капиталининг етарлилигини баҳолаш тамойиллари. Банк капиталининг етарлилигини баҳолашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: а) банк капиталининг ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичларни (коэффициентларни) ажратиш; б) кўрсаткичларнинг ҳақиқий қийматини тегишли меъёр даражаси билан солиштириш; в) кўрсаткичнинг ҳақиқий қийматини бошқа банкларнинг кўрсаткичлари даражаси билан таққослаш; г) капиталнинг етарлилиги кўрсаткичи ҳолати тўғрисидаги хулосаларга тенденциялар таҳлили, тузилмавий ва омилли таҳлил ва бошқарув тизимини ўрганиш натижалари бўйича тузатишлар киритиш; д) истиқболда кўрсаткичларни башорат қилиш.

Капиталнинг етарлилигини баҳолаш кўрсаткичлари сифатида банк ҳамжамияти ва назорат органлари асосан иккита коэффициент гуруҳидан фойдаланадилар. Биринчи гуруҳ ўз капиталининг (турли таркибда) депозитларнинг (омонатлар) умумий миқдорига нисбатига асосланади.

Иккинчи гуруҳ риск даражаси бўйича капитал (турли кўринишда) ва активлар (турли таркибда) нисбатига асосланади.

Хусусий капиталнинг омонатларга нисбати капитални кредиторларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида кўриб чиқишга асосланади. Ушбу коэффициентлар гуруҳининг миқдорий қийматлари қуйидаги хусусиятларга эга: а) оптималлик дискрет эмас, балки интервал тавсифга эга; б) муайян бир нуқтадаги

қийматлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичи ва иқтисодий цикл даври билан белгиланади: пул массаси ҳажми, инфляция даражаси; аҳоли жамғармаси даражаси; в) рақобат даражаси (банк муассасаларининг мужассамлашуви).

Эмпирик тарзда кўрсаткичнинг оптимал қиймати 0,08 дан 0,2 гача ораликда бўлиши лозим, деган қараш шаклланган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб назорат қилувчи органларнинг капиталнинг монандлиги борасидаги қарашлари тубдан ўзгаришга юз тутди. Капиталга бўлган эҳтиёж депозитларга эмас, балки активларнинг сифатига боғлиқ деган фикр ҳукмронлик қила бошлади: капиталнинг етарлилиги банк қай даражада зарар кўрганда омонатчилар ва бошқа кредиторларнинг манфаатларига зарар етмаслигини кўрсатиши лозим.

Капитал биринчи навбатда амортизатор, яъни активларнинг ҳақиқий қийматининг пасайишини енгишга ёрдам берадиган «буфер»сифатида кўриб чиқиладиган бошланди.

«Капиталнинг етарлилиги» атамаси банкнинг ишончлилиги, унинг рискга мойиллик даражасини умумий баҳолашни акс эттиради. Капитални йўқотишлар ва кўрилган зарар оқибатларини юмшатишга қодир бўлган «буфер» сифатида талқин қилиш капитал миқдори ва банкнинг рискка мойиллиги ўртасидаги тесқари боғлиқликни келтириб чиқаради. Бундан етарлиликнинг асосий тамойили келиб чиқади: ўз капиталининг ўлчами уларнинг риск даражасини ҳисобга олган ҳолда активлар ўлчамига мос келиши керак.

Банк капиталининг етарлиликни баҳолаш кўрсаткичлари. Капиталнинг етарлилик коэффициентини ҳисоблашнинг учта асосий варианты мавжуд.

Хусусий капитал баланс кўрсаткичи сифатида (умумий қабул қилинган бухгалтерия тамойиллари асосида ҳисоб-китоб қилинади):

$$K_{bq} = A_{bq} - J_{mq}$$

бу ерда K_{bq} - капиталнинг баланс қиймати; A_{bq} - активларнинг баланс қиймати; J_{mq} - жалб қилинган маблағларнинг баланс қиймати.

Хусусий капитал банк фаолиятини тартибга солиш воситаси сифатида (банк ўз фаолиятида юзага келадиган рискларни қоплаш учун тасарруф этиши мумкин бўлган маблағлар манбалари бўйича банк назорати органларининг регламенти асосида ҳисоб-китоб қилинади).

Тегишли назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган усуллар бўйича хусусий капитал қуйидагича ҳисобланади:

$$B_k = A_k + Z_k + S_q + B_m$$

бу ерда B_k - «бухгалтериянинг тартибга солувчи тамойиллари» бўйича банк капитали; A_k - акционерлик капитали (оддий акциялар, имтиёзли акциялар, тақсимланмаган фойда, резерв капитали); Z_k - кредитлар бўйича заҳиралар; S_q - субординар мажбуриятлар; B_m - бошқалар

Хусусий капитал бозор кўрсаткичи сифатида (талаблар ва мажбуриятларнинг бозор қиймати асосида ҳисоб-китоб қилинади):

$$K_{bq} = A_{bq} + P_{bq}$$

бу ерда K_{bq} - банк капиталининг бозор қиймати; A_{bq} - банк активларининг бозор қиймати; P_{bq} - банк пассивлари (жалб қилинган маблағлар)нинг бозор қиймати.

Банк амалиётида капитални бозор қиймати бўйича баҳолаш усули соф активлар асосида ўз капиталини ҳисоблаш кўринишида ўз аксини топди. Шунини таъкидлаш керакки, капиталнинг бозор қиймати ҳар бир банкнинг банкротлик хавфидан қай даражада ҳимояланганлигини яққол акс эттиради.

Банк капиталини «бухгалтерия ҳисобининг тартибга солинувчи тамойиллари» бўйича ўлчаш капитални баҳолашнинг энг мақбул усулларида бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда қуйидаги саволлар асосий баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда: 1) банклар учун капитал стандартларини белгилаб берувчи инстанцияни аниқлаштириш: бозор ёки назорат қилувчи органлар; 2) банк капиталининг оқилона миқдори.

Қуйидагилар банк капиталини тартибга солишга ундовчи асосий омиллар саналади: а) банкларнинг банкротлик рискинни чеклаш; б) жамоатчиликнинг банкларга бўлган ишончини сақлаб қолиш;

в) банкларни суғурталаш билан боғлиқ ҳукуматнинг йўқотишларини пасайтириш.

Уччала вазифани бозор бир вақтнинг ўзида ҳал қила олмайди, чунки банк тизими барқарорлигига банкротликнинг таъсири ва банкротлик билан боғлиқ суғурта жамғармаининг харажатларини баҳолаш жуда мушкул вазифа ҳисобланади.

Молиявий бозорлар банк банкротлигининг турли даражаларига биринчи навбатда рискка мойиллиги юқори бўлган банкларнинг мажбуриятлари ва акционерлик капиталининг қийматини пасайтириш орқали жавоб беради. Аммо қимматли қоғозлари бозордасотилмайдиган кичик ва ўрта банкларга бозорнинг бундай тартибга солувчи, айтиш мумкинки, интизомий таъсир чорасини қўллашнинг имкони йўқ.

Назорат қилувчи органлар капиталнинг етарлилигини баҳолашда нафақат банк капиталининг ҳолатини таркибий ва динамик таҳлил қилиш натижалари ва минимал даражага мувофиқлиги, балки эксперт хулосаларидан ҳам фойдаланадилар. Банк капиталининг етарлилигини баҳолашнинг эксперт усули қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади: бошқарув сифати, активларнинг ликвидлик даражаси, рентабеллик динамикаси, мулкчилик сифати, бандлик харажатлари, операцияларни амалга ошириш сифати, депозитлар ҳажми динамикаси, маҳаллий шарт - шароитлар.

5.3. Халқаро стандартлар асосида капиталнинг етарлилигини баҳолаш

Капитал миқдорининг монандлиги тижорат банклари томонидан ўзининг ички ва ташқи ҳолатига нисбатан баҳоланади. Бироқ, банкротлик ҳолатларининг кўпайиши регуляторларни банкларнинг ички ва бозор ҳолатидан қатъи назар, барча банклар учун капитал қиймати борасида минимал талабларни белгилашга ундади.

Капитал қиймати борасидаги минимал талаблар АҚШда 1983 йилда қабул қилинган ва Конгресс томонидан тасдиқланган

халқаро кредитлаш ва назорат тўғрисидаги қонун билан белгиланган. Мазкур қонуннинг асосий жиҳати оддий ва муддатсиз имтиёзли акциялар, тақсимланмаган фойда, мажбурий капитал захиралари, ссудалар ва лизинг бўйича зарарларни қоплаш учун захиралар, акциялар ва номоддий активларни сотиш ҳисобига қимматли қоғозларни чегириб ташлаган ҳолда, сўндирилувчи консолидация-лашган шўъба корхоналарнинг назорат қилинмайдиган акция пакетларини ўз ичига олувчи бирламчи капитални ажратиб олишдан иборат эди. Бирламчи капиталнинг ушбу таркибий қисмлари нисбатан олганда доимий капитал манбалари ҳисобланади. Капиталнинг бир мунча доимий бўлмаган шакли иккиламчи капитал сифатида гуруҳланган бўлиб, унга муддатли имтиёзли акциялар, субординар қимматли қоғозлар ва мажбуриятлар, шунингдек асосий капитал сифатида ҳисобга олинмаган акцияларга айлантириш учун зарур бўлган қарз воситалари киритилади.

1987 йилда АҚШ Федерал заҳира тизими Бошқарувчилар Кенгаши ва 11 та етакчи саноат мамлакатлари вакиллари ушбу мамлакатлар юрисдикциясидаги барча банк муассасаларига тааллуқли Базель келишуви деб номланган янги капитал стандартлари бўйича дастлабки келишув тузилганлигини эълон қилишди.

1988 йилда тижорат банкларини назорат қилиш борасида Базель қўмитаси томонидан таклиф қилинган минимал капиталга бўлган эҳтиёж коэффициентларини ҳисоблаш услубиёти асосини кредит рискинни ҳисобга олган ҳолда банкнинг активлари ва балансдан ташқари операциялари сифатини баҳолаш тамойили ташкил этади. Шунингдек, қатъий белгиланган фоиз ставкаси асосидаги давлат қимматли қоғозлари бўйича инвестиция рисклари ҳам қисман баҳоланади. Ўз капиталининг етарлилик коэффициентининг талаб қилинувчи минимал қиймати умумий ўз маблағалари учун 8% ва биринчи даражали капитал учун 4% қилиб белгиланган.

1988 йилда ишлаб чиқилган капитал стандарти бўйича ягона

келишув (Базель I) капитал ва таваккалчиликка асосланган активлар қийматини ўзаро солиштириш асосида капитални баҳолашни назарда тутди. Ушбу шартноманинг мақсади: етакчи банкларни ўз капитал позицияларини мустаҳкамлашга ундаш; турли мамлакатларнинг тартибга солиш қоидаларидаги номутаносибликларни камайтириш; баланسدан ташқари мажбуриятлар билан боғлиқ рискни ҳисобга олиш; миллий банк тизимларининг барқарорлигини мустаҳкамлаш; банклар учун ягона «ўйин қоидалари»ни яратишдан иборат.

Бу капитал улушини иқтисодий ўсиш даврида кўпайтириш ёки пасайиш даврида рискка мойил активлар қийматини пасайтириш орқали бошқаришга имкон берган, хусусан, 1988 йилдан 1996йилгача бўлган даврда унинг улуши 1,2 баробарга ошган.

Янги халқаро шартномада ўз капиталининг манбалари икки даражага бўлинган, яъни бунда капитални сифат жиҳатдан баҳолаш амалиёти жорий этилган.

(асосий) даражадаги капиталга қуйидагилар киради: оддий акциялар; кумулятив бўлмаган муддатсиз имтиёзли акциялар; эмиссион даромад; тақсимланмаган фойда; консолидацияланган шўъба корхоналаридаги назорат қилинмайдиган акция пакетлари.

I даражали капитал кўзга ташланмайдиган (гудвил) ва номоддий капитал миқдorigа камаяди.

даражали (қўшимча) капиталга қуйидагилар киради: гибрид воситалар (кумулятив имтиёзли акциялар); ссуда ва лизинг бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар; субординар қарз воситалари.

II даражали капитал ва унинг унсурларига нисбатан муайян бир чекловлар жорий қилинган. II даражали капитал I даражали капиталдан юқори бўлмаган миқдорда ҳисобга олинади, субординар мажбуриятлар I-даражали капиталнинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдorigа қабул қилинади.

Банк активлари ва баланسدан ташқари даъволар тегишли воситанинг кредит рискига таъсир қилишини ҳисобга олиш учун

мўлжалланган рискнинг улушли коэффициентига кўпайтирилади.

1995 йилда Базель қўмитаси бозор рисклари (бозор нархларининг ўзгариши сабабли баланс ва баланسدан ташқари операциялардан йўқотишлар хавфи) билан боғлиқ банкларнинг ўз капиталига қўшимча талабларни жорий этиш бўйича тавсиялардан иборат махсус маъруза нашр қилди.

Активлар тузилмаси ва уларнинг таваккалчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда ўз капиталининг етарлилигини баҳолаш бир қатор капиталнинг етарлилик коэффициентларининг яралишига олибкелди. Бу асосан, ушбу кўрсаткичнинг махражига киритилган кўрсаткичларнинг таркиби билан боғлиқ. Капитални қўллаш доирасининг кенгайиши, янги молиявий воситаларнинг пайдо бўлиши янги риск турларининг пайдо бўлишига ва улар кўламининг ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида, банк капиталининг етарлилик кўрсаткичига муттасил тузатиш ва ўзгартиришлар киритибборишни тақозо этади.

Банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда ўз капиталининг аҳамиятини кучайтириш, операциялар жараёнида қабул қилинган рисклар учун менежментнинг жавобгарлигини ошириш зарурати капитал билан боғлиқ операцияларнинг рискка мойиллиги ва уларнинг ўлчами бўйича мувофиқлигини баҳолашда ҳисобга олиниши лозим бўлган рискларнинг сифат ва миқдор таркибини кенгайтиришни талаб қилади.

2000 йилга келиб банкларни тартибга солишнинг замонавий тенденциялари (мослашувчанликнинг ошиши, аниқлик, тартибга солишнинг деформацияси) капитални баҳолаш стандартларини ўзгартиришни талаб қилди, шу сабабли Базель қўмитаси етарлиликни баҳолашнинг янги Базель II тизимини таклиф қилди.

Янги кўрсатма ва қоидаларнинг пайдо бўлишининг асосий сабаблари қуйидагилар билан изоҳланади: биринчи навбатда, рисклар, банк операциялари типлари ва шу кабиларни назорат қилиш ва рискларни бошқариш тизимининг ривожланганлик даражасини ҳисобга олмасдан барча банкларга бир хил талаблар

қўлланилиши асносида капиталнинг етарлилиги миқдорини ҳисоблашда мослашувчанликнинг йўқлиги; иккинчидан, кредит рискинни баҳолашда унинг рискка мойиллигини ҳисоблаш, активларни диверсификация қилиш, кредит рискинни минималлаштириш борасида банк томонидан қўлланиладиган усуллар етарлича инобатга олинмайди; қўлланилувчи улуш коэффициентлари эҳтимолли рискларга монанд эмас; молиявий воситаларнинг ҳаётийлик давриетарлича ҳисобга олинмайди; секьюритизациянинг кенг қўлланилиши ҳар доим ҳам кредит рискиннинг узатилишига олиб келмайди.

Базель I бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш фақатгина кредит ва бозор рискларини қамраб олишни кўзда тутуди, сўнгги йилларда банкнинг молиявий натижаларига таъсири сезиларли даражада ошган операцион рисклар эътиборга олинмайди.

Келгусида молия тизимининг хавфсизлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш; рақобатбардош тенгликни мустаҳкамлаш; банкларни кредит рискинни баҳолаш ва бошқариш усуллари ва тартибларини доимий равишда такомиллаштиришга ундаш; капитал нисбатларида рискларни акс эттиришнинг аниқлигини ошириш; банкларнинг халқаро активларига эътибор қаратиш кабилар янги келишувнинг мақсадлари ҳисобланади.

Капиталнинг ҳисоб-китоби борасидаги янги келишув жалб қилинган рисклар сонини кенгайтиради ва назорат органларига банк капитали даражаси ва сифатини текшириш борасида тубдан янги ёндашувни таклиф қилади, шунингдек, потенциал инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонларга банк капиталининг ҳолатини баҳолаш имкониятини беради. Келишув учта ўзаро боғлиқ компонентни ўз ичига олади (5.3-жадвал).

Янги келишув компонентлари: капиталнинг етарлилиги (1 компонент), назорат органлари текшируви (2 компонент) ва бозор қоидалари (3 компонент) кабилардан иборат. *Капиталнинг етарлилиги* таркибига кредит рисқи (ички рейтингларга асосланган ёндашув, стандарт ёндашув) активларни секьюритизациялаш, бозор

риски, операцион риск; назорат органлари текшируви таркибига назоратнинг муҳимлиги, асосий тамоийиллар, назорат органларининг шаффофлиги ва ҳисобдорлиги, савдога тегишли бўлмаган портфелнинг фоиз риси; бозор қоидалари таркибига кўрсатмаларни қўллаш даражаси, капитал тузилмаси, рисклар типи, капиталнинг етарлилиги каби компонентлар киритилди.

Биринчи компонентга мувофиқ капиталнинг етарлилик коэффициентини ҳисоблаш қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

$$K_{et} = K_{xk} : (R_{kr} + R_{or} + R_{br}) \geq 8\%,$$

бу ерда K_{xk} – I ва II даражали хусусий капитал; R_{kr} - кредит риси (6%); R_{or} - операцион риск (1,6%); R_{br} – бозор риси (0,4% (баҳолаш)).

Демак, капиталнинг етарлилигини баҳолашда капиталнинг муайян бир риск ўлчовига нисбатини ҳисоблаш тамоийили билан хусусий капитални ҳисоблаш ёндашуви сақланиб қолади. Бироқ, рискқийматлари тубдан ўзгаради. Банкнинг умумий риси – кредит риси, бозор риси ҳамда операцион риск йиғиндиси сифатида ҳисобланади ва ушбу турдаги рискларни ҳисоблаш учун маълум бир талаблар қўйилади.

Кредит хавфини баҳолашда стандарт усул (Standardised approach) ва ички рейтингларга асосланган усул (The internal ratings approach) назарда тутилади.

Операцион рисини баҳолаш учун қўмита томонидан асосий кўрсаткичлар ёки битта омил асосида баҳолаш; стандарт ёндашув; ички баҳолаш каби бир нечта вариантлар таклиф қилинади.

Капитал бўйича Базель II келишувининг асосий янгилиги «капиталга қўйилган минимал талаблар» компонентига қўшимча «банк назорати» билан «бозор интизоми» компонентларини киритишдан иборат.

Янги Базель II шартномасига мувофиқ банк назорати нафақат банкнинг ўз фаолияти натижасида юзага келадиган рискларни қоплаш учун етарли капиталга эга эканлигини аниқлашга, балки банкнинг етарлича ривожланган рискларни мониторинг қилиш ва

бошқариш механизмларидан фойдаланишини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Бозор интизоми янги келишувнинг таркибий қисмларидан бири сифатида бозорнинг барча иштирокчиларига капитал миқдори ва унинг тузилиши, қабул қилинган рисклар, рискларни бошқаришнинг умумий тамойиллари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган тижорат банкларининг ҳисоботларидан фойдаланишга имкон берувчи маълумотларни ошкор қилишни назарда тутди ва ўз навбатида мазкур банк капиталининг етарлилиги борасида мустақил равишда хулоса ясаш имконини беради.

Келишув маълумотларни ошкор қилишнинг муайян талабларига риоя этилишини кўзда тутди. Хусусан, у банк томонидан ахборотни ошкор қилиш ёндашуви ва ушбу жараёни кузатиш тартиб-қоидалари, шунингдек, ошкор қилиш даврийлигини тавсифловчи ҳужжатнинг мавжудлигини назарда тутди. Капиталга нисбатан ахборотни ошкор қилиш капиталнинг тузилиши, ҳажми ва унинг рисклар типини бўйича етарлилиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Кредит рискин тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади: муддати ўтган (муаммоли) кредитлар; портфел бўйича дефолтлар статистикаси; рискларнинг географик жиҳатдан ва тармоқлар бўйича тақсимланиши; кредит рискин камайтириш усуллари бўйича сиёсат ва тадбирлар; кредит рискин баҳолашнинг асосий усуллари.

5.4. Капиталнинг етарлилигини баҳолаш

Маълумки, молиявий бозорларнинг глобаллашуви назорат органларининг ўзаро муносабати ва халқаро даражада ахборот алмашинуви бўйича янги вазифаларни юзага келтиради. Шу муносабат билан, банк назорати соҳасида бошқа молиявий бозорларда бўлгани каби қатор халқаро стандартлар ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши лозим.

Халқаро банк назоратининг иккита асосий мақсади мавжуд:
1) кредит институтлари хусусий капитали миқдори ва сифати

қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш; 2) банк таваккалчиликларини бошқариш ва назорат қилиш бўйича талаблар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнига актив таъсир қилувчи – халқаро стандартларни жорий қилувчи муҳим ташкилот банк назорати бўйича Базель қўмитасидир.

Қўмита 1974 йилда G10 давлатлари марказий банклари томонидан Швейцариянинг Базель шаҳрида Халқаро ҳисоб-китоблар банки (Bank for International Settlements) қошида ташкил этилиб, дастлабки ҳужжатни (Concordat on cross-border supervision) 1975 йилда чоп қилди. Базель қўмитаси ўзи ишлаб чиқадиган стандартларни бошқа халқаро меъёрларни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг талабларига мувофиқлаштириш мақсадида жаҳоннинг кўплаб ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси асосан қуйидаги ҳужжатлари билан машҳур: назорат бўйича халқаро келишув (Concordat on cross-border supervision - 1975); Базель I (1988); Бозор таваккалчилиги бўйича тузатиш (Market risk amendment - 1996); Базель II (2004); Базель 2.5 (2009); Базель III (2010); Самарали банк назоратининг асосий тамойиллари (Core Principles for Effective Banking Supervision (revised 2010)).

1988 йилда банк капиталининг етарлилигини баҳолаш тизими бўлган «Капитални ҳисоблаш ва капитал стандартлари бўйича халқаро конвергенция» (Базель I) ҳужжатини ишлаб чиқиш банк назорати бўйича Базель қўмитаси фаолиятида муҳим қадам бўлди. Тижорат банклари устидан назорат қилиш стандартлари Қўмитанинг «Банк фаолияти устидан самарали назоратнинг асосий тамойиллари» номли тавсиявий тусга эга бўлган ҳужжатда ўз аксини топган.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси Базель I стандартининг асосий тамойилларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга асосланди:

1) назоратнинг асосий мақсади молиявий тизимнинг

барқарорлигини таъминлаш ва ишончни ошириш, пировардида омонатчилар ва кредиторларнинг йўқотиш таваккалчилигини энг паст даражага тушириш; 2) назорат органлари томонидан юқори малакали корпоратив бошқарувни рағбатлантириш ҳамда очик бозорни ва назоратни ривожлантириш орқали бозор интизомининг таъминланишига имкон яратилиши зарур; 3) назорат органи ўз вазифасини муваффақиятли бажариши учун оператив мустақилликка эга бўлиши, кузатиш, шунингдек жойида текшириш ўтказиш йўли билан тегишли маълумотларни йиғиш имкониятига эга бўлиши, шу билан бирга ўз қарорларига мажбурий тус бериш ваколатига эга бўлишилозим; 4) назорат органлари банк фаолиятининг моҳияти тўғрисида яхши тасаввурга эга бўлиши ва имкони борича назоратидаги банклар ўзлари қабул қилаётган таваккалчиликларни бошқаришига эришиши лозим; 5) самарали назорат куйидагиларни, яъни алоҳида банклар томонидан қабул қилинаётган таваккалчиликлар миқдори ва характери баҳоланишини ва бу баҳоларга назоратнинг хусусияти мос келишини талаб қилади;

б) назораторганлариқуйидагиларгаишончхосилқилишилозим: банкўзи қабул қилган таваккалчиликларга мос равишда ресурсларга эга бўлиши, хусусан капитал етарлилиги, юқори малакали бошқарув ҳамда назорат ва ҳисоб тизимини шакллантириш; 7) назорат органлари ўзаро узвий ҳамкорликда ишлаши зарур.

Базель I ҳужжати регуляторлар (аксарият давлатларда Марказий банк) томонидан банклар устидан назоратнинг унификациялашган умумжаҳон тизимини яратишда асос вазифасини бажарди.

Мамлакатимизда 1998 йилда Базель қўмитасининг мазкур тавсиялари ҳамда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилди. Тижорат банкларини рўйхатга олиш ва лицензия бериш қоидаларини, банк капиталининг етарлилиги ва ликвидлигига қўйилган талабларни, активлар сифатини таснифлаш ва улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар яратиш талабларини, банклар ва уларга дахлдор шахслар билан ўтказиладиган

операцияларга қўйилган талаблар ҳамда бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражасини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Банк капиталининг етарлилигини баҳолашнинг янги ёндашувларини ривожланиши натижаси ўлароқ, 2004 йил 26 июнда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янгиланган ҳужжати – Базель II қабул қилинди³⁴.

Базель II стандартлари банк таваккалчиликларини бошқариш тизимини ва банк назорати тизимини ривожлантиришга қаратилган ва самарали банк назоратининг энг муҳим тамойилларини амалга оширишнинг аҳамиятли унсурларини ўз ичига олади. Базель II ҳужжати учта асосий компонентга (Pillar 1, 2, 3) бўлинган. Уларнинг биринчиси (Pillar 1) капитал етарлилигига қўйилган энг кам талабларни ўрнатади; иккинчиси (Pillar 2) банкнинг капитал етарлилигини назорат қилишни ташкил этишга қаратилган; учинчиси (Pillar 3) эса бозор интизомига риоя этиш, транспарентлик тамойилини йўлга қўйиш ва банклар томонидан қабул қилинадиган таваккалчиликларни очиб бериш бўйича масалаларга бағишланган. Шунингдек, Базель II ҳужжати кредит таваккалчилигига алоҳида (стандартлашган, ички рейтингга асосланган) ёндашувларни таклиф этади. Жаҳон ҳамжамиятида Базель II стандартлари 2006 йил декабр ойида расмий кучга кирди.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси 2007-2008 йиллардаги жаҳон молиявий инқирозидан олинган сабоқлар натижасида дастлаб 2009 йил декабрь ойида «Банк секторининг барқарорлигини ошириш» маслаҳат ҳужжатини (Consultative document), кейинчалик, аниқроғи 2010 йил декабрда Базель III: Ликвидлилик таваккалчилигини ҳисоблаш, мезонлар ва мониторинг бўйича халқаро стандартларни (Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring) ва Базель III: Янада барқарор банклар ва банк тизимини тартибга солишнинг глобал

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижрат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й., 27/5 – сонли). – Тошкент, 2021

стандартларини (Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems) чоп этди.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасига кўра, Базель III стандартларининг иккита асосий мақсади мавжуд: а) янада барқарор банк тизимини шакллантириш мақсадида банк капитали ва ликвидлилигини бошқариш бўйича халқаро меъёрларни такомиллаштириш; б) банк секторининг молиявий ва иқтисодий инқирозлар оқибатларини бартараф этиш қобилиятини яхшилаш, пировардида бундай муаммоларни иқтисодиётнинг молиявий секторидан реал секторига ўтиш таваккалчилигини камайтириш. Ушбу мақсадга эришиш учун Базель III стандартлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича бўлинади: 1) капитални ислоҳ қилиш (шу жумладан, капиталнинг сифат ва миқдори, барча таваккалчиликларни инобатга олиш, қарз юки коэффицентини, консервация ва контрциклик буфер капитали тушунчаларини жорий этиш); 2) ликвидлиликни ислоҳ қилиш (қисқа (LCR) ва узок (NSFR) муддатли); 3) молиявий тизимни барқарорлигини такомиллаш-тиришга қаратилган бошқа унсурлар³⁵.

Базель III стандартлари 2019 йилгача босқичма-босқич жорий қилиниши белгиланган. Мамлакатимизда банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилишни халқаро тан олинган андозаларга мос равишда такомиллаштириш мақсадида доимий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган активларнинг 23,7 фоизини ташкил этмоқда. Бу банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган стандарт кўрсаткичидан қарийб 3 баравар кўпдир.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча тижорат банклари «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» баҳоларига эга. Юртимизда банк назорати самарали йўлга қўйилганлигининг халқаро ҳамжамият томонидан ҳам тан олинishi мамлакат банк

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й. 27/6 – сонли). – Тошкент, 2021

тизимига бўлган ишончни оширишнинг асосий омилларидан биридир.

Мамлакат банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш масаласи бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмади. 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сон Қарорининг қабул қилиниши банк тизимини ривожлантиришнинг келгуси режаларини белгилаб берди. Хусусан, мазкур Қарор билан Марказий банкка банк назорати бўйича Базель кўмитасининг Базель III стандартларини 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш юклатилди. Унда банкларнинг ликвидлилигини ва капитал монандлигини, шунингдек уларни бошқариш усуллари ва механизмларини белгиловчи меъёрий талабларни Базель III стандартлари асосида а) юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланувчи ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффицентини (LCR) жорий қилиш ва унга минимал талабни 100% миқдорида белгилаш; б) барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати сифатида аниқланувчи соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффицентини (NSFR) жорий қилиш ва унга энг кам талабни 100% миқдорида белгилаш; в) капитал таркибини ўзгартиришни жорий қилиш ва регулятив капитал монандлик коэффицентининг энг кам миқдорини 10%дан 14,5%гача босқичма-босқич ошириш; г) таваккалчиликка тортилган жами активларнинг 3%дан кам бўлмаган миқдорда консервация буферининг ташкил қилинишини ҳисобга олган ҳолда биринчи даражали капиталнинг монандликкоэффицентининг энг кам миқдорини 5%дан 11%гача босқичма- босқич ошириш; д) капитал монандлигини аниқлаш мақсадида операцион ва бозор таваккалчиликларини баҳолаш усуллариини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланди.

Ушбу Қарорда банк назорати бўйича Базель кўмитаси тавсия

қилган «Самарали корпоратив бошқарув тамойиллари»ни банк фаолиятига жорий қилиш, йиллик ва оралиқ молиявий ҳисоботларни банкларнинг веб-сайтларида жойлаштириш ва банк сири тўғрисидаги қонунчилик доирасида бошқа усуллар орқали банк фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошкоралигини янада ошириш белгиланди. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк томонидан Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг халқаро экспертлари билан биргаликда республика банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар, жумладан банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштирилди.

2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли Қарори доирасида Марказий банкнинг айрим Низомларига ўзгартиришлар киритилди, айримлари тубдан қайта кўриб чиқилиб, янги таҳрири қабул қилинди. Жумладан, Базель қўмитаси талаблари асосида меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди ва қайта қабул қилинди. Марказий банкнинг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми Базель қўмитасининг янги тавсияларига босқичма-босқич ўтишни назарда тутди. Хусусан, банкнинг I даражали капитали (T_1 – Tier₁) икки қисмга, яъни I даражали асосий капитал (CE_{T_1} – Common Equity Tier₁) ва I даражали қўшимча капиталга (AT_1 – Additional Tier₁) бўлинди. I даражали асосий капитал (CE_{T_1}) регулятив капиталнинг (TC – Total capital) 60 фоизидан кам бўлмаслиги ҳамда I даражали капитал (T_1) регулятив капиталнинг (TC) 75%ни ёки ундан ортиғини ташкил этиш лозимлиги белгиланди.

Банк I даражали асосий капитали таркибига тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар, тақсимланмаган фойда ва девальвация захираси киритилган. Шунингдек, барқарор капитал базасини шакллантириш мақсадида, регулятив капиталдан қилинган чегирмалар I даражали капиталдан чегирилади.

Банк капиталини ошириш мақсадида Базель III тавсияларига мувофиқ, ҳар бир банкда молиявий-иқтисодий инқирозлар юзага

келганда, эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун жами активларнинг 3%дан кам бўлмаган миқдорда консервация буфери ташкил қилинишини ҳисобга олган ҳолда банкнинг регулятив капитални, I даражали капитални ва I даражали асосий капитални йилма-йил кўпайтириб бориш кўзда тутилди. Жумладан, 2016 йил 1 январдан бошлаб банкларга регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти (K_1) нинг энг кичик даражаси 11,5% миқдорида белгиланган бўлиб, банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3% миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда ушбу кўрсаткич 2017 йил январдан 12,5%, 2018 йил 1 январдан 13,5% ва 2019 йил 1 январдан бошлаб K_1 нинг энг кичик даражасини 14,5 % миқдорида таъминлашлари лозим.

Капиталнинг монандлик даражаси талаблари билан бир каторда банклар I даражали капитални номоддий активларни чегириб ташланган ҳолда баланسدан ташқари воситалар ва ҳосилавий (дериватив) воситалар қўшилган умумий активлар суммасига нисбатисифатида аниқланадиган левераж коэффиценти ($Leverage\ ratio$) риоя этишлари керак. Яъни $K_3 = I$ даражали капитал / (Умумий активлар + Баланسدан ташқари воситалар + Ҳосилавий (деривативлар) воситалар — Номоддий активлар). Левераж коэффицентининг энг кичик даражаси 6%га тенг³⁶.

«Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низом³⁷да банк ликвидлигини бошқариш талаблари, ликвидликни бошқариш стратегияси, усуллари ва ликвидлиликни баҳолаш масалалари батафсил ёритиб берилган. Ушбу низомда банклар ўзларининг ликвидлилик ҳолатларини ҳар чорақда камида бир марта стресс тестларидан ўтказишлари лозимлиги, стресс тестларининг якуний натижаси бўйича таваккалчиликни бошқариш стратегиясини тўғрилаб боришлари кераклиги ва стресс тестларининг натижаларидан келиб

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й., 27/5 – сонли). – Тошкент, 2021

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й., 27/5 – сонли). – Тошкент, 2021

чикиб кутилмаган стресс ҳолатларида қўшимча маблағлар билан таъминлаш режаларини ишлаб чиқишлари зарурлиги белгиланган. Ушбу низомдаги асосий ўзгариш сифатида жорий ликвидлилик коэффицентидан ташқари 2016 йил 1 январдан бошлаб ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти LCR (Liquidity Coverage Ratio) ҳамда 2018 йил 1 январдан бошлаб соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффицентининг NSFR (Net Stable Funding Ratio) жорий этилишини қайд этиш лозим. Ушбу кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади:

а) $\text{ЖЛК} = \text{Жорий активлар} / \text{Жорий мажбуриятлар} \times 100\% > 30\%$.
Бунда жорий активлар - тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкнинг ликвидли активлари ва қўйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно; жорий мажбуриятлар - талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар.

б) $\text{ЛҚМК} = \text{Юқори ликвидли активлар} / \text{Кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим} \times 100\% > 80\%$; ЛҚМК 2017 йил 1 январдан бошлаб 90%дан, 2018 йил 1 январдан бошлаб 100%дан кам бўлмаслиги лозим.

в) $\text{СБММК} = \text{Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси} / \text{Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси} \times 100\% > 100\%$. Бунда барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси: банк регулятив капитали; амалдаги қайтариш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари; қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30%; қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30%.

Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси: қайтарилишига 1 йил ва ундан ортиқ муддат қолган банк активлари, шу жумладан муаммоли кредитлар ва номолиявий активлар (ер участкалари, бинолар, мебель, компьютерлар ва автоуловлар); суд жараёнида бўлган ёки белгиланган тартибда ундирилмаган активлар; қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа активлар суммасининг 30%,

қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган ёки муддатсиз ликвидли активлар бундан мустасно; баланسدан ташқари моддалардаги мажбуриятларнинг 15%.

«Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом³⁸да активларни таснифлаш тоифаларининг номлари - жумладан, «яхши» кредитлар «стандарт» кредитларга, «стандарт» кредитлар «субстандарт» кредитларга, «субстандарт» кредитлар «қониқарсиз» кредитларга ўзгартирилган.

Банклар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қолган фойда ҳисобидан ушбу низом кучга кирган санадан эътиборан ажратилиб, ҳисобот санасига «стандарт» сифатида таснифланган кредитлар (активлар) қолдиғига 1% миқдорида захиралар ташкил қилиниши жорий қилинди. Мазкур захира банк капитали таркибида яратилади ва бу банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Низомда тижорат банклари томонидан корхоналарнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларини таснифлашнинг аниқ омиллари кўрсатилган. Жумладан, охириги бир йил давомида тижорат банкига даромад келтирмаган инвестиция – «қониқарсиз» сифатида; охириги икки йил давомида тижорат банкига даромад келтирмаган инвестиция – «шубҳали» сифатида; охириги уч йил давомида даромад олинмаган инвестиция – «умидсиз» сифатида таснифланади.

5.5. Капиталнинг етарлилигини таҳлил қилиш

Таҳлилнинг мақсади - умумий динамика ўзгаришлар билан таркибий ўзгаришларни, уларнинг банк капиталининг мутлоқ қийматига таъсирини, капиталнинг ҳақиқий даражасига, белгиланган минимал талабларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й. 27/7 – сонли). – Тошкент, 2021

Таҳлилнинг мақсади ўз маблағларининг динамикаси ва сифат таркибини баҳолаш; банкнинг баланс ва балансдан ташқари позицияларида банкнинг потенциал йўқотишлари хавфи ва уларнинг капиталнинг етарлилик коэффициентига таъсирини баҳолаш; капиталнинг етарлилик коэффициентининг бажарилишини ва унинг ўзгаришига таъсир кўрсатган омилларни баҳолаш; капиталнинг етарлилиги сифат кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш; банкнинг ўз маблағларини иммобилизация қилиш сабабларини аниқлаш; нетто ва брутто ўз маблағларини аниқлаш; банкнинг ўз маблағларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига даромадларнинг ўсиш заҳираларини аниқлаш ва баланс ликвидлигини баҳолаш.

Амалда вертикал ва горизонтал таҳлил усуллари кенг қўлланилади. Вертикал (тузилмавий) таҳлил капиталнинг алоҳида унсурларидаги ўзгаришларни, асосий ва қўшимча капитал ўртасидагинисбатни баҳолаш ва банк капиталини ташкил этувчи манбаларнинг барқарорлигини аниқлаш имконини беради. Тузилмавий таҳлил коэффициент таҳлилидан фойдаланганда ҳар доим ҳам аниқлаб бўлмайдиган сифат тенденцияларини аниқлашга имкон беради. Горизонтал таҳлил банк ўз капиталининг алоҳида унсурларидаги ўзгаришлар тенденцияларини аниқлаш имконини беради.

Банкнинг ўз капиталини таҳлил қилиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади. *I босқичда* хусусий капитал унсурларининг таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўзда тутилади; *I* ва *II* даражали капиталнинг нисбатларини таҳлил қилиш имкон берилади.

Хусусий капитал - бу тижорат банки балансида мавжуд бўлган асосий ва қўшимча капитал манбаларининг жамланмасини ифода этади. Унда асосий капитал билан қўшимча капитални ташкил этувчи унсурларнинг таркиби ва динамикасини таҳлил қилинади, юзага келадиган ўзгаришларни келтириб чиқарувчи тенденциялар ва омилларни аниқлаш талаб қилинади.

II босқичда банкнинг баланс ва балансдан ташқари

операцияларида банк фаолиятининг потенциал йўқотишлари хавфи билан капиталнинг етарлилик коэффициентига кўрсатиладиган таъсирлар баҳоланади. Ушбу босқичда банкнинг таваккалчиликка асосланган активлари таркиби ва баланسدан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилган рискларни таҳлил қилиш лозим бўлади.

III босқичда банк капиталининг етарлилик коэффицентининг бажарилиши ва унинг ўзгаришларига таъсир кўрсатадиган омиллар таҳлил қилинади. Ушбу босқичда ҳақиқий меъёрлар Марказий Банк томонидан ушбу банклар гуруҳи учун белгиланган меъёрлар билан таққосланади ва таҳлил қилинаётган даврда унинг ўзгаришига сабаб бўлган омиллар аниқланади.

IV босқичда хусусий маблағларни иммобилизация қилиш коэффициенти ҳисоб-китоб қилинади. Хусусий маблағлар (нетто) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$XM_{\text{netto}} = XM_{\text{brutto}} - IM_{\text{xm}}$$

бу ерда UM_{netto} - хусусий маблағлар - нетто; UM_{brutto} - хусусий маблағлар - брутто; IM_{xm} – иммобилизация қилинган хусусий маблағлар.

Иммобилизация қилинган хусусий маблағларга қуйидагилар кирази: 1) капиталлаштирилган активлар - қолдиқ қийматлар бўйича хўжалик материаллари, асосий воситалар ва номоддий активларга инвестициялар, шунингдек банкнинг тугалланмаган қурилишлари; 2) молиявий инвестициялар, яъни бошқа банклар, ташкилотлар, корхоналарнинг устав капиталига аъзолик бадаллари; инвестициялаш учун сотиб олинган акциялар.

Банкнинг ўз маблағларининг сифат таркибини баҳолаш иммобилизация қилинган ўз маблағларининг ялпи ўз маблағларига нисбати сифатида аниқланувчи иммобилизация коэффициенти билан тавсифланади. Иммобилизация коэффицентининг ўртача қиймати 0,5 ни ташкил қилади ва унинг қийматининг 1 га яқинлашиши банкнинг ўз маблағлари етишмаслигини кўрсатади. Агар қиймат 1 дан катта бўлса, демак, банк даромад келтирмайдиган активларни

молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларга дуч келади ва у ушбу мақсадлар учун йиғилган маблағлардан фойдаланиши керак. Занжирли алмаштириш усули ёрдамида иммобилизация коэффициенти қийматига омилларнинг таъсирини аниқлаш мумкин. Ушбу таҳлил бир неча босқичда амалга оширилади: 1) нетто ўз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг тузатилган коэффициенти аниқланади; 2) иммобилизация миқдори ўзгаришининг таъсири давр бошидаги тузатиш киритилган қиймат ва иммобилизация коэффицентининг қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади; 3) ўз маблағларининг ялпи оғишининг таъсири давр охиридаги коэффицент қиймати ва тузатиш киритилган қиймат ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

1. Тафовутларни жамлаш йўли орқали иммобилизация коэффицентининг умумий тафовути аниқланади:

$$\mathbf{K_{im} = IM_{xm} : XM_{brutto},}$$

$$\mathbf{\Delta K_{im} = K_{im}^o - K_{im}^b}$$

босқич – бу ўз маблағларидан фойдаланишни баҳолашдир. Хусусий капиталидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткич - бу нетто - ўз маблағларидан кредит қўйилмаларига нисбатан самарали фойдаланиш коэффициенти ҳисобланади.

Коэффицентнинг қиймати 1 сўм кредит қўйилмаларига қанча хусусий маблағлар (нетто) тўғри келишини кўрсатади. Хусусий маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти қийматига омилларнинг таъсирини аниқлаш учун омилли таҳлил ўтказилади. Бунинг учун занжирли алмаштириш усули қўлланилади: нетто - ўз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг тузатиш киритилган коэффициенти ҳисобланади; хусусий маблағларидаги (нетто) ўзгаришларнинг таъсири аниқланади (давр бошидаги тузатилган қиймат ва коэффицент қиймати ўртасидаги фарқ сифатида); кредит қўйилмаларидаги ўзгаришларнинг таъсири ҳисобланади (давр охиридаги коэффицент қиймати ва тузатилган қиймат ўртасидаги фарқ сифатида); коэффицентнинг умумий

оғиши оғишларни жамлаш орқали аниқланади. Хусусий маблағларидан (нетто) фойдаланиш самарадорлиги коэффицентини ҳисоблаш қуйидаги формулага мувофиқ амалга оширилади:

$$K_{ms} = XM_{netto} : K_q, K_{ms} = XM_{netto} : A_{dk}$$

бу ерда K_{ms} – хусусий маблағлардан (нетто) фойдаланиш самарадорлик коэффицентини; K_q - кредит қўйилмалари; A_{dk} - даромад келтирувчи активлар.

Сўнгра, иммобилизация коэффицентини таҳлил қилишда бўлгани каби, омилларнинг нетто-ўз маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги коэффицентини қийматига таъсирини аниқлаш учун омилли таҳлил ўтказилади. Банк амалиётида назорат органлари томонидан белгиланган кўрсаткичлардан ташқари, капитални баҳолаш учун бошқа кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Банкларни «муаммоли банклар рўйхати» га киришига сабаб бўлувчи рискни ўлчаш учун жаҳон банк амалиётида соф капитал индексидан фойдаланилади ва у қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$S_{ki} = (X_k + Z_m - A_t) : A_u,$$

бу ерда S_{ki} – соф капитал индекси; X_k – хусусий капитал; Z_m – захиралар; A_t – ўртача таснифланган активлар; A_u – активлар.

Таснифланган активларга «шубҳали» ёки «зарар келтирувчи» активлар киради. Соф капитал индекси билан бир қаторда, қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам амалда кенг қўлланилади: а) акционерлик капиталининг банкнинг жами активларига нисбати, унинг пасайиши акциядорлар ва унинг қарз мажбуриятлари эгаларининг риск даражаси ошганлигидан далолат беради; б) олинган маблағлар ва жами мажбуриятларнинг нисбати. Олинган маблағлар одатда бир йил ичида тўланиши лозим бўлган суғурта қилинмаган депозитлар, бошқа банклар, корпорациялар ва давлат идораларининг пул бозоридаги кредитлари сифатида тушунилади; в) акционерлик капитали варискка мойил активлар ўртасидаги нисбат; г) бирламчи капитал ва жами активлар ўртасидаги нисбат.

Банкнинг хусусий капиталини таҳлил қилишнинг якуний

босқичи тижорат банкининг хусусий капитали рентабеллигини таҳлил қилишдир. Банкнинг хусусий капиталининг рентабеллик (фойдалилик) даражаси ROE одатда солиқ тўлангандан кейинги фойдани акционерлик капиталига нисбати сифатида ҳисобланади:

$$ROE = SF_{sk} : K_{ak} \times 100,$$

Активларнинг акционерлик капиталига нисбати банкнинг рентабеллик даражасига таъсир қилувчи банк капиталининг мультипликатори деб аталади.

Банк хусусий капиталининг рентабеллиги унинг ихтиёрида бўлган активларнинг даромадлилиги (рентабеллиги) ва даромадлари харажатлардан юқори бўлган банк активларини молиялаштириш учун жалб қилинган маблағлар улушига боғлиқ бўлади.

Таҳлилнинг яқини олинган натижаларни умумлаштириш ва хулосалар ва тавсияларни тайёрлашдан иборатдир. Агар банк активларининг, шу жумладан риск даражаси бўйича ўлчанган активларнинг ўсиш суръати капиталнинг ўсиш суръатларидан устун бўлса, унда бундай нисбатга салбий баҳо берилиши лозим. Риск даражаси юқори бўлган активлар гуруҳлари, балансдан ташқари операциялар rischi ва уларнинг ўзгариш динамикасига эътибор бериш керак. Балансдан ташқари операцияларнинг тезроқ ўсишида банк капиталининг ўсиш суръати тўпланган рискларнинг ўсиш суръатларидан ошиши лозим, бунда баланс операцияларига қараганда балансдан ташқари операциялар riskларини баҳолаш анча қийинлигини ёдда тутиш керак. Агар банк H_1 нормативига мувофиқ, амалда катта захирага эга бўлса, ўзгариш суръатлари бир мунча илгарिलाши ёки бирдек ўзгаришига йўл қўйишимиз мумкин.

Банк капитали тузилмасини баҳолашда банкнинг захира капиталининг банкнинг бошқа маблағларига қараганда тезроқ ўсиши ижобий жиҳат ҳисобланади, чунки бу банк фаолиятининг (фойдасининг) ижобий натижаларини ва банкнинг ички манбалардан капитал ўсишини таъминлашга интилишини кўрсатади.

I даражали капиталнинг II даражали капиталга нисбатан юқори

Ўсиш суръатларини банкнинг ўз капиталини баҳолашнинг ижобий томони сифатида қайд этиш лозим, чунончи асосий капиталнинг унсурлари бир мунча барқарор ҳисобланади. Бундан ташқари, банкнинг ўз капиталини ошириш истаги, бир томондан кўпинча кўчмас мулк қийматини ортиқча баҳолашга олиб келса, бошқа бир томондан эса капиталнинг амалда кўпайишига олиб келмайди³⁹.

Ўз капиталидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъни даромад келтирувчи активларни молиялаштиришда ўз капиталининг қайси қисми иштирок этишига, хусусан, рискка юқори даражада мойил бўлган кредит портфелидан фойдаланишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб қилинади. Мазкур коэффициентларнинг ижобий динамикасида банкнинг ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлиги ошаётганлиги борасида хулоса яшаш мумкин.

Ўз капиталнинг рентабеллиги ва активларнинг даромадлилиги муҳим аҳамиятга эга, чунки фойда ўз капитални ўсишининг асосий манбаи бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, ушбу кўрсаткичларнинг ижобий динамикаси ёки уларнинг барқарорлиги ва банк ихтиёрида қолган фойда улушини оширишга қаратилган банк сиёсати банкнинг ўз рискларига мос келадиган заҳираларига эга эканлигини кўрсатади.

Муҳокама учун саволлар

1. Ўз капиталининг тузилмаси ва ўлчамларининг банк учун аҳамияти нималарда кўринади?
2. Банк қандай ташқи манбалардан фойдаланиши мумкин ва бу ўз капитални миқдорига қандай таъсир қилади?
3. Банк активлари таркиби ўз капиталининг етарлилик коэффициенти нормативларига риоя қилинишига қандай таъсир кўрсатади?
4. Базель қўмитаси томонидан капиталнинг етарлилигини баҳолашда қандай мақсадлар кўзланган?

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й., 27/5 – сонли). – Тошкент, 2021

5. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш борасида қайси кўрсаткичлар ўз капиталини тўлиқ тавсифлайди?

6. I даражали капиталнинг II даражали капиталга нисбатан юқори ўсиш суръатларини банкнинг ўз капиталини баҳолашнинг ижобий томони сифатида қайд этиш лозим, чунончи асосий капиталнинг унсурлари бир мунча барқарор ҳисобланадими?

7. Банкнинг ўз маблағларининг сифат таркибини баҳолаш иммобилизация қилинган ўз маблағларининг ялпи ўз маблағларига нисбати сифатида аниқланувчи иммобилизация коэффициенти билан тавсифланадими?

VI БОБ. БАНК ДЕПОЗИТЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН РЕСУРЛАРНИ БАҲОЛАШ

6.1. Банк депозитларига жалб қилинган ресурсларни таркибий баҳолаш

Жалб қилинган ресурслардан фойдаланиш шартига кўра, улар депозитли ва депозитсиз шаклларга бўлинади. Жалб қилинган воситалар (жалб қилиш вақти ва технологияси, ҳисобварақлар тури), операция контрагенти - миждознинг табиати (аҳоли, юридик шахслар, уларнинг мақоми), жалб қилинган маблағларнинг валютаси ва бошқаларга кўра, жалб қилинган ресурслар яна бир қатор турларга ажратилади.

6.1-жадвал

Жалб қилинган банк ресурсларининг таснифланиши

Таснифлаш мезони	Жалб қилинган ресурслар тури
Жалб қилиш шакли	Депозитли Депозитсиз, шу жумладан: Марказий банк кредитлари, банклараро кредитлар, олинган қарз мажбуриятлари
Шаклланиш манбалари	Жисмоний шахсларнинг маблағлари Юридик шахсларнинг маблағлари
Жалб қилиш муддатининг тавсифи	Қатъий белгиланган муддат Талаб қилиб олингунча муддат
Жалб қилиш муддатининг давомийлиги	Жорий муддатли Қисқа муддатли Ўрта муддатли Узоқ муддатли
Нарх даражаси	Бепул Арзон Қиммат
Фоиждларнинг ҳисобланиши	Фоиждсиз Оддий фоиждларни ҳисоблаш Мураккаб фоиждларни ҳисоблаш

Мижоз тоифаси	Аҳоли маблағлари Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари Корхона ва ташкилотларнинг маблағлари Марказий банк маблағлари Банк маблағлари
Мижознинг жойлашган ўрни	Резидентларнинг маблағлари Норезидентларнинг маблағлари
Ҳисобварақлар тури	Жорий ва ҳисоб-китоб рақамларидаги маблағлар Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги маблағлар Муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағлар Бюджет ҳисобварақларидаги маблағлар Корреспондентлик ҳисобварақларидаги маблағлар Кредиторларнинг маблағлари
Риск даражаси	Юқори рискли Банк учун мақбул бўлган риск даражаси
Фоиз ставкаларининг ўзгаришига сезгирлик	Ўзгарувчи фоиз ставкалари Ўзгармас фоиз ставкалари
Барқарорлик	Бир мунча барқарор Бир мунча норбарқарор
Бошқаришнинг мураккаблиги	Осон бошқарилувчан Қийин бошқарилувчан
Валюта	Миллий валюта - сўм Хорижий валюталар

Жалб қилинган ресурслар тижорат банки ресурсларининг умумий ҳажмида асосий улушни эгаллайди. 2008 йилги инқироздан аввалроқ, у 80% дан ошар эди. Инқироз даврида депозит ресурсларининг чиқиб кетиши, қимматли қоғозлар билан операцияларнинг қисқариши хусусий капитал улушининг вақтинча ўсишига олиб келди.

Инқирозгача бўлган даврда жалб қилинган ресурслар кўламини кенгайтиришда қуйидаги тенденциялар мавжуд эди: а) жалб қилинган ресурсларнинг умумий ҳажмида депозит ресурслари

улушининг ўсиши (70-80 дан 93% гача); б) банклар томонидан пул маблағларини жалб қилиш учун пул бозори воситаларидан фойдаланганлиги сабабли, кредит ташкилоти ресурсларининг умумий ҳажмидаги депозит ресурслари улушининг ўзгариши; в) қатъий белгиланган муддатли депозитлар улушининг ўсиши; г) пул бозори воситаларидан фойдаланган ҳолда ресурсларни жалб қилиш улушининг ўсиши; д) норезидентлардан ресурсларни жалб қилишнинг ўсиши.

Жалб қилинган ресурсларнинг асосий қисми (90% гача) тижорат банкининг депозит ресурслари, яъни мижозлар банкка қўядиган ёки молиявий, ҳисоб-китоблар, траст ва бошқа банк операциялари турининг амалдаги тартиби туфайли банк ҳисобварақларида муайян вақт давомида «сақлаб туриладиган ҳаракатсиз» маблағлардир.

Қуйидаги жараёнлар кредит операцияларининг ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган депозит базасини ривожлантиришнинг шартлари ҳисобланади:

1. Банкнинг депозит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
2. Депозит ресурслари ва депозит операцияларини диверсификация қилиш.
3. Депозит операцияларининг қиймати ва ресурслар нархининг нисбати билан белгиланадиган депозит операцияларининг рентабеллиги.
4. Банкнинг депозит портфелини бошқариш.
5. Депозит операциялари ва хизматлари сифати.
6. Депозит ресурслари нархининг иқтисодий асосланиши;
7. Банк учун унчалик қулай бўлмаган шартларда ресурсларнинг чиқиб кетиши ва янги ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ депозитрискини минималлаштириш⁴⁰.

Барча жалб қилинган ресурсларнинг ҳажми ва таркиби, уларнинг асосий таркибий қисми - депозит базасининг сифати банкнинг молиявий барқарорлиги даражасига сезиларли таъсир кўрсатади: а) жалб қилинган ресурслар таркибининг банк активлари

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низоми (24.12.2020 й. 27/9 – сонли). – Тошкент, 2020

таркибига мувофиқлик даражаси балансинг ликвидлилигини, яъни банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш имкониятини белгилайди; б) максимал даражада даромад келтирадиган узоқ муддатли ва рискли актив операцияларни амалга ошириш қобилияти етарли миқдордаги барқарор ресурсларнинг мавжудлигига боғлиқ; в) даромад келтирадиган ва банкнинг рақобатбардош мавқеини мустаҳкамлайдиган актив операцияларни ривожлантириш жалб қилинган ресурслар ҳажмига боғлиқ; г) жалб қилинган ресурслар қиймати банк харажатлари, фоиз маржаси ва фойда даражасига бевосита таъсир қилади.

Жалб қилинган ресурслар ҳажми ва сифати уларни баҳолаш мезонларини бевосита назарда тутлади. Ушбу мезонларга қуйидагилар киради: банк ресурслари базасининг банкнинг баланс ликвидлигига таъсири; банк фойдасини кўпайтиришда ресурс тузилмасининг роли; банкнинг рақобатбардош мавқеини мустаҳкамлашда ресурсларбазасининг аҳамияти.

Банкнинг ресурслар базасини баҳолашнинг санаб ўтилган мезонлари турли хил баҳолаш усуллари орқали амалга оширилади, уларнинг тизимига қуйидагилар киради: а) вазиятли таҳлил; б) таркибий таҳлил; в) молиявий коэффициентлар тизими асосида баҳолаш; г) банк ресурслари ва активларининг мувозанатини баҳолаш; д) банкнинг пассив операциялари бўйича харажатлар даражасини баҳолаш; е) депозит ресурслари бўйича фоиз ставкасини иқтисодий асослаш асосида нарх сиёсатини баҳолаш.

Вазиятли таҳлил - бу мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, яъни ресурсларнинг шаклланишига таъсир қилувчи устувор омилларни аниқлашга имкон берувчи ички ва ташқи жараёнлар, ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг афзал усуллари, депозитларни жалб қилишнинг кучли ва заиф томонлари, рисклар ва имкониятларни башорат қилишдир. Вазиятли таҳлил ички ва ташқи муҳитни таҳлил қилишдан иборат. Ташқи муҳитни таҳлил қилиш қуйидаги омилларга асосланади: ялпи ички маҳсулот ҳажми ва динамикаси; миллий даромад ҳажми ва динамикаси; банк корхоналарга хизмат

кўрсатишга ихтисослашган тармоқ ёки соҳанинг ривожланиш тенденцияси; меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва аҳоли турмуш даражаси; аҳоли жамғармалари ҳажми; банк мжозлари - тармоқ ва корхоналарнинг рентабеллиги; инфляция даражаси; ишсизлик даражаси; фуқароларнинг банкларга бўлган ишонч даражаси; иқтисодий инвестицияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси; корхоналарни хусусийлаштириш ёки миллийлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати; фуқаролар ва инвесторлар манфаатларини кафолатловчи қонунчилик базасининг мавжудлиги; жамиятдаги сиёсий барқарорлик ва бошқалар.

Ташқи муҳит кўрсаткичлари уларнинг динамикаси асосида таҳлил қилинади. Тилга олиб ўтилган кўрсаткичлар асосида вазиятни янада ривожлантириш прогнози банк фаолият кўрсатаётган ҳудудлар (унинг филиаллари ва бўлинмалари) кўрсаткичлари асосида белгиланади. Башоратлашнинг натижаси банкнинг депозит базасига таъсир қилувчи - энг яхши, эҳтимоллик даражаси юқори ва энг ёмон сценарийларга асосланган ҳодисаларнинг ривожланиш вариантларини ишлаб чиқиш каби учта омил ҳисобланади.

Ички муҳитни таҳлил қилиш қуйидаги жараёнларни баҳолашни ўз ичига олади: а) энг яқин рақобатчиларга нисбатан таққослаганда кўрсатиладиган хизматларнинг миқдори ва сифати; б) банкнинг шаклланган мижозлар базаси ва унинг ўзгариши; в) омонатлар ҳажми ва динамикаси; г) банкнинг иқтисодий субъектларнинг ресурсларини сафарбар этиш сиёсати нуқтаи назаридан банк ташкилий тузилмасининг монандлиги; д) депозит сиёсатини амалга ошириш соҳасида фаолият кўрсатувчи ходимларнинг малакаси.

Таркибий таҳлил ресурслар базасининг алоҳида таркибий қисмларининг нисбатидаги ўзгаришларни миқдорий аниқлашга ва шуасосда хавф зоналарини аниқлашга имкон беради.

Молиявий коэффициентлар тизими ресурслар базасининг банк баланси ликвидлигига таъсир даражасини аниқлашга, банк фаолияти самарадорлиги (даромадлиги ва фойдалиги)ни оширишга ва бозорда рақобатбардош мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган, яъни

уюқоридаги баҳолаш мезонларига жавоб беради.

Молиявий ресурслар ва активларнинг ўзаро мувозанатини таъминлаш ресурс базасини сифатли баҳолаш ва банкнинг ресурслар таркиби билан боғлиқ риск соҳаларини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Пассив операциялар бўйича харажатлар даражасини баҳолаш уларнинг таннархини баҳолаш ва пассив операцияларнинг рентабеллиги бўйича ресурслар нархи билан таққослашдан иборатдир.

Депозит хизматлари бозорида банкнинг нарх сиёсатини баҳолаш кредит ташкилотида депозит фоизларининг умумий даражасини ва уни фарқлаш мезонларини иқтисодий асослаш бўйича ишларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Жалб қилинган ресурсларнинг таркибий таҳлили қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши мумкин: а) ўз маблағлари ва жалб қилинган ресурслар нисбатининг халқаро стандартларга мувофиқлиги ва оғиш сабабларини аниқлаш; б) жалб қилинган ресурслар таркибини жаҳон стандартлари ва банкнинг фаол операцияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари нуқтаи назаридан баҳолаш; в) депозит ресурсларнинг барқарор қисми улушининг халқаро стандартларга, Марказий банкнинг иқтисодий тартибга солишдан келиб чиқадиган талабларига, банкнинг фаолиятини ривожлантириш йўналишларига мувофиқлигини баҳолаш; г) жалб қилинган ресурсларни диверсификация қилиш даражасини таҳлил қилиш; д) баланс ликвидлиги ва банкнинг рентабеллиги нуқтаи назаридан ресурсларни жалб қилиш таркибини баҳолаш.

Халқаро стандартларга кўра, тижорат банкининг ресурсларида хусусий капиталнинг улуши 10 - 20% ни ташкил қилиши лозим. Бироқ, нафақат миқдорий нисбатни аниқлашни, балки унинг динамикасини белгиловчи омилларни ҳам таҳлил қилиш талаб қилинади. Бу ўз навбатида, ушбу нисбат капитал базасининг даражаси, Марказий банк талаблари, депозит ресурслари ва

қимматлиқоғозлар операцияларининг мутлоқ ўсиши ва инқирозли вазиятларда омонатларнинг чиқиб кетиши таъсир кўрсатиши билан изоҳланади. Инқирозли вазиятларда банк капиталининг улуши автоматик равишда ошади.

Халқаро банк амалиётида жалб қилинган ресурслар таркиби бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган: талаб қилиб олингунча ҳисобварақлардаги маблағлар улуши - 30%, банклараро кредитлар – 20 - 40%, бошқа турдаги жалб қилинган ресурслар – 30 - 50%.

Талаб қилиб олингунча ҳисобварақлардаги маблағлар кредит ресурсларининг сифатли унсури ҳисобланади, чунки улар жорий истеъмол учун мўлжаллангани ҳолда, кредит ташкилотларидаги депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг турли даражалар билан боғлиқ ҳолда чиқиб кетишининг rischi юқори эмас. Шунинг учун улар жалб қилинган ресурсларнинг учдан бир қисмига яқинини ташкил қилиши лозим.

Мақсадли йўналтиришдан келиб чиққан ҳолда, банклараро кредитлар улушининг тебранши - банк балансининг ликвидлигини бир маромда ушлаб туриш билан боғлиқ. Уларнинг улуши банкнинг тўлов тақвимининг динамикасига ва унинг муайян даврдаги молиявий ҳолатига боғлиқ. Депозит ресурсларининг барқарор қисмини тақсимлашда турли хил ёндашувлар мавжуд. Биринчи ёндашув ресурслар қатъий белгиланган муддатли депозитлар ва жамғарма омонатларни киритишни ўз ичига олади. Бироқ, ушбу ҳолатда, мазкур ҳисобварақлардаги қолган маблағлар шартнома муддати ичида барқарор бўлади. Муддатли депозитлар ва жамғарма омонатлари ҳисобварақларидаги маблағларнинг бутун массаси баъзи омонатлар муддатининг тугаши билан олиниши ва янги манбаларнинг уларга келиб қўшилиши, муддатидан олдин олиб қўйиш ва бошқа ҳодисалар таъсирида ўзгариб туради. Шунинг учун, шубҳасиз, ҳар бир депозит ресурслари барқарор ва ўзгарувчан (ҳаракатчан) қисмга эгаллигини кўзда тутувчи, иккинчи ёндашув мақбул ҳисобланади. Барқарор ресурслар ҳажми жалб қилинган

ресурсларнинг алоҳида турларининг умумий барқарор қисмларидан ташкил топади.

Депозит ресурсларининг барқарор қисмини аниқлаш учун улар миждозларнинг турлари ва бир хил гуруҳлар бўйича фарқланади. Ушбу гуруҳлар кесимида камайтирилмайдиган қолдиқни аниқлаш учун маълумотлар қатори (динамик қатор) асосида таҳлил қилинади.

Депозит ресурслари қуйидаги гуруҳларга ажратилади: тўлов муддати аввалдан белгилаб қўйилган омонатлардан ташқари, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари; муддатли депозитлар, шу жумладан талаб қилиб олинмайдиган депозитларнинг белгиланган қисми; жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олинмайдиган омонатлари; йирик миждозларнинг талаб қилиб олингунча ҳисобварақлари бўйича қолдиқлари⁴¹.

Камайтирилмайдиган қолдиқни аниқлашнинг эмпирик усул, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари ва бошқа усуллари мавжуд. Эмпирик усуллар асосан ўтган даврларни ҳисобга олади ва келгуси давр учун депозитлар бозорида туб ўзгаришлар орқали тавсифланганда унчалик ҳам қўл келмавермайди.

Математик статистика усуллариининг вариантлари ҳисоб қолдиқларининг ўртача қиймати атрофида ўртача ёйилишини (фарқини) тавсифловчи дисперсияни ҳисоб-китоб қилшга асосланади.

Нормал тақсимот параметрлари асосида депозит ресурслари гуруҳлари учун минимал қолдиқни аниқлаш ва прогноз қилиш (ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағларнинг сонли қатори тақсимот турига яқин бўлса) қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\min_x = x_2 - 3\sigma_x,$$

бу ерда: \min_x - мумкин бўлган минимал қолдиқ (эҳтимоллиги 90% дан ортиқ); x — муайян даврда депозит ресурслари гуруҳининг ўртача миқдори; δ_x - муайян даврда ҳисобварақлар гуруҳи бўйича қолдиқлар дисперсияси, у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низоми (24.12.2020 й. 27/9 – сонли). – Тошкент, 2020

$$\sigma_x = \sqrt{\sum(x_1 - x_2)^2 : (n - 1)} :$$

бу ерда: x_1 - муайян бир саналар учун ҳисобварақлардаги қолдиқлар (25дан кам эмас); x_2 - муайян бир даврдаги ўртача қолдиқ; n - маълумотлардан фойдаланилган саналар сони.

1. Ўтган даврлар учун камайтирилмайдиган қолдиқлар улушини тавсифловчи барқарорлик коэффициентини ҳисоб-китоб қилиш:

$$K_{\text{барқ}} = (1 - \sigma_x) : x_2$$

Барқарор қолдиқ улушининг ўсиши ижобий тенденция бўлиб, у депозит ресурсларини янада самарали жойлаштириш учун шарт - шароит яратади.

Жалб қилинган ресурслар таркибини муддатлар бўйича баҳолашнинг асосий ахборот базаси шартнома муддатлари ҳисобланади (6.2-жадвал). Бироқ, ресурсларни қайтаришгача бўлган муддатни ҳисобга олиш бир мунча муҳим. Ҳақиқий муддатлар билан шартнома муддатлари ўртасида тафовутлар катта бўлиши мумкин.

Ушбу жадвалда мижозлар бир нечта таҳлил гуруҳларига бўлинган: жисмоний шахслар, корхона ва ташкилотлар, банклар. Мазкур гуруҳларнинг ҳар бирида турли белгилар бўйича кичик гуруҳлар ажратилади. Масалан, мижозлар жисмоний шахслар мазкур банкнинг хизматларидан узоқ муддат мобайнида фойдаланишларига қараб қуйидаги гуруҳларга гуруҳланади, бунда банкка бўлган ишонч ва содиқлик энг муҳим омил саналади:

- 1) «содиқлик» даражаси юқори бўлган мижозлар (банк хизматларидан фойдаланиш муддати уч йилдан кўп);
- 2) ўртача «содиқлик» даражасига эга мижозлар (бир йилдан уч йилгача бўлган даврда банк хизматларидан фойдаланувчилар);
- 3) «содиқлик» даражаси ўртача даражадан паст бўлган мижозлар (банк хизматларидан бир йилгача бўлган даврда фойдаланганлар);
- 4) «содиқлик» даражаси паст.

Тошкент шаҳрида жойлашган банкларнинг бирида депозит ҳисобварақларида маблағлар бўлишининг реал муддатлари

Қўйилган маблағларни талабқилишнинг шартнома муддатлари	Контрагентлар		
	Жисмоний шахслар	Корхона ва ташкилотлар	Банклар
Талаб қилиб олингунча	256	83	3
1 кунга	-	-	1
2 кундан 7 кунгача	-	-	5
8 кундан 30 кунгача	124	27	21
31 кундан 90 кунгача	219	92	54
91 кундан 180 кунгача	411	160	109
181 кундан 1 йилгача	528	402	268
1 йилдан 3 йилгача	839	597	431
3 йилдан юқори	1234	986	1142

Ушбу жадвалда мижозлар бир нечта таҳлил гуруҳларига бўлинган: жисмоний шахслар, корхона ва ташкилотлар, банклар. Мазкур гуруҳларнинг ҳар бирида турли белгилар бўйича кичик гуруҳлар ажратилади. Масалан, мижозлар жисмоний шахслар мазкур банкнинг хизматларидан узоқ муддат мобайнида фойдаланишларига қараб қуйидаги гуруҳларга гуруҳланади, бунда банкка бўлган ишонч ва содиқлик энг муҳим омил саналади: 1) «содиқлик» даражаси юқори бўлган мижозлар (банк хизматларидан фойдаланиш муддати уч йилдан кўп); 2) ўртача «содиқлик» даражасига эга мижозлар (бир йилдан уч йилгача бўлган даврда банк хизматларидан фойдаланувчилар); 3) «содиқлик» даражаси ўртача даражадан паст бўлган мижозлар (банк хизматларидан бир йилгача бўлган даврда фойдаланганлар); 4) «содиқлик» даражаси паст (банк хизматларидан фойдаланиш муддати аниқ эмас).

Ҳар бир қуйи гуруҳлар бўйича таҳлил қўйилмалар миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Шубҳасиз, банкка «содиқлик ва ишонч» қанчалик юқори бўлса, банк молиявий барқарор экан, маблағларни ўз муддатидан олдин олиб қўйиш эҳтимоли шунчалик паст даражада бўлади.

Корхона ва ташкилотлар гуруҳи банк миждозларини бирмунча бошқача тартибга солиш мумкин. Уларнинг маблағлари айланмаси корхона ҳажмига боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу миждозлар гуруҳини миждознинг кўламига кўра кичик гуруҳларга бўлиш тавсия этилади: йирик миждозлар; ўрта миждозлар; кичик миждозлар.

Ҳар бир кичик гуруҳ маблағлар айланмасининг давомийлиги бўйича таҳлил қилинади: маблағлар айланмаси 30 кунгача бўлган; маблағлар айланмаси 31 дан 90 кунгача бўлган; маблағлар айланмаси

91 дан 180 кунгача бўлган; маблағлар айланмаси 181 кундан 1 йилгача бўлган; маблағлар айланмаси 1 йилдан ошган.

Демак, муддатлар бўйича ресурслар базасини таркибий таҳлил қилиш қуйидагиларни талаб қилади: а) ҳар хил турдаги депозит маблағлари қайтарилгунга қадар қолган муддатларнинг тизимдан ташқари ҳисоби; б) муддатлар бўйича ресурслар учун вақт чегарасини аниқлаш; в) шартнома муддатларини реал муддатларга мослаштириш.

Талаб қилиб олингунча ресурслар муддати бир хил миждозлар гуруҳлари бўйича уларнинг кунлар бўйича айланмаси асосида аниқланиши мумкин. Шу билан бирга, банк ҳажмига қараб айланмани ҳисоблаш технологиясини фарқлаш тавсия этилади.

Миждозлари нисбатан кам бўлган кичик банкларда талаб қилиб олингунча ҳисобварақлар бўйича ресурслар айланмасини ҳисоблаш ҳар бир миждоз учун амалга оширилиши мумкин. Йирик миждозлар базасига эга бўлган ўрта ва йирик банкларда бир хил миждозларнинг алоҳида гуруҳлари учун талаб қилиб олиш реал муддатнинг ўртача қийматларини ҳисоблаш тавсия этилади. Унинг ҳисоб-китоб формуласи қуйидагича кўринишга эга:

$$RM_{um} = \sum_{i=1}^n RM_i : \sum ST$$

бу ерда RM_{um} - маблағларнинг талаб қилиб олингунча ҳисобварағида бўлишнинг ўртача реал муддати; RM_i i - миждознинг ҳисобварағида маблағлар бўлишининг реал муддати; $\sum ST$ - ушбу

гуруҳдаги мижозлар билан тузилган шартномаларнинг таҳлил қилинадиган қисми; i - мижознинг ҳисобварағида маблағлар бўлишининг реал вақти.

Мижозларнинг ҳисобварақларида маблағларнинг реал муддатда жойлашуви маблағларнинг кунлар бўйича айланувчанлигига мувофиқкелади, у қуйидаги тартибда аниқланади:

$$HV_{uq} : HD_{ka}$$

бу ерда HV_{uq} - муайян даврда ҳисобварақларда пул маблағларининг ўртача қолдиғи; HD_{ka} - ҳисобварақнинг дебети бўйича бир кунлик айланма маблағлар миқдори.

6.2. Молиявий коэффицентлар асосида депозитларга жалб қилинган ресурслар сифатини баҳолаш

Жалб қилинган ресурслар бўйича банк ресурслари базасининг сифатини баҳолаш учун коэффицентларнинг бир нечта гуруҳларидан фойдаланиш мумкин: депозит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, трансформация рискинни баҳолаш, депозит ресурсларининг барқарорлик даражаси, банкнинг депозит хизматлари бозорида рақобатбардошлик коэффицентлари.

Депозит ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш. Депозит ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги банк фойдаси ёки унинг элементларини депозит ресурслари билан қиёслаш йўли билан баҳоланади:

$$K_1 = (BF_{md} \times DR_{ul}) : DR_{uq},$$

бу ерда BF_{md} - муайян давр учун банкнинг фойдаси; DR_{ul} - депозит ресурсларининг улуши; DR_{uq} - муайян даврда депозит ресурсларининг ўртача қолдиғи.

$$K_2 = (OF_{kr} - TF_{kr}) : DR_{uq},$$

бу ерда OF_{kr} - депозит ресурслари ҳисобидан молиялаштириладиган кредитлар учун олинган фоизлар; TF_{kr} - ссуда операцияларига қўйилган депозитлар бўйича тўланган фоизлар.

$$K_3 = KQ_{ur} : DR_{uq},$$

бу ерда KQ_{ur} - муайян бир даврдаги кредит қўйилмаларининг

ўртача қолдиғи.

K_3 коэффициентлари депозит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини уларнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда баҳолайди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларидаги мавжуд бўш пул маблағлари кредит тамойиллари асосида жорий фаолият эҳтиёжлари учун қарз олувчиларга ўтказиш учун мўлжалланган. Пул бозори воситалари ҳисобига шакллантириладиган бошқа ресурслардан фойдаланиш ҳар хил турдаги рискларга мойил эканлиги билан ажралиб туради. Бу уларнинг амалдаги қийматининг ҳаракатчанлиги (қимматли қоғозлар ставкасининг ўзгарувчанлиги, фоизлар, чегирмалар ва бошқалар) билан боғлиқ. Шу сабабли кредит қўйилмалари ва депозит ресурслари ҳажмининг ўзаро мос келиши мақбул ҳисобланади. Коэффициентнинг ўсиши депозит ресурсларини жалб қилиш бўйича ишлардаги камчиликлар ва ссуда операцияларини ривожлантириш базасининг ёмон ҳолатда эканлигини кўрсатади.

Трансформация рискинни баҳолаш. Трансформация рискин қисқа муддатли ресурсларни узоқ муддатли активларга жойлаштиришда намоён бўлади. У мувозанатлашмаган ликвидлилик рискиннинг омилларидан бири ҳисобланади.

Ушбу риск бўйича жалб қилинган ресурслар сифатини баҳолаш учун иккита коэффициент қўлланилади. K_4 коэффициентлари трансформация рискин даражаси тўғрисида умумий қарор қабул қилишга имкон беради; ресурс тақчиллик (ортиқчалик) даражаси деб аталувчи K_5 коэффициентлари эса риск зоналарини аниқлашга имкон беради.

$$K_4 = (JR_{qm} - AA_{qm}) : JR_{qm},$$

бу ерда K_4 - қисқа муддатли депозит ресурсларининг трансформация коэффициенти; JR_{qm} - қисқа муддатли жалб қилинган ресурслар; AA_{qm} - қисқа муддатли активлар.

$$K_5 = (R_{tr} - J_{tr}) : R_{tm},$$

бу ерда K_5 - ресурслар етишмаслиги (ортиқчалиги) ставкаси; R_{tr} - t муддатдаги ресурслар; J_{tr} - t муддатга жойлаштирилган ресурслар; R_{tm} - ресурсларни муддатида қайтаришгача қолган давр.

Депозит ресурсларининг барқарорлик даражасини баҳолаш.
Банк депозитлари базасининг барқарорлик даражасини баҳолаш учун K_6 барқарорлик коэффиценти, K_7 депозит ресурсларининг минимал қолдиқлари динамикаси ва K_8 омонатга қўйилган маблағларнинг ҳисобварақларда қолдиқ қолиш коэффицентларидан фойдаланилади.

$$K_6 = \sigma_x : X_{uq}$$

бу ерда σ_x - депозит ресурслари бўйича ҳақиқатдаги қолдиқларининг ўртача абсолю тафовут модули (қолдиқлар дисперсияси); x - депозит ресурсларининг ҳақиқий қолдиқлари (дастлабки ойдаги саналар учун 100 дан ортиқ қолдиқлар, бир марталик одатий бўлмаган қолдиқлар бундан мустасно); X_{uq} - муайян давр учун депозит ресурсларининг ўртача ҳақиқатдаги қолдиқлар.

$$K_7 = MQ_{hd} : MQ_{bd}$$

бу ерда MQ_{hd} - ҳисобот ёки келгуси даврдаги минимал қолдиқлар; MQ_{bd} - базавий даврдаги минимал қолдиқлари, ҳисобот даврида ёки ундан олдинги чорак (йил)да бўлиши мумкин бўлган минимал қолдиқлар.

Аввал таъкидлаб ўтилганидек, минимал қолдиқ эмпирик ва одатий тақсимлаш ўлчамлари асосида аниқланиши мумкин.

K_6 барқарорлик коэффиценти нисбий қиймат бўлиб, мазкур банк ва рақобатчи банк, банк филиаллари ва бўлимларининг депозит ресурслари барқарорлигини банк амалиёти томонидан ишлаб чиқилган барқарорлик стандарти (75 - 80%) орқали таққослаш, депозит ресурсларининг алоҳида гуруҳларининг барқарорлик даражасини таққослаш имконини беради.

Ҳисобварақлардаги ресурсларнинг барқарор қисмидаги минимал қолдиқлар мутлоқ қийматни тавсифлайди. Шунинг учун K_7 ресурслар барқарорлигининг муайян даврдаги нисбий ўзгариши, у фақат ушбу банкнинг депозитлар базаси сифатидаги ўзгаришларни баҳолаш учун ишлатилади.

$$K_8 = (OQ_{od} - OQ_{bd}) : OK_{dd}$$

бу ерда OQ_{od} - давр охирига омонатлар қолдиғи; OQ_{bd} - давр бошига омонатлар қолдиғи; OK_{dd} - давр мобайнида омонатлар кирими.

K_8 коэффиценти муайян даврда ҳисобварақларда сақланиб қолган ҳараатсиз депозит ресурсларининг улушини тавсифлайди. Улар барча депозит ресурслари ва уларнинг турлари кесимида ҳисобланиши мумкин. Коэффициент даражаси мижозларнинг молиявий барқарорлиги, улар фаолиятининг хусусияти, шунингдек банк ҳисобварақларида маблағларни сақлашга бўлган қизиқишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Депозит хизматлари бозорида банкнинг рақобатбардошлигини баҳолаш. Ушбу гуруҳ коэффицентлари куйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: K_9 агрегат коэффиценти; миқдорий эволюция (ўсиш) коэффиценти; битта мижозга нисбатан депозитлар сонининг умумий коэффиценти; муайян шахслар гуруҳига тегишли бўлган депозитлар сонининг хусусий коэффиценти; депозитларнинг таркибий коэффиценти; депозитларнинг миқдорий таниқлилик коэффиценти; депозитларнинг ўртача ҳажми коэффиценти.

6.3 жадвалда банкнинг депозит бозорида рақобатбардошлигини ҳисоблаш тартиби келтириб ўтилган.

6.3-жадвал

Банкнинг депозит бозорида рақобатбардошлигини ҳисоблаш

Баҳолаш мезони	Кўрсаткичларнинг нисбий муҳимлиги	Рақобатбардошлик баҳолаш	Ҳисоб-китоблар	Рақобатбардошлик
Депозитлар бозорининг мутлоқ улуши	5	30	5*30	150
Депозитлар бозорининг нисбий улуши	5	30	5*30	150
Бозор улуши тенденцияси	4	50	4*50	200

Депозитларнинг нисбий даромадлилиги	3	40	3*40	120
Депозит хизматларининг нисбий сифати	4	50	4*50	200
Депозитларнинг нисбий қиймати	3	40	3*40	120
Янги депозит воситаларининг шаклланиши	5	20	5*20	100
Омонатчиларнинг мужассамлашуви	2	30	2*30	60
Нисбий капитал сифимкорлиги	5	40	5*40	200
Банк рақобатбардошлигининг умумий баҳоси				1300

Банк рақобатбардошлигининг нисбий даражаси K_9 баллардаги ҳақиқий баҳоларни балларнинг мумкин бўлган максимал қиймати билан таққослаш йўли билан аниқланади – 1300.

$$K_9 = 1300 / (50(5 + 5+4 + 3+4 + 3 + 5 + 2 + 5)).$$

6.3. Банк активлари билан молиявий ресурсларнинг мутаносиблигини баҳолаш

Молиявий ресурсларнинг активлар билан мутаносиблиги ресурслар базасини сифатли баҳолаш ва ресурслар таркиби билан боғлиқ рисклар соҳасини аниқлаш имконини беради.

Муддатлар бўйича мувозанатлаш муайян давр учун ресурсларнинг ортиқчалигини ёки етишмаслигини шу асосда трансформация хавфи даражасини аниқлашга имкон беради, бу эса ўз навбатида бир неча кўринишдаги риск омиллари ҳисобланади:

- а) мувозанатлашмаган ликвидлилик rischi (қисқа муддатли ресурслар узок муддатли активларга инвестиция қилинади);
- б) даромадлиликни йўқотиш rischi (узок муддатли ресурслар қисқа муддатли активларни ташкил қилади);
- г) трансформациялар тури ва фоиз ставкаларининг кутилаётган ўзгаришларга боғлиқ бўлган фоиз

ставкаси риски.

Ресурслар билан активларнинг сифатига қараб мувозанатлаш. Паст даражали ликвидли активларни шакллантириш учун талаб қилиб олингунча (ўзгарувчан) ресурслардан фойдаланиш мувозанатсиз ликвидлиликнинг риск зонаси ҳисобланади. Ликвидли активларни барқарор ресурслар билан қоплаш даромадлиликни йўқотиш риски зонасидир. Бундай мувозанатлаш активларнинг алоҳида турлари кесимида маржани аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундай мувозанатлаш усулининг модели қуйида келтирилган.

Активлар билан пассивларни уларнинг сифатлари бўйича мувозанатлашнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат: а) қайта тузилган таҳлилий балансни тузиш; б) активлар ўртасида ресурсларни тақсимлаш тамойилларини ва устуворликларини аниқлаш; в) депозит ресурсларининг барқарор ва «учувчан» қисмини аниқлаш; г) актив операциялар бўйича ресурсларни шахмат усулида тақсимлашнинг рўйхатини тузиш; д) риск зоналарни аниқлаш; е) банкнинг актив операциялари кесимида фоиз маржасини аниқлаш ва баҳолаш⁴².

Мувозанатлашнинг ахборот базаси қайта тузилган таҳлилий баланс ҳисобланади. У молиявий схемалардан тозаланган банкнинг кунлик баланси асосида тузилади. Ушбу тамойилларга мувофиқ ресурсларни тақсимлашда қуйидагиларга устуворлик берилади: а) барқарор депозит ресурслари, биринчи навбатда, мажбурий заҳиралар жамғармаини қоплашга ва ссудалар бўйича мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишлар учун заҳирадан ортиқча ссуда операцияларига йўналтирилади; б) «учувчан» депозит ресурслари асосан бўш пул маблағлари шаклига эга бўлиши керак ва шу сабабли, асосан касса ва банк ҳисоб-варақларидаги қолдиқларни қоплаш учун тақсимланади; в) хусуий капитал заҳиралар ва жалб қилинган ресурслар билан қопланмаган қатъий белгиланган активлар (асосий воситалар ва капитал харажатлари) ва давлат қимматли

⁴² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низоми (24.12.2020 й. 27/9 – сонли). – Тошкент, 2020

қоғозлари, сўнгра жорий активларни (ссудалар, ҳисобварақлардаги маблағлар, банклараро кредитлар ва бошқалар)ни қоплашга йўналтирилади, ундан қолган қисми эса бўш пул маблағи кўринишига эга бўлади; г) мақсадли захиралар тегишли активларни қоплаш учун ишлатилади; е) ресурслар ҳар бир турининг узоқ муддатли қисми биринчи навбатда ушбу бозор сегментининг узоқ муддатли активларини қоплаш учун ишлатилади; ё) миллий валютадаги ресурслар асосан миллий валютадаги активларни қоплаш учун, қолган қисми эса очиқ валюта позицияларини қоплаш учун фойдаланилади.

Қайта тузилган балансда банкнинг активлари ва пассивлари қуйидаги мезонлар асосида гуруҳланади: активларнинг ликвидлиги ва пассивларнинг барқарорлиги; банк ресурсларни жалб қилиш ва тақсимлаш борасида фаолият юритувчи бозор сегменти; битта гуруҳ доирасидаги активлар ва пассивлар сифатидаги фарқлар.

Банк активлари ўртасида ресурсларни тақсимлаш тамойиллари қуйидагилардан иборат: а) активларнинг ликвидлилик даражаси ва пассивларнинг талаб қилинишини ҳисобга олинган ҳолда, ресурслар қайта тузилган аналитик баланс блоклари асосида тақсимланади; барқарор ресурслар биринчи навбатда паст ликвидли активларни қоплашга йўналтирилади; б) ресурсларни тақсимлашда уларнинг иқтисодий табиати, яъни банк фаолиятида ресурсларнинг тутган ўрни ва уларнинг мақсадли йўналтирилиши ҳисобга олинади. Масалан, хусусий капитал асосий воситалар ва рискларни қоплаш учун мўлжалланган, шунинг учун у қисман юқори ликвидли шаклда бўлиши керак; депозит ресурслари, кредитнинг қайта тақсимлаш функциясига мувофиқ, кредит операцияларини қоплаш учун мўлжалланади ва ҳоказо; в) ресурсларнинг бир қисми тўғридан-тўғри мақсадларга мувофиқ тақсимланади (масалан, захиралар, муайян бир ссудани қоплаш учун мўлжалланган депозитлар); г) бозорнинг айримсегментларидан жалб қилинган ресурслар⁴³.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низоми (24.12.2020 й. 27/9 – сонли). – Тошкент, 2020

Депозит ресурсларининг барқарор қисмини ажратиш дастлаб, депозит ҳисобварақларининг қуйидаги гуруҳлари кесимида алоҳида амалга оширилади: а) талаб қилиб олингунча депозитлар (ҳисобкитоб ва жорий ҳисобварақлар, пластик карта ҳисобварақлари); б) муддатли депозитлар (юридик ва жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари, депозит ва жамғарма сертификатлари); в) бошқа банкларнинг ҳисобварақлари.

Йирик мижозларнинг ҳисобварақларидаги депозитларнинг барқарор қисми қисқартирилмайдиган қолдиқ суммасининг шартнома суммаси миқдорида қабул қилиниши мумкин.

Барқарор депозит ресурслари миқдори чорак (ярим йил, йил) учун тасдиқланади ва вақти-вақти билан кўриб чиқилади, форс-мажор ҳолатларида тузатишлар киритилади.

Актив операциялар учун муайян турдаги ресурсларни тақсимлашдаги устуворликларга асосланиб, электрон жадвалда шахмат усулидаги қайднома тузилади.

Муҳокама учун саволлар

1. Инқироз даврида ва инқироздан кейинги даврда тижорат банклари томонидан ресурсларни сафарбар қилишнинг қайси устувор шаклларини ажратиб кўрсата оласиз?

2. Банкнинг жалб қилинган ресурсларини баҳолаш ва таҳлил қилишда фойдаланиладиган молиявий коэффицентлар банкнинг ликвидликдаражаси ва рентабеллиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берадими?

3. Банк томонидан вазиятли таҳлил ва жалб қилинган ресурсларни баҳолашдан фойдаланиш бўйича Сизнинг хулосаларингизнималардан иборат?

4. Сизнингча, тижорат банклари учун риск зоналарини аниқлашда трансформация коэффицентлари қандай рол ўйнайди?

5. Йирик мижозларнинг ҳисобварақларидаги депозитларнинг барқарор қисми қисқартирилмайдиган қолдиқ суммасининг шартнома суммаси миқдорида қабул қилиниши мумкинми?.

VII БОБ. БАНКНИНГ АКТИВЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

7.1. Банкнинг активларини баҳолаш усуллари

Молиявий барқарорликни баҳолаш тизимида кредит ташкилотининг активларини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг аҳамияти бир қатор жиҳатлар билан белгиланади: биринчидан, активлар банкнинг қийматива маҳсулотлари хусусиятлари ва унинг бозор имкониятларини акс эттиради; иккинчидан, улар банкнинг молиявий кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган кўплаб рискларга дуч келади; учинчидан, улар банкнинг ликвидлиги, даромадлилиги, фойдалилигини таъминлаган ҳолда бир қатор муҳим функцияларни бажаради.

Бундан ташқари, активлар мижозларнинг банкка бўлган ишончини кўллаб-қувватлайди, кредиторларни кредит ташкилотининг молиявий барқарорлиги ва улар томонидан тақдим этилган маблағларни зарур даражада тасарруф эта олиш қобилиятига ишонтиради. Активлар кредит ташкилотининг ташкилий ўсиши ва янги актив операциялар, хизматлар, дастурлар ва технологияларни ривожлантириши борасида керакли шарт-шароитларни таъмин этади.

Актив ва актив операциялар тушунчаси. Бугунги кунда активлар тушунчаси борасида иккита ёндашув шаклланган: активлар-бу кредит ташкилотининг ссуда ва бошқа актив операцияларига жойлаштирилган ўз ва қарз маблағлари; активлар - бу кредит ташкилоти томонидан назорат қилинадиган ва келгусида фойда олинишига имкон берувчи аввал содир бўлган банк операциялари натижасида шаклланган ресурслар йиғиндиси.

Юқорида келтириб ўтилган иккала таъриф ҳам ўринли бўлса-да, аммо улар актив тушунчасини ёритишнинг турли жиҳатларини очиб беради. Банк активлари тушунчасини талқин қилиш борасидаги ёндашувдан келб чиққан ҳолда уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш йўналишлари фарқланади. Биринчи ёндашувга кўра, фақат актив баланс ҳисобварақлари ва уларнинг тузилмаси баҳоланиши ва таҳлил қилиниши лозим, деб қаралса, иккинчи ёндашувда эса банк

ресурслари капитал сифатида кўриб чиқилади, шу боис таҳлил жараёнида маблағларни жойлаштириш самарадорлигини, яъни уларнинг активлар даромадлилиги ва фойдалилиги билан боғлиқлигини қараб чиқиш талаб қилинади.

Актив операциялар тушунчаси борасида яхлит ёндашув мавжуд эмас. Биринчидан, актив операциялар банклар тасарруфида бўлган ўз маблағлари ва жалб қилинган ресурсларни жойлаштириш бўйича банк операциялари сифатида; иккинчидан, кредит ташкилоти ходимларининг маҳсулот яратиш бўйича изчил ҳатти-ҳаракатлари мажмуи сифатида қаралади. Биринчи нуқтаи назарни қабул қилишда таҳлил актив операцияларнинг ҳажми, таркибий ва сифат хусусиятларига, иккинчисида эса банкнинг индивидуал актив операциялари, банк фаолиятининг ташкилий, банк хизматлари ва маҳсулотлари яратиш каби фаолият йўналишларига қаратилади⁴⁴. Қуйида биз биринчи нуқтаи назарга таяниб иш кўрамиз.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўра, банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар жумласига қуйидагилар киради: пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш; тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш; жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш; кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш; чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар; жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш; инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш; учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш; учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг); қимматли қоғозларни чиқариш,

⁴⁴ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016

харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш; аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш; қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш; ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш; ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш; лизинг бериш; қонунчиликда назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш; молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш; активлар мажмуини (портфелини) бошқариш; электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш; банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш ва бошқалар.

Банклар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

Банклар банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Миқдорий ўлчанган ва сифат жиҳатидан баҳоланган банк активлари баланснинг актив қисмида акс эттирилади. Уларнинг тузилмаси кредит ташкилоти актив операцияларининг моҳияти, уларнинг ликвидлиги, фойдалилиги, рискга мойиллиги, шунингдек банкнинг пассив ва актив операциялари ўртасидаги муносабатни баҳолашга имкон беради. Кредит ташкилотининг активларини тўртта асосий тоифага бўлиш мумкин: нақд пул ва унга тенглаштирилган маблағлар; қимматли қоғозларга инвестициялар; ссудалар; бинолар ваасбоб-ускуналар.

Активларни баҳолаш усуллари. Банк ҳамжамияти, халқаро ва

Ўзбекистон амалиётида назорат органлари томонидан қўлланилувчи активларни баҳолаш усуллари сифатида кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишнинг баланс, бозор қиймати, тартибга солиш ва эксперт усуллари ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Ушбу ҳолатда, юқорида тилга олиб ўтилган усулларнинг охириги иккитаси ҳам баланс қиймати ва ҳамда бозор қиймати усулларининг хусусиятларини ўзида бирлаштиради, яъни улар активларни баҳолашнинг аралаш усуллари ифода этади. Баҳолаш усулини танлаш таҳлил мақсади ва активлар тушунчасини таърифлашнинг қабул қилинган талқинига боғлиқ.

Баланс қиймати усулидан яхлит кредит ташкилоти, шунингдек уларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича активларни баҳолашда кенг фойдаланилади. Бугунги кунда ушбу усул маҳаллий банклар (активлар динамикасини ва уларнинг айрим турларини кузатиш учун), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва рейтинг агентликлари (кредит ташкилотларини синфлар бўйича тартиблаш учун) томонидан кенг қўлланилади. Таҳлил турлича кўламли тавсиф ва тузилмавий коэффицентларнинг умумий активлар, алоҳида портфеллар суммаси, даромадлилик ва фойдалилик кўрсаткичларига (масалан, жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳажмининг бир нечта ҳисобот даври мобайнидаги активлар суммаси, кредит портфелига нисбатан улуши, ушбу кредитлар бўйича олинган олинган фоизларнинг фоизлар суммасидаги улуши, ушбу кредитлар бўйича муддати ўтган қарзларнинг кредит портфелининг умумий миқдорига ёки истеъмол кредитлари бўйича кредит портфели миқдорига нисбати ва бошқалар) нисбатан динамик қаторларини ўрганиш асосида амалга оширилади.

Коэффицентлар ушбу гуруҳининг миқдорий қийматлари қуйидаги жиҳатларга эгаллиги билан ажралиб туради: мақбул оралик (интервал) эмас, балки дискрет тавсифга эга; муайян нуқтадаги қийматлар: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичи, пул массаси ҳажми, инфляция суръати, активлар кўлами, банк алоҳида портфелларининг кўлам тавсифи, ресурслар ҳажми, фойда ва

даромадлилик, рақобат даражаси (банк муассасаларининг концентрацияси) билан аниқланади.

Ушбу ҳолатларнинг барчасида кўрсаткичлар умум қабул қилинган бухгалтерия тамойиллари асосида баланс кўрсаткичлари сифатида ҳисобланади.

Бироқ, бу усул иқтисодиёт ва банк секторидида кузатилиши мумкин бўлган инқирозли вазиятларда қўлланилиши кутилган натижани бермайди. Бундай ҳолда, кредитлар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, дебиторлик ва бошқа активларнинг қиймати сезиларли даражада ўзгаришга юз тутаяди. Шунинг учун бундай вазиятларда мазкур усулдан фойдаланиш активларнинг кредит ташкилоти молиявий барқарорлигига таъсирини тўғри баҳолаш борасида етарлича маълумот бермайди, чунончи, ушбу ҳолатда активларнинг қиймати уларнинг реал қийматига нисбатан ё ўсиш ёки камайиш тенденциясигаэга бўлади.

Банк активларини баҳолашнинг бозор қиймати усули активларнинг кредит ташкилоти молиявий барқарорлигига таъсирини баҳолаш нуқтаи назаридан, шунингдек, бутун мамлакат банк тизимининг ишончилигини таҳлил қилишда қўл келади. Активларни баҳолаш инқирозли вазиятлар шароитида активларнинг сезиларли даражада қадрсизланиши ҳолатида айниқса муҳим аҳамият касб этади.

7.1-жадвал

Активларни баҳолашда халқаро амалиётда қўлланиладиган усуллар

Баланс активлари моддалари	Баҳолаш усуллари
Касса ва пул эквивалентлари	Баланс қиймати валюта курсидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилади
«Ностро» ҳисобварағидаги қолдиқ	Баланс қийматига кредит ташкилотининг молиявий барқарорлиги даражаси ва лицензиянинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда тузатишлар киритилади

Кредитлар	Асосий қарз суммаси кредит йўқотишлари бўйича захиралар ёки бозор ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилади
Қарзли қимматли қоғозлар ва инвестициялар	Бозордаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда баҳолаш амалга оширилади
Компания капиталига қўйилмалар	Реал бозор қиймати
Дебитор қарздорлик	Қарзни ундириш имконияти ва қарздорларнинг молиявий ҳолатига қараб тузатиш киритилади
Моддий активлар ва асосий воситалар	Реал бозор қиймати
Бошқа активлар	Реал бозор қиймати

7.1-жадвалдан кўриниб турибдики, халқаро амалиётда активларни таҳлил қилишнинг бозор қиймати усулидан кенг қўлланилади. Кўпинча, бу усулдан фойдаланиш асосида риск ва турли кўринишдаги капитал бўйича активлар нисбатини акс эттирувчи кўрсаткичлар гуруҳи ҳисоблаб чиқади.

Бозор қиймати усулида ишлатиладиган коэффициентларнинг миқдорий қийматлари қуйидаги хусусиятларга эга: оптималлик дискрет эмас, балки оралик (интервал) тавсифига эга; муайян вазиятдаги қийматлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичи, иқтисодий цикл босқичи, пул массаси ҳажми, инфляция даражаси, активлар сифати даражаси, активларнинг риск кўлами, капитал даражаси, рақобат даражаси (банк муассасаларининг мужассамлашуви) билан аниқланади.

Банк активларини бозор қиймати бўйича ўлчаш уларни янада динамик ва оқилона баҳолашни таъмин этсада, аммо қиммат ва зиддиятли эканлиги билан ажралиб туради. Шундай қилиб, турли банкларда активларнинг бозор қиймати ва уларнинг қадрсизланиши турлича баҳоланади. Бу умумий тарзда банк сектори активларининг сифати ва қийматини баҳолаш натижаларига салбий таъсир қилади. Ушбу усулдан фойдаланиш шарти активларнинг айрим турлари ва гуруҳларининг бозор қийматини баҳолашда бир хил ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат. Активларнинг айрим

турлари ва гуруҳларининг кадрсизланиш даражасини баҳолаш усулини топиш муҳим аҳамият касб этади. У тугатилган кредит ташкилотларининг активларини баҳолаш учун, шунингдек Марказий банк томонидан таҳлилий мақсадларда қўлланилади.

Бозор қиймати усулини қўллашда қийматнинг кадрсизланиши (қийматнинг йўқолиши)ни динамикада таққослаш амалга оширилади ва таҳлил қилинаётган даврда унинг ўзгаришига сабаб бўлган омиллар аниқланади, активларнинг бошқа сифат кўрсаткичлари ҳолати баҳоланади; активлар сифатини йўқотиш сабаблари ва уларнинг кадрсизланиши аниқлаштирилади. Активларнинг кадрсизланишига уларни баҳолашда қўлланиладиган усуллар, шунингдек, яратилган захиралар ва амортизация ажратмаларини ўз ичига олувчи «контр – ҳисобварақ»лар таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки таҳлилий мақсадларда ҳаққоний қийматни аниқлашга қаратилган активларни баҳолашнинг оралиқ усулидан фойдаланади.

Мазкур услубиётнинг ўзига хослиги алоҳида активларнинг риск даражасини баҳолашда Марказий банк мутахассисларининг эксперт хулосасидан фойдаланишда намоён бўлади. Масалан, «Ностро» вакиллик ҳисобварақларидаги баланс қолдиқларини баҳолашда, тўловларнинг кечикишига қараб, баланс қолдиғини баҳолаш учун 40 дан 85% гача чегирма билан қабул қилиш таклиф этилади. Худди шу каби экспертлик ёндашувларидан иккиламчи бозорда котировка қилинмаган қимматли қоғозлар, ссуда қарзлари ва бошқа активларга нисбатан фойдаланиш таклиф этилади. Бошқача қилиб айтганда, кредит ташкилотининг аксарият активлари назорат органи мутахассисларининг эксперт хулосасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб усули асосида баҳоланади.

Умуман олганда, мазкур ёндашув бизни қаноатлантиради, чунончи Ўзбекистонда молия бозорлари, бир томондан, нисбатан яқиндагина фаолият юрита бошлаган бўлса, бошқа томондан, молия бозорларида сотиш ва харид қилиш ҳажмининг нисбатан кичиклиги

(валюта бозори бундан мустасно) активларнинг ҳақиқий бозор қиймати ҳали таркиби топмаган-лигини кўрсатади.

Тартибга солиш усули Марказий банкнинг тавсияларига мувофиқ, асосан кредит қўйилмалари рискларини тартибга солиш бўйича активларнинг ҳолатини баҳолашни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги» Низом⁴⁵да банк активларининг бир қисми бўйича таваккалчилик даражалари белгилаб берилган.

Тартибга солиш усули банклар ва мамлакат банк секторининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун кредит ташкилотининг қўйилмалари рискинни чеклашга қаратилган. Активлар сифатини баҳолаш ва таҳлил қилишда ушбу усулдан фойдаланиш зарур ва мақсадга мувофиқ саналади.

Активларни баҳолашнинг *эксперт усули* мавжуд вазиятга қараб мутахассислар томонидан белгиланадиган активларнинг ҳолатини тавсифловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари тўпламидан комплекс фойдаланишдан иборат. Одатда, мазкур усул омилли таҳлилни ўз ичига олади.

Активлар ҳолатини баҳолашнинг эксперт усулининг мақсади активларнинг ҳолати, динамикаси, тузилиши, уларнинг рискга мойиллиги, ликвидлилиги ва рентабеллиги ва пировардида эса активлар сифатининг кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигига таъсири тўғрисида профессионал хулосани шакллантиришдир. Мазкур усул Марказий банк таҳлилчилари, рейтинг агентликлари ва кредит ташкилотлари томонидан қўлланилади.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази томонидан ҳам тижорат банклари учун «Банклар фаоллик индекси» яратилган ва у доимий янгилаб борилмоқда. Унинг асосида банкларнинг чораклик рейтинги тузилади.

Тадқиқот хусусий секторнинг банк активларидаги улуши

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги» низоми (19.11.2021 й., 27/5 – сонли). – Тошкент, 2021

Ўзгаришларини мониторинг қилиш, шунингдек, мамлакат банк секторида олиб борилаётган ислохотлар ва трансформация жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида олиб борилмоқда.

Тадқиқотда банклар икки гуруҳга бўлинган - йирик ва кичик банклар. Гуруҳларнинг ҳар бири учун алоҳида рейтинг тузилди. Шу билан бирга, кичик банклар гуруҳига фақат Тошкент шаҳрида (ёки фақат битта ҳудудда) фаолият юритувчи банклар киради.

Банк тизимидаги ўзгаришлар ва рақобат муҳитининг ўсиши хусусий банкларни, хусусан, инновацион молиявий маҳсулотлар ва хизматларни излаш орқали янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

7.2. Банк активларини таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари

Активларни баҳолашнинг барча кўриб чиқилган усулларини биргаликда қўллашни ҳисобга олган ҳолда, активлар ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг қуйидаги схемасини таклиф қилиш мумкин: а) банкнинг актив операциялари ривожланишини баҳолаш; б) активлар таркибини баҳолаш; в) активлар сифатини баҳолаш.

Банк актив операциялари ривожланишини баҳолаш. Ушбу баҳолаш банкнинг жами активлари, активларнинг алоҳида гуруҳлари ва соф ва ялпи активлари динамикасини баҳолашга асосланади. Бунда муайян би банк маълумотларини бутун банк сектори кўрсаткичлари билан солиштириш муҳим, чунки улар биринчидан, ривожланишнинг ўртача манзарасини кўрсатса, иккинчидан маълумотларни бир гуруҳдаги банклар билан солиштириш имконини беради.

Сўнгги йилларда тижорат банклари эътиборни банк-мижоз ёки мобил иловалар каби масофавий хизмат кўрсатиш каналларига қаратган ҳолда ўз бизнесларини мижозларга хизмат кўрсатишни соддалаштириш йўналиши бўйича фаол равишда ўзгартирмоқда. Ушбу фаоллик банкларда турли даражада намоён бўлаётганини кузатиш мумкин. Давлат активларига эга бўлган тижорат

банкларида ҳукуматдан олинган маблағлар улуши ҳали ҳам юқори ҳисобланади.

Ўз-ўзидан аёнки, бундай омиллар ҳар бир банк фаолиятида ўзгача кўриниш ва аҳамият касб этади.

Банк активларининг кўлам тавсифини таҳлил қилиш нетто-активлар ва брутто-активлар ўртасидаги нисбатни аниқлашдан иборатдир.

Брутто-активлар

1. Даромад келтирмайдиган активлар: нақд пуллар; бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари; мажбурий захира жамғармалари; асосий воситалар; номоддий активлар; дебиторлар; ҳисоб-китоб варақларидаги маблағлар; бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан фойдаланиш; капитал қўйилмаларни молиялаштириш; капитал харажатлар; жорий харажатлар; келгуси давр харажатлари; чет эл валютаси ва қимматли қоғозларни қайта баҳолаш; фойдадан йўналтирилган маблағлар; ҳисобот йили ва ўтган йиллардаги йўқотишлар.

2. Даромад келтирувчи активлар: мижозлар, банклар, аҳолига узоқ, ўрта ва қисқа муддатли кредитлар; ссудалар ва фоизлар бўйича муддати ўтган қарздорлик; факторинг; лизинг; иштирок этиш; қимматли қоғозлар; берилган кафолатлар.

Баланс таркибида нетто-активлар тартибга солувчи, жамғариб бориладиган ва транзит ҳисобварақлар миқдорида камаяди.

Нетто-активлар

1. Даромад келтирмайдиган активлар: нақд пул; бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари; қолдиқ қиймати бўйича асосий воситалар ва номоддий активлар; кредиторлик қарзларидан дебиторлик қарздорлигининг ортиқчалиги.

2. Даромад келтирувчи активлар: мижозлар, банклар ва жисмоний шахсларга сўм ва хорижий валютада берилган ссудалар бўйича йўқотишларни қоплаш учун захираларни чегирган ҳолда узоқ, ўрта ва қисқа муддатли ссудалар. Бундай операцияларнинг қадрсизланишининг олдини олиш мақсадида илгари яратилган

заҳираларни чегириб ташлаган ҳолда факторинг ва лизинг операциялари. Музлатилган мажбуриятлар, векселлар, қимматли қоғозларнинг қадрсизланишининг олдини олиш мақсадида яратилган заҳираларни чегириб ташлаган ҳолда қимматли қоғозлар.

Фаолият кўрсатадиган ва фаолият кўрсатмайдиган активлар ўртасидаги нисбат рискдан тозаланган соф активлар орқали бир мунча ишончли тарзда аниқланади. Бу шуни кўрсатадики, нетто-активлар ва брутто-активлар активлар нафақат баланс қиймати, балки активларнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиниши лозим.

Активлар тузилмасини баҳолаш. Активлар таркиби дейилганда иқтисодий мазмуни ва сифатига кўра кредит ташкилоти активлари моддаларининг активларнинг умумий жамланмасига нисбати тушунилади. Кредит ташкилотлари активларининг таркиби кўп жиҳатдан банк ва ҳисоб сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, ресурс базаси ва ташқи муҳитнинг таъсири билан белгиланади. Иқтисодий мазмуни бўйича активлар таркибини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳларидан фойдаланиш мумкин:

1-гуруҳ кўрсаткичлари банкнинг алоҳида портфеллари ва операцияларини тавсифлайди. Улардан фойдаланган ҳолда банк фаолияти кўлами ва активларини диверсификациялаш борасида хулоса қилиш мумкин. Баҳолаш банкнинг ривожланиш стратегияси ва сиёсати асосида амалга оширилади ва бунда қуйидаги кўрсаткичлар кўриб чиқилади:

- кредит портфелининг активлар умумий ҳажмидаги улуши;
- активларнинг умумий ҳажмида инвестицияларнинг улуши;
- савдо портфелининг активларнинг умумий ҳажмидаги улуши;
- активларнинг умумий суммасида пул маблағлари ва жойлаштирилган депозитларнинг улуши;
- бошқа активларнинг активларнинг умумий ҳажмидаги улуши.

2-гуруҳ кўрсаткичлари банкнинг ҳар бир алоҳида портфелидаги тузилма ва профилни тавсифлайди. Улардан фойдаланган ҳолда

банк фаолиятининг алоҳида йўналишларининг ривожланиши борасида хулоса яшаш мумкин.

Кредит портфелининг тузилиши қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- кредит портфелидаги барча турдаги қарздорларга жойлаштирилган депозитлар ва кредитларнинг улуши;
- ҳисобга олинган векселларнинг кредит портфелига нисбати;
- факторинг операцияларининг кредит портфелига нисбати;
- кредит портфелида талаб қилиш ҳуқуқларини бериш бўйича операцияларнинг улуши;
- кредит портфелидаги лизинг операцияларининг улуши;
- қарз операцияларининг кредит портфелига нисбати;
- кредит портфелидаги РЕПО операцияларининг улуши.

Инвестициялар таркиби қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

- инвестицион қимматли қоғозларга қўйилмаларнинг барча инвестицияларга нисбати;
- банкнинг барча улуш ва пайлардаги улушининг барча инвестицияларга улуши;
- узоқ муддатли ссудаларнинг барча инвестицияларга нисбати;
- барча бино ва иншоотлар ва асосий воситаларнинг барча инвестициялардаги улуши;
- узоқ муддатли ссудаларнинг барча инвестицияларга нисбати.

Савдо портфели кўрсаткичини қуйидаги кўрсаткичлар аъло даражада акс эттиради:

- қимматли қоғозларнинг турлари, эмиссияси ва эмитентлари бўйича банкнинг савдо портфелидаги улуши;
- савдо операциялари, айрибошлаш операциялари, банкнинг савдо портфелидаги операциялари турлари борасида қимматли қоғозларнинг улуши.

Пул маблағларнинг таркиби қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- нақд пуллар (касса) ва унга тенглаштирилган маблағларнинг

барча пул маблағлари ҳажмидаги улуши;

- Марказий банкда мажбурий заҳира жамғармаининг улуши;
- омонатларни суғурталаш жамғармаининг улуши;

Марказий банк ва вакиллик банкларидаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағларнинг улуши.

Қуйидаги кўрсаткичлар *бошқа активлар* таркибига мос келади(улуш қанчалик паст бўлса, шунча яхши):

- ҳисоб-китоб ҳисоб варақларидаги маблағларнинг бошқаактивлардаги улуши;
- дебиторларнинг ҳисоб-китоблар ва бошқа активлардаги улуши;
- бошқа активлардаги ҳисоб-китобларда бўлғуси харажатларнинг улуши.

Кўрсаткичларнинг *3-гуруҳи* активларнинг бир турли гуруҳлари таркибини тавсифлайди, масалан, кредит портфели гуруҳида қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида жойлаштирилган депозитлар ва ссудалар таркибини кўриб чиқиш мумкин:

. жойлаштирилган депозитлар ва ссудалар ҳажмига нисбатан жойлаштирилган депозитларнинг фоиздаги улуши;

. банклараро кредитларнинг жойлаштирилган депозитлар ва ссудалар ҳажмига нисбатан фоизда улуши;

. миждозларга - юридик шахсларга берилган қисқа муддатли кредитларнинг жойлаштирилган депозитлар ва кредитлар ҳажмига нисбатан фоизларда улуши;

. жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли ссудаларнинг жойлаштирилган депозитлар ва ссудалар ҳажмидаги улуши.

Кредит муассасаси ресурсларини инвестиция соҳалари: субъектлар, кредитлар турлари, қимматли қоғозлар турлари, валюта турлари; тармоқлар ваҳудуд; воситалар бўйича тақсимлашни тавсифловчи таркибий кўрсаткич-ларни ўз ичига олган активлар таркибини диверсификациялашни баҳолаш таҳлилнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Активлар сифатини баҳолаш. Кредит ташкилотининг активлари сифатини баҳолаш уч йўналишда амалга оширилади:

активлар рискени баҳолаш, уларнинг ликвидлигини баҳолаш, даромадлиликни баҳолаш. Тилга олиб ўтилган йўналишлардаги активларнинг барча риск кўрсаткичларини иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1) активларнинг алоҳида гуруҳларининг сифат бўйича нисбатини тавсифловчи таркибий кўрсаткичлар;

2) активлар ва пассивлар, капитал, даромад, фойда нисбатларини тавсифловчи коэффицентлар.

Риск нуқтаи назаридан активлар сифатини баҳолаш. Активлар рискени баҳолаш, биринчидан, алоҳида активларнинг риск даражасини баҳолашни, иккинчидан, яратилган заҳираларнинг мумкин бўлган йўқотишлар учун етарлилигини баҳолашни ўз ичига олади.

Яратилган заҳираларнинг етарлилиги нуқтаи назаридан активларнинг рискга мойиллигини таҳлил қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади: рискга мойил бўлган активлар гуруҳларини аниқлаш ва алоҳида портфел учун унинг даражасини аниқлаш, активларнинг умумий рискга мойиллигини баҳолаш ва яратилган заҳираларнинг етарлилигини аниқлаш.

7.7-жадвал

Активлар риск кўрсаткичлари ва кредит ташкилотининг активлари бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун яратилган заҳираларнинг етишмаслиги

Тузилмавий кўрсаткичлар	Коэффицентлар
Заҳираларнинг (ссудалар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар, қимматли қоғозларнинг қадрсизланиши, дебиторлар билан ҳисоб-китоблар бўйича йўқотишлар ва бошқалар учун) жойлаштирилган активлар суммасига нисбати сифатида ҳисобланувчи заҳиралар даражаси. Заҳираларнинг мақбул даражаси 5-7% оралиғида ҳисобланади. Банкнинг заҳираларни шакллантириш соҳасидаги сиёсатини акс эттиради	Йирик кредит рисклари бўйича энгюқори кўрсаткич $\sum K_{kr} : K \times 100$ <i>i</i>

<p>Активларда дебитор қарздорлик даражаси. Кўрсаткич активлар сифатини баҳолаш учун мўлжалланган. Ушбу коэффициентнинг рухсат этилган максимал қиймати 40% ни ташкил қилади. Юқори қиймат банк ликвидлигининг пасайишини ва киритилган маблағларни ўз вақтида қайтариш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатади.</p>	<p>Акциядорлар (иштирокчилар) бўйича кредит рискларининг концентрацияси кўрсаткичи</p> $\sum_i K_{ra} : K \times 100$
<p>Активлар диверсификацияси кўрсаткичи Юридик, жисмоний шахларга кредитларнинг активлар (ёки соф активлар)га нисбати</p>	<p>Инсайдерлар бўйича кредит рисклари концентрациясининг кўрсаткичи (Н10.1) кредит портфелидаги кредит рискларининг концентрация даражасини акс эттиради</p> $\sum_i K_{ri} : K \times 100$
<p>Активларни диверсификация қилиш кўрсаткичи Қимматли қоғозларга инвестициялар, активлар (ёки соф активлар)да назорат тартибида иштирок қилиш</p>	<p>Олинган банклараро кредитларга берилган банклараро кредитларнинг нисбати сифатида ҳисобланувчи банклараро бозорга боғлиқлик кўрсаткичи</p>
<p>Активларни диверсификация қилиш кўрсаткичи Пул маблағларининг активлар (ёки соф активлар)га нисбати</p>	<p>Кўрсаткич-кредит портфелидаги фойдаланилмаган захираларнинг улуши (суръатида муддати ўтган ссудалар ва яратилган захиралар ўртасидаги фарқ, махражида эса кредит портфели акс этувчи касрсифатида ҳисобланади)</p>
<p>Активларни диверсификация қилиш кўрсаткичи Асосий воситаларнинг активлар (ёки соф активлар) га нисбати</p>	<p>Капиталнинг етарлилик даражаси Н1 Капиталнинг рискли активларга нисбати</p>

Ушбу босқичда, шунингдек, банкнинг рискга мойил активлари таркиби, шунингдек уларнинг кредит активлари таркибидаги улушини таҳлил қилиш талаб қилинади. Олинган натижа ялпи риск капиталнинг етарлилик талабига жавоб берадими ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади. Агар капиталнинг етарлилик кўрсаткичи бажарилса, биз активлар рискига йўл қўйилиши ҳақида гапиришимиз мумкин бўлади. Агар у бажарилмаса, демак, активларнинг рисклари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада ва уларнинг ўсишига таъсир қилган омиллар таҳлил қилиниши талаб қилинади.

Деярли барча банк активлари муайян бир рискга мойил бўлади. Активлар борасида риск даражасини банк амалдаги қонунчилик, Марказий банкинг меъёрий талаблари ва ушбу соҳада қабул қилинган стандартларга мос келадиган даражада баҳолаши ва ушлаб туриши керак.

Банк активлари таркибини ўрганиш натижаларига кўра кредит, фоиз, жамғарма, валюта, операцион, ликвидлилик каби рискларни таҳлил қилиш мумкин. Бироқ, активларга хос бўлган асосий риск - кредит rischi ҳисобланади. Уни баҳолаш, биринчи навбатда, активларнинг фарқланишини тавсифловчи таркибий кўрсаткичлар, шунингдек, риск даражасига кўра активларнинг алоҳида гуруҳларининг нисбати асосида амалга оширилади. Активларнинг ҳар бир гуруҳининг умумий миқдоридаги улушини билиш ва ҳар бир гуруҳга рик коэффициентини белгилаш орқали умуман банк ва ҳар бир портфел учун активларнинг умумий риск даражасини аниқлаш мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, умумий рискни аниқлаш услубиёти доимий равишда ўзгариб, рискга мойил бўлган активларнинг тобора кенг доирасини қамраб олиши билан бир қаторда, уларни рискга мойиллик даражасини аниқлаштириш таратиби ҳам тобора мураккаблашиб бормоқда. Масалан, Базел қўмитаси (Базел II) талабларига мувофиқ кредит рискини баҳолашда активларни диверсификация қилиш даражаси, банк томонидан кредит рискини

минималлаштириш усуллари, риск коэффициентларининг баҳолашда қўлланилувчи улушли қийматлари, молиявий воситаларнинг ҳаётийлик даври, кредит рискани мажбурий ўтказган ҳолда секьюритизациядан фойдаланиш, банклар томонидан кредит ва бозор рисklarини мустақил баҳолашда рейтинг ёндашувини ҳисобга олиш тавсия қилинади.

Умумий кредит рискани баҳолаш юқорида айтиб ўтилганидек, динамикада ва ўз капиталига нисбатан амалга оширилади. Активлар сифатини баҳолаш учун активларнинг умумий ҳажмида юқори рискли активларнинг улуши кўрсаткичи муҳим аҳамият касб этади.

Юқори рискли активларга қуйидагилар киради: муддати ўтган кредиторлик қарзлари; ўз вақтида тўланмаган векселлар ва бошқа қарз мажбуриятлари; ноликвид ва қадрсизланган қимматли қоғозлар; 30 кундан ортиқ бўлган дебиторлик қарзлари; банкрот банклардаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар; инқирозга учраган корхоналар капиталига инвестициялар; реализация қилинмаган кўчмас мулк; бошқалар.

Тўлиқсиз активларни юқори рискли активлардан ажратиш лозим. Агар юқори рискли активларга келажакда фақат ўз қийматини йўқотиш эҳтимоли катта бўлган активлар кирса, тўлиқсиз активларга эса, бундай ҳолат аллақачон содир бўлган активлар киради, бу ўз навбатида уларнинг илгари яратилган захиралар ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши билан ифодаланади. Тўлиқсиз активлар даражасининг кўрсаткичи ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган активларнинг активларнинг умумий миқдорига ёки уларнинг алоҳида гуруҳига нисбати сифатида ҳисобланган ҳисобот даври учун тўлиқсиз активларнинг ҳақиқий ҳисобдан чиқариш фоизидир. Ликвидлилик нуқтаи назаридан активлар сифатини баҳолаш. Активларнинг ликвидлигини юқоридаги кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш мумкин(7.8-жадвал).

Банкнинг ликвидлилик нуқтаи назаридан активларсифатини баҳолаш

Таркибий кўрсаткичлар	Коэффициентлар
Ноликвид активларнинг банк активларидаги улуши	Лаҳзалик ликвидлик нормативи
7.1-жадвал давоми	
Банк активларида юқори ликвидли активларнинг улуши	Жорий ликвидлик нормативи
Банк активларида қисқа муддатли ликвидлик улуши	

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги» низом⁴⁶да банкнинг ликвидлиги банк активлар ўсишини молиялаштириши ва кўзда тутилмаган йўқотишларсиз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш имконияти сифатида таърифланган бўлса, худди шу Низомда ноликвидли активлар - бозор нархини котировка бўйича аниқлаш мумкин бўлмаган ёки бу турдаги активларнинг харид нархи сотувчи ва харидор ўртасидаги келишув натижасида алоҳида тарзда аниқланадиган, қиймати катта миқдордаги ўзгаришларга учраб туриши мумкин бўлган ва таққослашни қийинлаштирадиган активлар; ликвидли активлар эса қиймати бозорда шаклланадиган, бозор қиймати бўйича қисқа муддат ичида уларни сотиб олишга осонлик билан харидор топиладиган, доимий равишда кўзда тутилмаган йўқотишларсиз сотилувчи ва сотиб олинувчи активлар сифатида таърифланган.

Жадвалда келтирилган кўрсаткичлар активларнинг ликвидлигини уларнинг умумий миқдорида турли ликвидлилик даражаларига эга бўлган активлар гуруҳларининг нисбатларини аниқлаш; турли ликвидлилик даражаларига эга бўлган активлар гуруҳлари ҳажми ва турли муддатдаги ресурслар ҳажми ўртасидаги

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги» низоми (19.11.2021 й. 27/6 – сонли). – Тошкент, 2021

нисбатларни ҳисоблаш орқали баҳолашга имкон беради.

Банкнинг ликвидлик даражасига кўра актив операциялар юқори ликвидли (банкнинг вакиллик ҳисобварақларидаги нақд пул ванақд пуллар, баъзи қимматли қоғозлар); қисқа муддатли ликвид активлар (30 кунгача бўлган кредитлар ва бошқа қўйилмалар); узоқ муддатли ликвидли активлар (бир йил муддатдан ортиқ ссудалар ва бошқа қўйилмалар) билан операциялар ва ноликвид активлар (узоқ муддатли кредитлар, ноликвид қимматли қоғозлар, узоқ муддатли дебиторлик қарзлари) билан боғлиқ операцияларга бўлинади. Ушбу активлар гуруҳларининг улуши, шунингдек уларнинг тегишли муддатлардаги ресурслар билан нисбати активлар сифати, шунингдек мувозанатсиз ликвидлик рискинни баҳолаш воситаси ҳисобланади.

Мазкур Низом⁴⁷да юқори ликвидли активларга қуйидагилар кириши кўрсатиб ўтилган: нақд пуллар; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банкнинг қимматли қоғозлари; банкнинг Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги маблағлари, бундан Марказий банкнинг мажбурий заҳира ҳисобварағидаги маблағлар мустасно; таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек бу мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банкларига бошқа молиявий талаблар; таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлардаги «Standard & Poor`s», «Fitch Ratings» ва

«Moody`s Investors Service» компанияларининг инвестицион рейтинг даражасидан ёки Марказий банк томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу рейтинг даражасига тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга банкларда чет эл валютасида очилган вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ва овернайт (кунлик) банклараро депозитлар; «Standard & Poor`s», «Fitch Ratings» ва

«Moody`s Investors Service» компанияларидан бирининг «В-

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й. 27/6 – сонли). – Тошкент, 2021

»/»ВЗ» ёки Марказий банк томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу рейтинг даражасидан кам бўлмаган рейтинг баҳоларига эга маҳаллий банкларда чет эл валютасида очилган вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар; Халқаро валюта жамғармаи, Жаҳон банки гуруҳи ҳамда Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестиция банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Ислон тараққиёт банки ва Европа Кенгашининг тараққиёт банки томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар».

Активлар сифатини уларнинг даромадлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш. Банк активларининг даромадлилигини тавсифловчи энг муҳим кўрсаткич даромад келтирувчи активлар (ишчи активлар) ва барча активларнинг нисбати ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич динамикада ҳисобланади ва баҳоланади. Активларнинг даромадлилиги агар уларнинг асосий қисми самарали равишда «даромад келтирадиган» бўлса ва маълум бир даромад таъмин этса ижобий баҳоланади.

Шу билан бирга, даромад келтирадиган активлар улушининг кўпайиши юқори ликвидли, аммо даромад келтирмайдиган активлар улушининг пасайишига олиб келмаслиги керак. Бундан ташқари, активларнинг даромадлигини баҳолаш учун қуйидаги миқдорий ва сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Кўрсаткичларнинг келтириб ўтилган таркиби, биринчидан, умумий тарзда активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш (ROA кўрсаткичи), иккинчидан, яхлит тарзда банкнинг даромадлилиги ва унинг алоҳида операцияларини баҳолаш, учинчидан, алоҳида операцияларнинг фойдалилигини баҳолаш, тўртинчидан, активлардан самарасиз фойдаланиш даражаси (иммобилизация кўрсаткичлари)ни баҳолаш имкони беради. Бу кўрсаткичларнинг барчаси омилли таҳлилни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

Банкнинг актив операциялари ривожланишини, уларнинг тузилиши ва сифатини баҳолашни ҳар томонлама таҳлил қилиш

активларнинг кредит ташкилотининг молиявий барқарорлиги билан ўзаро таъсири тўғрисида оқилона хулосалар чиқаришга имкон беради.

7.9-жадвал

Активларнинг даромадлигини баҳолаш кўрсаткичлари

Тузилмавий кўрсаткичлар	Коэффициентлар
<p>Активларни имобилизация қилиш коэффициенти, имобилизация қилинган активларнинг нетто- активлар нисбатига тенг. Ушбу коэффициентнинг қиймати 15-17% оралиғида нормал ҳисобланади. Ушбу қийматдан ошиб кетиш банк самарадорлигининг пасайишига олиб келади</p> $I_{im}: A_{brutto} \times 100$	<p>Активларнинг рентабеллик кўрсаткичи</p> $ROA = F : A_{ur} \times 100$
<p>Даромад келтирмайдиган активларда дебиторлик қарзлари даражаси. Кўрсаткич дараомад келтирмайдиган активларнинг сифатини баҳолаш учун мўлжалланган. Ушбу коэффициентнинг рухсат этилган максимал қиймати 40% ни ташкил қилади. Юқори қиймат банк ликвидлигининг пасайишини ва киритилган маблағларни ўз вақтида қайтариш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатади.</p>	<p>Алоҳида активлар гуруҳларининг даромадлилик кўрсаткичлари. Активларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича харажатлар кўрсаткичлари</p>
<p>Кредит муассасаси активларида даромад келтирмайдиган активлар даражаси</p>	<p>Алоҳида активлар гуруҳларининг фойдалилик кўрсаткичлари</p>

Муҳокама учун саволлар

1. Бугунги кунда активларни баҳолашнинг қайси усулини самаралироқ деб ҳисоблайсиз ва нима учун?

2. Активларни баҳолаш усуллариининг қандай афзалликлари ва камчиликлари бор?

3. Сизнингча, активларни баҳолаш самарадорлигини

оширишда қандай ишларни амалга ошириш лозим, деб ўйлайсизми?

4. Активлар рискинни баҳолаш алоҳида активларнинг риск даражасини баҳолашни ва шакллантирилган заҳираларнинг мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишлар учун етарлилигини баҳолашни ўз ичига оладими?

5. Юқори рискли активлар таркибига муддати ўтган кредиторлик қарзлари; ўз вақтида тўланмаган векселлар ва бошқа қарз мажбуриятлари; ноликвид ва қадрсизланган қимматли қоғозлар; 30 кундан ортиқ бўлган дебиторлик қарзлари; банкрот банклардаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар; инқирозга учраган корхоналар капиталига инвестициялар; реализация қилинмаган кўчмас мулклар кириши мумкинми?

VIII БОБ. БАНКНИНГ ФОЙДАЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

8.1. Банкнинг фойдалилик даражасини баҳолаш

Банкнинг фойдалилик даражаси унинг молиявий барқарорлигининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Бу, банкнинг фойда келтирадиган фаолияти банк капитал базасининг ўсиши шартли бўлиши билан боғлиқ: тақсимланмаган фойда хусусий капиталнинг унсури ҳисобланади, фойда эса захира жамғармаини шакллантиришга устав капиталини кўпайтириш учун ишлатилади; кредит ташкилотининг рентабеллиги уни инвесторлар кўзида бир мунча жозибадор қилиб кўрсатади. Хусусий капитал ҳимоя ва операцион функцияларни бажариш асносида кредит ташкилоти молиявий барқарорлигининг асосини ташкил қилади.

Банкнинг фойдалилик даражаси миқдор ва сифат жиҳатдан баҳоланади. Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун нафақат фаолиятнинг ижобий молиявий натижаси – бухгалтерия ҳисоби қоидаларига мувофиқ фойданинг шаклланиши, балки унинг сифати ҳам муҳимдир. Фойданинг сифати соф фойда манбаларининг барқарорлиги ва бу манбаларнинг келгусида ҳам сақланиб қолишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Банк молиявий барқарорлигининг асосий шартли фойдани максималлаштириш сиёсати ва кредит муассасаси томонидан ўз зиммасига олган рисклар даражасининг тўғри комбинацияси ҳисобланади. Масалан, юқори инфляция шароитида ўсиб боровчи банк фоиз ставкалари рисклари банкнинг фоизли даромадлар ва фоизли харажатлар билан боғлиқ. Шу сабабли, унинг шаклланишининг фоизли ва фоизсиз манбаларининг нисбати банк фойдасининг сифати учун муҳим аҳамият касб этади.

Банк фойдасини сифатли баҳолаш учун молиявий коэффицентлар, банк даромадлари ва харажатлари таркибини таҳлил қилишнинг турли усуллари қўлланилади.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш банк фойдасини пасайтириш ёки йўқотиш хавфи мавжуд ҳудудларни ўз вақтида аниқлашни (идентификациялашни) ўз ичига олади. Бунга

банкнинг турли даражадаги фойдалилигини баҳолаш ёрдам беради: умумий банк, банк бўлинмалари, банк маҳсулотлари, иш жойи, мижозлар билан муносабатлар. Ушбу ёндашув банк фаолиятининг норентабелли соҳалари, банк маҳсулотлари, банк харажатларини оширадиган ва унинг фойдасини камайтирадиган хизмат кўрсатиш операцияларининг иррационал тузилишини аниқлаш ва мижозларга хизмат кўрсатиш харажатлари даромадлардан ошмаслиги учун улар билан муносабатларнинг тавсифини ҳисобга олиш имконини беради⁴⁸.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг фойдаси унинг даромадлари билан харажатлари ўртасидаги фарқ бўлиб, у фаолиятнинг энг муҳим натижасини ифодалайди, унинг келгусида ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Қабул қилинган фойдани шакллантириш моделига ва бу жараённинг бухгалтерия ҳисобида акс этишига қараб, банк баланси билан унинг соф фойдаси бир-биридан фарқланади.

Фойда билан таваккалчилик банк бошқарувининг сифатини баҳолашдаги асосий мезонлар ҳисобланади. Фойда тушунчаси олинган натижанинг унга эришиш харажатлари билан таққослашга асосланади. Натижалар алоҳида кўрсаткичлар бўйича ёки уларнинг жами натижаларига қараб баҳоланади. Банк фаолиятининг натижаларини таҳлил этишда банкнинг соф фойдаси, банк операцион фаолиятининг брутто натижаси ва соф натижаларга асосланилади.

Банкнинг соф фойдаси — банкнинг молиявий воситачилиги ва хизмат-ларини кўрсатиш натижаси — банкнинг даромадлари билан харажатлари ўртасидаги фарқдан иборат. Жаҳон амалиётида бундай фарқ саноат ва савдо корхоналарининг қўшилган қийматига тенглаштирилади. Банкнинг операцион фаолиятидан олинadиган фойда фоизлар ва комисион рағбатлантириш тўловларини, операцион харажатлар эса ресурсларни жалб этиш қийматини ўз ичига олади. Банкнинг соф фойдаси банк фаолияти билан банк

⁴⁸ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016

менежментининг сифат кўрсаткичидир.

Банк операцияларининг брутто натижаси (умумий фойда) банкнинг функционал чиқимлар, яъни операцион харажатлар билан боғлиқ умумий чиқимларни ҳисобга олган ҳолдаги анъанавий фаолияти натижасида олинган фойдани кўрсатади. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, бундай харажатларнинг 50% дан ортиғини ходимларни тутиб туриш харажатлари ва амортизация ажратмалари ташкил этади.

Соф натижа (банкнинг соф баланс фойдаси) брутто натижага ва таваккалчиликларнинг фойдага таъсири даражасига боғлиқ. Масалан, банклар таваккалчилик даражасининг юқорилиги сабабли захирага ажратмаларни амалга оширадики, бу ҳисобот давридаги брутто натижани анча камайтиради. Тижорат банкларининг амалий фаолияти банк фаолиятининг прогноз қилинадиган ҳисоб-китоби натижасини баҳолашнинг фойдалилигини тасдиқлади. Биринчидан, бу банкнинг молия-кредит сиёсатини тўғри режалаштиришга; иккинчидан, бир неча молия йилидаги прогноз натижаларини таққослаш ва манфий динамика сабабларини аниқлаш натижасида банкнинг стратегик бошқарувини ўзгартиришга имкон беради.

Банк соф фойдасини шакллантириш модели кредит ташкилотининг фоизли даромадлари ва фоизли харажатларини ҳисобга олишда ҳисоблаш усулидан фойдаланилади. Ҳисоблаш усули банкнинг фоизли даромадлари ва фоизли харажатлари суммасида даромадлар ва харажатларнинг ҳақиқий келиб тушишидан қатъи назар, ҳисобот даврига тегишли бўлган нуларнинг бутун суммасини ҳисобга олган ҳолда акс эттиришни ўз ичига олади. Шу сабабли, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этади.

Ниҳоят, бошқарув даражаси банкнинг молиявий барқарорлиги

омили ҳисобланади. Банк фойдасини бошқариш тизими қуйидаги асосий назорат блокларини ўзичига олади:

бошқарув субъекти ва унинг функцияларини белгилаш;

банк даромадлари, харажатлари ва фойдани режалаштириш;

-турли даражадаги банк фойда даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш усулини танлаш ва тегишли услубий ёрдамни ишлаб чиқиш;

-даромадлар, харажатлар ва фойдани тартибга солиш усуллари.

Ушбу блокларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Хусусан, фойда даражасини баҳолаш усулларини танлаш бошқарув субъектига боғлиқ.

Умуман банкнинг фойда даражасини баҳолаш усуллари – бу молиявий коэффициентлар тизими ва таркибий таҳлил ҳисобланади.

Банк бўлинмасининг фойда даражасини баҳолаш усули бўлинма бюджетини, трансферт даромадлари ва харажатларини тузишга асосланади. Бу ушбу бирликнинг банкнинг умумий молиявий натижасига қўшган ҳиссаси қийматини аниқлаш, шунингдек, бирлик бюджети ижросининг банкнинг режалаштирилган даромадлари ва харажатларидан четланишини таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Маҳсулотнинг рентабеллигини баҳолаш унинг нархи (тариф, фоиз) ва таннархини солиштиришдан иборат.

Банк билан мижоз ўртасидаги муносабатларнинг рентабеллиги ушбу мижознинг банкка келтирган даромадлари ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари нисбати асосида баҳоланади. Мижоз билан бўлган муносабатлардан олинган даромадлар фоизлар, комиссиялар ва бошқа тўловларни, шунингдек, мижознинг ҳисобварағига бўш пул маблағларини жойлаштиришдан олинган банк даромадларини ўз ичига олади. Мижозларга хизмат кўрсатиш харажатлари унинг ҳисобини юритиш ва унга кўрсатилган хизматлар нархидан иборат.

Жаҳон банк амалиётида банкнинг фойдалилик даражасини аниқлаш учун коэффициентларнинг иккита гуруҳидан фойдаланилади: банкнинг даромадлари ва харажатлари даражасини, уларнинг нисбатини баҳолаш имконини берувчи коэффициентлар;

кредит ташкилотининг соф фойда даражасини бевосита баҳолаш учункоэффициентлар.

8.1-жадвалда бир-бирини тўлдирувчи фоиз маржаси нисбатини (K_1 ва K_2) ҳисоблашнинг иккита усули кўрсатилган.

8.1 – жадвал

Банкнинг даромадлари ва харажатларини баҳолаш коэффициентлари

Коэффи- циент	Сурати	Махражи	Синф	Меъёр, %
K1	Фоиз маржаси	Даромад келтирадиган активларнинг ўртача қолдиғи (қарзлар, қимматли қоғозларга инвестициялар, факторинг, лизинг)	I	4,6
			II	4,3
			III	4
			IV	3,7
			V	3,4
			VI	3,2
K2	Фоиз маржаси	Активларнинг ўртача қолдиғи		4,5
K3	Фоизсиз харажатлар	Активларнинг ўртача қолдиғи		1
K4	Фоизсиз харажатлар	Активларнинг ўртача қолдиғи		Маълумотлар мавжуд эмас
K5	Фоизсиз даромадлар - фоизсиз харажатлар	Фоиз маржаси	I	48
			II	52
			III	57
			IV	61
			V	64
			VI	67
K6	Фоиз маржаси ва фоизсиз даромад (соф операцион даромад)	Активларнинг ўртача қолдиғи		Маълумотлар мавжуд эмас
K7	Тўланган дивидендлар	Жами даромад – қимматли қоғозлар бозори савдосидан олинган даромад ва бошқа нобарқарор даромад манбалари	I	32
			II	42
			III	48
			IV	55
			V	60
			VI	65
K8	Иш ҳақи харажатлари	Активларнинг ўртача қолдиғи		2 ²
K9	Бошқа операцион харажатлар	Активларнинг ўртача қолдиғи		1,5 ²

К10	Операцион харажатлар	Активларнинг ўртача қолдиғи		3,5 ²
Ҳисоблаш формуласи				
К11 – соф спред коэффициенти	Кредитлар бўйича олинган фоизлар : кредитларнинг ўртача қолдиғи x 100 – депозитлар бўйича тўланадиган фоизлар : омонатларнинг ўртача қолдиғи x 100			1,25
К12-перацион маржа коэффициенти	(Фоизли даромад + Кўрсатилган хизматлар ҳақи) : молиявий активлар x 100 – (Фоизли даромад : Молиявий мажбуриятлар) x 100			

Агар биринчи усул актив ва пассив операциялари бўйича фоиз ставкалари нисбати, ундирилган фоизлар билан тўланган фоизларнинг банк фаолияти рентабеллигига таъсирини ҳисобга олишга имкон берса, иккинчи усулда эса қўшимча даромад келтирадиган активлар улушининг ўзгариши ҳам ҳисобга олинади.

Коэффициент K_3 активларнинг бир сўмига фоизсиз даромадларнинг ўзгариш тенденциясини баҳолашга имкон беради. Фоизсиз даромадлар, асосан, кредит бўлмаган тавсифдаги банк хизматларидан олинadиган комиссия даромадларини ўз ичига олади. Уларнинг ривожланиши банкнинг даромадларини диверсификация қилишга, фоиз ставкалари хавфини камайтиришга ва шунингдек, банкнинг даромадлари барқарорлигини оширишга ҳам ёрдам беради.

Фоизсиз банк харажатлари асосан банкни сақлаш билан боғлиқ барқарор харажатлар (биноларни, жиҳозларни сақлаш, иш ҳақи, банк хавфсизлигини таъминлаш харажатлари, солиқлар ва бошқалар). Активларнинг бир сўми учун ушбу харажатларнинг ўзгариши тенденцияси (K_4) банк бюджети даражасини ва уни кўпайтириш асосларини баҳолашга имкон беради. Банкнинг фоизсиз харажатлари банкнинг барқарор даромади – мижозларга хизмат кўрсатишдан олинadиган комиссия даромади ва фоиз маржаси ҳисобидан қопланиши керак. Ушбу харажатлар ва даромадларнинг нисбати K_5 ва K_6 коэффициентларини баҳолашга имкон беради.

Агар фоизсизли даромадлар фоизсиз харажатлардан юқори бўлса, ижобий маржа шаклланади, бу жаҳон стандартларига кўра,

фоиз маржасининг 50 - 70% даражасида бўлиши керак. Шунинг учун мақбул вариантга кўра, фойданинг муҳим қисми (тахминан 1/3) кредит хизматларидан олинган даромадлар ҳисобидан шаклланиши керак. Амалда кўпчилик хорижий ва маҳаллий банкларда фоизсиз даромадлар фоизсиз харажатлардан ортиқча бўлмайди, тескари ҳолат юзага келади ва «ортиқча юк» шаклланади. Шу муносабат билан, K_6 фоиз маржаси ва фоизсиз даромаднинг умумий қиймати активларнинг ўртача қийматига мос келганда ҳисобланади. Умуман олганда шунини таъкидлаш мумкинки, K_5 ва K_6 ни ҳисоблаш фойда келтирадиган икки турдаги барқарор банк даромадларининг нисбатларини баҳолашга қаратилган.

K_7 коэффиценти банкнинг барқарор даромадларини банкнинг ривожланиши учун эмас, балки дивидендлар тўлаш учун ишлатиладиган улушини баҳолаш учун ишлатилади. Жаҳон стандартлари бўйича ушбу улушнинг мақбул чегараси 30 - 40% ни ташкил қилади. K_8 , K_9 ва K_{10} коэффицентлари маълум турдаги харажатларнинг ўзгариш тенденциясини баҳолаш учун асосдир. Ушбу коэффицентлар банк харажатларининг турли моддаларига нисбатан ўхшаш кўрсаткичлар билан тўлдирилиши мумкин.

K_{11} ва K_{12} коэффицентлари банкнинг соф фоизли даромадини, яъни фойдасини ошириш вазифасини бажариш учун фаол ва пассив операциялар бўйича банкнинг фоиз сиёсатига ёрдам бериш даражасини аниқлаш имконини беради. K_{11} кредит ва депозит операциялари бўйича фоиз ставкалари даражасининг ўртача нисбатини кўрсатади. K_{11} кредит ва депозит операциялари бўйича фоиз ставкалари даражасининг ўртача нисбатини ва K_{12} талаблар (актив операциялар) ва мажбуриятлар (қарз олинган ресурслар)ни кўрсатади.

Рентабеллик коэффицентлари гуруҳига тўрт турдаги коэффицентлар киради. Магистрал K_{13} активларнинг рентабеллик коэффиценти бўлиб, бу банк омонатчилари учун алоҳида қизиқиш уйғотади. Ушбу коэффицентнинг қиймати бўйича берилган жаҳон стандартлари унинг қийматининг фарқланишидан далолат беради.

Хусусан, CAMELS тизими доирасидаги даврларнинг бирида ушбу коэффициент қиймати АҚШ Федерал захира тизимида киритилган банк активлари қийматига қараб 1,15 дан 0,35 гача тартибга солинган. K_{14} коэффициенти активларнинг бир сўмига солиқ солишдан олдинги фойда миқдорини кўрсатади. Унинг қийматини K_{13} билан солиштириш, фарқ асосида банк фойдасини бошқариш амалдаги солиққа тортиш тизимини қанчалик ҳисобга олишини баҳолаш имконини беради. Тафовутнинг ортиши солиқлар томонидан ўзлаштирилган фойда улуши ортиб бораётган бошқарувнинг салбий томонини кўрсатади.

K_{15} коэффициенти банк инвесторларини қизиқтиради. Бу нисбат қанчалик юқори бўлса, банк инвесторлар учун шунчалик жозибадор бўлади.

K_{16} коэффициенти ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойдани кўрсатиб, фойдани бошқариш ва ходимларни бошқариш соҳасидаги банк сиёсатининг мувофиқлигини баҳолаш учун ишлатилади. K_{16} нинг ўсиш тенденцияси банкнинг рентабеллик даражасига таъсир қилувчи салбий омил мавжудлигини кўрсатади.

8.2 – жаadwal

Тижорат банкининг фойдалилик даражасини баҳолаш коэффициенти

Коэффициент	Коэффициентнинг умумий моҳияти	Ҳисоблаш усули	Меъёр
K_{13}	Фойданинг активларга нисбати	Соф фойда : Ўртача активлар	1,15 - 0,35
		(Соф фойда – беқарор даромадлар) : Ўртача активлар	1,0 - 6,0 ¹
K_{14}	Солиқ тўлангунга қадар фойданинг активларга нисбати	(Соф фойда – беқарор даромадлар) : Ўртача активлар	1,4 - 0,6 ²
K_{15}	Хусусий капиталнинг фойдага нисбати	Соф фойда : Хусусий капитал	10-20
		Соф фойда : Акционерлик капитал	15
K_{16}	Бир ходимга тўғри келадиган фойда	Соф фойда : Ишчиларнинг умумий сони	Маълумотлар мавжуд эмас

Коэффициентлар тизими асосида рентабеллик даражасини таҳлил қилиш усуллари. 8.1 ва 8.2 – жадвалларда келтирилган коэффициентлар даражасини баҳолаш учун қуйидаги таҳлил усулларидан фойдаланиш мумкин:

- коэффициентнинг ҳақиқий қийматини жаҳон стандартлари бўйича меъёрий даража билан, банк ва муайян мамлакат (минтақа) стандартлари билан, рақобатдош банкларнинг тегишли коэффициенти даражаси билан таққослаш;

- коэффициент динамикасини таҳлил қилиш;

- омилли таҳлил асосида коэффициент ўзгаришининг асосий сабабларини аниқлаш.

Фоиз маржаси даражасининг жаҳон стандартлари (3 - 4%) уни таҳлил қилишда энг кенг тарқалган мезон ҳисобланади. Улар мамлакат стандартларини белгилаш учун асос бўлиши керак. Масалан, Марказий банкнинг банклар рентабеллигини баҳолаш коэффициентлари тизими тўғрисидаги кўрсатмаларида, у омонатларни суғурта қилиш тизимига кириши мумкинми ёки йўқлигини ҳал қилишда фоиз маржаси коэффициенти агар унинг ўлчами 3 фоиздан 5 фоизгача ёки ундан кўп бўлса (соф фоиз ва активлар бўйича шунга ўхшаш даромадлар) энг яхши балл (тўртдан бир ёки икки) олинади.

Банкнинг фоиз маржаси даражасининг стандартлари етарли фоиз маржаси миқдorigа асосланиши керак.

Фоиз маржаси коэффициенти давр учун стандарт қиймат банкнинг бизнес-режаси маълумотлари асосида юқоридаги усул бўйича ҳисобланиши мумкин.

$$K_{fm} = (M_{ef} - D_{bd}) : Q_{uq} \times 100$$

бу ерда K_{fm} - етарли фоиз маржаси нисбати; M_{ef} - харажатлар сметасига нисбатан банкнинг фоизсиз харажатлари; D_{bd} - бошқа барқарор фоизсиз даромадлари (шу жумладан кредит билан боғлиқ бўлмаган хизматлар учун комиссия); Q_{uq} – активларнинг даромад келтирадиган давридаги ўртача маблағлар қолдиғи.

Фоиз маржаси нисбатининг динамикаси унинг ўсиши ёки

пасайиши, уларнинг тебранишларини кўрсатиши мумкин. Коэффициент даражасининг пасайиши кредит ташкилотининг банкротлик йўлига ўтганлигини кўрсатадиган муҳим кўрсаткичдир.

Фактор таҳлили рентабеллик ёки рентабеллик коэффициентлари ўзгаришининг асосий сабабларини аниқлаш учун ишлатилади. Ушбу мақсад-лар учун алмаштириш усули қўлланилиши мумкин, бу коэффициентнинг ҳисоблагичи ёки махражининг қайси унсури асосан унинг ўзгаришидаги ижобий ёки салбий тенденция билан боғлиқлигини аниқлаш имконини беради.

Омилли таҳлилни бошқа усул – коэффициентларни омилларга кенгайтириш асосида ҳам амалга ошириш мумкин. Масалан, ушбу ҳолатда Дюпонт формуласидан фойдаланиш мумкин, унда даромаднинг хусусий капиталига нисбати учта омилга (фойда маржаси, активлар рентабеллиги ва левераж нисбати) бўлинади:

$$SF : XK = SF : AU = SF : YD \times YD : AU \times SF : LK$$

бу ерда SF – муайян даврдаги банкнинг соф фойдаси; XK - хусусий капитал; AU – муайян даврдаги активларнинг ўртача миқдори; YD – муайян даврдаги банкнинг ялпи даромади; SF:YD – даромадли маржа; YD:AU – активларнинг даромадлилиги; SF:LK – левеидж коэффициентлари.

Агар банкнинг фойдалилиги асосан даромад маржаси билан боғлиқ ўзгарса, бунда асосий омил банк даромадлари ва харажатлари ўсишининг нисбати бўлиши мумкин, мабодо банк фойдаси кўпроқ тарзда активларнинг даромадлилиги ҳисобига таъминланса, бунда фоиз ва комиссия тўловлари даражаси муҳим ўрин тутаяди, даромад келтирувчи активлар улуши левераж коэффициентлари ҳисобига юқори бўлса – бу банк депозит базаси ҳажми эвазига таъминланади.

Банкнинг рентабеллик даражасини баҳолаш учун коэффициент-ларни танлаш мезонлари. Банкнинг рентабеллик даражасини баҳолаш учун коэффициентларни танлаш банк тизимининг келгуси даврдаги устувор вазифалари, банк фаолияти шартлари, ушбу шароитларда кредит ташкилоти барқарорлигининг асосий омиллари билан белгиланади. Мисол тариқасида, Марказий

банкнинг меъерий ҳужжатларидаги коэффициентлар тизимини келтиришимиз мумкин, улар кредит ташкилотининг омонатларни суғурталаш тизимигакириши тўғрисида қарор қабул қилишда унинг барқарорлиги элементсифатида банкнинг рентабеллигини баҳолаш учун фойдаланилади:

$$FD_1 = MN : AA_{uq}; FD_2 = MN : XK_{uq}; FD_3 = SD : MN; FD_4 = MX : OD;$$

$$FD_5 = DS : AA_{uq}; FD_6 = DS : SU \times 100 - FX : MU \times 100$$

бу ерда MN - молиявий натижалар, улар ҳисобот даврида фойда сифатида эълон қилинган ҳисоботлар плюс фойда солиғи; AA_{uq} - активларнинг ўртача хронологик баланси; XK_{uq} - хусусий капиталининг ўртача хронологик қиймати; SD - бир марталик операциялардан олинган соф даромадлар (жарималар, пенялар, асосий воситаларни сотиш, суд харажатлари); MX - маъмурий ва бошқарув харажатлари; OD - соф операцион даромад (MN + MX); SD - соф фоиз ва ўхшаш даромад (фоиз маржаси); DS - кредитлар бўйича фоизли даромадлар; SU - кредитларнинг ўртача қиймати; FX - тўланган фоизлар ва шунга ўхшаш харажатлар; MU - фоизларни келтириб чиқарадиган мажбуриятларнинг ўртача қиймати тўловлар.

Ҳар бир коэффициент учун унинг даражасига қараб балл аниқланади; коэффициентнинг аҳамияти оғирлик билан белгиланади. Шу асосда банк рентабеллигининг умумий баҳоси берилади:

$$BF = \sum_{i=1}^6 \frac{BF_i}{BL_i VS_i} : \sum_{i=1}^6 VS_i$$

Агар BF (даромад коэффициентлари гуруҳи учун натижа кўрсаткичи) < 2,3 бўлса, унга қониқарли баҳо берилади.

Тузилмавий таҳлил асосида банк рентабеллик даражасини баҳолаш. Банкнинг рентабеллик даражасини баҳолаш унинг даромадлари ва харажатларининг таркибий таҳлили асосида амалга

оширилиши мумкин, бу умумий молиявий натижа даражаси ва ўзгаришига таъсир қилувчи даромад ва харажатларнинг асосий унсурларини – фойдани аниқлаш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, унинг манбаларининг барқарорлиги ва келгусида бу манбаларнинг сақланиб қолиши нуқтаи назаридан фойда даражасига сифат жиҳатидан баҳо берилади. Бундан ташқари, фойда миқдори ва уни максималлаштириш йўналишига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланади.

Таркибий таҳлил учун турли моделлардан фойдаланиш мумкин.

Унинг ўзига хослиги олтига блокни ажратиб олиш ҳисобланади: фоиз маржаси;

фоизсиз даромадлар ва харажатлар;

фойдани шакллантиришнинг беқарор манбалари - активларни, бозордаги спекулятив операциялардан олинган даромадларни (харажатларни), банк мулкани сотишдан олинган даромадларни (харажатларни), бир марталик тавсифдаги даромадларни (харажатларни) қайта баҳолаш;

заҳираларга ажратмаларнинг ўзгариши;

солиқларни тўлаш;

соф фойда.

Биринчи (1 - қатор) ва иккинчи (2 - қатор – 6 - қатор) блоклари фойдани шакллантиришнинг барқарор манбалари ҳисобланади. Иккинчи блок асосан кредит бўлмаган хизматлардан олинадиган комиссия даромадлари ва фоизсиз харажатлар, шу жумладан банкни сақлаш учун асосий харажатлар, банк бюджети харажатларининг фоизсиз моддаларидан ташкил топадиган фоизсиз даромадлардан ташкил топади. Иккинчи блокнинг даромадлари ва харажатлари нисбатидан ёки фойда келтирадиган маржа, ёки фоиз маржасини «ёб қўйувчи» «юк» ҳосил бўлади. Учинчи блокнинг ижобий қолдиғи беқарор фойда манбаи бўлиб, салбий фоиз маржасини «ейди» ва йўқотишларга таъсир қилади. Худди шундай ролни тўртинчи блок ўйнайди, бешинчиси эса фақат маблағларнинг чиқиб кетиши, солиқларни тўлаш харажатларини ифодалайди.

Тузилмавий таҳлилнинг мақсади келгусида даромадларнинг ишончли-лиги ва доимийлигини баҳолаш учун уларнинг асосий турлари ва фойда манбаларини аниқлашдир. Ишончилилик даромад шаклига, банк тижоратининг турига, фойда манбасининг барқарорликдаражасига боғлиқ. Банк харажатларининг тузилмавий таҳлили банк фаолиятининг умумий молиявий натижага салбий таъсир кўрсатадиган соҳаларини аниқлаш имконини беради.

Банк даромадларининг мақбул тузилмаси фоиз ва комиссия даромад-ларнинг устунлиги ҳисобланади. Бироқ, инфляция суръатларининг ошиши шароитида банк фоиз ставкалари хавфи билан боғлиқ бўлган фоизли даромадлар улушини камайтиришга интилиши керак. Аксинча, банк хизматларидан олинadиган комиссия даромадлар улушини ошириш мақсадга мувофиқ, бунда соф даромаднинг (фойданинг) қарийб 30 фоизи шу манбадан шаклланишига интилиш лозим. Барқарор манбалар ҳисобига банк даромадларининг ўсиши ижобий тенденция ҳисобланади.

Фойдани шакллантириш манбаларини таркибий таҳлил қилишнинг салбий натижалари қуйидагилардан иборат:

фоиз маржасининг кескин ўзгариши ёки пасайиш тенденцияси;
ортиб бораётган юк;

фоиз маржасини «юк» ёки солиқлар ҳисобига еб қўйилиши;
солиқ тўлангунга қадар фойда катта қисмининг даромаднинг беқарор манбалари ҳисобига шаклланиши;

беқарор даромад манбалари ҳисобига солиққа тортилгунгақадар фойданинг ўсиши;

соф фойданинг пасайиши ёки кескин тебраниш тенденцияси.

Фоиз маржасининг пасайиши ва «юк»нинг ўсиши фоизли даромадлар ва харажатлари, фоизсиз даромадлар ва фоизли харажатларнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги номувофиқлик билан боғлиқ бўлиши мумкин. Якуний молиявий натижага валюта бозори ва қимматли қоғозлар бозоридаги операциялар, бошқарув аппаратини сақлаш учун асоссиз юқори харажатлар ва бошқалар салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу омилларни аниқлаш учун банк

даромадларининг тузилмавий таҳлили харажатларнинг тузилмавий таҳлили билан тўлдирилади.

Таркибий таҳлилнинг яна бир модели кредит бизнеси, депозитларни жалб қилиш ва омонатчилар номидан операцияларни амалга оширишга асосланган бизнес, дисконт бизнеси, қимматли қоғозлар билан бизнес, кафиллик ва шу кабиларга асосланади.

Банк тижорат турлари бўйича даромадларни таркибий таҳлил қилишдан мақсад рақобат ва банкнинг ушбу бозор сегментида фаолият юритиш рискларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли даромадлар манбаси, шунингдек даромад манбаларининг диверсификация даражасини баҳолашдан иборат.

Банкнинг рентабеллик даражасини баҳолашдан фақат даромадлар, харажатлар ва фойда даражасининг миқдорий кўрсаткичлари, фойда олиш манбаларининг барқарорлиги, балки банкнинг рисклардан ҳимояланиш даражаси ҳам ҳисобга олинади. Банкнинг рисклардан ҳимояланганлик даражаси актив операциялар бўйича йўқотишларни қоплаш учун етарли заҳираларнинг мавжудлиги, хусусий капиталнинг етарлилиги ва активлар портфелининг сифати билан белгиланади.

8.2. Банк бўлинмаларининг рентабеллик даражасини баҳолаш

Бўлимлар, филиаллар, департамент (бошқарма) ва шу кабилар банк-нинг бўлинмалари ҳисобланади. Бўлинманинг муайян бир типи банкнинг катта-кичиклиги ва ҳозирда амалда бўлган банк тузилмасига боғлиқ саналади. Банк бўлинмаларининг молиявий натижаларини баҳолаш учун фаолиятнинг маълум бир соҳасига мос келадиган блокларни ажратиб кўрсатиш тавсия этилади. Одатда «молиявий жавобгарлик маркази» (МЖМ) деб аталувчи ҳар бир блокка битта, иккита ёки бир нечта аниқ бўлинмалар киритилади.

Молиявий жавобгарлик марказлари – фаолият тури ёки ҳудудий жиҳатдан ажратилган, банк фаолиятининг айрим турларини таъминловчи ва ажратилган бюджетга эга бўлган банкнинг таркибий

бўлинмалари ёки бўлинмалари гуруҳлари ҳисобланади. Молиявий жавобгарлик марказларининг бир неча турларини ажратиш мумкин (8.5-жадвал).

Молиявий жавобгарлик марказлари бюджетини тайёрлаш, биринчи навбатда, банк харажатларини кўрсатилган бўлинмалар ўртасида бевосита ва билвосита тақсимлашдан иборат. Билвосита тақсимлаш мезонлари сифатида ходимлар сони, эгаллаган майдони, молиявий жавобгарлик марказининг тўғридан - тўғри харажатлари ва бошқалар хизмат қилади.

8.3-жадвал

Молиявий масъулият марказлари

Танлаш мезони	Молиявий жавобгарлик марказлари
Молиявий натижани шакллантиришдаги роли	Фойда марказлари Харажат марказлари
Функционалбелги	Функционал МЖМ; Мижозларни кредитлаш бўйича МЖМ; Жамғарма бозорида операциялар бўйича МЖМ; Банклараро ва валюта дилинги бўйича МЖМ; Банк бўлими МЖМ; Ёрдамчи (штабли) МЖМ; Таҳлилий бўлимлар; Архив; Хўжалик бўлинмалари ва бошқалар
Молиявий жавобгарлик даражаси	Фаолияти: олинган фойда; Ялпи даромад; харажатлар; Инвестиция самарадорлиги бўйича баҳоланувчи МЖМ

Иккинчидан, даромадлар молиявий жавобгарлик марказларига уларнинг фаолият соҳалари ва маҳсулот турларига қараб шартли равишда бириктирилади. Даромадни молиявий жавобгарлик марказларига шартли равишда бириктириш, кейинчалик уларнинг бир қисмини трансферт нархлар тизими орқали банкнинг ушбу маҳсулотни яратишда билвосита иштирок этадиган бўлинмаларига ўтказиш мавжудлигини англатади. Масалан, кредит бўйича

молиявий жавобгарлик марказлари бошқа молиявий жавобгарлик марказлари томонидан жалб қилинган ресурслардан фойдаланган ҳолда кредитлар беради. Бир молиявий жавобгарлик марказининг ички хизматлари бошқа молиявий жавобгарлик маркази учун ресурс, технологик, маслаҳат, ахборот ва шу каби аҳамият касб этиши мумкин.

Банкнинг трансферт нархи – бир банк бўлинмасидан бошқасига ўткази-ладиган ресурсларнинг ички шартли нархи ёки банк ёрдамчи бўлинма-ларининг функционал бўлинмаларига хизмат кўрсатиш нархи, бу фойда марказларининг реал молиявий натижасини аниқлаш учун асос яратади ва уларнинг фаолият юритиш самарадорлигини рағбатлантиради.

Трансферт нархи шартли ва индивидуал тавсифга эгалиги билан ажарлиб туради. Трансферт нархининг шартли табиати ресурслар олди-сотдисининг амалда мавжуд эмаслигида ифодаланади, бунда ресурслар бир бўлинмадан иккинчисига шартли равишда ўтказилади. Трансферт нархининг индивидуал хусусияти унинг маълум бир банк доирасида шаклланиши билан боғлиқ. Турли банкларда трансфертнархлари турлича даражага эга бўлади.

Трансферт нархи ҳар қандай нарх каби қайта тақсимловчи ва рағбат-лантирувчи функцияларни бажаради.

Қайта тақсимлаш функцияси одатда янги яратилган қийматни қайта тақсимлаш ва нархнинг қийматдан четга чиқишига асосланган фаолиятнинг муайян соҳаларини сақлаб туриш билан боғлиқ. Банк ресурсларининг трансферт нархи пул товари нархининг иррационал шаклидир. Унинг қайта тақсимлаш функцияси – бир бўлинма томонидан олинган даромаднинг бир қисмини ресурсларни тақсимлашдан ушбу ресурсларни жалб қилувчи бошқа бўлинмага ўтказишда акс этади. Шу боис, нархнинг асосини пул бозоридаги фоиз ташкил қилади.

Трансферт нархининг рағбатлантирувчи функцияси банкнинг жалб қилиш ва жойлаштириш бўлинмалари фаолиятини рағбатлантиришдан иборат: биринчиси энг арзон ресурсларни жалб

қилишдан, иккинчиси уларни энг фойдали жойлаштиришдан манфаатдор бўлиши лозим.

Трансферт нархининг банки шончилигини мустаҳкамлаш, унинг молиявий натижаларини миқдор ва сифат жиҳатидан яхшилашдан иборат бўлган ўзига хос жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу ўз навбатида қуйидагиларда ифодаланади:

трансферт нархини табақалаштириш банк балансининг ликвидлигини мустаҳкамлаш, бўлинманинг ресурс тақчиллигини банк учун рухсат этилган трансформацион риск даражаси доирасида қоплашни таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин;

трансферт нархи банкнинг даромадлилик даражасига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун шароит яратади;

трансферт нархидан фойдаланиш молиявий жавобгарлик марказлари фаолияти билан боғлиқ тижорат рисклари ва банкнинг асосий молиявий рискларини миқдорий баҳолаш имконини беради.

Банк амалиётида трансферт нархи шаклланишининг учта: эксперт, бозор, таннарх моделларидан фойдаланиш мумкин. Моделларнинг ҳар бири нархлашнинг бир нечта усулларига мос келиши мумкин.

Трансфер нархи шаклланишининг харажатли модели трансфер нархи жалб қилинган ресурслар учун банк томонидан тўланадиган ҳақиқий фоиз ставкасига мос келишини назарда тутди. Вариантлар сифатида қуйида-гиларнинг биридан фойдаланиш мумкин:

барча жалб қилинган ресурслар бўйича ўртача фоиз ставкаси;
муддатлари бўйича фарқланувчи жалб қилинган ресурслар гуруҳлари бўйича ўртача фоиз ставкаси.

Харажат моделининг афзаллиги – уни қўллашнинг соддалигида намоён бўлади. Мазкур моделнинг камчиликларига қуйидагилар киради:

- фақат банк фаолиятининг ички параметрлари ҳисобга олинади, бу эса трансферт нархининг рағбатлантириш функциясини тўлиқ амалга ошириш имконини бермайди;

- трансферт нархини белгилашнинг ўзига хос вазифаларидан

бири сифатида тижорат ва фундаментал рискни ажратишнинг мумкин эмаслиги;

- трансферт нархи фақат ўтган даврлардаги фоизнинг ҳақиқий даража-сини ҳисобга олади ва келгусида фоиз ставкасининг ҳаракатини ҳисобга олмайди.

Харажатли модел фаолияти банк фойдаси ва умумий фоиз маржасини камайтирадиган омиллар билан боғлиқ бўлган бўлимларни аниқлашда қўл келади. Харажатли модел ресурсларни жойлаштирувчи бўлинмаларни арзон ресурслардан фойдаланишга ундаса, жалб қилувчи бўлинмаларни эса қиммат ресурслардан фойдаланишга ундайди.

Трансферт нархининг бозор модели жаҳон банк амалиётида энг кенг тарқалган модел ҳисобланади. Ушбу моделга кўра, трансферт нархлари асосида ташқи бозор нархлари ётади. Трансферт нархи ўлчамлари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- молия бозорининг алоҳида сегментлари (банклараро кредитлар нархлари, жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича фоизлар, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва муддатли депозитлари, депозит сертификатлари) нархлари;

- давлат қимматли қоғозларининг даромадлилиги;

- кредит ресурсларининг муқобил қиймати.

Бозорга асосланган трансферт нархлари моделининг афзалликлари қуйидагилардан иборат: ахборот базасининг мавжудлиги; моделни амалда қўллашда мавжуд барча вариантларнинг соддалиги; ташқи омилларни ҳисобга олиш.

Моделнинг камчилиги молия бозорининг маълум сегментларида нарх-лар асосан энг йирик бозор иштирокчилари таъсирида шакллантирилиши ва ўрта ва кичик банклар эса бундан ҳар доим ҳам фойдалана олмасликлари билан боғлиқ.

Қуйидагилар моделни қўллаш шартлари ҳисобланади:

- нархлари аниқ белгиланган пул бозорининг мавжудлиги;

- банк бўлинмаларининг ушбу бозорга эркин кириши;

- молия бозорининг айрим сегментларида нархларни белгиловчи

монополистларнинг йўқлиги.

Трансферт нархининг эксперт модели мазкур нархни банк топ-мене-жерлари томонидан маъмурий йўл билан аниқлашни кўзда тутди. Ушбу моделдан иқтисодий асоссиз фойдаланиш қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин:

- максимал фойда олиш билан боғлиқ мақсадли мўлжалларни йўқотиш;

- банк ичидаги иқтисодий номуносивликлар;

- банк фаолиятининг турли соҳаларига масъул бўлган менежерлар ўртасидаги келишмовчиликлар.

Эксперт моделидан фойдаланишда ҳар доим ҳам, трансферт нархларининг реал иқтисодий таҳлили ва уларнинг асосланиши мавжуд бўлавермайди. Бунинг натижаси ўлароқ, ушбу нархлардан бўлимлар фаолиятини баҳолаш, фойдани қайта тақсимлаш, бошқарув қарорларини қўллаб-қувватлаш ва молиявий режалаштириш учун фойдаланиш мумкин эмас. Амалиёт кўрсатишича, маржинал даромадни аниқлаш, департамент ходимлари ва раҳбарларини моддий рағбатлантиришда эксперт усулида белгиланган трансфертнархларидан фойдаланган банкларда уларнинг фаолияти натижалари салбий бўлган. Тегишли иқтисодий асослашнинг йўқлиги, бозор конъюнктураси, эксперт моделини қўллашда банк ривожланишининг мақсадли кўрсаткичларига эътибор бермаслик банк фаолиятининг умумий молиявий натижасида алоҳида бўлинмаларнинг реал ҳиссасини баҳолашга трансферт нархларига имкон бермайди.

Трансферт нархи банкнинг молиявий жавобгарлик марказлари харажатлари ва трансферт даромадларини шаклланишини тақозо қилади.

Трансферт даромадлар – бу банк бўлинмаларининг банкнинг бошқа бўлинмаларига ресурсларни ички сотишдан ёки уларга хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлардир. Улар трансферт нархи, шунингдек, жалб қилинган ресурслар, олинган хизматлар ҳажми ва таркиби асосида аниқланади.

Трансферт харажатлар – бу банк бўлинмаларининг бошқа молиявий жавобгарлик марказлари томонидан жалб қилинган ресурсларнинг молиявий жавобгарлик марказлари томонидан фойдаланиш ва банк бўлинмаларининг ички хизматлари билан боғлиқ харажатларидир.

Банк томонидан қабул қилинган трансферт нархининг рағбатлан-тирувчи функцияси мазмунига кўра трансферт даромадлари ва харажат-ларини ҳисоблашда битта нарх ёки турли нархлар қўлланилишимумкин. Нарх хизматларнинг тавсифи, молиявий жавобгарлик марказлари фаолиятини рағбатлантириш мақсадлари, ресурсларнинг турларини ҳисобга олган ҳолда фойда марказлари томонидан табақаланиши мумкин.

Фойда марказлари - Молиявий жавобгарлик марказлари фаолиятининг молиявий натижасини ҳисоблаш алгоритми қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$FM = DF - XM + DA - XP - XU + DT - XT,$$

бу ерда DF – Молиявий жавобгарлик марказларига шартли равишда бириктирилган фоизсиз даромадлар; XM - бюджетни тузишда тўғридан-тўғри ёки билвосита бўлимга тегишли бўлган функционал Молиявий жавобгарлик марказларининг фаолияти билан боғлиқ харажатлар; DA – ресурсларни жойлаштириш билан боғлиқ Молиявий жавобгарлик марказларининг фоизли ва унга тенглаштирилган даромадлари; XP – ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ Молиявий жавобгарлик марказларининг фоизли харажатлари; XU – фойда марказлари ўртасида билвосита тақсимланган ёрдамчи Молиявий жавобгарлик марказлари (харажат марказлари) бюджетининг харажатлари; DT, XT – Молиявий жавобгарлик марказларининг трансферт даромадлари ва харажатлари.

8.3. Банк маҳсулотларининг фойдалилик даражасини баҳолаш

Банк маҳсулотлари – бу молия бозорининг турли сегментларида маҳсулотлар сифатида таклиф қилинадиган банк фаолиятининг

натижаси бўлиб, унинг хусусияти номоддий пуллар тавсифидир. Кредитлар, депозитлар, инвестициялар ва шу каби бошқа маҳсулотлар гуруҳлари ўзаро фарқланади.

Кредит маҳсулотининг тури банкнинг мижознинг ўзига хос эҳтиёжларини қондириш борасидаги ҳатти-ҳаракатларида ифодаланувчи банк хизмати ҳисобланади. Банк маҳсулотини яратиш технологияси банк операцияларининг мажмуи ва муайян бир бирикмасини ифода этади. Банк операциялари бухгалтерия, тахлилий, ҳуқуқий, назорат, маркетинг ва бошқа тавсифга эга бўлиши мумкин. Масалан, кредит маҳсулотлари гуруҳига банк кредит хизматларининг куйидаги турлари киради: юридик шахсларга кредит линияси асосида овердрафт бўйича, жорий ҳисобварақда кредит бериш, бир марталик мақсадли кредитлар бериш, лойиҳа бўйича кредитлаш. Синдикат-лашган асосида кредитлаш, уй-жой ва ер билан боғлиқ ипотека кредити, истеъмол эҳтиёжлари учун жисмоний шахсларни кредитлаш, уй-жой қурилиши ва бошқалар; депозит маҳсулотлари гуруҳига юридик ва жисмоний шахслар учун талаб қилиб олингунча ҳисобварақларни очиш ва юритиш бўйича хизматлар, муддатли депозитлар, жамғарма депозитлари, қимматли металллар ҳисобварақлари, вакиллик ҳисобварақлари, кредит ташкилотларининг муддатли депозитлари ва бошқалар киради; ҳисоб-китоб маҳсулотларига буюртмалар, тўлов топшириқномалари, аккредитивлар, чеклар бўйича ҳисоб-китоблар киради.

Банк маҳсулотини яратишда банкнинг функционал бўлинмаларидан ташқари ёрдамчи бўлинмалар ҳам иштирок этади. Масалан, юридик бўлим, банк технологияларини автоматлаштириш бўлими ва ахборот хавфсизлиги бўлими» буюртмалар бўйича ҳисоб-китоблар» хизматини яратишда иштирок этади. Улар функционал бўлинмалар фаолияти учун шарт-шароитларни таъминлайди.

Банк хизматининг фойдаси унинг нархи ва таннархи ўртасидаги фарқдир. Фоиз, комиссия ва бошқалар нархнинг шакли ҳисобланади.

Хизмат таннархини ҳисоблаш уни яратиш технологияси,

бўлимлар ёки операциялар кесимида иш вақтининг нархи ва бўлимлар бюджетига асосланади.

Хизмат таннархини ҳисоблашнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

- банк бўлинмалари ёки иш жойлари кесимида бюджет тузиш;

- ёрдамчи (штаб) бўлинмалари харажатларини функционал бўлинмалар ўртасида тақсимлаш;

- банк хизматларини яратиш технологияси тавсифи;

- банк хизматларини яратишда иштирок этувчи бўлинмалар (бўлинма ёки иш жойи) бўйича иш вақтининг нархини (даврдаги иш вақти жамғармаига нисбатан фоизларда) аниқлаш;

- хизматни яратишда иштирок этувчи ҳар бир бирлик харажатини ҳисоблаш;

- хизмат яратишда иштирок қилган барча бирликларнинг харажатларини жамлаш орқали хизматнинг умумий қийматини аниқлаш.

Банк хизматлари таннархини ҳисоблаш анъанавий усул ва функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ) усули орқали оширилиши мумкин. Усуллар орасидаги асосий фарқ хизматни яратишда иштирок этадиган бирликларни танлаш билан боғлиқ. Агар анъанавий усулга кўра, бундай бирлик банк бўлими (бўлим, бошқарма) бўлса, у ҳолда функционал-қиймат таҳлили усулига кўра, бу муайян операцияларни бажариш билан боғлиқлиги жойидир. Хусусан, функционал-қиймат таҳлили усулида технологик жараён ва иш вақтининг таннархини аниқлаш алоҳида функциялар (операциялар) ва бўлинма ходимлари бўйича батафсил тақдим этилса, анъанавий усулда бу маълумотлар жамланган шаклда – бўлинмада амалга оширилувчи операциялар гуруҳи бўйича яхлит тарзда ифода қилинади. Бунинг натижасида, функционал-қиймат таҳлили усули нафақат хизмат таннархини, балки ушбу хизматлар шаклланадиган операцияларни аниқлаштириш имконини беради.

Иккала усул учун хос бўлган умумий жиҳатлар қуйидагилардан иборат: ҳисоб-китоб мақсадига эришишда босқичма-босқич

ёндашув ва изчиллик; банк тузилмаси ва бюджетлаштириш жараёнига асосланган усуллар; хизмат яратиш технологияси тавсифи; технологик жараён бирлигига сарфланувчи иш вақти сарфини аниқлаш.

Функционал-қиймат таҳлили усули хизмат таннархини ҳисоблаш аниқлигини ошириш воситаси сифатида пайдо бўлган. Бу харажат катта ҳудудларни ва операцияларнинг қайта такрорлаш ҳолатларининг мавжудлигини синчуковлик билан аниқлаштириш имконини беради. Бироқ, бу усул бир мунча меҳнат сиғимли ва банкда амалда қўллаш нисбатан юқори даражадаги харажатларни талаб қилади. Тавсифланган усулларнинг яққол тасвири сифатида банк ҳисоб-китоб хизматларининг икки йўналиши бўйича харажатларва фойдани аниқлаш мисолини келтириш мумкин.

Анъанавий усулдан фойдаланган ҳолда тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг таннархи ва рентабеллигини аниқлаш. Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда банкнинг қуйидаги бўлинмалари иштирок этади:

- функционал бўлинмалар: ҳисоб-китоб операцияларини бошқариш: операциялар бўлими, маълумотларни тайёрлаш бўлими, электрон тўловлар бўлими; банклараро ҳисоб-китоблар бўлими (агар пул маблағларини олувчи бошқа банк муассасасида жойлашган бўлса), телекоммуникациялар ва компьютерлар бўлими;

- бухгалтерия ҳисоби ва статистика бошқармаси: ҳисоб ва статистика бўлими; архив;

- ёрдамчи бўлинмалар: юридик бўлим, технологиялар бўлими, амалий дастурий таъминот бўлими.

Мисолни соддалаштириш учун биз тўловчи ва пул маблағларини олувчи бир банкда эканлигини тахмин қиламиз. Шу сабабли, банклараро ҳисоб-китоблар бўлими хизматда иштирок этмайди.

Ҳисоб-китоб операциялари технологиясидан ташқари, маълум бир даврдаги бўлинмалар кесимида иш вақтининг умумий

миқдорива унинг харажатлари, ҳар бир бўлинманинг бюджетини аниқлаш талаб этилади.

Ҳар чораклик иш вақти: иш кунлари сони - 66; иш куни - 28 800 дан; умумий иш вақти давомийлиги - 1 900 800.

Банк бўлинмалари бўйича иш вақти: тўлов топшириқномаси шаклида битта ҳисоб-китоб операциясига сарфланган иш вақти сонияларда – 198; фоизларда - 0,01042; шужумладан: операцион бўлимда сонияларда – 180; фоизларда - 0,00921; маълумотларни тайёрлаш бўлимида сонияларда - 7,55; фоизларда - 0,00042; ҳисоб-китоб операцияларини рўйхатга олиш ва назорат қилиш бўлимида сонияларда - 1,2; фоизларда - 0,00006; бошқа функционал бўлимларда сонияларда - 9,0; фоизларда - 0,00047.

Тўлов топшириқномаларидан фойдаланганда битта ҳисоб-китоб операциясининг таннархи банк ичидаги харажатлар ва Марказий банкнинг ҳисоб-китоб бўлинмаларига тарифларни тўлашдан иборат бўлади. Ўз навбатида, банк ичидаги харажатлар функционал бирликлар бюджетлари бўйича битта тўлов топшириқномасига сарфланган иш вақти йиғиндиси сифатида аниқланади. Шу билан бирга, функционал бўлинмаларнинг бюджетлари ёрдамчи бўлинмалар харажатларига кўпайтирилади. Ушбу харажатларни тақсимлаш функционал бўлинмалар бюджетидаги харажатларнинг умумий миқдорига мутаносиб равишда амалга ошади.

Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар банк маҳсулоти таннархини аниқлаш. Банк ички харажатлари: операцион бўлим харажатлари: чорак учун бюджет - 592,8 минг сўм; чораклик иш вақтига нисбатан иш вақти харажатлари - 0,00921%; таннарх - 0,054 минг сўм; маълумотларни тайёрлаш бўлими харажатлари: чорак учун бюджет – 364,64 минг сўм; битта топшириқнома учун иш вақтининг нархи, %; чораклик иш вақтига нисбатан 0,00042%; таннарх - 0,0015 минг сўм; ҳисоб-китоб операцияларини рўйхатга олиш ва назорат қилиш бўлими харажатлари: чорак учун бюджет – 60,9 минг сўм; битта буюртма учун иш вақти сарфи, %; чораклик иш вақтига нисбатан 0,00006; таннарх - 0,0098 минг сўм; бошқа

бўлимларнинг харажатлари - 0,002 минг сўм. Марказий банкнинг тарифлари - 0,0099 минг сўм. Таннарх, жами (мингсўм) = 0,0772 = (0,054 + 0,0015 + 0,0098 + 0,002 + 0,0099). Шу тариқа, ушбу банкда битта тўлов топшириқномасини қайта ишлаш ва бажариш қиймати 77,2 сўмни ташкил қилади. Тўлов топшириқнома-ларидан фойдаланган ҳолда битта ҳисоб-китоб операциясининг фойдаси банк комиссиясининг таннархдан ошиб кетишига мос келади. Акс ҳолда, йўқотиш бўлади.

Хужжатли аккредитив ёрдамида импорт ҳисоб-китобларининг таннархи ва рентабеллигини аниқлаш. Ушбу ҳисоб-китоб маҳсулотини яратишда ўтказмалар ва хужжатли аккредитивлар бўлими, банклараро ҳисоб-китоблар бўлими, конверсионо перацияларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш бўлими иштирок этади. Ушбу бўлинмаларнинг ҳар бирининг таркибига бўлим бошлиғи, бош иқтисодчи, бухгалтер-назоратчи, биринчи категорияли иқтисодчи, иккинчи категорияли иқтисодчи лавозимлар киради.

Кўриб чиқиладиган ҳисоб-китоб хизматининг нархини аниқлаш учун унинг технологияси иш ва операцияларни ҳисобга олган ҳолда тавсиф-ланиши керак. Хусусан, ўтказмалар ва хужжатли аккредитивлар бўлими ходимлари томонидан қуйидаги операциялар амалга оширилади: мижознинг аккредитив очиш ҳақидаги аризасини қабул қилиш, текшириш ва уни очиш; аккредитивни расмийлаштириш ва аккредитив бўйича маълумотни шакллантириш; қоплаш ҳисоби билан ўзаро вакиллик бухгалтерия ёзувларини тайёрлаш; аккредитив бўйича тақдим этилган хужжатларни текшириш; аккредитив бўйича тўловни амалга ошириш; мижозга хужжатларни бериш; хорижий банк билан ёзишмалар; балансдан ташқари бухгалтерия ҳисоби.

8.4. Банк билан мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг фойдалилигини баҳолаш

Мижозга ёки мижозлар гуруҳига (VIP - мижозлар, юридик шахслар, жисмоний шахслар) хизмат кўрсатишдан банк томонидан

олинган фойда мазкур хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади.

Банк даромадига қуйидагилар киради: берилган ссудалар бўйича фоизли даромадлар; кредитлаш тавсифига эга бўлмаган хизматларданкомиссион даромадлар; мижознинг ҳисобварағига пул маблағларининг бўш қолдиғини жойлаштиришдан олинган даромадлар.

Банкнинг мижозларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларига қуйидагилар киради: банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мижозларга тўланадиган фоизлар; банкнинг мижозлар ҳисобварақларини юритиш ва бошқа хизматлар таннари.

Кредитлаш тавсифига эга бўлмаган хизматлардан олинган даромад хизматлар сони ва тегишли комиссия тўловлар асосида аниқланади. Фоизли даромадлар (FD) фоизларни ҳисоблаш баённомаси маълумотлари асосида аниқланади.

Мижозларнинг ҳисоб-китоб ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлардан банк томонидан фойдаланишдан олинган соф даромад (SDk) қуйидагилар асосида аниқланади:

- кўрсатилган ҳисобварақлар бўйича ўртача хронологик қолдиқлар (L_d);

- мажбурий захираларга ўртача хронологик ажратмалар (L_r);

- жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз ставкалари (U_p);

- актив операциялар бўйича фоиз ставкалари (U_a);

- мижозлар ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фоизсиз харажатлар (R_k).

Мижозларнинг маблағларини актив операцияларга жойлаштириш орқали банкнинг бошқа мижозлари маблағлар билан молиялаштирилади. Натижада, банкнинг мижозлар билан муносабатларидан олинган соф даромадни (SDk) ҳисоблашни қуйидагича формула орқали ифодалаш мумкин:

$$SDk = \sum K + \sum F + \sum(L_d - L_r) * U_a - \sum L_d * U_p - X_m$$

Мижозлар билан муносабатларнинг рентабеллик даражасининг нисбий кўрсаткичи ушбу муносабатларнинг рентабеллиги ҳисобланади:

$$RM = FM : XM,$$

бу ерда RM – миждозлар билан муносабатлар рентабеллиги; FM – банкнинг миждозлар билан муносабатларидан олинган фойдаси; XM – миждозларга хизмат кўрсатиш харажатлари.

Мижозларнинг алоҳида гуруҳлари учун рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш банкнинг миждозлар сиёсатининг йўналишларини аниқлаш имконини беради.

8.5. Банкнинг рентабеллик даражасини ифодаловчи индикаторлар

Банкнинг рентабеллик кўрсаткичлари – бу кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган рентабеллик даражасининг пасайиши эҳтимолини акс эттирувчи расмий ва норасмий кўрсаткичлардир.

Банк рентабеллигини йўқотиш хавфини башорат қилиш имконини берувчи банкнинг рентабеллик кўрсаткичларини кузатиш банк рентабеллигини таҳлил қилиш тизимида муҳим ўрин тутди. Банк фаолияти фойдалилигининг ҳар бир даражаси учун ўзига хос кўрсаткичлар тўпламини тавсия қилиш мумкин.

Умумий тарзда банкнинг рентабеллик кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумки: фойда коэффицентининг амалда пасайиши; фоиз маржасининг пасайиш тенденцияси; юкнинг ўсиши; соф фойданинг асосан нобарқарор манбалар ҳисобидан шаклланиши; фоиз маржасининг юки ва солиқлар томонидан ютиб юборилиши.

Фойда коэффицентининг қиймати банкнинг кўламига қараб фарқланади, одатда у марказий банк томонидан тавсия этилади ёки бизнес - режа асосида банкнинг ички стандарти сифатида ҳисобланади. Бироқ, рентабеллик коэффиценти даражасини баҳолашда унинг ҳақиқий қийматининг стандартдан четга чиқиши эмас, балки таркиб топган вазиятда коэффицентнинг пасайиш

динамикасини баҳолаш асосий ўрин эгаллайди. Бундай ҳолатнинг таркиб топиши банкнинг молиявий барқарорлиги шубҳа остида эканлигини, тезкор чоралар кўрилмаса, у тезда банкрот бўлишидан дарак беради. Тузилмавий таҳлилда аниқланувчи соф фойдани шакллантириш манбалари ҳам худди шундай муҳим аҳамиятга эга. Агар муайян давр учун фоиз маржаси (соф фоиз даромади) тўлиқ ёки катта қисми юк ва солиқлар томонидан ютиб юборилса, фойданинг сифати паст бўлади, чунончи у беқарор манбалардан шаклланади. Фойда сифати дейилганда унинг келгусида сақланиб қолиш эҳтимолитушунилади. Нобарқарор манбалар ҳисобига шаклланган паст фойда банкнинг молиявий муаммолари эҳтимолнинг яна бир белгиси бўлиб, унинг рентабеллик даражасини юқори баҳолашга имкон бермайди.

Бу банкнинг фоизсиз харажатлари (фоиз харажатлари чегириб ташланган ҳолатдаги харажатлар сметаси) ва банкнинг фоизсиз даромадлари (комиссия тўловлари ва бошқа бир қатор барқарор даромадлар) ўртасидаги фарқни ифода этувчи юкнинг табиати билан белгиланади. Банкларнинг аксарияти юкка эга, яъни барқарор фоизсиз даромадлар билан банк фаолиятини таъминлаш бўйича барқарор харажатларни қоплай олмайди. Шу сабабли, юк фоиз маржасини ютиб юборади ва барқарор бўлмаган даромадлар билан қопланади. Сўнгги вазиятларда банк учун рискли вазиятлар пайдо бўлади: нобарқарор даромадлар миқдорининг ўзгариши жалб қилинган ресурсларнинг ҳаракатсизланишига, мажбуриятларнинг бажарилмаслигига олиб келади. Фоиз маржаси даражаси мутлоқ қиймат ва коэффицент билан тавсифланиши мумкин.

Фоиз маржасининг мутлоқ қийматини камайтириш - юк ва солиқларни қоплаш манбасини қисқартириш демакдир. Фоиз маржаси коэффиценти-нинг пасайиши (фоиз маржаси : даромад келтирувчи активлар) ишчан актив-ларнинг самарадорлиги, яъни банк харажатларини қоплашдаги барқарор манбаларнинг пасайишини англатади. Ушбу коэффицентнинг пасайиш тенденцияси фоизли маржа коэффицентига нисбатан унинг

даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин, бу эса банкнинг фаолиятини давом эттириши учун барқарор манбаларнинг етишмаслигидан далолат беради. Иккала ҳолат ҳам банкнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келиши мумкин.

Банк фаолиятининг айрим йўналишлар бўйича самарадорликни таъминлаши молиявий жавобгарлик марказлари даражасида рентабеллик кўрсаткичлари қуйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлади:

- фойда бўйича молиявий жавобгарлик марказларининг зарарлари;

- зарарлар бўйича молиявий жавобгарлик марказлари томонидан сметаларга риоя қилмаслик;

- молиявий жавобгарлик маркази фаолият йўналиши билан боғлиқ фоиз маржаси даражаси бутун банк учун етарли фоиз маржасикоэффицентидан паст;

- кредитлар бўйича молиявий жавобгарлик марказлари фоиз даромадларининг пасайиши.

Функционал молиявий жавобгарлик марказлари муайян фаолият йўна-лишларининг самарадорлиги учун жавоб беради. Агар мазкур молиявий жавобгарлик марказлари фаолиятининг молиявий натижаси зарар кўрса, у ҳолда бу фаолият соҳаларининг норентабеллигини кўрсатади. Молиявий жавобгарлик марказларининг зарарлари бошқа молиявий жавобгарлик марказларининг фойдаси ҳисобидан қопланиши лозим. Акс ҳолда, умумий салбий натижалар барча фаолият соҳаларида намоён бўлади, бу эса банкнинг барқарорлиги пойдеворига путур еткази.

Молиявий жавобгарлик марказининг фойдаси соф фоизли даромад, соф фоизсиз даромад ва соф трансферт даромадидан иборат бўлади. Кредитлар бўйича молиявий жавобгарлик марказларининг соф фоизли даромади анъанавий фаолият йўналиши билан боғлиқ даромад олишнинг барқарорлик манбаи ҳисобланади. Шу сабабли, кредит бўйича молиявий жавобгарлик марказларининг соф фоиз даромадининг пасайиш тенденцияси банк деб аталувчи

ташкilotнинг молиявий муоммолари кўрсаткичидир.

Молиявий жавобгарлик марказларига масъул фаолият йўналишлари бўйича фоиз маржаси коэффицентини аниқлашида қуйидаги маълумотлар талаб қилинади: банкнинг ушбу фаолият йўналиши бўйича фоиз даромадларининг ўртача тортилган даражаси; киритилган ресурсларнинг ўртача тортилган нархи; мазкур даврдаги муайян тавсифдаги активларнинг ўртача қолдиғи.

Инвестиция қилинган ресурсларнинг нархи молиялаштириш асосида белгиланади. Молиявий ресурсларни актив операцияларга уларнинг сифати, мажбуриятларга бўлган талаб даражаси ва активларнинг ликвидлилиги, ресурсларнинг иқтисодий табиати (кредит операциялари учун депозит ресурслари) ва операциялар амалга ошириладиган бозор сегментини ҳисобга олган ҳолда тақсимлашни ўз ичига олади. Банк актив операциялар учун ресурсларни тақсимлаш тамойилларини ишлаб чиқади. Мисол тариқасида қуйидаги тамойилларни келтириш мумкин:

- барқарор ресурслар биринчи навбатда паст даражали ликвидли активларни шакллантириш учун ишлатилади;

- ўзгарувчан ресурслар биринчи навбатда ликвидли активларга ажратилади;

- бозорнинг муайян сегментларидан жалб қилинган ресурслар биринчи навбатда ушбу сегментларга жойлаштирилади;

- ликвидлиликни таъминлаш бўйича овернайт;

- банкларарокредитлардан устувор тарзда фойдаланилади;

- ресурсларнинг айрим турларининг мақсадли йўналтирилиши ҳисобга олинади: масалан, актив операцияларнинг айрим турлари (қарз мажбуриятлари, қимматли қоғозлар, ҳисоб-китоб операциялари, бошқа актив операциялар) бўйича йўқотишларни қоплаш учун захиралар, биринчи навбатда, тегишли активларни қоплайди.

Банк маҳсулотлари даражасидаги рентабеллик кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади: зарар келтирадиган маҳсулотларнинг мавжудлиги; шартномавий фоизларни банк томонидан тавсия

этилганидан паст даражада шакллантириш. Маҳсулотларнинг рентабеллиги маълум бир гуруҳ маҳсулотларининг ўртача оғирликдаги нархи ва уларнинг ўртача қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Шартнома фоизлари ресурсларнинг реал қиймати, банк харажатлари, банк ресурслари ва мулкнинг инфляцион қадрсизланишини қоплаши, шунингдек, фойда келтириши лозим. Демак, банк учун ўртача ссуда операциялари бўйича фоизларнинг тавсия этилган даражаси қуйидагича шакллантирилиши керак:

$$FS_{ss} = RS_{rq} + MF_{em} - IS_{pi} \times (1 + MF_{em}),$$

бу ерда FS_{ss} - ссудалар бўйича тавсия этилган шартнома фоизлари; RS_{rq} - ссуда операцияларига жойлаштирилган ресурсларнинг реал қиймати; MF_{em} - етарли фоиз маржаси; IS_{pi} - прогноз қилинган инфляция суръати.

Ссуда операцияларига киритилган ресурсларнинг реал қиймати мажбурий заҳира коэффициентига боғлиқ:

$$RS_{rq} = NR_{bn} : (1 - ZM_{mz}) \times 100,$$

бу ерда NR_{bn} - ресурсларнинг бозор нархи; ZM_{mz} - мажбурий заҳира нормаси.

Ҳақиқий харажат заҳиралар билан қопланган ресурслар бўйича ҳисобланади. Рентабеллик кўрсаткичлари тизими икки гуруҳга бўлинади: асосий ва қўшимча кўрсаткичлар. Асосий кўрсаткичларга банк даражасидаги рентабеллик кўрсаткичлари киради; қўшимча кўрсаткичларга – молиявий жавобгарлик марказлари, банк маҳсулотлари ва миждозлар даражасидаги кўрсаткичлар киради.

Муҳокама учун саволлар

1. Банкнинг тижорат ҳисоб-китоби» атамасига таъриф беринг?
2. Банкнинг тижорат ҳисоби тамойилларини шакллантириш ва уларнимамлакат банклари фаолиятида қўллаш борасида фикрларингизнибаён қилинг?
3. Мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятининг устувор йўналишлари нималардан иборат?
4. Миллий кредит ташкилотлари фаолиятида устувор бўлган

банкнинг даромадлилик ва рентабеллик даражасини баҳолаш усуллари кўрсатинг?

5. Банкнинг даромадлилик ва фойдалилик даражасини баҳолашнинг миқдор ва сифат усуллари аҳамияти нималарда кўринади?

6. Банк бўлинмалари фаолиятининг молиявий натижасини баҳолашни банк амалиётига жорий этиш шартлари нималардан иборат?

7. Банк секторига нисбатан маҳсулотлар, хизматлар, операциялар тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги мунозаранинг моҳиятини аниқлаштиринг?

8. Банкнинг рентабеллик кўрсаткичлари тизими қандай гуруҳларга бўлинади?

9. Агар фоизсизли даромадлар фоизсиз харажатлардан юқори бўлса, ижобий маржа шаклланса, жаҳон стандартларига кўра, у фоиз маржасининг неча фоиз даражасида бўлиши керак?

10. Молиявий ресурсларни актив операцияларга уларнинг сифати, мажбуриятларга бўлган талаб даражаси ва активларнинг ликвидлиги, ресурсларнинг иқтисодий табиати (кредит операциялари учун депозит ресурслари) ва операциялар амалга ошириладиган бозор сегментини ҳисобга олган ҳолда тақсимлашни ўз ичига олиши мумкинми?

XI БОБ. БАНКНИНГ ЛИКВИДЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

9.1. Банкнинг ликвидлиги билан молиявий барқарорлиги индикаторлари ўртасидаги алоқадорлик

Тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашда ликвидлик алоҳида ўрин тутди. Амалиёт шуни кўрсатадики, мажбуриятларни бажариш ёки мижозларнинг янги маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш борасида қийинчиликларнинг мавжудлиги банкнинг молиявий барқарорлигини заифлаштирувчи етакчи омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммолар пул оқимларининг қисқа муддатли номутаносиблигининг натижаси бўлиши мумкин ёки активларнинг қониқарсиз сифати, ресурс базасининг беқарорлиги, банк харажатларининг даромадлар билан таъминланмаганлиги каби жиддий сабаблар мавжудлигидан далолат беради. Шу боис, тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда, жорий ва истиқболли талаб ва мажбуриятларни қондириш учун унинг ликвидлилик ҳолатига ойдинлик киритиш лозим.

Банкнинг ликвидлиги молиявий барқарорликнинг ўзига хос сифат кўрсаткичи ҳисобланади, шу сабабли банк секторини тартибга солувчи Марказий банклар кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда ликвидликни баҳолашга етарлича жиддий эътибор қаратадилар. Бунда баъзи экспертлар АҚШ ва бошқа бир қатор мамлакатларда тижорат банкларини рейтинг баҳолашда қўлланилувчи CAMELS рейтинг тизимини қайта ўзгартириш, ликвидликнинг кредит муассасаларининг молиявий барқарор- лигига таъсирини таъкидлаган ҳолда ликвидликни биринчи ўринга қўйиш ва тизим унсурларининг кетма-кетлигини ўзгартирган ҳолда, уни LEMAC деб номлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар⁴⁹.

Умумий тарзда, шу жумладан ликвидлик нуқтаи назаридан тижорат банкининг молиявий барқарорлигини бевосита таҳлил

⁴⁹ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016

қилиш жараёнида намоён бўлади. Банкнинг ликвидлилик ҳолатини баҳолаш асосида иккита асосий усул ётади. Илмий адабиётларда ушбу усуллар ликвидлиликни «заҳира» ва «оқим» сифатида баҳолаш сифатида талқин қилинади. «Заҳира» сифатида ликвидлиликни баҳолашнинг мазмуни қолдиқ тамойили асосида лаҳзалик, қисқа муддатли ва узоқ муддатли вақт оралиқлари давомида кредит ташкилотининг ўз мажбуриятларини бажара олиш ва ўз мижозларининг эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятини аниқлаштиришни ифода этади.

«Оқим» сифатида баҳолаш усули кўшимча имкониятлар яратади, чунончи у пул оқимларидаги бўшлиқларни аниқлаш, уларнинг катталиги ва қамраб олиш ёки жойлаштириш имкониятларини, бозорда фоиз ставкаларининг ўзгаришига сезгирлигини баҳолаш имконини беради. Яқин вақтгача бу усул фақат банк менежменти томонидан қўлланилган бўлса, ҳозирда у назорат органлари томонидан ҳам қўлланилмоқда. Баҳолаш усулларининг ҳар бирига баҳолаш усуллари кўринишидаги муайян бир ўзига хос воситалар тўплами хосдир.

Кредит ташкилотининг ликвидлилик ҳолатини «заҳира» сифатида баҳолаш коэффициент усули асосида амалга оширилади, ликвидлиликни «оқим» усули сифатида баҳолаш эса узилишлар, матрицалар ва давомийлик усулларига таянади.

GAP ва коэффициентли баҳолаш усуллари тижорат банклари томонидан ва шунингдек назорат амалиётида кенг қўлланилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, GAP усули баҳолашнинг нисбатан янги усуллари сирасига киради. Бошқа иккита усул - матрица усули ва муддатлилик (дюрация) усулларида нисбатан яқиндан бўён фойдаланиб келинмоқда, улар одатда ички мақсадлардалиқидлиликни таҳлил қилиш ва баҳолашда тижорат банкларитомонидан қўлланилади. Шу билан бирга, халқаро тажриба ва замонавий банк амалиёти ушбу усуллардан нафақат бошқарув мақсадида, балки бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш истиқболли эканлигидан гувоҳлик беради.

Ликвидлиликни таҳлил қилишда фойдаланилувчи узилишлар (GAR) усули кредит ташкилотининг баланси бўйича ликвидли активлар ва нобарқарор мажбуриятларни таққослашга асосланади, у активлар ва пассивларнинг муддати бўйича фарқланишларни аниқлаштиришда ҳам қўлланилиши мумкин.

Мазкур усул активлар ва мажбуриятлар (шу жумладан балансдан ташқари) тўғрисидаги маълумотлар асосида у ёки бу санага қайтарилиши лозим бўлган маблағлар миқдорини таққослашни амалга оширишни кўзда тутувчи матрица усули билан узвий боғлиқ бўлиб, маблағлар бўйича белгиланган саналар ичида активлар ва мажбуриятлар қай даражада таққосланишини визуал баҳолаш, сўнгра таҳлил қилишга имкон беради.

Дюрация (давомийлик) усули тўловларнинг давомийлигини, ўзгарти-рилган давомийлик усули эса ликвидлилик рискининг эластиклигини ўлчаш имконини беради.

Амалдаги усулларнинг ҳар бири тижорат банкининг ликвидлилик ҳолатининг алоҳида жиҳатларини очиб беради. Таҳлилий жараёнлардан фойдаланишда объектив маълумотларга эга бўлиш учун тилга олиб ўтилган бутун мажмуадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

9.2. Коэффициентлар усули ёрдамида банкнинг ликвидлилик даражасини баҳолаш

Коэффициентла усули кенг тарқалган усуллардан бири бўлиб, Ўзбекистонда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам назорат органлари амалиётида ва тижорат банклари менежменти томонидан кенг қўлланилади. Маълумки, Марказий банklar молиявий барқарорлик асносида тижорат банки ликвидлигининг умумий ҳолатини баҳолашни келтириб чиқаришда барқарорлик заҳирасини ҳисобга олган ҳолда табақаштирилувчи коэффициентларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва қийматлари даражасини белгилаб беради.

Мамлакатимиз ва халқаро банк амалиётида турлича кўрсаткичлар тўплами қўлланилади. Коэффициентлар усули

банкнинг баланс кўрсаткичларини ҳисоблашга қаратилган бўлиб, асосан ликвидлилик ҳолатини белгилаб берувчи активлар ва мажбуриятларнинг сифати ва тузилмасини очиб беради. Бошқача қилиб айтганда, баланс таркибий кўрсаткичларининг кенг кесими олинади. Кредит ташкилотларининг ликвидлигини баҳолашда халқаро ва Ўзбекистоннинг ички корпоратив тажрибасини умумлаштириш муайян бир санада банк ликвидлигини тўлиқроқ баҳолашга имкон берувчи кўрсаткичларни аниқлаш, шунингдек коэффицентлар қийматининг динамикада ўзгаришини баҳолашга имкон беради.

Барча кўрсаткичларни тўртта гуруҳга бирлаштириш мумкин: 1) банк мажбуриятлари ҳажми ва тузилмасини тавсифловчи коэффицентлар; 2) ликвидли активлар ҳажми ва тузилмасини тавсифловчи коэффицентлар; 3) мажбуриятларнинг алоҳида моддаларини ликвидли активлар билан қоплашни тавсифловчи коэффицентлар; 4) банкнинг барқарорлигини тавсифловчи коэффицентлар (9.1-жадвал).

9.1-жадвал

Банкнинг барқарорлигини тавсифловчи коэффицентлар

№	Гуруҳларнинг номланиши	Коэффицентлар	Тавсия қилинган қиймати, %
1	Банк мажбуриятлари ҳажми ва тузилмасини тавсифловчи коэффицентлар	Мажбуриятлар тузилмасида асосий депозитлар улуши: Асосий депозитлар/Жами депозитлар	75
		Жами депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши: Талаб қилиб олингунча депозитлар/жами депозитлар	35
		Банк депозит базасида муддатли депозитларнинг улуши: Муддатли депозитлар/жами депозитлар	15
		Жами депозитлар таркибида жисмоний шахсларнинг омонатлари улуши:	

		Жисмоний шахсларнинг омонатлари/жами депозитлар	25
2	Ликвид активлар ҳажми ва тузилмасини тавсифловчи коэффицентлар	Баланс валютасидаги ликвид активларнинг улуши: Кассадаги ва банкнинг корреспондентлик ҳисоб рақамларидаги маблағлар/Умумий активлар	5 дан кам эмас
		Баланс валютасидаги юқори ликвидли активлар улуши: Кассадаги ва банкнинг корреспондентлик ҳисоб рақамларидаги ва юқори ликвидли қимматли қоғозлардаги маблағлар/Умумий активлар	10 дан кам эмас
		Жами активлардаги ноликвид активларнинг улуши: (Соф ссуда қарздорлиги/жами активлар) + иммобилизация	70 дан кўп эмас
		Гаровдаги қимматли қоғозлар улуши: Гаровдаги қимматли қоғозлар /Қимматли қоғозлар портфели	50 дан кўп эмас
3	Мажбуриятларнинг алоҳида моддаларини ликвидли активлар билан қоплашни тавсифловчи коэффицентлар	Лаҳзалик ликвидлик: Кассадаги, банкнинг корреспондентлик ҳисоб рақамларига маблағлар/талаб қилиб олинганча мажбуриятлар	15 дан кам эмас
		Мажбуриятлардаги қайноқ пуллар улуши: Савдо портфели активлари /Пуллик бозор мажбуриятлари	30 дан кам эмас
		Кредит портфелининг ликвидлиги: (кредитлар + ноликвидқимматли қоғозлар)/асосий депозитлар	50 дан кўп эмас
		Кредит портфелидаги йирик мажбуриятлар улуши: Йирик мажбуриятлар/ялпи ссуда қарздорлиги	25 дан кўп эмас
4	Банк барқарорлигини тавсифловчи коэффицентлар	Активларда ялпи капиталнинг улуши: Банкнинг ўз маблағлари/Ялпи активлар	10 дан кам эмас
		Активларнинг ялпи rischi: Риск даражаси бўйича тортилган активлар/Жами активлар	75 дан кўп эмас
		Банк портфелидаги муаммоли ссудалар улуши: Муддати ўтган кредитлар/Жами ссуда қарздорлиги	10 дан кўп эмас

Биринчи гуруҳ банкнинг ресурслар ва депозитлар базаси тузилмасини тавсифлайди. Банк асосий депозитларининг активлар таркибидаги шунингдек, маблағларнинг депозит манбаларидаги улуши ва динамикаси ликвидлиликнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Агар депозитлар таркибидаги асосий депозитларнинг улуши камида 75%, активлар таркибида эса 50% бўлса, ушбу банк ликвидли банк ҳисобланади. Асосий депозитлар тушунчаси хорижий амалиётда кенг қўлланилади. Ресурсларнинг ушбу тоифасига биринчи навбатда суғурталанган депозитлар, яъни банк омонатчиси кредит муассасаси банкрот бўлган тақдирда, қонуний равишда суғурта суммаси доирасида тоvon олиш имкониятига эга бўлганлиги сабабли, муддатидан олдин олиб қўйиш рискига дуч келмайдиган депозитлар киритилади.

Ушбу коэффициентлар гуруҳи шуни кўрсатадики, агар асосий депозитларнинг улуши депозит базасида 75% ёки активларда 50% даражасида бўлса, банкнинг ликвидлигига ҳеч нарса таҳдид солмайди. Шу билан бир вақтда, тузилмаси ва муддатига кўра, банкка талаб қилиб олингунча депозитларга устуворлик бериш, хусусан юридик шахсларнинг депозитлари камида 35 фоизини, жисмоний шахслар омонатларининг ҳеч бўлмаганда 25 фоизини талаб қилиб олингунча депозит кўринишда шакллантириш, депозитларнинг атиги 15 фоизини эса муддатли шартларда шакллантириш тавсия қилинади. Келтириб ўтилган нисбатлар шуни кўрсатадики, талаб қилиб олингунча депозитлар биргаликда банкка миждоз маблағларининг айна вақтда паст қийматга эга бўлган миждозларнинг минимал камаймайдиган маблағлари қолдиғига таяниш имконини беради. Маълумки, мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг омонатлари омонатларни суғурталаш тизими билан ҳимояланган, бу ҳам ушбу қолдиқларнинг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Аксинча, банк учун харажатларнинг юқори даражасига эга бўлган муддатли депозитлар бир вақтнинг ўзида бозордаги фоиз ставкаларининг ўзгаришига жуда сезгир бўлгани ҳолда, ноқулай шароитларда миждоз томонидан қайта амалга

оширилмаслиги ҳам мумкин.

Иккинчи гуруҳ кредит ташкилоти активларининг ликвидлигини кенгроқ кўриб чиқишга имкон беради. Хусусан, бу иккинчи ва учинчи гуруҳ коэффициентларига тегишли саналади. Бутун дунёда банк сектори ривожла-нишининг замонавий тарихи банкнинг ликвидлиги учун асосий таҳдидли активлар, уларнинг сифати ва кредитлар эканлигини яна бир бор намойиш этади. Шу боис, банк баланси таркибидаги кредитлар ва иммобилизация қилинган активларкаби паст ликвидли активларнинг улушини баҳолаш унинг ликвидлилик нуқтаи назаридан заифлигини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, қимматли қоғозларнинг умумий портфелидаги гаров сифатида сақланадиган қимматли қоғозларнинг улуши ҳақидаги маълумотларни очиб берувчи учинчи коэффициент ҳам бир мунча қизиқиш уйғотади. Кўриниб турибдики, гаров учун мақбул бўлган баъзи қимматли қоғозлар юқори ликвидли активлар ҳисобланади, чунки улар банкка банклараро бозорда ва Марказий банкдан қарз олишга имкон беради. Ушбу ҳолатда аллақачон гаровда бўлган қимматли қоғозларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, банкнинг ташқи манбалар ҳисобига ликвидлиликни сақлаб қолиш лаёқати шунчалик чекланган бўлади.

Иккинчи бўлимдаги навбатдаги коэффициентлар гуруҳи аслида ликвидлилик кўрсаткичи ҳисобланади, ушбу коэффициент ҳисоблаш алгоритми ва даражасига кўра лаҳзалик ликвидлилик меъёрига шунингдек, бозор мажбуриятларида улгуржи бозор битимларининг улушини кўрсатадиган коэффициентга яқин саналади. Савдо портфелининг активлари (формула суръати) банклараро кредитлар ва қайта сотиш учун мўлжалланган қимматли қоғозларни ўз ичига олади. Хусусий қимматли қоғозларни жойлаштириш орқали банклараро қарзлар, шу жумладан халқаро капитал бозоридаги қарзларга нисбатан ушбу қиймат қанчалик паст бўлса, банкнинг глобал тенденцияларга, миллий молия бозоридаги салбий ҳодисаларга боғлиқлиги шунчалик юқори бўлади, бу эса, бундай кредит ташкилотининг ликвидлилик баҳоси шунча паст

бўлишини кўрсатади.

Учинчи гуруҳ баланс пассивининг алоҳида моддаларини турли ликвидли активлари билан қоплаш каби тузилмавий тавсифдаги маълумотларни очиб беради. Улар орасидаги лаҳзали ликвидлилик коэффициенти талаб қилиш муддати тугаган мажбуриятлардаги биринчи даражали ликвидлик захираларининг улушини баҳолашга имкон беради. «Қайноқ» пуллар коэффициенти савдо портфелининг активлари бозор мажбуриятлари билан қанча молиялаштирилишини кўрсатади ва бунда баланснинг ликвидлиги нуқтаи назаридан мазкур кўрсаткичнинг даражаси камида 30% бўлиши қониқарли ҳисобланади.

Банк кредит портфелининг ликвидлилик кўрсаткичи ссуда қарзи ва ноликвидли қимматли қоғозлар улушининг кредит ташкилотининг депозит ҳисобварақларидаги ўртача қолдиқларига нисбати ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич 70% дан ошмаслиги керак. Агар коэффициент даражаси 100% га тенг ёки ундан ортиқ бўлса, демак, кредитлар ва ноликвид қимматли қоғозлар бозор мажбуриятлари ёки ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ушбу паст ликвидли активларни бозор мажбуриятлари ҳисобига молиялаштириш, биринчидан, банк даромадларининг волатиллиги (сезгирлиги)ни оширади, чунки банклараро бозорда жалб қилинган кредитлар, банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга хизмат кўрсатиш тақдим этилган кредитларнинг рентабеллиги ва ноликвид қимматли қоғозлардан фарқли ўлароқ, бозордаги фоиз ставкаларининг ўзгаришига жуда сезгир ҳисобланади, иккинчидан, ликвидлилик рискинни оширади, чунончи бозор мажбуриятларини жалб қилиш молия бозори сегментларининг ликвидлиги билан чекланган бўлади. Тавсия этилган мезон бўйича йирик мажбуриятлар коэффициенти улушининг умумий ссуда қарзига нисбатан қийматнинг ошиши банкнинг қулай бозор шароитларига боғлиқлигини акс эттиради, ссуда қарзини қайта молиялаштириш нуқтаи назаридан молиялаштириш хавфини оширади ва даромад манбаларининг сезгирлигини оширади.

Тўртинчи гуруҳ банк мажбуриятларининг умумий хусусиятларини, хусусан, банк активларидаги ўз маблағларининг улушини, баланс валютасидаги таваккалчиликка асосланган активларнинг улушини ва муддати ўтган кредит қарзининг банк миқдорларининг умумий кредит қарзидаги улушини кўрсатади. Ўз маблағларининг улуши қанчалик юқори бўлса, хавфсизлик чегараси шунчалик юқори бўлади. Ўз манбаларининг жуда юқори қисми банкнинг маблағларини тўплаш ва фаол бизнес сиёсатини олиб бориш имконияти чекланганлигини кўрсатади. Динамикада таваккалчиликка асосланган активлар улушининг кўпайиши активлар сифатининг ёмонлашаётганини ва ликвидлилик билан боғлиқ муаммоларни кўрсатади. Ва ниҳоят, банк портфелида муддати ўтган қарзнинг ўсиши унинг сифатининг ёмонлашишини, яқин келажакда ликвидлиликнинг пасайиши эҳтимолини кўрсатади.

9.2. GAP ва матрицаусуллари ёрдамида банкнинг ликвидлилик даражасини баҳолаш

GAP усули. Кредит ташкилотининг ликвидлигини баҳолашнинг янада ривожланган усули бу номувофиқлик ёки GAP усули ҳисобланади. Ушбу усулдан фойдаланиш муайян бир санага ва шу билан бир қаторда, муддатлар, жумладан сўндириш муддатлар кесимида бутун бир банк бўйича ликвидли активлар ва нобарқарор пасивлар ўртасидаги номувофиқлик миқдорини аниқлаш имконини беради. Ушбу маълумот кредит ташкилоти раҳбарияти томонидан ликвидли маблағларга бўлган эҳтиёжни режалаштиришда, шунингдек назорат органи томонидан кенг қўлланилади.

Ушбу усулдан фойдаланишнинг халқаро тажрибаси кредит ташкилотининг активларини икки тоифага, яъни ликвидли ва ликвидли бўлмаган активлар, пасивларни эса - барқарор ва нобарқарор тоифаларга ажратишга асосланади⁵⁰. Ушбу ҳолатда активларнинг ликвидлиги ва пасивларнинг беқарорлиги тўғрисидаги далиллар борасида 7 кун, 30 кун, 6 ойгача бўлган

⁵⁰Uyemura D.G., Deventer D.R. Risk management. 1993.P 237-239

чегаравий муддатни ажратиш таклиф этилади. Америка амалиётида активларни ликвидли ва ликвидли бўлмаган маблағларни таснифлашда одатда юқори ликвидли деб ҳисобланадиган маблағлар билан унга тенглаштирилган маблағлар ликвидли маблағларнинг таркибига киритилмайди. Ушбу таснифнинг маъноси шундаки, мутлоқ ликвидликка эга ликвидли маблағлар банкнинг жорий операцион фаолиятини амалга ошириши учун керак ва агар банк тўловга қобилиятли бўлмаса, у ҳолда асосий эътибор балансинг ликвидли захирасига қаратилади. Пул маблағларидан ташқари, РЕПО операциялари, Ностро ҳисобварағидаги қолдиқлар биринчидан, улар ажратилган чегара даврига тўғри келмаса, иккинчидан, ликвидлиликнинг етишмаслиги боис, уларни сезиларли даражада камайтириш мумкин бўлмаса ноликвид активлар гуруҳига киритилади. Мабодо пул бозори активларининг қайтарилиши чегара давридан олдинроқ содир бўлса, у ҳолда улар ликвидли маблағлар гуруҳига киритилади; белгиланган чегаравий давридан олдин тўланувчи РЕПО операцияларини амалга оширишда гаров сифатида қабул қилинадиган қимматли қоғозлар, шунингдек, белгиланган муддатдан олдин тўланадиган ссудақарздорликлари ва шу кабилар ликвидли активлар сирасига киритилиши мумкин⁵¹.

Нобарқарор пасивлар гуруҳига қуйидагилар киради: РЕПО операция-лари; юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозитларининг ўзгарувчан қисми, жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари; қайтариш муддати чегаравий муддатдан олдин бўлган муддатли депозитлар; муайян бир шартларга жавоб берувчи депозит сертификатлари ва шу кабилар.

Барқарор пасивларга қуйидагилар мансуб: белгиланган муддатдан ташқаридаги узоқ муддатли мажбуриятлар; капитал; талаб қилиб олингунча ҳисобварақлар бўйича камайтирилмайдиган қолдиқлар; талаб қилиш муддати чегаравий муддатдан юқори бўлган муддатли депозитлар.

«Ликвидли» ва «ноликвидли», «барқарор» ва «нобарқарор»

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижрат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й. 27/6 – сонли). – Тошкент, 2021

тамойили бўйича активлар ва пасивларни таққослаш асосида узилиш

- GAP аниқланади.

Схематик равишда ликвидли активлар ва нобарқарор пасивлар ўртасидаги фарқ - соф ликвид активлар акс эттирилган. Ликвид активлар нобарқарор пасивлардан ошиб кетган тақдирда, банк ликвидлик захирасига эга саналади ва аксинча - нобарқарор пасивлар ликвид активлардан ошиб кетганда - ликвидликнинг етишмаслиги кузатилади. Халқаро амалиётда қўлланилувчи узилишларнинг кўрсатиб ўтилган усули нафақат алоҳида кредит ташкилоти даражасида, балки яхлит тарзда банк секторида ҳам қўлланилади. Масалан, АҚШ Федерал захира тизими статистика бюллетенида «соф ликвид активлар» усули бўйича банк секторининг ликвидлиги тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб боради, бу эса банк ликвидлиги тенденцияларини баҳолаш имконини беради.

9.2-жадвал

Активлар ва пасивларни тақсимлашнинг тахминий тузилмаси

Кўрсаткичлар	Талаб қилинган муддатлар				
	30 кунгача	30 кундан 180 кунгача	180 кундан 1 йилгача	1 йилдан ортиқ	Муддат сиз
Юқори ликвидли маблағлар					
Банк маблағлари					
Ссуда қарздорлиги					
Бошқа активлар					
ЖАМИ АКТИВЛАР	A ₁	A ₂	A ₃	A ₄	A ₅
Банк маблағлари					
Мижозларнинг маблағлари					
Чиқарилган қоғозлар					
Ўз маблағлари					
ЖАМИ ПАССИВЛАР	L ₁	L ₂	L ₃	L ₄	L ₅
Узилиш	GAP ₁	GAP ₂	GAP ₃	GAP ₄	GAP ₅

Кумулятив узилиш	GAP_1	$\sum_{t=1}^2 GAP_2$	$\sum_{t=1}^3 GAP_3$	$\sum_{t=1}^4 GAP_4$	$\sum_{t=1}^5 GAP_5$
------------------	---------	----------------------	----------------------	----------------------	----------------------

Банкнинг ёки назорат органининг талабига биноан активлар ва мажбуриятлар қайтарилгунга қадар бошқа муддатлар танланиши мумкин. МХХСга кўра, GAPни қўллашда активларнинг ҳаққоний қиймати, яъни кредит хавфини ҳисобга олган ҳолда, активлар қийматини шаклланган захира миқдорига камайтириш орқали активнинг қайтарилмаслигини кўзда тутувчи кредит рискинни ҳисобга олувчи қиймат бўйича ҳисобга олинади. Ликвидликни баҳолашда қимматли қоғозларга қўйилмалар савдо рискинни ҳисобга олган ҳолда, портфелдаги мумкин бўлган йўқотишларни инобатга олган ҳолда акс эттирилади, бунда келгусидаги фоизлар бўйича тўловлар эътиборга олинади.

Ликвидлиликнинг узилиши банк талаблари ва мажбуриятлари мувозанатини маълум вақт оралиғида муддати тугагунга қадар қолган муддатлар бўйича тавсифлайди. Кумулятив ликвидлиликнинг узилиши банкнинг ликвидли активларининг ортиқча ёки камомадини, яъни активларни қайтариш ҳисобига мажбуриятларни ўз вақтида ва йўқотишларсиз бажариш қобилиятини ифода этади. Бундан ташқари, ликвидлиликнинг ортиқча (етишмаслик) коэффиценти кумулятив узилишнинг банкнинг умумий мажбуриятларига нисбати сифатида ҳисобланади:

$$K_{likv}^j = \sum_{t=1}^j GAP : \sum_{t=1}^4 L1,$$

бу ерда j – кумулятив узилиш ҳисобланувчи вақт оралиғи.

Айтиш жоизки, банк амалиётида ликвидлилик рискинни баҳолашда «ГЭП-таҳлил» ва дюрация усуллари ёрдамида банк активлари ва пасивлари таркиби уларнинг муддати ва миқдорига кўра баҳоланади. Баҳолаш жараёнида қарз маблағлари қоплангунга қадар шартли сақланиб қолади ва бунда банк ликвидлигининг қай

тарзда стресс-тестдан ўтказилиши билан боғлиқ сценарийлар ўтказилади. Банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказиш орқали тарихий ва гипотетик сценарийлар тузиш мумкин. Гипотетик сценарий банкнинг стратегик устунлигини таъминлаш билан бирга стресс ҳолатларни моделлаштириш учун ҳам хизмат қилади. Сценарийнинг турлари қанчалик хилма-хил бўлиши қарамасдан улардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир⁵².

Биз кумулятив активлар, кумулятив мажбуриятлар, ГЭП ва кумулятив ГЭПларни аниқлаш учун «ГЭП-тахлил» ва дюрация усулига асосланамиз. Бу жараённи амалга ошириш учун қуйидаги тартибдаги қоидага риоя қиламиз:

1. Кумулятив активлар (K_{ak}):

$$K_{ak(3 \text{ ойгача})} = K_{ak(1 \text{ ойгача})} + A_{ak(3 \text{ ойгача})}; \quad K_{ak(6 \text{ ойгача})} = K_{ak(3 \text{ ойгача})} + A_{ak(6 \text{ ойгача})};$$

$$K_{ak(12 \text{ ойгача})} = K_{ak(6 \text{ ойгача})} + A_{ak(12 \text{ ойгача})}; \quad K_{ak(1 \text{ йилдан ортик})} = K_{ak(12 \text{ ойгача})} + A_{ak(1 \text{ йилдан ортик})}$$

2. Кумулятив мажбуриятлар (K_{mb}):

$$K_{mb(3 \text{ ойгача})} = K_{mb(1 \text{ ойгача})} + A_{mb(3 \text{ ойгача})}; \quad K_{mb(6 \text{ ойгача})} = K_{mb(3 \text{ ойгача})} + A_{mb(6 \text{ ойгача})};$$

$$K_{mb(12 \text{ ойгача})} = K_{mb(6 \text{ ойгача})} + A_{mb(12 \text{ ойгача})}; \quad K_{mb(1 \text{ йилдан ортик})} = K_{mb(12 \text{ ойгача})} + A_{mb(1 \text{ йилдан ортик})}$$

3. ГЭП (GAP):

$$GAP_{(1 \text{ ойгача})} = A_{ak(1 \text{ ойгача})} - M_{mb(1 \text{ ойгача})}; \quad GAP_{(3 \text{ ойгача})} = A_{ak(3 \text{ ойгача})} - M_{mb(3 \text{ ойгача})}; \quad GAP_{(6 \text{ ойгача})} = A_{ak(6 \text{ ойгача})} - M_{mb(6 \text{ ойгача})}; \quad GAP_{(12 \text{ ойгача})} = A_{ak(12 \text{ ойгача})}$$

$$- M_{mb(12 \text{ ойгача})}; \quad GAP_{(1 \text{ йилдан ортик})} = A_{ak(1 \text{ йилдан ортик})} - M_{mb(1 \text{ йилдан ортик})}$$

4. Кумулятив ГЭП ($KGAP$):

$$KGAP_{(1 \text{ ойгача})} = A_{ak(1 \text{ ойгача})} + M_{mb(1 \text{ ойгача})}; \quad KGAP_{(3 \text{ ойгача})} = A_{ak(3 \text{ ойгача})} + M_{mb(3 \text{ ойгача})};$$

$$KGAP_{(6 \text{ ойгача})} = A_{ak(6 \text{ ойгача})} + M_{mb(6 \text{ ойгача})}; \quad KGAP_{(12 \text{ ойгача})} = A_{ak(12 \text{ ойгача})} + M_{mb(12 \text{ ойгача})};$$

⁵² Абдуллаев А.Я. Ўзбекистонда банк ликвидлигини таъминлашнинг илмий-назарий ва услубий жиҳатлари. – Самарқанд: STAR –SEL МЧЖ нашриёти, 2023

$$KGAP_{(1 \text{ йилдан ортик})} = A_{ak(1 \text{ йилдан ортик})} + M_{tb(1 \text{ йилдан ортик})}$$

Стресс тест нафақат сценарийларни прогноз қилишга таъсир кўрсатади, балки тижорат банкларининг молиявий барқарорлик фаолият юритишга қаратилган режани тузишга ҳам имкон беради. Мазкур режа асосида раҳбарият бошқарув қарорини қабул қилиши, сценарий кўламида рискларнинг таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлган алгоритмларни тузиш ҳам мумкин. Режада воқелик реал акс эттирилиши ва батафсил ўрганилиши лозим, чунки уларнинг кўлами адекват ва тўлиқ ифодаланган бўлишни тақозо этади, акс ҳолда банк кучли стресс таъсирига дуч келиб қолиши мумкин.

АТ "Алокабанк"нинг активлари ва пассивлари бўйича ГЭП - таҳлили

(мингсўмда)

Ликвидлилик ГЭПлари	Муддати 1 ойгача	Муддати 3 ойдан 3 ойгача	Муддати 6 ойдан 6 ойгача	Муддати 12 ойдан 12 ойгача	Муддати 1 йилдан ортик
Активлар	395417487	119244892	91677463	206901419	760979694
Кумулятив активлар	395417487	514662379	606339841	813241260	1574220954
Нақд пуллар	21959840				
Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағида маблағлар	223076534				
Бошқа банклардаги маблағлар	107196007	27567429			
Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар					13563719
Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар	35006715	91677463	91677463	204035675	679119849
Бошқа активлар	8178391			2865744	68296126
Мажбуриятлар	495346649	313059545	119716159	335151518	95526734
Кумулятив мажбуриятлар	495346649	313059545	119716159	335151518	95526734
Жисмоний шахсларнинг омонатлари	76301632	28029617	38886632	15390527	18410241
Юридик шахсларнинг депозитлари	33534919	73113820	30891660	223856700	514300
Юридик шахсларнинг депозит ҳисобварақлари	293392228	172176741			
Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар	17042600	39301500	48000000	65458600	61786917
Олинган кредитлар	211800	437867	437867	9845694	14315276
Банк пластик карточкалари қолдиғи	66889073				

Банкнинг чиқарилган қимматли қоғозлари	1000000		1500000	20600000	500000
Бошқа мажбуриятлар	6974397				
Балансдан ташқари мажбуриятлар					
ГЭП	-99929162	-193814653	-28038696	-128250099	665452960
Кумулятив ГЭП	-99929162	-293743815	-321782511	-450032616	215420350

Тижорат банкларида депозитлар (омонатлар) билан боғлиқ фоиз ставкасининг ўзгариши ликвидлиликни шакллантириш ва фоиз сиёсатини юритишда «ГЭП-таҳлил» усулига асосланади. Қачонки, тижорат банклари узоқ муддатли қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш билан боғлиқ қарор қабул қилса, у ҳолда активлар ва пассивлар муддатига ва миқдорига кўра мувозанатлашган бўлишлигини унутмаслик керак.

Қачонки, узоқ муддатли пассивларнинг моддалари қисқа муддатли активлар моддаларига жойлаштирилса, у ҳолда қисқа муддатли ликвидлилик билан боғлиқ бўлган муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бундай муаммолар юзага келганда тижорат банклари депозит (омонат)ларни ўзига жалб қилаётган бозорда етарли даражада ҳатти-ҳаракат қилади. Улар мижозларнинг маблағлари ҳисобидан ликвидлилик чегаралари ортиқчалигининг таъминланишига нисбатан фоиз ставкаларини ўртача тармоқ қийматидан сезиларли юқори миқдорда ўрнатишга мажбур бўлади.

Тижорат банклари ортиқча маблағларини фойдали мақсадга йўналтиришнинг уддасидан чиқолмаган ҳолатларда ёки ликвидлилик даражаси ҳаддан ташқари ортиқча бўлган ҳолатларда эҳтимолий йўқотишлар юзага келиши мумкин.

«ГЭП-таҳлил» усули банкка ликвидлиликни жалб қилиш ва жойлаштириш стратегиясини тақдим этишга ва уни тузишга имконият беради. Стресс тест усули ёрдамида эса қайсидир захиралар шаклланади ёки қайсидир салбий сценарийларнинг ёмонлашуви олдиндан аниқлаб берилади.

Ликвидлиликнинг матрицавий таҳлили. Матрица усули узилишларга асосланган ликвидлиликни баҳолаш усули билан ўзаро боғлиқ. Бундай боғлиқликни статистик маълумотлар базасидан бир

хил фойдаланишда кузатиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, матрица усули GAP усулида фойдаланилувчи банк активлари ва мажбуриятларини қайтариш муддатини ҳисобга олган ҳолда ликвидлиликни баҳолашга имкон беради. Бироқ, матрица ва узилиш усуллари ўртасидаги фарқ шундаки, таҳлилчи ликвидлилик номуносивблигини (ортиқча ёки етишмовчилик) баланс моддалари кесими ва шунингдек, муддатлар доирасида ҳам аниқлаштира олади. Схематик равишда матрица усулини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (9.9-жадвал). Бунда ички мақсадлар учун банк таҳлилчиси номуносивблик аниқланган бошқа муддатларни ҳам танлаши мумкин. Матрица дастлаб жами сатр ва устунига мувофиқ тўлдирилади, унда расмий ҳисоботлардан олинган маълумотлар (талаб қилиб олингунча активлар ва пассивлар) ёки бошқарув ҳисоби маълумотлари киритилади. Сўнгра матрица тўлдирилади. Мантикий фикрлаш назарий асосга таянади - активлар ва пассивларнинг муддати ва миқдorigа кўра мувозанатланган бўлиши лозим. Шу муносабат билан танланган вақт оралиғидаги активлар бир хил вақт оралиғидаги манбалар билан таққосланади.

9.3-жадвал

Матрицалар усули

Активлар	Пассивлар						
	Талаб қилиб олингунча	1 кун	2-7 кун	8-30 кун	31-90 кун	...	Жами
Талаб қилиб олингунча							
1 кун							
2-7 кун							
8-30 кун							
31-90 кун							
...							
Жами							

Агар активлар манбалардан ошиб кетган бўлса, узилиш пайдо бўлади, бунда ушбу ораликда активларга нисбатан ортиқча манбалар мавжуд бўлса, мазкур узилиш кейинги даврдаги манбалар ҳисобига

қопланади. Агар манбалар танланган даврда активлардан ошиб кетган бўлса, ушбу вақт оралиғида жойлаштириш учун эркин мажбуриятлар вужудга келади, улар қарама-қарши мувозанат юзага келадиган бошқа активларни молиялаштириш учун ишлатилиши мумкин. Тўлдирилган матрица муддатлар ичидаги узилишлар борасида яққол тасаввурга эга бўлиш, шунингдек, бошқа талаб қилиб олингунча мажбуриятлар билан молиялаштирилувчи муайян активларни аниқлаштириш ва уларни ликвидлилик риски жиҳатидан баҳолаш имконини беради. Бундан ташқари, матрица усули бой берилган фойдани (эҳтимолий йўқотишларни) баҳолаш ёки ҳосил бўлган потенциал узилишларни аниқлашга хизмат қилади. Шундай қилиб, банк амалиётида қўлланилувчи усулларнинг ҳар бири ўз афзалликларига ва камчиликларга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Бир пайтнинг ўзида битта усулнинг камчиликлари, масалан, коэффициент усулининг нуқсонлари ликвидлиликни баҳолашга хизмат қилувчи узилишлар ва матрицалар усули ёрдамида бартараф этилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тижорат банкининг ликвидлилик ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш учун муайян усулларнинг барча тўпламидан фойдаланиш тавсия этилади.

9.3. Банкнинг ликвидлигини молиявий ресурслар айланмаси ва таркибининг таянч модели ёрдамида баҳолаш

Тижорат банклари ликвидлилик даражасининг қай даражада бўлиши молиявий ресурсларнинг цикли такрорий янгиланиб боришига асосланади. Молиявий ресурслар нафақат банк тизимининг ликвидлигини мустаҳкамлашга, балки мамлакат пул жамғармасининг шаклланишига, банк пасивларининг барқарорлигини мустаҳкамлашга, банк активлари сифатини оширишга имконият яратади.

Айни пайтда республикамызда тижорат банклари фаолиятининг замонавий ҳолати уларнинг ликвидлилик кўрсаткичи даражасини ошириш борасидаги камчиликларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Ушбу камчиликлар ўз навбатида банк ресурсларининг цикли такрор янгиланишидаги сусткашликлар,

уларни баҳолаш тизимининг мукамал эмаслиги, уларни самарали бошқариш қоидаларига эътиборнинг жиддий қаратилмаслиги билан белгиланади.

Ушбу муаммолар ечимига доир самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тизимли таҳлил ва математик воситалардан фойдаланмасдан туриб муаммолар ечимини топиш мумкин эмас.

Айтиш жоизки, *молиявий ресурслар айланмаси* - бу муайян даврда муддатига ва миқдорига кўра банк ресурслари таркибидаги маблағларнинг циклли такрор янгилиниши ёки пул маблағларининг цикллик кўринишдаги айланма ҳаракатидир. Молиявий ресурсларнинг интенсивлиги уларнинг барқарорлиги ва таркиби, активлар сифати, банк капитали базасининг мустаҳкамлиги, миждларнинг банкка нисбатан ишончлари, рискка тортилган активларнинг салмоғи, даромадлар кўпайиши билан изоҳланади.

Молиявий ресурслар таркиби – бу банк ресурслари таркибининг умумий маблағларга бўлган нисбатининг фоиз кўринишда ифодаланишидир. Молиявий ресурслар маблағларнинг активларга оптимал жойлашуви, рискларга чидамлилиги, барқарор кўпайиши, даромадлар келтириши, айланувчанлик тезлиги ва бошқа омиллар билан ўзаро боғлиқ бўлади. Фикримизча, молиявий ресурсларнинг цикллик кўринишдаги такрорий янгилиниши ёки пул маблағларининг айланма ҳаракатланиши – банкларнинг стратегик дастурининг туб моҳиятини белгилайди.

Молиявий ресурслар айланмаси ва таркибининг асосий мақсади ресурсларнинг цикллик кўринишдаги такрорий янгилиниш жараёнида элементларни тизимлаштириш (тартибга солиш)дан иборат. Молиявий ресурслар таркибида банкнинг хусусий капитали, аҳоли омонатлари, юридик шахслар депозитлари, Марказий банкдан жалб қилинган маблағлар, банклараро кредитлар, муомаладаги қарз мажбуриятлари ва бошқа пассивлар ҳисобга олинади. Ҳар бир гуруҳ таркибидаги молиявий ресурслар муддатлилиқ, тўловлилиқ, қайтаришлиқ, таъминланганлик ва мақсадли ишлатилиши

қоидаларига асосланади. Бундан ташқари, молиявий ресурсларнинг ҳар бир гуруҳида уларнинг ҳаракати миқдор ва сифат кўрсаткичлари орқали ҳисобга олинади, чунки молиявий ресурсларнинг таркибий гуруҳи дастлабки ҳолатдан тўлиқ ёки қисман циклик кўринишда такрорий янгиланган ҳолда шаклланиб боради.

Тижорат банкларининг ресурслари айланмаси ва таркибининг математик моделини тузишда қуйидаги шартли белгилардан фойдаланамиз:

индекслар: j_1, J_1 - молиявий ресурслар ҳаракатининг белгилар тўплами ва индекси; j_2, J_2 - молиявий ресурслар гуруҳлари таркибининг тўплами ва индекси; μ - ҳисобот давридаги ойларнинг тартиб рақами; t - турли хил элементларнинг давом этиш муддати (маблағларни жойлаштириш, фойдаланиш даврийлиги, тўловлилик, қайтаришлик); i - прогноз даврида ойларнинг тартиб рақами; α - қайтаришлик коэффиценти; β - жалб қилинган молиявий ресурсларни кўпайтириш коэффиценти; k_1 - жалб қилинган молиявий ресурсларни янгилаш коэффиценти; k_2 - банкнинг ўз маблағларини янгилаш коэффиценти;

пассивдаги гуруҳлар таркиби: WS - молиявий ресурслар гуруҳлари таркибидан қайтариладиган маблағлар; DS - депозит маблағлари; SS - ўз маблағлари манбаи; OS - янгиланиб бориладиган маблағлар; CI - прогнозлаш даврининг бошига янгиланган маблағлар; SP - прогнозлаш даврининг бошига янгиланган, аммо муддати ўтган маблағлар қисми; OR - ўз маблағлар таркибида янгиланган маблағлар; SO - янгиланган маблағлардан ташқари бошқа турдаги маблағлар; PS - прогнозлаш даврининг бошига депозит маблағлар қолдиғи; NS - прогнозлаш даврининг бошига фойдаланилаётган давр ичидаги депозит маблағлар қолдиғи; SD - молиявий ресурслар гуруҳидаги таркибий улушлар; RS - ҳисобот даврида активларга жойлаштирилган молиявий ресурслар; VS - прогнозлаш даврининг бошига қайтиб бериладиган молиявий ресурслар.

Молиявий ресурсларнинг мавжудлиги ва ҳаракатининг шартли

белгилари: NP – прогнозлаш даврининг боши; PD – молиявий ресурсларнинг кўпайган қисмига кўшилган маблағлар; PV – бошқа гуруҳлар таркибидан ўтказиладиган маблағлар; PK – четдан жалб қилинган маблағлар кирими; PP – молиявий ресурсларнинг такрорий янгиланиши натижасида шакллантирилган маблағлар кирими; PG – бошқа гуруҳлар таркибига ўтказиладиган маблағлар;

PS – четга йўналтирилган маблағлар; NO – прогнозлаш даврига қолдиқ маблағлар; RP – молиявий ресурсларни такрорий янгиланиши натижасида шакллантирилган маблағлар чиқими; KP – прогнозлаш даврининг охири.

Молиявий ресурсларни такрорий кўпайтириш параметрлари тавсифи: V – мижозга қайтариладиган молиявий ресурслардан фойдаланиш давомийлиги; W – гуруҳлар таркибидаги молиявий ресурслардан фойдаланиш давомийлиги; B – активларга жойлаштирилган молиявий ресурслардан фойдаланиш давомийлиги;

S – умумий молиявий ресурслардан фойдаланиш давомийлиги;

T – прогнозлаш даврининг давомийлиги;

Молиявий ресурсларнинг такрорий янгиланиши ва улар таркибининг математик моделини қуйидаги кўринишда тузамиз:

1. Молиявий ресурсларнинг такрорий янгиланишидаги вақтга боғлиқ параметрларнинг ўзаро алоқадорлиги:

$$\begin{aligned} V &\leq W^{WS} < S < B < T; \\ T &< W^{OS} \leq W^{OR} \leq W^{SO} \leq W^{SS}; \\ Z_1 &= S + B; \\ Z_2 &= S + B + V; \\ Z_3 &= B + V; \\ T &< B + V + W^{WS}; \\ Z_1 &< T < 2Z_1. \end{aligned}$$

2. Молиявий ресурсларнинг гуруҳлари таркиби бўйича уларнинг дастлабки ҳолати:

$$DS^{NP} \sum_{t=1}^B PS_t + \sum_{t=1}^S NS_t + \sum_{t=1}^V VS_t;$$

$$\begin{aligned}
SS^{NP} &= \sum_{t=1}^{T} SS_t; \\
W^{SP} & \quad B \\
OS^{NP} &= \sum_{t=1}^{T} SP_t + \sum_{t=1}^{T} CI_t; \\
W^{OR} \\
OR^{NP} &= \sum_{t=1}^{T} OR_t; \\
W^{SO} \\
SO^{NP} &= \sum_{t=1}^{T} SO_t; \\
W^{WS} \\
WS^{NP} &= \sum_{t=1}^{T} WS_t;
\end{aligned}$$

3. Айланма маблағларнинг мавжудлиги ва улар ҳаракатининг белгиларига кўра молиявий ресурсларини прогноз қилиш:

3.1. Тижорат банклари депозит маблағларининг таркиби:

$$\begin{aligned}
DS^{PP} &= OS^{PG} + DS^{PK}; \\
V \quad B \quad S \\
\sum_{t=1}^{T} VS_t + \sum_{t=1}^{T} PS_t \alpha^{\mu} + \sum_{t=1}^{T} NS_t \alpha_t^{\mu} & \quad \text{бунда } Z_3 < Z_2 \leq T, \\
DS^{PG} &= \left(\sum_{t=1}^{T} VS_t + \sum_{t=Z_2-T+1}^{T} PS_t \alpha^{\mu} \right) + \sum_{t=1}^{T} NS_t \alpha_t^{\mu} \quad \text{бунда } Z_2 > Z_3 > T, \\
DS^{PK} &= \sum_{t=1}^{T} VS_t + \sum_{t=1}^{T} PS_t \alpha^{\mu} \quad \text{бунда } Z_3 \leq T < Z_2;
\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
DS^{RP} &= OS^{PG} + DS^{PS}; \\
DS^{NO} &= OS^{NP} - DS^{RP}; \\
DS^{KP} &= OS^{NO} + DS^{PP}; \\
S \quad V
\end{aligned}$$

$$DS^{PD} = OS^{NP} + OS^{PG} - \left(\sum_{t=1} NS_t \alpha^{\mu} + \sum_{t=1} VS_t \right)_t$$

3.2. Тижорат банки ўз маблағларининг манбаи таркиби:

$$SS^{PP} = OR^{PG} + SS^{PK};$$

$$SS^{PG} = SS^{NP} \alpha^{SS};$$

$$SS^{NO} = SS^{NP} - SS^{RP};$$

$$SS^{KP} = SS^{NO} + SS^{PP}.$$

3.3. Тижорат банкининг молиявий ресурслари гуруҳларининг таркибидаги такрорий янгиланган маблағлар:

$$OS^{PD} = DS^{PD} \beta k_1,$$

$$\left\{ \begin{array}{l} OR^{PD} = DS^{PD} \beta k_2 \\ OS^{PP} = OS^{PD} + OS^{PK}, \\ OR^{PP} = OR^{PD} + OR^{PK}; \end{array} \right.$$

$$\left\{ \begin{array}{l} OS^{PP} = OS^{PD} + OS^{PK}, \\ OR^{PP} = OR^{PD} + OR^{PK}; \end{array} \right.$$

$$\downarrow$$

$$\mathbf{I} \quad OS^{PS} = \sum_{t=1} OS \alpha^{OS},$$

$$\left(\begin{array}{l} t=1 \\ W^{OR} \end{array} \right.$$

$$\mathbf{I} \quad OR^{PS} = \sum_{t=1} OR \alpha^{OR};$$

$$\downarrow$$

$$OS^{PG} = \sum_{t=1}^{W^{OS}} \sum_{t=W-T+1}^{W^{SP}} SP (1 - \alpha^{SP}),$$

$$\mathbf{I} \quad \begin{array}{l} t \\ t=1 \end{array} \quad \begin{array}{l} t \\ t=W-T+1 \end{array} \quad t$$

(

W

$$\mathbf{I} \quad OR^{PG} = \sum_{t=W^{OR}+T+1}^{W^{OS}-T} OR_t (1 - \alpha^{OR});$$

$$\downarrow$$

$$\mathbf{I} \quad OS = \sum_{t=1}^{W^{OR}-T} SP_t (1 - \alpha^{SP}),$$

(

$$\mathbf{I} OR^{NO} = \sum_{t=1} OR_t(1 - \alpha_t^{OR});$$

$$\begin{cases} OS^{KP} = OS^{NO} + OS^{PP}, \\ OR^{KP} = OR^{NO} + OR^{PP}; \end{cases}$$

3.4. Тижорат банки молиявий ресурсларининг гуруҳлари таркибида такрорий янгиланган маблағлардан ташқари бошқа турдаги қўшимча маблағларнинг таркиби:

$$SO^{PD} = DS^{PD}\beta(1 - k_1 - k_2);$$

$$SO^{PP} = SO^{PD} + SO^{PK};$$

W^{SO}

T

$$SO^{PS} = \sum_{t=W^S}^{0-T+1} SO_t + \sum_{t=1}^{W^{SO}-T} SO_t \alpha^{SO};$$

$$SO^{NO} = \sum_{t=1} SO_t(1 - \alpha_t^{SO});$$

$$SO^{KP} = SO^{NO} + SO^{PP}$$

Тижорат банки молиявий ресурсларининг гуруҳлари таркибига такроран кирим қилинган маблағлар:

T

$$WS^{PP} = DS^{PG} + \sum_{t=1}^{V} SS_t^{PG} + WS^{PK});$$

$$WS^{PS} = WS^{NP} + \sum_{t=1}^{T-W^{WS}} VS_t \alpha_t^{\mu} + \sum_{t=Z_3+W^{WS}-T+1}^{V} PS_t \alpha_t^{\mu}$$

$T-W^{WS}$

$$+ \sum_{t=1} SS_t^{PG} + WS_t^{PK})$$

$t=1$

(3.7)

$$\begin{aligned}
 & W^{WS} < B, \text{ бунда } \{ B \\
 & + V + W^{WS} > T; \\
 WS^{KP} & = WS^{NP} + WS^{PV} - WS^{PS}.
 \end{aligned}$$

$j_1 < j_2$

Молиявий ресурслар таркибининг циклик кўринишда янгилашиб бориши уларнинг депозитларга жалб қилинган қисмидаги маблағларнинг дастлабки ҳолатига асосланади. Қачонки, молиявий ресурслар ҳаракатидан фойдаланилмаган ҳолатларда уларнинг таркибидаги маблағлар ўзгармасдан қолиши мумкин бўлади. Биз молиявий ресурсларни циклик кўринишда такрорий янгилашининг таянч моделини тузишда баланс усулига асосланамиз. Ушбу жараёнларни амалга ошириш учун белгиланган тартибдаги қоидаларга риоя қилишимиз тақозо этилади:

Молиявий ресурсларнинг жалб қилинган қисми (R_{pp}) - депозитга жалб қилинган (сотиб олинган) маблағлар (R_{pd}), бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар (R_{pv}) ва муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар ҳисобидан (R_{pk}) жалб қилинган маблағларни кўшиш орқали аниқланади:

$$R_{pp} = R_{pd} + R_{pv} + R_{pk}$$

1. Молиявий ресурсларнинг (R_{rp}) жойлаштирилган қисми - активларга жойлаштирилган (сотилган) маблағлар R_{rv} , бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар (R_{or}) ва жойлаштирилган бошқа (R_{rs}) маблағларни кўшиш орқали аниқланади:

$$R_{rp} = R_{rv} + R_{or} + R_{rs}$$

2. Молиявий ресурсларнинг жалб қилинган қисми (R_{pp}) билан бошланғич даврдаги ресурслар прогноз қиймати (R_{np}) йиғиндиси, ўз навбатида, ресурсларнинг (R_{rp}) жойлаштирилган қисми билан охириги даврдаги ресурслар прогноз қиймати (R_{kp}) йиғиндисига тенг бўлиши шарт:

$$R_{np} + R_{pp} = R_{kp} + R_{rp}$$

3. Активларга жойлаштирилган (сотилган) маблағлар (R_{rv}) - депозитга жалб қилинган (сотиб олинган) маблағлар (R_{pd}) билан

бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар (R_{pv}) ўртасидаги фарққа тенг:

$$R_{rv} = R_{pd} - R_{pv}$$

4. Молиявий ресурсларнинг умумий ҳажмини (R_{op}) - бошланғич ва охириги даврдаги ўз маблағлари манбаи (R_{ss}), аҳоли ва хўжалик субъектларининг депозит (омонат)лари (R_{vn}), Марказий банкдан олинган кредитлари (R_{kb}), депозит ҳисобварақлардаги маблағлари (R_{sb}), банклараро кредитлар (R_{mk}), юридик шахслар маблағлари (R_{xs}), муомалага чиқарилган молиявий мажбуриятлар (R_{do}) ва бошқа пассивлар (R_{bp}) йиғиндиси ташкил этади:

$$R_{op} = R_{ss} + R_{vn} + R_{kb} + R_{sb} + R_{mk} + R_{xs} + R_{do} + R_{bp}$$

5. Фоизли даромадлар (DC_{pr}) - ҳар куни йиллик базавий даврдан келиб чиққан ҳолда саналади:

$$DC_{pr} = (R_{op} * SP_{ps} * FD_{kd}) / KD$$

бунда R_{op} - актив операцияларга жойлаштирилган маблағлар; SP_{ps} - фоиз ставкаси; FD_{kd} - ҳақиқатда кунлар сони; KD - йил давомида кунлар сони (365 ёки 366 кун).

1. Фоизли харажатлар (RV_{pr}) - ҳар куни йиллик базавий даврдан келиб чиққан ҳолда саналади:

$$RV_{pr} = (RS_{br} * SP_{ps} * FD_{kd}) / KD$$

бунда RS_{br} - банк ресурслар таркибидаги жалб қилинган маблағлар;

SP_{ps} - фоиз ставкаси; FD_{kd} - ҳақиқатда кунлар сони; KD - йил давомида кунлар сони (365 ёки 366 кун).

2. Фоизсиз даромадлар (DV_{bp}) - ҳар куни воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлардан келиб чиққан ҳолда саналади:

$$DV_{bp} = KU_{pu} * SP_{ps} / 100$$

бунда KU_{pu} - воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлари учун тўловлар, SP_{ps} - фоиз ставкаси.

Фоизсиз харажатлар (RJ_{bp}) - ҳар куни воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлардан келиб чиққан ҳолда саналади:

$$RJ_{bp} = RS_{br} * SP_{ps}/100$$

бунда RS_{br} - банк ресурслари таркибидаги жалб қилинган маблағлар,

SP_{ps} - фоиз ставкаси.

Соф даромадлар (зарар) қуйидаги формула ёрдамида саналади:

Соф фоизли даромадлар (DC_{pr}) - фоизли даромадлар билан фоизсиз харажатларнинг фарқига тенг:

$$DC_{pr} = DV_{pr} - RV_{pr}$$

Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоизли даромад (DP_{vu}) - соф фоизли даромадлар (DC_{pr}) билан кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш ва бўнақлар (VU_{oc}) тафовутига тенг:

$$DP_{vu} = DC_{pr} - VU_{oc}$$

1.3. Даромадларнинг жами (DI_{pr}) - кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоизли даромад (DP_{vu}) билан фоизсиз

даромадлар (DV_{bp}) йиғиндисига тенг:

$$DI_{pr} = DP_{vu} + DV_{bp}$$

10.4. Операцион харажатлар қилингунга қадар соф даромад (DO_{or}) - жами даромадлар (DI_{pr}) билан жами фоизсиз харажатлар (RJ_{bp}) фарқига тенг:

$$DO_{or} = DI_{pr} - RJ_{bp}$$

10.5. Даромад солиғи тўлангунга қадар соф даромад (DN_{cd}) - операцион харажатлар қилингунга қадар соф даромад (DO_{or}) билан жами операцион харажатларнинг (RV_{op}) фарқига тенг:

$$DN_{cd} = DO_{or} - RV_{op}$$

10.6. Ҳисобот давридаги соф даромад (зарарлар) (DU_{op}) - даромад солиғи тўлангунга қадар соф даромад (DN_{cd}) билан жами даромад солиғини баҳолашнинг (PN_{oc}) фарқига тенг:

$$DU_{op} = DN_{cd} - PN_{oc}$$

3. Банк ресурсларнинг кенгайтирилган ва интенсив цикли такрорий янгланиш шартлари:

$$R_{pp} > R_{pd}; DC_{kp} > DC_{np}; DV_{kp} > DV_{np}; DU_{kp} > DU_{np}; KU_{kp} > KU_{np}; R_{op} > R'_{op}$$

бунда R_{op} и R'_{op} – бошланғич ва охирги даврдаги банк ресурслари ҳажми.

Тузилган моделлар ва алгоритмлар молиявий ресурсларнинг ривожланишини бошқаришга қаратилган масалалар ечими тизиминишакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банкларининг келгусида молиявий ресурслари айланмасини ривожлантириш моделларининг бошқарувчи параметрлари қуйидагилар ҳисобланади: молиявий ресурсларнинг ҳақиқий тузилиши ва таркиби; молиявий ресурсларнинг даромадлар динамикаси; қисқа муддатли гуруҳдан узоқ муддатли гуруҳга ўтиш меъёрлари; молиявий ресурсларнинг қисқа ва узоқ муддатли гуруҳлар таркибидаги мавжуд маблағларнинг минимал ва максимал чегараси; молиявий ресурслар ҳажмининг бирлиги таннархи динамикаси; йўналишлар бўйича фойдаланиладиган молиявий ресурсларнинг дифференциация қилинган нархи; ҳисобдан чиқарилган пул маблағларининг қисқа ва узоқ муддатли гуруҳлари ва баланс активидаги сўндирилган пул маблағларининг тушуми бўйича улуши; пассивдаги молиявий ресурсларнинг умумий ҳажми ва бошқалар.

Актив моддаларига жойлаштирилган пул маблағлари (факторинг, кредит, лизинг ва бошқалар) сўндириш муддати келгандан сўнг улар пассив моддаларига кирим қилиш жараёнларига доир алгоритмларни реализация қилиш орқали амалга оширилади.

Сўнгги кўрсаткич ҳам жалб қилинган пул маблағлари билан биргаликда қисқа ва узоқ муддатли гуруҳлар таркибидаги молиявий ресурсларнинг айланмасини оптимал моделларини реализация қилиш мақсадида киритилади. Асосий омиллартаъсирини комплекс ҳисобга олиш орқали қисқа ва узоқ муддатли гуруҳлар таркибидаги

молиявий ресурслардан олинадигандаромадларнинг прогноз ишлаб чиқилади. Ушбу модель бевосита нафақат республика даражасида, ҳатто ҳудудий муҳитда ҳам ушбу масалаларнинг ечимини топиш мумкин. Бу масалада молиявий ресурсларнинг айланмаси ва унинг реализацияси, талаб индекслари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларига бўлган талабининг таъминланиши аниқлаб берилади. Қарор қабул қилувчи шахс томонидан барча кўрсаткичлар мутаносибликка эришгандан сўнг альтернатив вариантлар бўйича қабул қилинган қарорларни қиёсий баҳолайди. Агар молиявий-иқтисодий нуқтаиназардан альтернатив вариантларнинг биронтаси қаноатлангир- маса, у ҳолда қайтадан янги массивли ахборотлар билан бирга маълумотлар базасига муружат қилади ва моделни реализация қилади. Ушбу процедура мақсадга эришгунга қадар ҳисоб-китоб давом эттирилади. Маълумотлар базаси тижорат банки пассивлари таркибининг ҳар бир моддасини ҳисобга оладиган зарурий маълумотлар сифатида қаралади.

АТ "Алоқа банк"нинг молиявий ресурслари айланмаси ва таркибининг келгуси даврдаги ривожланиш йўналишларини ҳисоб-китоб қилиш учун модель ва алгоритмларни реализация қилинган натижалари мавжуд.

Тузилган математик модель ва алгоритмларнинг параметрларини ифодаловчи маълумотлар акс эттирилган. Ушбу жадвалдаги маълумотларга кўра, режа йили бошида молиявий ресурслар таркиби 5282876 млн. сўмни, шундан қисқа муддатли ресурслар 4928923 млн.сўм ёки 93,3% ни, узоқ муддатли ресурслар 353953 млн.сўм ёки 6,70% ни ташкил этган (3 – жадвал).

Жалб қилинган молиявий ресурсларнинг миқдори уларнинг таркибий гуруҳи ва муддатига кўра бир-биридан бутунлай фарқ қилади. Масалан, маълумотларда депозитларга жалб қилинган (сотиб олинган) маблағлар мос равишда 2818290 млн.сўмни, шундан қисқа муддатли маблағлар 2485732 млн.сўм ёки 88,20%ни, узоқ муддатли маблағлар 332558 млн.сўм ёки 11,80% ни ташкил этган. Бу каби ўхшаш ҳолатлар молиявий ресурсларнинг бошқа гуруҳлари

таркибида ҳам учрайди. Масалан, Марказий банк ва бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар жами 2944380 млн.сўмни, шундан қисқа муддатли маблағлар 2582221 млн.сўм ёки 87,70% ни ва узоқ муддатли маблағлар 362159 млн.сўм ёки 22,82% ни ташкил этган.

Айтиш жоизки, молиявий ресурслар айланмасининг активларга жойлаштирилган қисмидаги моддалар таркибида миждозларга берилган кредитлар ва бўнак маблағлари асосий ўринни эгаллайди. Бунда миждозларга берилган кредитлар ва бўнак маблағлари жами 5954986 млн.сўмни, шундан қисқа муддатли маблағлар 3471757 млн.сўм ёки 58,30%ни, узоқ муддатли маблағлар 2483229 млн.сўм ёки 41,70% ни ташкил этган. Бу каби ўхшаш ҳолатлар молиявий ресурсларнинг бошқа гуруҳлари таркибида ҳам учрайди.

Жадвалда келтирилган маълумотларда йил охирида банкбўйича умумий ресурслар йил бошига нисбатан 7402731 млн.сўмга кўпайган, шундан қисқа муддатли маблағлар 6453701 млн.сўм ёки 87,18% ни, узоқ муддатли маблағлар 949030 млн.сўм ёки 12,82% ни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Муддати ва гуруҳига кўра молиявий ресурсларнинг жалб қилинган ва жойлаштирилган қисми моддалари бўйича ўзгарувчилар динамикаси йил боши ва йил охирида уларнинг ўртача даврдаги маблағлари ўзаро бир-биридан фарқ қилади. Масалан, молиявий ресурсларнинг ўртача йиллик миқдори йил охиридаги қисқа муддатли ресурсларга нисбатан 6,12% га камайган бўлса, узоқ муддатли ресурслар 6,12% га ортган.

Демак, тузилган модель ва алгоритмлар муайян давр (кун, ой, чорак, йил)да молиявий ресурслар айланмаси ва таркибини янгидан шаклланиб бориши, уларнинг циклик кўринишдаи такрорий янгиланишини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш, молиявий ресурслар гуруҳи моддалрининг таркибий айланмаси хусусиятларини яхлитликда умумлаштиради. Бу ҳолат банкларнинг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш учун энг муҳим илмий-услубий восита сифатида хизмат қилади.

Тижорат банклари молиявий ресурслари ҳажмининг ортиши бевосита барча мавжуд маблағлар ҳисобидан шаклланади. Пул маблағларининг кўпайиши ўз навбатида, молиявий ресурсларни қулай тақсимлашнинг турли усуллар ёрдамида даромадларнинг сифатини ва таркибини яхшилаш, пул маблағларидан самарали фойдаланиш омиллари таъсирида шаклланади.

9.4 - жадвал

**АТ "Алоқа банк"нинг молиявий ресурслари ҳажми
вариантлари бўйича ҳисоб-китоб натижалари**

Кўрсаткичлар	2022 й. ҳақиқат да	Моделлар бўйича ҳисоб-китоблар вариантлари			2022 й. га нисбатан фоиз кўринишда ҳисоб- китоб вариантлари		
		1	2	3	1	2	3
Фоизли даромадлар	363252	377419	387589,9	390495,9	103,9	106,7	107,5
Фоизсиз даромадлар	39868	41303	41741,8	42180,34	103,6	104,7	105,8
Фоизли харажатлар	169086	175511	174665,8	174327,7	103,8	103,3	103,1
Фоизсиз харажатлар	181438	186700	186336,8	185974	102,9	102,7	102,5
Йиллик соф фойда	24507	25561	26149	26688	104,3	106,7	108,9

9.4 - жадвалда кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоб натижалари ва 2022 йилнинг ҳақиқатдаги маълумотларининг қиёсий баҳоланиши келтирилган. Унда моделлар ва алгоритмлар, услубий ёндошувнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган. Иқтисодий самарадорлик тижорат банкларидаги мавжуд пул маблағлари имкониятидан оқилона фойдаланиш йўли билан молиявий ресурслар ҳажмини кўпайтириш заҳираларини қидириб топишга асосланган.

Муҳокама учун саволлар

1. Сизнингча, тижорат банкининг ликвидлиги ва тўлов қобилияти тушунчалари бир хилми? Ўз нуқтаи назарингизни асосланг.

2. Сизнингча, банк ликвидлиги, банк баланснинг ликвидлиги ва банк тизимининг ликвидлиги тушунчалари ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

3. Сизнингча, банкнинг ликвидлигини баҳолаш воситалари қайси йўналишларда ривожланиши лозим?

4. Жаҳон молиявий инқирози шароитида кредит ташкилотларининг ликвидлигини баҳолаш тизимида қандай камчиликлар пайдо бўлди?

5. Тижорат банкларининг қайта молиялаш тизимини ривожлантириш ҳақида қандай фикрдасиз?

6. Ушбу бобда муҳокама қилинган ликвидлик омилларидан қайси бири банк ликвидлигини баҳолашда ҳисобга олинмайди?

7. Тижорат банкининг ликвидлигини баҳолаш ва таҳлил қилишда унга таъсир қилувчи омиллар тўпламидан фойдаланиш имконияти тўғрисида ўз нуқтаи назарингизни асосланг.

8. Тижорат банкининг ликвидлигини баҳолаш усуллари ўртасида қандай боғлиқлик бор ва уларнинг ҳар бири ликвидлик ҳолатининг қайси жиҳатларини очиқ беради?

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ ГЛОССАРИЙ

Айирбошлаш – муайян миқдордаги неъматларнинг бир субъектдан бошқа бир субъект ихтиёрига ўтиш жараёни.

Айирбошлаш тенгламаси - номинал даромадни пул миқдори билан боғлайдиган тенглама.

Активларни бошқариш - рентабелликни ошириш мақсадида кам рискли активларни сотиб олиш ва инвестицияларни диверсификация қилиш.

Актив капитал – асосий капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнида фаол қатнашадиган қисми; одатда машина, механизмлар, асбоб-ускуна кабилар киритилади.

Акция – акционерлик жамияти сармоясига қўйилган улушга гувоҳлик қилувчи, унинг эгасига улушига мувофиқ фойданинг маълум бир қисмини олиш ва жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоз.

Андерайтринг - корпорациялар томонидан чиқарилган молиявий воситаларнинг кафолатланган нархларини белгилаш, кейинчалик уларни жамоатчиликка сотиш.

Асосий капитал – капиталнинг кўп йил хизмат қилиб, бир неча ишлаб чиқариш цикли (доиравий айланиши)да қатнашиб, қийматини ишлаб чиқарилаётган товар (хизмат)га аста-секинлик билан ўтказадиган, ишлаб чиқариш жараёнида ўз жисмоний хоссасини ўзгартирмайдиган қисми.

Банк банкротлиги – банкнинг омонатчилар ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларига жавоб бера олмаслик ҳолати.

Банк саросимаси - бир вақтнинг ўзида кўп сонли банкларнинг банкрот бўлиши.

Бартер – бир маҳсулотни маълум бир миқдорий нисбатда бошқа маҳсулотга айирбошлаш.

Бир-бирини тўлдирувчи товарлар – товарлар жуфтлигида бирига нархининг ўсиши, иккинчисига талабнинг камайишига олиб келадиган товарлар.

Битимлар учун пулга талаб – пулни муомала воситаси сифатида ишлатиш учун зарур пул миқдори. Номинал ЯММ ҳажмига тўғри пропорционал.

Бреттон-Вудс тизими - 1945 йилдан 1971 йилгача фаолият юритган халқаро валюта тизимидир. Бу тизимда валюта курслари белгиланади, хорижий давлатлар ва марказий банклар томонидан АҚШ доллари олтинга эркин алмаштирилади.

Валюта – мамлакатнинг миллий пул бирлиги, шу мамлакатнинг миллий бойлиги билан таъминланган.

Валюта бозори - валюта курси шаклланадиган бозор.

Валюта захиралари - Марказий банкнинг хорижий валютада ҳисобланган активлари.

Валюта интервенцияси - Марказий банк валюта курсига таъсир ўтказиш мақсадида валютани сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланадиган халқаро молиявий операциялар.

Валюта курси – миллий валютанинг чет эл валютаси бирлигида ифодаланиши.

Валютанинг конвертацияланиши – мамлакат валютасини (миллий пул бирлигининг) чет эл валютасига алмаштирилишини ташкил этувчи операциялар.

Гипотеза – ишончли назария бўлиши учун тажрибада синаш ва назарий жиҳатдан асослаб бериш лозим бўлган, муайян ҳодисанинг юз бериши сабабларини изоҳлаш учун илгари сурилган илмий тахмин.

Гиперинфляция - инфляция жуда юқори ўсиш суръатларида тавсифланади, унинг даражаси йилига бир неча юз фоиздан ошиши мумкин

Грешам қонуни - пулга қараганда бошқа бирон-бир аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай пул турининг муомаладан аста-секин чиқиб кетиши ҳақидаги қонун.

Давлат бюджети – давлатнинг ўз вазифаларини бажаришини молиявий таъминлаш мақсадида пул маблағларини тўплаш (даромадлар) ва сарфлаш (харажатлар)нинг баланси.

Даромад – маълум бир вақт (йил) оралиғи(йил)да ЯИМнинг омиллар улушига кўра тақсимланиши натижасида олинган, шахсий истеъмол ва турли неъматлар (товар ва хизматлар) сотиб олишга мўлжалланган пул маблағлари суммаси.

Даромадларнинг функционал тақсимланиши – жамиятнинг пул даромадини, қандай омил улуши эвазига олингани ва бажарадиган функциялари асосида тақсимланиши: иш ҳақи, рента, фоиз, фойда.

Даромаднинг шахсий тақсимланиши – жамиятнинг пул даромадини алоҳида оилалар, шахслар ўртасида тақсимланиши.

Девалвация – энг паст даражада валюта қийматини расмий равишда белгилаш.

Демпинг – бошқа мамлакатларда товарларнинг таннархидан (сарфланган ўртача харажатлардан) паст нархда сотиш.

Диверсификация – кўп сонли рискли активларга инвестицияларнинг киритилиши.

Динамик иқтисодий мувозанат – ўзгарувчанликка асосланган, барқарор ривожланишни таъминлайдиган мувозанат.

Дисконт ойнаси - Марказий банкнинг инструменти бўлиб, мазкур инструмент доирасида фоиз ставкаси бўйича кредитлар ажратилади.

Дисконт ставкаси – Марказий банк томонидан тижорат банклари учун кредитлар бўйича ўрнатилган фоиз ставкаси.

Жамғарма функцияси – жамғарма ҳажми билан (бошқа шароитлар тенг бўлган ҳолда) шахс ихтиёридаги даромад ўртасидаги боғланишни кўрсатади.

Жаҳон бозори – меҳнат тақсимоти орқали бир-бирига боғланган турли мамлакатлар ўртасида барқарор айирбошлаш алоқалари ва уларни маълум тартиблар асосида амалга ошириладиган жой. Ўзига хос хусусиятларига кўра миллий бозордан фарқ қилади.

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви – жаҳон хўжалигининг ягона товар ва хизматлар, капитал, иш кучи ва интеллектуал бозори, мамлакат миллий иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётининг бир

қисми сифатида намоён бўлиши.

Ижтимоий-иқтисодий тизим – жамиятдаги турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алоқалар, жараёнларни бир бутун ҳолда, муайян тарзда таркиб топиши ва тартибга солинишини ифодалайди.

Ижтимоий сиёсат – давлатнинг инсоннинг самарали ижтимоий ҳимоясини шакллантириш ва камол топишига имкон яратишга қаратилган сиёсати (чора-тадбирлар кўриши).

Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар – жамиятнинг ҳаёт кечириши, ривожланиши учун зарур иқтисодий неъматлар, яъни турли маҳсулот ва хизматлар мажмуига бўлган зарурият.

Иккиламчи захиралар - банклар томонидан сақланадиган ҳукумат ва давлат органларининг қисқа муддатли қимматли қоғозлари.

Импорт қилинган инфляция – мамлакатга чет эл валюта-сининг кириб келиши, миллий валютани паст курси ва импорт қилинаётган товарлар нархини ўсиши.

Импорт самараси – мамлакатнинг соф экспорти ҳажмининг мамлакат ичида ва четдаги нарх даражаси ва уларнинг нисбатига боғлиқлиги.

Инсон капитали – одамлар йиллар давомида тўплаган билим, малака, тажриба тарзида бўлиб, уни эгасидан ажратиб бўлмайди.

Интенсив иқтисодий ўсиш – ресурсларини тежаб-тергаб ишлатиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига иқтисодий ўсиш.

Инфляция – муомалада пул таклифининг талабга нисбатан ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши оқибатида, пулнинг харид қувватининг пасайиши, пулнинг обрўсизланиши. У нарх индексининг кўтарилишида ифодаланади.

Истеъмол – ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш, эҳтиёжни қондириш жараёни;

Истеъмол функцияси – истеъмол харажатлари билан шахс ихтиёридаги даромад ўртасидаги боғланишни ифодалайди.

Иш ҳақи – ЯИМдаги меҳнат омилининг улуши, бажарилган ишга қараб тўланадиган ҳақ. Меҳнат бозоридаги иш кучига талаб ва таклифнинг мувозанатига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш - инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган неъматлар яратиш жараёни.

Ишлаб чиқариш имконияти чегараси - мавжуд иқтисодий ресурслардан тўла фойдаланиш эвазига энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи - мавжуд ресурслардан тўла фойдаланиш эвазига турли комбинацияларда энг кўп маҳсулот ишлаб чиқаришнинг графикда ифодаланиши.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати (Хекшер-Олин) назарияси - халқаро савдо йўналиши ишлаб чиқариш омилларининг қиёсий нархларига нисбатан шаклланишини асословчи назария.

Ишлаб чиқариш функцияси – ишлаб чиқариш омилларининг ҳар қандай тўплами билан шу омиллар ёрдамида энг юқори имконият даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги боғланишни ифодаловчи функция.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва ялпи харажатларни таққослаш методи – ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини ялпи харажатлар, миллий маҳсулотга тенг бўлган реал соф миллий маҳсулот ҳажмини аниқлаш орқали ҳисобланадиган усул.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг монетар моделига кўра – Кейнсчиликда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви энг кам даражада, муомаладаги пул миқдорини тартибга солиш доирасида бўлиши зарур. Бу нарх даражаси муомаладаги пул миқдорига боғлиқ, деган фикрни илгари сурувчи ва монетар қоидага асосланувчи концепция.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг кейнсча моделига кўра – бозор ўз-ўзича иқтисодиётни самарали тартибга сола олмайди, ресурслардан тўла фойдаланишни амалга ошира олмайди. Шунинг учун бу давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви (солиқ- бюджет ва пул-кредит сиёсати) орқалигина қўйилган мақсадга эришиш

мумкинлиги тўғрисидаги концепция.

Иқтисодиётни тартибланишнинг бевосита усуллари – Давлатнинг иқтисодиётни тўғридан-тўғри аралашувига асосланган восита ва дастурлар орқали тартибга солиши.

Иқтисодиётни тартибга солиш – макроиқтисодий нисбатларнинг бир-бирига мос ҳолда ривожланиб бориши, ундаги турли бўғинлар фаолиятини бир-бирига боғлиқ ҳолда мувозанатлашувига эришиш.

Иқтисодий ёки зиммадаги харажатлар - танланган ресурсларни энг маъқбул ишлатиш, ўзгалар ишлатишига йўл қўймай, уларни сотиб олиш учун ресурслар эгасига тўланган ҳақ.

Иқтисодий категория – жамият иқтисодий ҳаётининг энг муҳим томонларини ифодаловчи иқтисодий воқеликнинг илмий ифодаси.

Иқтисодий қонунлар – иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғланиш, иқтисодий заруриятни тақозо этувчи, сабаб-оқибат, сифат ва миқдор боғланишлари бўлиб, индивид ва институтларнинг хатти-ҳаракати, танлаш сабаблари ва мотивларини умумлаштирган ҳолда характерлаб берилиши.

Иқтисодий ресурслар – турли эҳтиёжларни қондирадиган неъматлар ишлаб чиқариш учун зарур барча воситалар ва меҳнатга лаёқатли кишилар.

Иқтисодий самарадорлик – иқтисодий харажатлар эвазига эришилган натижа.

Иқтисодий фаолият – инсоннинг эҳтиёжини қондириш, яъни тирикчилик, ҳаёт кечиришини таъминлашнинг восита ва усуллари мажмуи.

Иқтисодий ўсиш – маълум бир вақт (йил) мобайнида реал ялпи ички маҳсулот (ёки ЯММ), соф миллий маҳсулот ҳажмининг ортиб, сифат таркибининг ўзгариб бориши.

Иқтисодий ўсиш суръати – жорий йилдаги ялпи ички маҳсулот (ЯММ)нинг ўтган йилга ёки базис йилдаги ЯИМ нисбати орқали ифодаланувчи кўрсаткич.

Иқтисодий ўсиш моделлари – ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш йўллари кўрсатувчи андозалар.

Иқтисодий фойда – умумий тушум билан иқтисодий харajatлар ўртасидаги фарқ.

Иқтисодий цикл – иқтисодиётда юксалишнинг инқирозбилан алмашилиб ва унинг такрорланиб туриши.

Инқироз– циклнинг қисқариши ёки ишлаб чиқариш ҳажмини, иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиш фазаси.

Концепция – қарашлар, фикр юритиш, дунёни англаш усуллари.

Кредит – иқтисодий категория, вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган маблағларни бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар.

Кредит бериш тамойиллари – кредит беришнинг қонун-қоидалари ва банк томонидан мижозларга қўйиладиган шартларнинг назарий мазмуни.

Кредит механизми – иқтисодий механизмнинг таркибий қисми бўлиб, ўз ичига кредитлаш шароитлари, усуллари, кредитни бошқариш тартибини олади.

Кредит rischi - қарз олувчи томонидан олинган кредитларни тўламаслиги натижасида юзага келадиган риск.

Кредит эмиссияси – банклар томонидан ссуда бериш, янги чек ҳисобларини очиш, нақд пулсиз чеклар ёрдамида ёки бошқа йўллар билан мамлакатнинг пул массасини кўпайтириш.

Кўшилган қиймат – бу ҳар бир корхона, фирма томонидан яратилган маҳсулотнинг бозор нархида ифодаланган ҳажми бўлиб, ундан сотиб олиб ишлатилган хом ашё, материаллар чегириб ташланади.

Лаффер эгри чизиғи – солиқ ставкаси (0 дан 100% гача) билан бюджетга тушадиган солиқ тушуми ўртасидаги боғланишни ифодалайди, солиқ ставкасининг қайси миқдорида солиқ тушуми энг

юқори даражада бўлишини кўрсатади.

Лернер индекси – монополия ҳукмронлиги даражасини кўрсатувчи иқтисодий кўрсаткич.

Ликвидлилик - молиявий активларнинг нақд пулларга осон ва тез айланиши имконияти.

Ликвидлиликни афзал кўриш модели – пулга бўлган талаб ва таклифни таҳлил қилиш асосида фоиз ставкаларининг мувозанат даражасини башорат қилиш учун ишлаб чиқилган модель.

Ликвидлиликни бошқариш - банкнинг кредиторлар олдидаги молиявий ва қарз мажбуриятларини бажариш имкониятини таъминлаш учун ликвидли активларнинг зарур ҳажмини шакллантириш бўйича банк томонидан қабул қилинадиган қарорлар.

Лоренц эгри чизиғи – аҳоли даромадининг тенгсизлигининг график тасвири.

Мажбурий захиралар – тижорат банклари депозитларининг қондаси бўйича мажбурий захиралар меъёрига мувофиқ Марказий банкда сақланадиган қисми.

Мажбурий захира меъёри – Марказий банк тасарруфидаги банклар учун белгиланадиган, лекин тижорат ва махсус банкларнинг мулки бўлган қисми. Банкнинг мажбурий захирасиунинг муддатсиз омонатлари бўйича мажбуриятларига нисбати тарзида белгиланади.

Макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсча модели – ялпи сарфлар билан нархлар ўзгармас даражасидаги реал ЯИМ ўрта-сидаги ўзаро боғланишни ифодаловчи модель.

Меъерий унумдорлик (даромад)ни пасайиш қонуни – бир омилнинг ўзгариши ва қолганлари ўзгармагани ҳолда маълум чегарадан сўнг ҳар бир қўшимча сарфланган омил аввалгисига нисбатан камроқ унум(даромад) олиб келишини ифодалайди.

Микромолия – фирма, корхона, ташкилот, муассаса, жамоат, уй хўжалиги (хонадон) молияси.

Миллий бойлик – тараққиёт асоси бўлиб, мамлакат ихтиёридаги меҳнат туфайли яратилиб жамғарилган моддий

неъматлар, олтин, чет эл валюталари, номоддий активлар ва қадриятлар, ҳисобга олинган ва хўжалик айланмасига жалб этилган ер ва табиий ресурслардан иборат.

Миллий даромад – йил давомида жамиятнинг соф «ишлаб топган даромади»дир. Соф ички маҳсулотдан чет элда ишлаб чиқариш омиллари эвазига яратилган соф даромад ва бизнесга эгри солиқларни айириб топилади ёки СММдан бизнесга эгри солиқлар чегириб ташланади.

Миллий иқтисодиёт – мамлакат миқёсида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган, меҳнат тақсимоти орқали ўзаро боғлиқ бўғинлар, тармоқлардан ташкил топган мураккаб хўжалик тизими.

Миллий иқтисодиётнинг таркиби – мамлакатда мавжуд иқтисодий ресурслар ва меҳнат тақсимоти асосида шаклланган ишлаб чиқариш ва ЯИМнинг таркиби (тузилиши).

Миллий ҳисоб тизими – иқтисодиётдаги фаолият натижаларини аниқлаш усуллари мажмуи бўлиб, иккиёқлама ёзувга асосланган, даромад, харажатлар оқимини ифодаловчи жадваллар тўплами. Микромиқёсда бухгалтерия тизими қандай роль ўйнаса, макромиқёсда МҲТ шундай аҳамиятга эга.

Моддий буюмлашган бойлик – мамлакатнинг асосий, айланма капитал, моддий захиралар, аҳолининг мол-мулки, табиий бойликлари, тарихий обидалар, архитектура ёдгорликларида ифодаланган бойлик.

Молия бозори – субъектлар ўртасида молиявий активларни айирбошлаш, олди-сотди қилиш борасида амалга ошириладиган тартиблар.

Молия институтлари – молия муносабатларини амалга оширувчи, тартибга солувчи, молия инфратузилмасини ташкил этувчи турли муассаса ва давлат ташкилотлари.

Молиявий инқироз - молиявий бозорларнинг қулаши, молиявий активлар нархининг кескин пасайиши ва кўплаб фирмаларнинг банкрот бўлиши.

Молия механизми – молиявий муносабатлар (алоқалар), молиявий ресурсларни шакллантириш ва ишлатишни таъминловчи барча воситалар мажмуи.

Молия муносабатлари – пул маблағлари фондларини ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш натижасида рўй берадиган муносабатлар. Улар ЯММ, миллий бойликни тақсимлаш, ишлатиш жараёнида вужудга келади.

Молия тизими – жамиятдаги турли-туман молия муносабатларининг мажмуи ва бу муносабатларни тартибга солувчи молия механизми ва молия институтлари яхлитлигидан иборат.

Молиявий ресурслар – муайян мақсадга қаратилган пул фондлари.

Молиявий саросималик – миждозларнинг омонатга қўйган пулларини сўраган вақтларида олишга уринишлари, қарздорларда эса талаб қилинган миқдорда пулнинг йўқлиги туфайли келиб чиқадиган вазият.

Молиявий сиёсат – давлат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этиб, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун ресурсларни тўғри ташкил этиш ва ундан унумли фойдаланиш борасидаги стратегик ва тактик чора-тадбирлар белгилаш ва уларни амалга ошириш.

Молиянинг вазифалари – молиянинг моҳиятини ўзгартира олмайди, лекин хўжалик юритувчи субъект фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Уларга мисол қилиб: рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя, иқтисодий ахборот ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Молиянинг функцияси – молия моҳиятининг хўжалик фаолиятида аниқ кўриниши, унинг ташқи ифодасидир. У тақсимлаш ва назоратдан иборат.

Монетар назария - пул массаси ҳажмининг ўзгаришини иқтисодий фаолиятдаги ўзгаришлар билан боғлайдиган назария.

Монетар қоида – монетаризм тарафдорлари томониданилгари сурилган. Унга кўра муомаладаги пул массаси йилига реал ЯИМ ўсишининг потенциал суръати даражасига тенг миқдорда ўсиши

керак. Пул массаси барқарор 3-5% ўсиши зарур.

Монетар сиёсат – Марказий банк томонидан мамлакатда тўла бандлик ва миллий ишлаб чиқаришнинг ноинфляцион ўсиш суратини таъминловчи пул таклифини ўзгартириш.

Муддатли депозитлар - шартномада белгиланган муддат тугагандан сўнг банклардан жаримасиз олинадиган фоизли омонатлар ва унга ҳисобланган фоизли маблағлар.

Нарх паритети – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи ўзгаришининг тармоқда ишлатиладиган саноат товарлари ва хизматлари нархининг ўзгариши билан таққосланиши. Одатда у паритет индекси орқали ифодаланади.

Нарх – товарлар ва хизматларнинг нафлилигини баҳолаш воситаси бўлиб, унга тўланадиган пул миқдорини ифодалайди.

Нарх бўйича рахнома – олигополистик бозордаги етакчи фирма, қайсики унинг нархни кўтариши ёки туширишига қараб, бошқалар унга эргашади.

Нарх механизми – нархларнинг ташкил топиши, яъни товар, хизматларга тўланадиган пул миқдорини белгилаш қоидалари, усулларини ўз ичига олади.

Нарх шаклланишининг бозор механизми – бозор ва унинг аниқ шаклидан қатъий назар талаб ва таклифнинг нисбати ва рақобат асосида яъни бозордаги вазиятга кўра нархнинг шаклланиши.

Нарх турлари – бозор иқтисодиёти шароитида бир-бирини тақозо этувчи турли мақсадларда қўлланувчи, турли вазифаларни бажарувчи нархлар мажмуига турли жиҳатдан ёндашиб, гуруҳларга бўлиниши.

Натурал хўжалик – маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хўжалик юритишнинг ёпиқ шакли.

Нафлилик – харидорнинг ўз эҳтиёжини қондириш, неъматни истеъмол қилишдан оладиган қониқиши.

Номинал даромад – маълум вақт давомида аҳоли томонидан олинган пул шаклидаги даромад.

Номинал иш ҳақи – пул шаклида олинган иш ҳақи.

Номинал ЯИМ – мавжуд бозор нархлари бўйича ҳисобланган ялпи ички маҳсулот.

Номоддий бойлик – аҳолининг саломатлиги, маданий-маънавий, интеллектуал салоҳияти, тўплаган билими, малака, маҳоратида ифодаланган бойлик.

Нормал фойда – тадбиркорлик қобилиятини ишга солишнинг альтернатив қиймати.

Нуфуз қонуни - аҳолининг табиий ўсиши билан улар эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси ўртасидаги боғланиш. Томас Мальтус томонидан аҳолининг қашшоқ яшашига сабаб, унинг ўсиши геометрик прогрессия, яшаш учун зарур неъматларни ишлаб чиқариш арифметик прогрессия асосида ўсиши туфайли, деб изоҳланган.

Очиқ бозордаги операциялар – Марказий банк томонидан бозорда давлат қиммат баҳо қоғозларини сотиш ва сотиб олиш.

Олтин стандарт - нақд пулнинг олтинга тўғридан-тўғри алмаштириладиган тартиботи.

Ортиқча захиралар - талаб қилинган захирадан ортиқ захиралар.

Пассив капитал – асосий капиталнинг фаолият юритиш учун шароит яратувчи, анча узоқ хизмат қилувчи, ишлаб чиқаришда пассив қатнашувчи қисми.

Пул агрегатлари – Марказий банк томонидан ишлатиладиган пул таклифи ҳажмининг турлича кўрсаткичлари (M1, M2, M3, L).

Пул базаси – муомаладаги нақд пуллар ва захиралар бўйича Марказий банк ва Ғазначиликнинг пул мажбуриятлари йиғиндиси.

Пул бозори – молия бозорининг таркибий қисми бўлиб, пулга талаб ва таклиф асосида умумий фоиз даражаси, зарурий ва таклиф этилаётган пулнинг мувозанатли ҳажмини белгиловчи бозор. Унда фақат қисқа муддатли қарз маблағлари (муддати бир йилдан кам бўлган) савдоси амалга оширилади.

Пул-кредит сиёсати - пул массаси билан фоиз ставкаларини

бошқариш сиёсати.

Пул массаси – нақд пул ва нақд пулга айлантириш имконияти турлича бўлган нақд бўлмаган пуллар, квази пуллар, қимматли қоғозлар.

Пул мултипликатори - пул таклифи миқдорининг ўзгаришини пул базасининг ўзгариши билан боғлайдиган коэффициент.

Пул муомаласи – пулнинг хўжалик айланмасида доимо ҳаракатда бўлиб, ўз функцияларини тўлақонлик бажариши.

Пул муомаласи қонуни – муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори билан яратилган ЯММ ёки барча сотиладиган товарлар ва хизматлар нархининг жами суммасига тўғри, пул айланиши тезлигига тесқари мутаносиб боғланиш.

Пул тизими – мазкур мамлакатнинг пул муомаласини қонуний асосда ташкил этиш тартиби, усуллари, уларга хизмат қилиш муассасалари.

Пул жамғармаси – кишилар жамғарма (молиявий активларнинг пул шаклидаги ҳажми) сифатида сақлаш учун зарур пул миқдори, фоиз ставкасига тесқари мутаносибликда ўзгаради.

Пулга талаб – фирма, корхона, уй хўжалигининг муомала, яъни, олди-сотди битимлари ва захирада сақлаётган пул маблағлари ҳажми.

Пулнинг айланиш тезлиги – йил давомида пул бирлигининг товар ва хизматларни сотиб олиш учун неча марта ишлатилишини ифодаловчи кўрсаткич.

Пулнинг миқдорий назарияси - номинал даромадлар фақат пул миқдори (пул массаси ҳажми)нинг тебранишларини аниқлайдиган назария.

Рақобат – иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларидан келиб чиқиб юқори даромад олиш имконига, нуфузли мавқега эга бўлиш учун бошқалар билан беллашуви, кураши.

Реал даромад – маълум бир вақт (йил) оралиғида номинал даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори. Уларнинг миқдори эса солиқлар, нарх, номинал даромадга боғлиқ.

Реал иқтисодий мувозанат – иқтисодиётдаги номукаммал рақобат шароитида ташқи омилларнинг таъсири, турли чекланишлар мавжудлиги, иқтисодиётга таъсир қиладиган кучлар туфайли ўрнатиладиган мувозанат.

Реал иш ҳақи – пул шаклида олинган иш ҳақининг сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдорида ифодаланиши.

Реал фоиз ставкаси - нархлар даражасининг кутилаётган ўзгариши учун тузатилган фоиз ставкаси. У қарз олишнинг ҳақиқий харажатларини янада тўғри акс эттиради.

Реал ЯИМ – нарх ўзгаришини назарда тутган ҳолда ҳисобланган ялпи миллий маҳсулот. Реал маҳсулот ҳисобланганда нархлар индекси қўлланилади. $\text{Реал ЯИМ} = \text{Номинал ялпи ички маҳсулот} / \text{Нарх индекси}$.

Ревальвация - валюталар номинал қийматининг ошиши.

Рецессия - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиш даври.

Риск - бу активларнинг рентабеллиги билан боғлиқ бўлган ноаниқлик даражаси.

Самарадорлик – сарфланган ресурслар билан олинган натижаларнинг таққосланишини ифодаловчи кўрсаткич. Одатда у ишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқариш натижаси (маҳсулот)га нисбати тарзида ҳисобланади.

Секьюритизация - ликвидли молиявий активларни капитал бозори воситаларига айлантириш жараёни.

Сиқиб чиқариш самараси – бозорда давлат қимматбаҳо қоғозларининг кўпайиши туфайли, унинг улуши ортиб, бошқаларнинг сиқиб чиқарилиши натижасида инвестицияларни молиялашти-ришнинг умумий шароити ёмонлашуви.

Солиқ – корхона (ташкилот) ва фуқаролар даромадидан қонуний тартибда, белгиланган миқдор ва муддатларда бюджет фондини шакллантириш мақсадида давлат ихтиёрига олинадиган пул маблағлари.

Соф миллий маҳсулот – жорий йилда янгидан яратилган маҳсулот бўлиб ЯИМдан амортизация ажратмаларини айириб топи-

лади ёки ЯИМдан амортизация, чет эл ишлаб чиқариш омиллари эвазига яратилган соф даромад айирилади.

Суғурта – молиявий муносабатларнинг ўзига хос тури бўлиб, фавқулодда рўй бериши мумкин бўлган турли йўқотишларнинг ўрнини қоплаш учун яратилган маҳсулотнинг маълум бир қисмидан махсус пул фондини ташкил этиш, уни тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан қарор топадиган муносабатлар.

Тадбиркорлик – риск қилган ҳолда, маблағларни самарали сарфлаб, ишлаб чиқариш омиллариининг энг оптимал нисбатини топиб ишга тушириш эвазига даромад, фойда олишга қаратилган, инсонларга наф келтирувчи, иқтисодий фаолият юритиш.

Таклиф – бозорда мавжуд ёки бозорга олиб келиниши мумкин бўлган товар ва хизматлар.

Таклиф қонуни – нархлар билан сотиладиган товарлар миқдорининг тўғридан-тўғри, сабаб-оқибатли, функционал боғланиши.

Таклиф эгри чизиғи – маълум бир вақт давомида турлича нархлар бўйича сотувчиларнинг сотиши мумкин бўлган товар ва хизматлари миқдорининг графикда ифодаланиши.

Таклиф эгилувчанлиги – нархнинг ўзгариши ишлаб чиқарувчи (сотувчи)ларга қандай таъсир қилиши, яъни уларнинг нархларга таъсирчанлигини ифодаловчи кўрсаткич.

Тақсимот – хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ресурсларни, ишлаб чиқариш омиллариининг эгалари ўртасида эса яратилган маҳсулотнинг тақсимланишини ифодаловчи жараён.

Талаб – пул маблағлари билан таъминланган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлиши ёки тўлов қобилиятига эга эҳтиёж.

Талаб ва таклиф мувозанати – харидор сотиб олмоқчи бўлган товар миқдори билан ишлаб чиқарувчилар томонидан сотиладиган товар миқдорининг тенглиги

Талаб инфляцияси - ҳукумат сиёсати натижасида юзага келадиган ва умумий талабнинг эгри чизиғини ўзгартирадиган инфляция.

Талаб қонуни – товар нархлари билан талаб миқдорини тес-

кари нисбатда сабаб-оқибатли, функционал боғланиши.

Талаб миқдорининг ўзгариши – талаб миқдори(ҳажми)нинг талаб эгри чизиғи бўйича нархнинг ўзгаришига қараб силжиши.

Талаб эгри чизиғи – маълум бир вақт мобайнида турли нархлар бўйича харидорларнинг сотиб олиши мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорининг график орқали ифодаланиши.

Талаб эгилувчанлиги – харидорга нархнинг ўзгариши қандай таъсир қилишини, яъни нархнинг 1%га ўзгариши сотиб олинadиган товар миқдорини қанчага ўзгаришини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткич.

Тамойил – фаолият учун асос қилиб олинadиган қонун-қоида, нуқтаи назар, қарашлар.

Таркибий ўзгаришлар – миллий иқтисодиётни модернизация қилиш асосида тармоқлар, ҳудудлар ва бошқа иқтисодий бирликлар ҳиссасини ўзгартириш.

Ташқи харажатлар – четдан жалб этилган иқтисодий ресурслар учун тўланган пул маблағлари.

Тизимли риск - бу диверсификация қилиш йўли билан бартараф этилмайдиган молиявий активлар хавфининг ажралмас қисми.

Товар - инсоннинг бирор-бир эҳтиёжини қондириб, айирбошлаш (сотиш) учун ишлаб чиқарилган неъмат.

Товар хўжалиги – товар ишлаб чиқаришга асосланган, ишлаб чиқариш билан истеъмол бозор орқали боғланадиган хўжалик юртиш шакли.

Трансакционал депозитлар - тўлов шаклида операцияларни амалга ошириш учун чеклар ёки электрон пул ўтказмаларидан фойдаланган ҳолда бошқа шахсларга ўтказиладиган депозитлар.

Трансакцион харажатлар - молиявий активларни, товарларни ёки хизматларни алмаштиришга сарфланган пуллар.

Трансмиллий корпорациялар – жаҳон хўжалиги доирасида бир ёки бир неча соҳада ҳукмронлик қилувчи, капитали миллий, ҳукмронлик қилиш доираси халқаро корпорациялар.

Тўлов баланси – маълум вақт (йил) мобайнида мамлакатнинг барча турдаги иқтисодий алоқалари, экспорти ва импорти, уларнинг нисбатини акс эттирувчи иқтисодий мувозанат.

Тўлов тизими - мамлакатда тўлов операцияларини амалга ошириш усули.

Узоқ муддатли цикл – узоқ вақт давомида ишлаб чиқариш ҳажмининг мутлоқ миқдори пасайиши, иқтисодий ўсиш суръатини тезлашуви ва секинлашувининг алмашиб туришининг узоқ муддатли тамойили тарзида юз берувчи цикл.

Уклад – кишининг ҳаёт кечириши, хўжалик юритиш принципида ўрнатилган ёки жорий қилинадиган тартиб.

Уй хўжалиги – бир ёки бир неча кишидан иборат оила, иқтисодиётни ресурслар билан таъминловчи ва яратилган маҳсулотлар истеъмолчиси бўлган иқтисодий бирлик.

Умумий ёки макроиқтисодий мувозанат – жамият эҳтиёжлари, уни қондириш имкониятлари (ресурслари) ва ишлаб чиқариш натижаларининг мос келиши.

Умумий харажатлар – маълум миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган доимий ва ўзгарувчан харажатлар бошқача айтганда барча иқтисодий ресурс харажатлари.

Флоут - кечиктирилган тўловлардан айириб ташлагандан сўнг қоладиган нақд пуллар.

Федерал захира тизими - АҚШ банк тизимининг пул-кредит сиёсатини олиб бориш учун масъул бўлган марказий органи.

Фоиз ставкаси самараси – нархлар даражаси ўзгариши туфайли пулга талабнинг ва ўз навбатида фоиз ставкасини ўзгаришига олиб келиши ва унинг оқибатида ялпи сарфлар умумий даражасини ўзгариши.

Фишер эффекти - инфляцион кутилмаларнинг ошиши натижасида юзага келадиган фоиз ставкаларининг ўсиши тўғрисидаги хулоса.

Функционал таҳлил – функционал боғланиш, яъни бир миқдорнинг ўзгаришига қараб бошқа миқдорнинг ўзгариши ўртасидаги

боғланиш асосида иқтисодий таҳлил этиш.

Халқаро савдо – мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқалари, товар айланмаси ҳажми билан ифодаланади.

Харажатлар механизми - ишлаб чиқариш (сотиш) учун қилинган харажатларни қоплаш ва маълум миқдорда фойда олишни таъминлайдиган тарзда нарх белгилаш.

Харажатлар инфляцияси - ишчиларнинг иш берувчиларга иш ҳақини оширишга бўлган тазйиқи натижасида ҳосил бўлган инфляция.

Харид қуввати паритети – мамлакатда турли валюталарнинг бирлигига сотиб олиниши мумкин бўлган товар – хизматлар миқдори.

Хеджирлаш - рисклардан ҳимояланиш имконияти.

Шахсий даромад - бу шахсга тегишли даромад, яъни фаолият юритиб топилган даромад. Миллий даромаддан ижтимоий тўловлар, фойдадан солиқ, тақсимланмаган фойдани айириб, трансферт тўловларини қўшиб топамиз.

Экспорт – мамлакатдан четга чиқарилган товарлар миқдори (қиймат ўлчовида).

Экспорт бўйича ихтисослашув коэффиценти – мамлакатнинг жаҳон экспортида қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашувини ифодаловчи кўрсаткич.

Экспорт квотаси – ҳар бир мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларда қатнашувини ифодаловчи кўрсаткич. Йил давомида четга чиқарилган товар ва хизматларнинг ЯИМга нисбати бўйича ҳисобланади.

Экстенсив иқтисодий ўсиш – қўшимча ишлаб чиқариш ресурсларини жалб этиш эвазига эришилган иқтисодий ўсиш.

Эҳтиёж – инсоннинг яшаши, камол топиши, жамиятда маълум мавқега эга бўлиши учун ҳаётини неъматларга бўлган объектив зарурият.

Юксалиш – циклнинг тўла бандликка, ЯИМни потенциал даражасига яқинлашиш, ҳатто ундан ошиб кетиши, нархларни

ўсиши кузатиладиган, иқтисодий фаоллик юқори даражасидаги фазаси.

Ялпи инвестициялар – соф инвестиция билан модернизация (ёки эскирган асосий капитални ўрнини тўлдириш) учун йўналтирилган инвестициялар.

Ялпи ички маҳсулот – (ЯИМ) деб, ресурслар манбаидан қатъий назар мамлакат ҳудудида йил давомида яратилган пировард маҳсулотлар бозор қиймати.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – мамлакатнинг ресурслари (ер, иш кучи, капитал, тадбиркорлик) қаерда жойлаштирилишидан қатъи назар, улар эвазига яратилган пировард маҳсулот (олинган даромад)дан иборат.

Ялпи талаб – мамлакатда нархларнинг турли даражасида истеъмолчилар сотиб олишга тайёр товар ва хизматлар ҳажми.

Ялпи таклиф – мамлакатда нархларнинг турли даражасидаги ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми, яъни ишлаб чиқарувчилар таклиф қилиши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг умумий миқдори.

Ялпи таклиф эгри чизиғининг ётиқ ёки Кейнс кесмаси – мамлакатда бўш ресурслар мавжуд, нарх ўзгармагани ҳолда миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини кўпайтириш мумкинлигини кўрсатади.

Ялпи таклиф эгри чизиғининг классик ёки тик кесмаси – мамлакат иқтисодиётида ресурсларнинг тўла бандлигини, талаб ва нархларнинг ўсишидан қатъи назар ишлаб чиқариш реал ҳажмини кўпайтириб бўлмаслигини кўрсатади.

Қисқа муддатли цикл – истеъмол товарларига бўлган бозор талаби ва таклифлари мувозанатининг бузилиши ва тикланиши.

Ҳисоб ставкаси – Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган кредит ставкаси.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни. 1995 йил 21 декабр. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 25 апрел. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 25 апрел. Ўзбекистон Республикасининг молиявий қонунлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й., 27/5 – сонли). – Тошкент, 2021.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й. 27/6 – сонли). – Тошкент, 2021.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакиллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низоми (19.11.2021 й. 27/7 – сонли). – Тошкент, 2021.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низоми (24.12.2020 й. 27/9 – сонли). – Тошкент, 2020.

8. *Каримов И.А.* Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

9. *Каримов И.А.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкет: Ўзбекистон, 2009.

10. *Мирзиёев Ш.М.* Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. – Тошкет: Ўзбекистон, 2022.

11. *Абдуллаев А.Я.* Ўзбекистонда банк ликвидлигини таъминлашнинг илмий-назарий ва услубий жиҳатлари. – Самарқанд: STAR – SELMЧЖ нашриёти, 2023.

12. *Абдуллаев А.Я.* Пул ва банклар. Ўқув қўлланма. – Жиззах: ЖизПИ нашриёти, 2021.

13. *Абдуллаев А.Я.* Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини ошириш: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент: Фан ва технология, 2017.

14. Банковское дело: Учебное пособие / *У. Азизов и др.* – Т.: Иқтисод-молия, 2018.

15. *Бобакулов Т.И.* Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент: Фан ва технология, 2007.

16. *Долан Э.Дж., Кэмпбелл К.Д., Кэмпбелл Р.Дж.* Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика: пер. с англ. - Москва: Туран, 1996.

17. *Иванов В.В.* Анализ надежности банка. - Москва: Русская деловая литература, 1996.

18. *Ильясов С.М.* Устойчивость банковской системы. - Москва: ЮНИТИ, 2001.

19. *Каплан Р.С., Нортон Д.П.* Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию. - Москва: Олимп-Бизнес, 2004

16. *Ларионова И.В.* Управление активами и пассивами в коммерческом банке. - Москва: Консалтбанкир, 2003.

17. Материалы Базельского комитета по банковскому надзору. - Москва: Консалтбанкир, 2007.

18. *Панова Г.С.* Анализ финансового состояния коммерческого банка.

- Москва: Финансы и статистики, 1996.
19. *Петров А.Ю., Петрова В.И.* Комплексный анализ финансовой деятельности банка. - Москва: Финансы и статистики, 1997.
20. *Фетисов Г.Г.* Устойчивость банковской системы и методология ее оценки. - Москва: Экономика, 2003.
21. *Фетисов Г.Г.* Устойчивость коммерческого банка и рейтинговые системы ее оценки. - Москва: Финансы и статистики, 1999.
22. Финансово-кредитный энциклопедический словарь // Под ред. *А.И.Грязновой.* - Москва: Финансы и статистика, 2004.
23. *Эдгар М. Морсман - младший.* Управление кредитным портфелем: пер. с англ. - Москва: Альпина Бизнес Букс, 2004.
24. Энциклопедия финансового риск – менеджмента / Под ред. *А.А.Лобанова, А.В. Чугунова.* - Москва: Альпина Пабlishер, 2003.

ИЛОВАЛАР

1 –жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, фоизда⁵³

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Регулятив капиталнинг рискни ҳисобга олган ҳолда активларнинг умумий сумасига нисбати	18,77	15,64	23,52	18,40	17,50
I даражали капиталнинг рискни ҳисобга олган ҳолда активларнинг умумий сумасига нисбати	16,55	14,29	19,57	15,2	14,6
Заҳиралар чегирилган ҳолда ҳаракатсиз кредитлар/жами капитал	2,95	4,27	2,69	3,60	13,2
Ҳаракатсиз кредит- лар/жами капитал	1,20	1,28	1,50	2,10	5,20
Активлар рентабеллиги	1,87	2,05	2,23	2,20	1,30
Капитал рентабеллиги	17,13	16,19	16,73	10,30	6,10
Фоизли маржа/ялпи даромад	32,55	48,42	50,71	54,30	43,70
Фоизсиз харажатлар/ялпи даромад	59,30	54,42	49,54	45,10	45,80
Ликвидли активлар/жами активлар	23,63	13,64	13,89	15,40	16,90
Ликвидли активлар/жами қисқа муддатли мажбу- риятлар	55,65	41,17	40,32	39,90	44,30
Жами капитал/жами активлар	12,41	12,44	18,71	15,90	16,60

⁵³ <https://cbu.uz/uz/statistics/bankstats>

**2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси
банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари
прогнози, фоизда⁵⁴**

Кўрсаткичлар	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	2026 й.
Регулятив капиталнинг рискни ҳисобга олган ҳолда активларнинг умумий сумасига нисбати	23,53	28,21	32,88	37,56	42,23
I даражали капиталнинг рискни ҳисобга олган ҳолда активларнинг умумий сумасига нисбати	19,59	23,48	27,37	31,26	35,15
Захиралар чегирилган ҳолда ҳаракатсиз кредитлар/жами капитал	2,69	3,22	3,76	4,29	4,82
Ҳаракатсиз кредит- лар/жами капитал	1,51	1,80	2,10	2,39	2,69
Активлар рентабеллиги	2,23	2,67	3,11	3,56	4,00
Капитал рентабеллиги	16,72	20,03	23,34	26,65	29,96
Фоизли маржа/ялпи даромад	50,75	60,82	70,89	80,96	91,03
Фоизсиз харажатлар/ялпи даромад	49,46	59,23	68,99	78,76	88,52
Ликвидли активлар/жами активлар	13,83	16,54	19,26	21,98	27,70
Ликвидли активлар/жами қисқа муддатли мажбу- риятлар	40,32	48,29	56,26	64,23	72,20
Жами капитал/жами активлар	18,72	22,44	26,16	29,88	33,60

⁵⁴ Тогаев С.С. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Тошкент, 2022. 24-б

АТ "Алоқа банк"и молиявий ресурслари айланмаси ва таркибининг ҳисоб-китоби⁵⁵

Кўрсаткичлар	Қисқа мудатли		Узоқ мудатли		Жами
	млн.сўм	%	млн.сўм	%	
Давр бошидаги қолдиқ	4928923		353953	<u>28,25</u> 6,70	<u>5282876</u> 40,94
Жалб қилинган маблағлар:					
Депозитга жалб қилинган (сотиб олинган) маблағлар	2485732	<u>21,33</u> 88,20	332558	<u>26,55</u> 11,80	<u>2818290</u> 21,84
МБ ва бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар	2582221	<u>22,16</u> 87,70	362159	<u>28,91</u> 12,30	<u>2944380</u> 22,82
Активлардан қайтиб келиб тушган маблағлар	771653	<u>6,62</u> 86,20	123536	<u>9,86</u> 13,80	<u>895189</u> 6,94
Муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозлар бўйича маблағлар	19640	<u>0,17</u> 89,00	2449	<u>0,19</u> 11,00	<u>22067</u> 0,17
Хусусий капитал	863325	<u>7,41</u> 91,70	78142	<u>6,24</u> 8,30	<u>941167</u> 7,30
Жами кирим (жалб қилинган маблағлар)	11249942	<u>100</u> 87,18	1654327	<u>100</u> 8,82	<u>12904269</u> 100
Жойлаштирилган маблағлар:					
Нақд пуллар	30554	<u>0,65</u> 100,00	0	<u>0,00</u> 0,00	<u>30554</u> 0,41
МБ ва бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар	438443	<u>9,26</u> 87,70	61492	<u>2,30</u> 12,30	<u>499935</u> 12,09
Инвестициялар	19640	<u>0,41</u> 89,00	2427	<u>0,09</u> 11,00	<u>22067</u> 0,30
Активларга жойлаштирилган кредитлар ва бўнақлар	3471757	<u>73,36</u> 58,30	2483229	<u>92,98</u> 41,70	<u>5954986</u> 80,44
Бошқа гуруҳлардан жойлаштирилган маблағлар	771653	<u>16,30</u> 86,20	123536	<u>4,63</u> 13,80	<u>895189</u> 12,09
Бошқа жойлаштирилган маблағлар	686	<u>0,00</u> 88,90	86	<u>0,00</u> 11,10	<u>772</u> 0,01
Жами чиқим (жойлаштирилган маблағлар)	6453701	<u>100</u> 87,18	949030	<u>100</u> 12,82	<u>7402731</u> 100
Давр охиридаги қолдиқ	4796241	<u>100</u> 87,18	705297	<u>100</u> 12,82	<u>5501538</u> 100
Ўртача давр бўйича маблағлар	4700926	<u>36,88</u> 87,18	691281	<u>36,88</u> 12,82	<u>5392207</u> 100

⁵⁵ Абдуллаев А.Я. Ўзбекистонда банк ликвидлигини таъминлашнинг илмий-назарий ва услубий жиҳатлари. – Самарқанд: STAR –SEL МЧЖ нашриёти, 2023.

**АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг агрегат баланси
маълумотлари**

Кўрсаткичлар	Биринчи йил		Иккинчи йил		Фарқи
	млн. сўм	%	млн. сўм	%	
Кассадаги нақд пуллар	508351	12,16	532044	10,05	23693
Қимматли қоғозлар - жами	0	0,00	0	0,00	0
Ҳукумат қимматли қоғозлари	0	0,00	0	0,00	0
Ссудалар – жами	3567857	85,37	4631863	87,47	1064006
Қисқа муддатли ссудалар	597372	14,29	810750	15,31	213378
Узоқ муддатли ссудалар	1757918	42,06	2454622	46,36	696704
Муддати ўтган ссудалар	86577	2,07	106616	2,01	20039
Банк ссудалари	1125990	26,94	1259875	23,79	133885
Бошқа активлар - жами	0	0,00	0	0,00	0
Инвестициялар	646	0,02	456	0,01	-190
Асосий восита ва номоддий актив	63119	1,51	87113	1,65	23994
Бошқа активлар	39102	0,94	43703	0,83	4601
БАЛАНС	4179076	100	5295180	100	1116104
Онколь мажбуриятлар	4343670	10,39	487528	9,21	53161
Талаб қилиб олинган депозитлар	4343670	10,39	487528	9,21	53161
Муддатли мажбуриятлар	3351468	80,20	4366751	82,47	1015283
Муддатли омонатлар ва депозитлар	485350	11,61	647209	12,22	161860
Банк қарзлари	2861119	68,46	3714542	70,15	853423
Муомаладаги қарз мажбуриятлар	5000	0,12	5000	0,09	0
Бошқа мажбуриятлар - жами	8174	0,20	7304	0,14	-870
Кредиторлар	0	0,00	0	0,00	0
Жами мажбуриятлар	3794009	90,79	4861582	91,81	1067573
Хусусий капитал	385066	9,21	433597	8,19	48531
Устав капитали	361675	8,65	397410	7,51	35733
Банкнинг бошқа фондлари	10735	0,26	14460	0,27	3726
Тақсимланмаган фойда	12657	0,30	21727	0,41	9071
БАЛАНС	4179076	100	5295180	100	1116104

Манба: Банк ахборотномаси, № 15 (1090).

АҚШ даги "Фултон" банкининг агрегат баланси маълумотлари

Кўрсаткичлар	Биринчи йил		Иккинчи йил		Фарқи
	минг долл.	%	минг долл.	%	
Кассадаги нақд пуллар	26242	6,68	28294	6,29	2052
Қимматли қоғозлар - жами	11891	3,03	21440	4,76	9549
Ҳукумат қимматли қоғозлари	11891	3,03	21440	4,76	9549
Ссудалар – жами	257547	65,59	296594	65,90	39047
Қисқа муддатли ссудалар	118281	30,12	130725	29,05	12444
Узоқ муддатли ссудалар	75854	20,08	87150	19,36	8296
Муддати ўтган ссудалар	21780	5,55	34230	7,61	12450
Банк ссудалари	38632	9,84	44489	98,89	5857
Бошқа активлар - жами	0	0,00	50	0,01	50
Инвестициялар	81689	20,80	83658	18,59	1969
Асосий восита ва номоддий актив	11198	2,85	14092	3,13	2894
Бошқа активлар	4115	1,05	5920	1,32	1805
БАЛАНС	392682	100	450048	100	57366
Онколь мажбуриятлар	74971	19,09	80735	17,94	5764
Талаб қилиб олинган депозитлар	74971	19,09	80735	17,94	5764
Муддатли мажбуриятлар	276510	70,42	323757	71,94	47247
Муддатли омонатлар ва депозитлар	262031	66,73	294757	65,49	32726
Банк қарзлари	580	0,15	1520	0,34	940
Муомаладаги қарз мажбуриятлар	13899	3,54	27480	6,11	13581
Бошқа мажбуриятлар - жами	11066	2,82	12523	2,78	1457
Кредиторлар	0	0,00	0	0	0
Жами мажбуриятлар	362547	92,33	417015	92,66	54468
Хусусий капитал	30135	7,67	33033	7,34	2898
Устав капитали	5541	1,41	5689	1,26	148
Банкнинг бошқа фондлари	19000	4,84	21000	4,67	2000
Тақсимланмаган фойда	5594	1,42	6344	1,41	750
БАЛАНС	392682	100	450048	100	57366

Манба: АҚШ даги "Фултон" банкининг молиявий ҳисоботи // Роуз Питер С. Банковский менежмент. Пер с англ. Со 2-го изд. – М.; "Дело Лтд", 1995. С. 668.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
I БОБ. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Банкнинг молиявий барқарорлиги ва унинг типлари	9
1.2. Молиявий барқарорлик ва унинг асосий белгилари	19
1.3. Молиявий барқарорликка таъсир этувчи омиллар	33
1.4. Банк тизимининг молиявий барқарорлиги билан кредит ташкилоти молиявий барқарорлигининг ўзаро алоқадорлиги	46
II БОБ. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР	53
2.1. Банкнинг молиявий барқарорлигини тизим сифтида баҳолаш ва унинг элементлари.....	53
2.2. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделлари	59
2.3. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда муҳимлик ва мувозанатлик усуллари	66
2.4. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг асосий босқичлари.....	70
2.5. Банкнинг молиявий барқарорлигини жамлама баҳолаш.....	76
2.6. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг ишончлигини белгиловчи омиллар	81
III БОБ. МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ БАҲОЛАШДА ХОРИЖИЙ МОДЕЛЛАР ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	87
3.1. CAMELS рейтинг тизимининг мазмуни	87
3.2. CAMELS рейтинг тизими асосида хусусий капиталнинг етарлилигини баҳолаш	88
3.3. CAMELS рейтинг тизими асосида активлар сифатини баҳолаш	90
3.4. CAMELS рейтинг тизими асосида банкнинг фойдалилик даражасини баҳолаш	93
3.5. CAMELS рейтинг тизими асосида банкнинг ликвидлигини баҳолаш.....	96
3.6. CAMELS рейтинг тизими асосида банкменжментини баҳолаш	100
3.7. CAMELS рейтинг тизими асосида рискка бўлган сезгирликни баҳолаш.....	103
3.8. Рискка йўналтирилган RATE тизими.....	105

3.9. Статистик моделлар асосида банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш	110
IV БОБ. МАРКАЗИЙ БАНК УСЛУБИЯТИ АСОСИДА БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ	122
4.1. Марказий банкнинг замонавий моделлари асосида банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш.....	122
4.2. Иқтисодий, таҳлилий ва услубий воситалар асосида банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш.....	137
4.3. Банк баланси ва унинг таркибини баҳолаш	138
4.4. Банкнинг хусусий капитали, унинг сифати ва етарлилигини баҳолаш	143
4.5. Банк активларининг сифатини баҳолаш	148
4.6. Банкнинг даромадлилигини баҳолаш	155
4.6. Банкнинг ликвидлилигини баҳолаш	161
4.7. Банк бошқаруви сифатини баҳолаш.....	168
4.8. Банкларни таснифлаш гуруҳлари	171
VI БОБ. БАНК КАПИТАЛНИНГ ЕТАРЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ	175
5.1. Банк капиталининг таркибий тузилиши	175
5.2. Капиталнинг етарлилигини баҳолаш индикаторлари ва таомойиллари.....	182
5.3. Халқаро стандартлар асосида капиталнинг етарлилигини баҳолаш	187
5.4. Капиталнинг етарлилигини баҳолаш	193
5.5. Капиталнинг етарлилигини таҳлил қилиш.....	202
VI БОБ. БАНК ДЕПОЗИТЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН РЕСУРЛАРНИ БАҲОЛАШ	210
6.1. Банк депозитларига жалб қилинган ресурсларни таркибий баҳолаш	210
6.2. Молиявий коэффицентлар асосида депозитларга жалб қилинган ресурслар сифатини баҳолаш	221
6.3. Банк активлари билан молиявий ресурсларнинг муносиблигини баҳолаш.....	225
VII БОБ. БАНКНИНГ АКТИВЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ	229
7.1. Банкнинг активларини баҳолаш усуллари	229
7.2. Банк активларини таҳлил қилишнинг асосий ўнашлишлари ...	237
VIII БОБ. БАНКНИНГ ФОЙДАЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ	251

8.1. Банкнинг фойдалилик даражасини баҳолаш	251
8.2. Банк бўлинмаларининг рентабеллик даражасини баҳолаш....	264
8.3. Банк маҳсулотларининг фойдалилик даражасини баҳолаш ...	270
8.4. Банк билан мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг фойдалилигини баҳолаш.....	275
8.5. Банкнинг рентабеллик даражасини ифодаловчи индикаторлар	277
XI БОБ. БАНКНИНГ ЛИКВИДЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ.....	283
9.1. Банкнинг ликвидлиги билан молиявий барқарорлиги индикаторлари ўртасидаги алоқадорлик	283
9.2. Коэффициентлар усули ёрдамида банкнинг ликвидлик даражасини баҳолаш	285
9.2. GAP ва матрицаусуллари ёрдамида банкнинг ликвидлик даражасини баҳолаш	291
9.3. Банкнинг ликвидлигини молиявий ресурслар айланмаси ва таркибининг таянч модели ёрдамида баҳолаш	299
ГЛОССАРИЙ	314
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	333
ИЛОВАЛАР	336

ПАРДАЕВ О.М., АБДУЛЛАЕВ А.Я.

**БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

ДАРСЛИК

Мухаррир: З.Н. Бободустов

Мусаххих: М.О. Мардиева

Техник муҳаррир: Д. Хамраев

*Дарслик Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Кенгашининг 2023 йил 19 – июндаги 11-сонли қарорига асосан нашр
этишига тавсия этилган.*

“STAP-SEL” MChJ. Nashriyoti, Samarqand - 2023

9244



ISBN: 978-9910-752-10-0

Tasdiqnoma № 033337 (27.07.2022)

Bosishga ruxsat etildi: 16.11. 2023 y.

© “STAP-SEL” MChJ. Nashriyoti, Samarqand 2023 y.

07.12.2023 yilda chop etildi.

Qogʻoz bichimi A5, 60x84¹/₁₆, Ofset qogʻoz.

“Times New Roman” garnituras.

Nashr bosma tabogʻi 21.5

Buyurtma № 0118A. Adadi 100 nusxa


**Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa boʻlimida chop etildi.**

LICENSE № 025316.

REESTR № X-119112.

Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux koʻchasi 60-uy.

ISBN: 978-9910-752-10-0



9 789910 752100